

1986

1

ЁШЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ССР
ЁЗУВЧИЛАР
СОЮЗИ ОРГАНИ

[49]
ЯНВАРЬ

Ойлик
адабий-
бадий,
ижтимоий-
сиёсий
журнал

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редацион коллегия:
Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Улугбек МУСАЕВ,
Фарҳод МУСАЖОНОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул секретарь),
Уриё ЭДЕМОВА,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ

ТОШКЕНТ
«Ёш гвардия» нашриёти

ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ IX СЪЕЗДИ

Ўзбекистон езувчиларининг IX съездига	3
Халқ манфаатларига, коммунизм ишига хизмат қилайлик	3
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. УСМОНХУЖАЕВ нутқи	4
Улмас УМАРБЕКОВ. Адабиёт ва ҳаёт	7
Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи правление-сининг пленуми	12

НАСР



ТУХТАМУРОД РУСТАМОВ. Фаройиб мактуб. Ҳикоя	54
---	----

НАЗМ



ОЙДИН ҲОЖИЕВА	14
ТОҲИР ҚАҲҲОР	41
МИРПУЛАТ МИРЗАЕВ	52
РАВШАН ФАЙЗИЕВ	60

АДАБИЙ ДУСТЛИК — АБАДИЙ ДУСТЛИК



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ. Асрни қаритган кун. Роман	16
---	----

ҚАЛДИРҒОЧ



ВАЛИ БОБОМУРОДОВ. Менинг юз куним. Қисса	47
---	----

ПУБЛИЦИСТИКА



АСҚАД МУХТОР. Ижодий қувонч тилайман	13
ЕҚУБЖОН ХУЖАМБЕРДИЕВ. «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг...»	64
ШОДМОНБЕК ОТАБОВЕВ. Лаҳзалар	71

АДАБИЙ ТАНҚИД



БОТИРХОН АКРАМОВ. Шеърятда сузни қадрлаш санъати	73
---	----

МЕН СИЗНИНГ ЕШИНГИЗДА



ШУКУР БУРҲОНОВ. Ишонаман	58
---	----

КУБА ИНҚИЛОБИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ



АНТонио НУНЬЕС ХИМЕНЕС. «Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлган афзал!»	61
---	----

МУҲАББАТНОМА



ПУШКИН, ҲАМЗА, ОЙБЕК шеърлари	68
--	----

ДУСТЛАРИМИЗ ОВОЗИ



ПЕТР БАРСУКОВ	51
--------------------------------	----

ДОНОЛАР БИСОТИДАН



«Солмағил жонингга захр...»	70
---------------------------------------	----

«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ



ИБРОҲИМ ҚАРИМОВ. Инсон хотираси азиз	69
---	----

ЕЛПИҒИЧ



ИСМОИЛ ОЛЛОБЕРГАНОВ. Хатобойнинг саргузаштлари	77
---	----

УТКИР САИДОВ. Пайровлар	78
ТОМОШАБОФ	79

«Ешлик» [«Молодость»].
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИҲОВ
Техник редактор: В. УРУСОВА
Корректор: М. НАБИЕВА
Журнал макетини рассом А. СЕЛИВАНОВ тайёрлаган.

Адресимиз: 700000, Тошкент-П,
Ленин кўчаси, 41
Телефонлар:
Бош редактор — 32-26-01
Бош редактор ўринбосари — 32-26-06
Масъул секретарь — 32-56-27
Поэзия бўлими — 32-56-41

Редакция ҳажми 12 босма листдан
ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд
қиссалар қўлэмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлэмаларининг қабул қилади.
Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 29.11.85 да туширилди.
Босишга 28.12.85 да рухсат берилди.
P-14167. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6.
Тиражи 232933 нусха. Буюртма № 2290.
Баҳоси 50 тийин.
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.
Тошкент, 700029, Ленин кўчаси, 41.

© «Ешлик», № 1. 1986.
«Еш гвардия» нашриёти.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЪЕЗДИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг тўққизинчи съезди қатнашчиларини ва Ўзбекистон адабиётининг барча арбобларини қизғин ва самимий табриклайди.

Сизларнинг съездингиз жонажон Коммунистик партиянинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган бутун совет халқи КПСС XXVII съезди сари зўр илҳом билан бораётган шонли кунларда ўтмоқда.

Партия Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари қарорларини меҳнаткашлар яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Ленинча аъналарга содиқ партия ғоят катта назарий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни — КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар, мамлакатни ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳаларини кенг муҳокамага қўймоқда.

Партия омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини кучайтиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда, омманинг ташаббуси, ғайрат-шижоати, ишга онгли муносабатда бўлишини социализм кучи ва ҳаётийлигининг энг муҳим манбаи, деб билмоқда.

Бутун совет халқи каби республика меҳнаткашлари ҳам бу йилни ва умуман беш йилликни энг яхши кўрсаткичлар билан яқунлашга, коммунистларнинг олий анжумани — КПСС съездини муносиб кутиб олишга куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

Халқ ҳўжалигини интенсив ривожланиш изларига ўтказиш, янги инсонни камол топтириш, унинг дунёқарашини, теран эътиқодларини ва юксак маданиятини шакллантиришда совет бадий адабиётининг роли ниҳоятда катта. Совет бадий адабиёти социализм қурилишининг барча босқичларида ҳамisha партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлиб келди, совет кишиларида актив гражданлик позициясини, камчиликларга мурасасизлики тарбиялашда кўмаклашди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ёзувчилари халқнинг кенг таҳсинига сазовор кўлаб асарлар яратдилар. Ёзувчилар коммунистик қурилиш практикаси кун сайин вужудга келтираётган ҳодисаларга актив мурожаат этадиган бўлиб қолдилар.

Бугунги кунда ёзувчилар олдида мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Социал-иқтисодий тараққиётни жадал-

лаштириш учун умумхалқ ҳаракатига ҳисса қўшиш уларнинг олижаноб бурчидир. Фан-техника революцияси ютуқларини социалистик тузум афзалликлари билан уйғунлаштириш, ҳозирги замон аграр сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштириш, замондошимизнинг маънавий дунёсини бойитишдан иборат ҳақиқатан ҳам тарихий жараёнларни чуқур очиб бериш адабиётнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Халқимиз республика ёзувчиларидан бутун инсоний ҳақиқати билан ўзида халқимизга хос бўлган бунёдкорлик фазилатини мужассамлаштирган шу кунларимизнинг қаҳрамонлари тўғрисида ёзилган асарларни кутмоқда. Ҳар бир асар китобхоннинг маънавий ва эмоционал дунёсини бойитиши, унда олижаноб ахлоқий интилишларни, юксак эстетик дидни тарбиялаши лозим. Ҳақиқий сўз устаси ғоясизликка ва сиёсий лоқайдликка, саёзлик ва даққиликка қарши курашда мурасиз бўлиши, образларнинг умумий тарзда баён этилишига ва тилнинг қашшоқлигига қарши кураш олиб бориши керак. Ҳақиқий санъаткор оммага улар ҳаётидаги энг муқаддас ва асосий нарсаларни айтишга, халқлар дўстлиги ва қардошлиги ғояларини актив пропаганда қилишга даъват этилган.

Адабиёт асарлари республика меҳнаткашларини янги зафарларга чорлаши, олға ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилувчи, ўз умрини тугатган барча нарсаларни қоралаши, ёш авлодни Ватанга, коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялаши керак.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи республика адабиётини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Унинг фаолияти ёзувчилар орасида партиявийлик руҳини қарор топтиришга, адибларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга, талабчанлик муҳитини мустаҳкамлашга, ижодкор ёшларнинг ғоявий ва профессионал жиҳатдан камол топишига қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг тўққизинчи съездининг самарали ишлашини тилайди ва Ўзбекистон адиблари ўз олдларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар, кўпмиллатли совет маданиятининг бойликларини кўпайтира бориб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА, КОММУНИЗМ ИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Коммунистик қурилиш практикасига муносиб бўлган, совет кишилари авлодларини марксизм-ленинизм, ватанпарварлик ва пролетар интернационализм ғояларига садоқат руҳида тарбияловчи сермазмун, юксак бадий асарлар яратиш — кўпмиллатли Ватанимиз адабиёти, унинг таркибий қисми бўлмиш Совет Ўзбекистони адабиёти ҳам ҳал этаётган бош вазифалардир.

Ўзбекистон ёзувчиларининг 28 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган IX съездида беш йиллик фаолият яқунлари ҳамда республика ёзувчилари олдида турган актуал вазифалар кўриб чиқилди.

Съезди Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун очди. КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездга табрикомасини топширди.

Съезд қабул қилган резолюцияда Ўзбекистон ёзувчилари партия ўртага қўйган улуғвор вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар, КПСС XXVII съездини янги, ёрқин асарлар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдирилди.

Давоми қарсақлар остида КПСС Марказий Комитетига табринома қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ нутқи

Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди — республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеадир. Унинг аҳамияти профессионал союз доираси билангина чекланмайди. Бунинг сабаби равшан: адабиёт — ҳаёт кўзгусидир, ўз замонининг солномачиси бўлиш, замондошимизни маънавий жиҳатдан бойитишда партиянинг ишончли ёрдамчиси бўлиш эса совет ёзувчисининг бош вазифасидир. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари Сизларнинг олижаноб меҳнатингизни гоят қадрлайдилар. Сизлар ўз санъатингиз билан давримизнинг юксак идеалларини қарор топтирапсизлар.

Сизлар партия билан халқ КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўраётган жуда масъулиятли даврда тўпландингиз, бу съезд совет жамиятининг коммунизм сари олға силжишида жуда муҳим ўрин олади.

В. И. Ленин революцион партиянинг вазифаларини белгилар экан, меҳнаткашларга «демократик ва социалистик идеализмнинг бутун улуғлигини ва унинг бутун жозибасини» кўрсатиб беришга қақирган эди. Ҳозир бу идеал КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленумида маъқулланган ҳужжатларда ўзининг реал ифодасини топмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. КПССнинг мана шу энг асосий назарий ва сиёсий ҳужжати марксизм-ленинизм ғояларининг жуда бой хазинаси бўлиб, илмий коммунизм назарияси ва практикасига қўшилган буюк ҳиссадир. Чуқур реализм ва келажак истиқболини ленинча дадил башорат қилиш, социализмни такомиллаштириш ва коммунизмга ўтиш йўллари белгилаш бу ҳужжатнинг руҳига сингдириб юборилган.

Партия социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш орқали совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишдан иборат новаторлик йўлини ҳар томонлама асослаб берди. Тарихий миқёсда улуғвор ўзгартишлар қилинади. Халқ ҳўжалигини янги техника асосида реконструкция қилиш, уни интенсив ривожланиш изларига кўчириш, совет эконимикасини олий ташкилот ва самарадорлик поғонасига кўтариш мана шу ўзгартишлар жумласига киради. Келгуси ўн беш йил мобайнида ўз миқёси жиҳатидан совет ҳоқимиятининг ўтган ҳамма йиллари мобайнида орттирилган иқтисодий қудратга тахминан тенг келадиган потенциал барпо этиш мўлжалланмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси инсонга, инсоннинг бахт-саодатига хизмат қилади.

Программанинг идеология иши соҳасидаги йўл-йўриқлари ҳам социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш билан чамбарчас боғланган. Одамларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида янада самаралироқ тарбиялаш, ҳаққоний сўз ва реал иш билан тарбиялаш, сиёсий маорифни, ғоявий таъсирни иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этишда, давлатни, ишлар

Съезд Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленийеси ва ревизия комиссиясининг янги составларини, СССР ёзувчиларининг VIII съездига делегатларни сайлади.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Е. М. Миронов иштирок этди.

чиқариш ва жамоат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг тобора кенг иштироки билан бирлаштириш вазифаси қўйилди.

Совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларини тубдан қайта қуриш зарурлигини КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев ўз докладлари ва нутқларида гоят аниқ ва равшан асослаб берди. У партия ўртага қўйган вазифалардан биронтасини инсон омилини кучайтирмай туриб ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлади. Мана шу ишда партия адабиёт ва санъатга, барча ижодкор зиёлиларга катта умидлар боғламоқда.

Ленинча маданий сиёсат принципларига садоқатли партия санъаткор зиёлиларга сезгирлик ва меҳрибонлик билан қарамоқда, уларни коммунистик бунёдкорликнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга йўналтирмоқда.

КПСС Программасининг лойиҳасида социалистик реализм адабиёти ва санъатининг Советлар Ватани буюк кўпмиллатли маданиятига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берилган. Адабиёт ва санъат зиммасига тарихий зафарларга бой социалистик воқегикини, улуғвор социал-иқтисодий ва маънавий ўзгаришларни, совет кишиси ички дунёсининг гўзаллигини, халқларнинг бузилмас дўстлигини бадиий воситалар билан акс эттиришдек бениҳоя олижаноб вазифа юкланади.

Совет Ўзбекистони адабиёти ва санъати кўпмиллатли совет адабиётининг, совет кўпмиллатли санъатининг таркибий қисми, қулф уриб қайнаб турган булоқларидан биридир. Унинг ажойиб тарзда равнақ топаётганлиги сири ҳам мана шундадир. Ўзбек маданиятининг рус совет маданияти билан, СССР қардош халқлари маданияти билан анъанавий алоқалари чуқур томир ёйган. Бизнинг миллий адабиётимиз ва санъатимиз Бутуниттифоқ ҳамда чет эл китобхони ва томошабинига етиб борган. Бу — КПССнинг доно миллий сиёсати натижасидир, Бунда мамлакат барча халқлари маданият арбобларининг катта хизмати бор.

Республика ёзувчилар ташкилоти — адабиёт усталарининг кучли ва ижодий актив отрядидир. У санъаткорларнинг кўпгина авлодларини ўзида бирлаштирган. Улар истеъдод билан ёзилган кўп асарлар яратишган. Ўзбек адабиётининг таниқли намояндалари — Ўзбекистон ССР халқ шоирлари Зулфия ва Уйғунга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрий унвон берилганлиги ўзбек адабиётининг юксак ютуқлари тақдирланганининг нишонаси бўлди. Ўзбек адабиётининг оқсоқоли, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшиннинг Ҳамза тўғрисидаги романи кенг шўхрат қозонди. Унинг китоби асосида яратилган кўп серияли телефильм мамлакатимизнинг барча республикаларидаги томошабинлар томонидан миннатдорчилик билан маъқуллаб кутиб олинди.

Халқнинг маданий савияси ўсган сайин адабиётнинг жамият турмушига, унинг маънавий психологик иқлимга таъсири

кучаймоқда. «Партия, — деб таъкидланади янги тахрирдаги КПСС Программаси лойиҳасида, — адабиёт ва санъатнинг ролини оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатаверади. Адабиёт ва санъат халқ манфаатларига, коммунизм ишига хизмат қилиши, миллионлаб кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиши, уларнинг иродаси, туйғуси ва ўй-фикрини ифодалаш, уларнинг ғоявий жиҳатдан баркамол бўлишига ва маънавий жиҳатдан тарбияланишига актив ёрдам бериши зарур».

Бутун совет халқи билан биргаликда республика меҳнаткашлари ҳозир ижобий ўзгаришлар руҳи билан, олға бориш муддаоиси билан яшамоқдалар, ўзларининг амалий ишларини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари йўл-йўриқлари билан таққосламоқдалар. Шу йилги планни ва умуман беш йилликни тугаллаш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги амалий фаолият масалалари партия ташкилотларининг ва меҳнат коллективларининг диққат марказида турибди.

Республикада қудратли ишлаб чиқариш-техника потенциали барпо этилган. Аммо унинг имкониятларидан унчалик тўла-тўқис фойдаланилмапти. Вужудга келган аҳволнинг сабабларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми чуқур ва атрофлича очиб ташлади. Шу пленум қарорларига мувофиқ, партия, совет органлари ва жамоат ташкилотлари салбий ҳодисаларни, партия, давлат ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларини таг-туби билан тугатиш учун муросасиз кураш олиб бормоқдалар. КПСС Уставига ва совет қонунларига, партиявий ахлоқ нормаларига муттасил риоя этилиши учун талабчанлик оширилди.

Партия, совет, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларини партия ишига садоқатли малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Қўшиб ёзиш ва ўғирлик, хизмат мавқеини суистеъмоқ қилиш, ахлоқий бузилиш йўлига кирган кишиларга принципал баҳо берилмоқда. Ҳар бир коммунистга нисбатан ижтимоий бурчга муносабати, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун талабчанлик кучайтирилди. Гап-сўзлар, ваъдалар камроқ бўлсин, реал ишлар, амалий натижалар, масъулият ва принципиаллик, одамларга эътибор, шахсий камтаринлик кўпроқ бўлсин, деган шior барча кадрларни баҳолашнинг бош мезонидир.

Бундай йўл коммунистлар, меҳнаткашлар кенг табақалари томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва маъқулланмоқда, уларнинг социал адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, республикада вазиятни қатъиян соғломлаштиришга кўмаклашмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар сезиларли натижалар бермоқда. Бу йил ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 4,7; миллий даромад эса 4,5 процент кўпаяди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш барқарор ўсмоқда. Бу йил 22 миллиард сўмликдан ортиқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Ҳозирги пайтда саноат ишлаб чиқариши ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари беш йилликнинг ўтган йилларидагига нисбатан анча юқори эканлиги диққатга сазовордир.

Экономиканинг аграр секториди ва энг аввало, пахтачиликда ижобий силжишлар рўй бермоқда. Мана икки йилдирки, республикада хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилишининг янги тартиби амал қилмоқда. Пахтанинг сифатига, ундаги тола сифатига қараб ҳақ тўлашга ўтиш маҳсулот турларини яхшилашга, сақлаш ва қайта ишлашда ҳосилнинг нобуд бўлишини кескин камайтиришга кўмаклашди. Тола олиш ўтган йилдагига нисбатан 4,6 процент кўпайди. 10 миллионлаб сўм фойда олинди.

Давлатга пилла топшириш социалистик мажбуриятлари ошириб бажарилди. Умумиттифоқ фондига бир миллион тоннадан ортиқ сабзавот, мева ва узум жўнатилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик топшириғи анча ошириб бажарилади ва болаларга аталган хилма-хил моллар ишлаб чиқариш қарийб икки баравар кўпайиши жуда муҳимдир. Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш программаси изчил амалга оширилмоқда. Айни вақтда биз ҳали ҳамма ишлар қилинди, деб бўлмаслигини, эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслигимиз кераклигини аниқ тасаввур қиламиз. Айрим жойларда ишдаги қизгин вазиятни пасайтиришга уриниш ҳоллари пайдо бўлди. Кўпгина корхоналар ва ҳатто айрим тармоқлар ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминловчи натижаларга эриша олмадилар. Меҳнат унумдорлигини

ўстириш проблемаси ғоят кескин бўлиб турибди. Бу вазифани ҳал этиш учун бизда замонавий техника, яхши тайёргарликдан ўтган кадрлар мавжуд. Бироқ саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиғи, қурилиш ташкилотларининг ҳали анчагина қисми белгиланган топшириқларни бажармаяпти. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг паст даражада эканлиги, пландан ташқари ходимлар бўлиши энг аввало бунга сабаб бўлмоқда.

Маҳсулот сифатини ошириш масалалари меҳнатни тежаш билан мустаҳкам боғланган. Кейинги вақтда бу борада яхшилик сари бурилиш сезилди. Аммо ишлаб чиқарилаётган буюмлар, ишлар ва айрим хизмат турларининг сифати паст даражада эканлиги тўғрисида ҳали кўплаб шикоятлар тушмоқда.

Бошқа бир муҳим проблема — бу капитал қурилишда ишларни тубдан яхшилашдан иборат. Республикада капитал маблағлар сарфлаш самарадорлиғи ҳануз паст даражада қолмоқда, объектлар мuddатидан кечиктирилиб ва чала ҳолда топширилмоқда. Уй-жойларнинг айниқса, Тошкент шаҳрида қурилаётган уй-жойларнинг сифати паст эканлиги тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига кўплаб шикоятлар келиб турибди.

Агросаноат комплекси самарадорлигини ошириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишимиз зарур. Давлат экономиканинг ана шу секторини ривожлантиришга маблағларни аямайди. Бироқ асосий фондларнинг ҳар бир сўми ҳисобига маҳсулот етиштириш ўтган беш йилликдагига нисбатан қарийб икки баравар камайди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмони учун кураш қизгин бормоқда. Пахтани машинада йиғиштириб олишга қарши кайфиятларни бартараф этганимизда ҳосил тайёрлаш суръатлари бундан ҳам юқорироқ бўлур эди. Масалан, Бухоро областида машина терими плани атиги 15 процент бажарилди. Қашқадарё областида ҳам машина теримига яхши тайёргарлик кўрилмади. Биз ана шу областларга, Тошкент областидан 600 нафар механик-ҳайдовчини юборишга мажбур бўлдим.

Айни вақтда кўпгина хўжаликлар, бутун-бутун районлар ва областларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, техника тараққиёти аҳамиятини яхши англаб, пахта териш машиналаридан самарали фойдаланилаётган жойларда теримни қисқа мuddатларда тамомлаб, пахтани юқори навларга топширмоқдалар ва яхши иқтисодий натижаларга эришмоқдалар.

Савдо ва маиший хизмат ходимлари олдида кўпгина муаммолар турибди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш айниқса муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мана шу барча муаммоларни доимо назарда тутиб, камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш, экономикани ривожлантиришнинг интенсив йўлига ўтказиш юзасидан қатъий чоралар кўрмоқда. Партия ташкилотларининг барча кучлари ҳамма жойда фан ва илғор тажриба ютуқларини жадал жорий этишга, тежамкорлик режимини кучайтириб, масъулият ва интизомни оширишга, бошқариш механизмини такомиллаштиришга, иш услубини, одамларни ғоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашни тубдан яхшилашга қаратилган.

Сиз, ёзувчилар ҳам коммунистлар, меҳнат коллективлари ҳал этаётган ишлардан четда турмаслигиниз керак. Вазифа шундан иборатки, адиблар республиканинг Ватан куч-қудратини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш учун пахтакорлар, барча меҳнаткашлар олиб бораётган курашда янада актив иштирок этишлари лозим. Ташаббускорликни, ишга ижодий муносабатда бўлишни, новаторликни, жамият манфаатлари йўлидаги юқори малакали, серунум меҳнатни яққол кўрсатиб бериш, партиянинг социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга қаратилган йўлини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кенг кўламада ва ўткир қилиб, ўртага қўйиш зарур.

Давр ёзувчилардан ҳаёт билан, халқ билан янада мустаҳкам узвий алоқада бўлишни қатъий талаб қилмоқда. Бу, адабиётнинг воқелигимизни унинг бутун ранг-баранглигида ҳаққоний акс эттиришининг энг биринчи шартидир. Шу муносабат билан Максим Горькийнинг «Санъаткор — ўз мамлакатини, ўз синфининг жарчиси, унинг кўз-қулоғи ва қалбидир; у ўз даврининг овозидир», деб айтган сўзларини эслатиб ўтаман.

Тўлақонли ижобий қаҳрамон образи — актив граждандлик позициясидаги инсон образини яратиш ғоят зарурлиги, айниқса, сезилмоқда. Бу бадий адабиётнинг вазифасигина бўлиб қолмай, шу билан бирга сиёсий ва эстетик вазифа,

меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, идеологик ишларни янада такомиллаштиришдан иборат умумпартиявий ишнинг муҳим қисми ҳамдир.

Давримизнинг асл қаҳрамонларини кундалик ва қийин, айни вақтда шарафли ишлар амалга оширилаётган жойлардан излаш керак. Турмушда бу қаҳрамонлар — жуда оддий кишилардир. Улар ўзлари амалга оширган жасоратли ишларни бурчларини бажариш, деб биладилар. Яқинда Қашқадарё областининг Нишон районидagi 11-совхозда мен бригада бошлиғи Кумрихон Йўлдошева билан учрашдим. У қалб амри билан Наманган областидан кўриққа кўчиб келди ва бошқа пахтакорлар билан биргаликда фидокорона зўр ғайрат билан ишламоқда. Бундай кишилар давримизнинг қаҳрамонларидир. Улар ҳақида ёзиш керак.

Маданият усталари ватанпарварлик ва интернационал тарбияга янада катта ҳисса қўшишлари керак. Адабиётимиз бу олижаноб мавзунинг ёритишда бой тажриба тўплаган. Ана шу мавзунинг бадий жиҳатдан тадқиқ этишни давом эттириш жуда муҳимдир.

Бунинг учун материаллар кўпдир. Республика вакиллари РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришда, БАМ қурилишида ва Тюмень областида автомобиль йўллари қуришда зўр ғайрат билан иштирок этаётганликлари ҳамма-мизни қувонтиради. Бундай ишларнинг кўлами кенгайиб бориши лозим. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Ноқоратупроқ зона областларига ёрдамни қучайтириш, ғарбий Сибирнинг нефть-газ чиқадиган районларида уй-жой қурилишини ташкил этиш вазифасини ўртага қўйди. Келгуси йилнинг ўзидаёқ бу ерда 30 миллион сўмлик уй-жой социал-маданий-маиший объектлар билан биргаликда қурилади. Партиянинг давлати, қалб амри билан у ерда Ўзбекистон меҳнаткашларидан 15—20 минг киши жўнаб кетади. Бу — бизнинг юксак интернационал бурчимиздир ва шубҳа йўқки, Сизларнинг ана шу мавзудаги асарларингиз одамлар қалбидан муносиб жой олади.

Ёт идеология ва ахлоқ кўринишларига, барча салбий ҳодисаларга қарши кураш — коммунистик тарбия соҳасидаги ишнинг таркибий қисmidир. Ҳамма жойда янгилик ва эскилик ўртасида кескин кураш бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамма жойда партия турмушининг ленинча нормаларини, ижодий изланиш муҳитини, ўз-ўзини танқид ва ишчанлик руҳини қарор топтириш учун кўлгина қийинчиликларни бартараф этишига тўғри келмоқда. Қонунларимизни, социал адолат принципларини бузаётган кишилар муносиб жазоланмоқда. Шу билан бирга, порахўрлик, чайқовчилик, кўчиб ёзиш, халқ мулкани талон-тарож қилишдек шармандали ҳоллар ҳам учраб турибди. Меҳнаткашларнинг кўпчилиги учун бундай салбий ҳолатлар ётдир, албатта. Бироқ бундай ҳолатларни сезмаслик, айниқса уларга нисбатан бепарво бўлиш нотўғри бўлур эди. Чунки бундай салбий ҳолатлар замирида катта социал иллат яширинган бўлиб, улар одамлар қалбини жараҳатлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми қарорлари коммунистик турмуш тарзига зид кўринишларга нисбатан муросасиз бўлишни талаб қилади. Тартиб ва интизомни мутсаҳкамлаш учун кураш вақтинчалик кампания эмас. Сиёсатда ҳам, адабиётда ҳам асосий қуролимиз — ҳақиқатдир. Ютуқларимиз тўғрисида ҳам, камчиликларимиз ҳақида ҳам ошқорча гапириш керак. Социализмнинг кучи — омманинг онглигида эканини таъкидлаб В. И. Ленин бизларни ана шунга ўргатган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бундан буён ҳам ўз йўлини қатъий ва изчиллик билан ўтказаверади. Республика коммунистлари, меҳнаткашлари барча қийинчиликларни бартараф этиб, ўз иродаси мустаҳкамлигини, эътиқод ва характери қатъийлигини исботлайдилар. Барча эскирган, салбий жиҳатларга қарши мана шу курашда биз Сизларнинг актив иштирокингизга таянамиз. Истиқболда қиладиган ишларимиз жуда кўп. Янги урф-одатлар ва расм-русмларни жорий этиш, диний сарқитларга, эскирган одатлар ва аъналарга қарши курашни авж олдириш жуда катта

аҳамиятга эгадир. Қишлоқда турмуш маданиятини ошириш ғоят муҳимдир. Республика миқёсида мана шу барча ишларни мувофиқлаштириш ва яхшилаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида яқинда социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш масалалари билан шуғулланувчи кенгаш ташкил этилди.

Биз республика ёзувчилари бу ишда ўз асарлари ва ишлари билан қатнашадилар, деб умид қиламиз. Бу — узоқ даврга мўлжалланган иш бўлиб, янги-янги ижодий кучларни жалб этишни талаб қилади. Шонли қишлоқ меҳнаткашларимизнинг турмуш тарзини ўзгартириш соҳасида Ёзувчилар союзи, бошқа ижодий ташкилотларнинг оталиғини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлайман.

Ешларни тарбиялаш, авлодларнинг партия ва халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат аъналарига ворислигини актив қарор топтириш — ёзувчиларнинг энг муҳим бурчидир. Болалар ва ўсмирларга аталган китоблар, юксак маънавий гўзаллиги билан ўқувчиларни ўзига жалб этишини, инсоний олижаноблик идеалларини қарор топтириб, меҳнат йўлини тўғри танлашларига кўмаклашини истаймиз.

Ижодий союзларнинг бошланғич партия ташкилотлари маданият усталарининг масъулиятини оширишда катта роль ўйнайдилар. Партия бюроси, коммунистлар адилларнинг ижтимоий активлигини оширишга, уларнинг ғоявий савиясини кенгайтиришга ва профессионал маҳоратини такомиллаштиришга кўмаклашадиган вазиятни вужудга келтиришлари зарур.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми қарорларини бажариш юзасидан республика Кинематография давлат комитети партия ташкилотининг иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Муҳокама киносценарийчиларнинг ғоявий ва профессионал савиясини ошириш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда киносценарийлар ёзишда ёзувчилар союзининг 620 аъзосидан атиги 10 киши иштирок этмоқда. Биз халқ учун зарур бўлган бадий ва ҳужжатли фильмлар яратишга адиллар муносиб ҳисса қўшадилар, деб кутамиз.

Адабий танқид савиясини анча ошириш зарур. Ижтимоий проблемаларни партиявийлик ва халқчиллик ленинча принциплари асосида чуқур идрок қилиш, ғоясизлик ва гўрликка қарши кураш — адабий танқиднинг бош йўналишларидир.

Еш ёзувчиларни тарбиялаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Улар кекса авлод ёзувчилари билан биргаликда классик меросни ижодий ўрганишлари, кўпмиллатли адабиётимизнинг аъналарини муносиб ривожлантиришлари зарур.

Адабиётни ривожлантиришда партиянинг бош йўлини оғишмай ўтказиш: унинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлаш, воқелигимизни ҳаққоний ва бадий жиҳатдан юксак даражада акс эттириш, янгиликни жўшқинлик билан ва яққол очиб бериш, олға томон ҳаракатимизда бизга халақит бераётган барча нарсаларни шафқатсиз фош этиш — Ёзувчилар союзи правлениеси, унинг партия ташкилотининг бурчидир.

Партиянинг инсон омилини бутун чоралар билан активлаштиришга қаратилган йўли ижод учун, хилма-хил реалистик формалар, услублар ва жанрларни янада ривожлантириш учун кенг имконият яратиб беради.

Съездининг КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди арафасида республика бадий сўз санъаткорлари ишининг, уларнинг ҳамиша ва ҳамма жойда партия ўртага қўйган вазифалар даражасида бўлишга сафарбарлигининг талабчан кўриги бўлиши керак. Бу эса ишнинг асосий негизи, асосий мазмуни бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчилари, барча маданият арбоблари бундан буён ҳам партиянинг актив ва содиқ ёрдамчилари бўлиб қоладилар, кўп миллатли совет маданияти буюк хазинасига, коммунистик бунёдкорлик ишига ўзлари қўшадиган ҳиссани кўпайтирадилар, деб ишонч билдиради.



Улмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар
союзи раҳбарлигининг
биринчи секретари.

АДАБИЁТ ВА ҲАЁТ

Буюк Ватанимиз — кўп миллатли Совет мамлакати социалистик тараққиётнинг янги, юксак босқичига қадам қўйди. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1985 йил) Пленуми муҳим тарихий ҳужжатлар — КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгаришлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳаларини қўллаб-қувватлади ва партия ҳамда умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилди.

«Партия ҳозирги йўлининг моҳиятини ифодаловчи формула мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш орқали — совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишга интилишдан иборат», деб айтди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Пленумда қилган докладыда.

Совет адабиёти ва санъати арбоблари олдида турган асосий вазифалар, шубҳасиз, ана шу формула моҳиятидан келиб чиқади. Ўз-ўзидан маълумки, бу босқичда бизнинг ёзувчилик меҳнатимиз, партиявий, гражданлик, санъаткорлик масъулиятимиз янада ортади.

Биз бугун адабиётимиз тараққиётини ана шу талаблар асосида баҳолашимиз, келгуси ижодий режаларимизни белгилаб олишимиз лозим.

Адабиётимизнинг беш йиллик тараққиёти совет халқининг, жумладан, республикамиз меҳнаткашларининг социалистик турмушимизнинг барча жабҳаларидаги меҳнат фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқликда кечди. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, оташин революционер Ҳамза, атоқли адиблар Абдулла Қодирий, Ғафур Ғуллом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода ва Миртемир, Собир Абдулла ва Сергей Бородин аъёнларини изчил давом эттириб, адибларимиз халқ ҳаётинан маънавий озуқа, ёзилажак асарларига илҳом ва шавқ олмақдалар.

Дарҳақиқат, ҳисобот даврида барча жанрларда олға силжишлар рўй берди, адабиётимиз бир қанча муҳим, ғоявий-бадий бақувват асарлар ҳисобига бойиди. Ўзбек адабиётимизнинг атоқли икки вакили, Ўзбекистон ССР халқ шоирлари Уйғун ва Зулфияга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак

унвони берилиши адабиётимизга партия ва халқ билдирган юксак ишонч ифодаси бўлди. Бундан бир неча йиллар муқаддам шундай юксак ишончга адабиётимизнинг яна бир оқсоқоли Комил Яшин сазовор бўлган эди. Ҳисобот даврида, шунингдек, ижодий сўюзимиз аъзоларидан ўн нафари Ленин, Октябрь революцияси, Халқлар Дўстлиги, Ҳурмат Белгиси орденлари билан тақдирланди. Олти кишига Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, фан арбоби, маданият ходими унвонлари берилди.

Икки съезд оралиғида адибларимиз яратган энг яхши асарлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорига биноан Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Улар орасида Эркин Воҳидовнинг «Шарқий қирғоқ» шеърлар китоби, Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат» романи, Александр Удаловнинг «Ватан ўғли» романи, Георгий Марьяновский ва Анатолий Қобуловнинг «Ўзбекфильм» киностудиясида экранлаштирилган «Бўйсунмас» бадий фильми бор.

Комил Яшин «Ҳамза» романи, Михаил Швердин (вафотидан сўнг) «Нотинч Қизилқум» романи, Вильям Александров «Чақмоқларга ёндошиб» романи, Фарҳод Мусаёнов «Турди, велосипед ва мен» ҳикоялар ва қиссалар тўплами, Шомил Алядин, Черкез-Али, Рашид Мурод, Ж. Аметов, Зокир Куртнезирова, Ф. Камолов, Э. Арифов, Айдар Османов, С. Нагаев, М. Маҳмудов, А. Қосимов, «Дўстлик машъали» очерклар тўплами, Гулчеҳра Жўраева «Бахт», Марат Қорабоев «Қалбадаги садо» шеърлар тўплами учун Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган республика конкурсининг мукофотлари билан тақдирланди.

Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» романлари СССР Ёзувчилар союзи мукофотида сазовор бўлди. Бир қанча ёзувчи ва шоирларимиз, мунаққид ва таржимонларимизга республика Ёзувчилар союзининг йиллик мукофотлари берилди.

Икки съезд оралиғида яратилган, муҳим ғоявий-бадий қимматга эга китоблар рўйхати юқорида айтиб ўтилган асарлар билангина чекланмайди, албатта. Роман ва қиссалар, ҳикоя ва пьесалар, болалар ва ўсмирлар адабиёти асарлари, очерклар ва бадий публицистика, танқид ва адабиётшуносликка оид, бир сўз билан айтганда, ўзбек-рус, қорақалпоқ, қрим-татар тилларида барча жанрларда яратилган, социалистик интернационализм руҳи билан сўғорилган асарлар Умумиттифоқ совет адабиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўтган беш йилда ўзбек адабиёти янада ўсди, ривожланди, китобхонлар маънавий мулкани салмоқли асарлар билан бойитди, назм, наср, драматургияга оид янги асарларни, энг муҳими, янги номларни Бутуниттифоқ минбарига олиб чиқди.

Бу муваффақиятлар энг аввало, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети, республика партия ташкилотининг адабиёт ва ижод аҳлига кўрсатиб келаятган оталарча ғамхўрлиги самарасидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча матбуотда эълон қилинган табрик хати адабиётга партиявий раҳнаомлиқнинг, санъаткорнинг коммунистик жамият қуришдаги илҳомбахш сўзи ва хизматини партия нечоғли қадрлашининг яна бир ёрқин намойишидир.

«Совет адабиёт ва санъати яратган энг яхши асарлар ҳамisha партия ва халқнинг асосий ишлари ва ташвишларидан ажралмасдир, — дея алоҳида таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида. — Ҳозирги вақтда ҳал этилаётган янги вазифалар ҳам социалистик ҳаёт ҳақиқатини қарор топтирувчи бадий ижодда ўз муносиб ифодасини топишига шубҳа йўқ».

Партия мамлакат эконоимikasини қайта қуриш билан боғлиқ улкан муваффақиятлар охир-оқибатда сиёсий онглилик, гражданлик масъулияти, омманнинг ижодий ва меҳнат активлиги, бошқача айтганда, инсон шахсияти фактори билан боғлиқ, деб ўргатади. Зотан барча идеологик воситалар жумладан, адабиёт мана шу факторларнинг таъсир кучини оширишга қаратилган.

Замонавий мавзуларда яратилган асарларга шу талаблар асосида ёндошадиган бўлсак, бу борада бир қатор муваффақиятларга эришдик, дея оламиз. Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Асқад Мухторнинг «Аму», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар», Тўлапберган Қаипбергановнинг «Кўз қорачиғи», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб», Уткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишла-

ри», Вильям Александровнинг «Чақмоқларга ёндошиб», Черкез-Алининг «Саховат» асарлари шулар жумласидандир. Эркин Аъзамов, Тоҳир Малик, Мурод Мухаммад Дўст каби ёш ёзувчиларнинг Москвада нашр этилган асарлари ҳам эътиборга лойиқдир. Игорь Рогов, Шукур Холмирозев, Учқун Назаровнинг ҳикоялари, Тоғай Мурод, Хайридин Султоновнинг қиссаларида маънавий масалалар чуқур ёритилди.

Бу асарлар, албатта, бадий савиясига кўра бир-бирдан фарқланади. Уларда замонавий, ижтимоий масалалар турли даража ва асосларда ҳал этилган. Лекин уларни мантиқ ришталари билан боғлаб турган умумийлик бор. Бу, авторларнинг ҳаётдаги реал муаммоларга қизгин муносабатларида, гражданлик позициясининг мустақамлигида, ҳаётнинг нафақат яхши жиҳатларини, балки унга соя ташлаб турган иллатларини ҳам кўра билиш, фош этишга журъат топа билишларида кўзга ташланади. Уларда чинакам ҳаёт ҳақиқати гуркираб туради, атайин бўёқ берилган, ўқувчининг безовата виждонини «аллаловчи» тўқима ҳақиқатларини учратмайсиз.

Афсус билан қайд этиш керакки, бу фазилатлар барча муаллифлар ижоди учун ҳам бош лейтмотив бўлиб келди, дея олмаيمиз.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейинги пленумлари ижтимоий ҳаётимизда илгари рўй берган жиддий хатоларни, салбий ҳодисаларни рўй-рост очиб ташлади.

Хўш, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифасига кўра қайноқ турмуш кучоғида бўлиши, ундаги турли ўзгаришларни илғаб олиши, олға кетишимизга тўсқинлик қилаётган иллатларини кескин фош этиши лозим ва шарт бўлган биз — ёзувчи ва шоирлар, публицистлар жанговар асарларимиз билан ўз вақтида бонг уриб, жамоатчилик эътиборини қарата олдикми? Бу саволга очик юз билан жавоб бера олмаимиз. Устига-устак баъзи муаллифларимиз қорани оқ қилиб кўрсатишга, ўзбошимчалик ва социалистик қонунчиликнинг бузилиш ҳолларини гўё гражданлик жасорати деб кўрсатишга уриниш билан машғул бўлдилар.

Саъдулла Кароматовнинг «Сўнги бархан» романи, Йўлдош Шамшаровнинг «Ер тафти» бадий-ҳужжатли қиссаси ва бошқа асарларда айнан шундай ҳол рўй берди. Хизмат мавқеидан фойдаланиб, жиноят йўлига қадам қўйган шахслар кўкларга кўтариб мақталди, ижобий қаҳрамон сифатида тақдир этилди. Ёзувчи бўлажак китобининг қаҳрамони билан чиндан танишган, унинг характери, ишга ва одамларга муносабатини ўрганиш учун етарли вақти ҳам бўлган, қаҳрамон қалбига назар ҳам солган, бироқ ҳеч нарса кўра олмаган.

Қани, бу ерда санъаткор кузатувчанлиги, қаҳрамон руҳиятига чуқур кириб бориш, керакки-нокеракдан ажрата билиш лаёқати?

Умуман олганда, ҳисобот даврида адабиётнинг барча жанрларида ҳаётни ҳужжатли воқеалар асосида тадқиқ этиш тенденцияси яққол кўзга ташланади. Юздан ошиқ ҳужжатли асарлар яратилди.

Шуни айтиш керакки, ҳужжатлаштириш принципи ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Адабиёт тарихи шу асосда юксак ғоявий, таъсирчан асарлар ёзиш мумкинлигини кўрсатади. Глеб Успенский ва Короленковнинг рус классикаси хазинасидан ўрин олган очерклари, Чехов ва Горькийнинг биографик ва сафар таассуротларига оид очерклари, Валентин Овечкиннинг рус ва барча кўп миллатли совет адабиётида чинакам воқеа бўлган ўткир, жанговар очеркларини эслаш kifofa. Ўзбек адабиётида ҳам кўплаб намуналар яратилган. Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаров, бугунги кунда ҳам фаол ижод қилаётган Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Ҳаким Назир ва бошқа адабларнинг ҳужжатли қиссалари, ҳикоя ва очерклари шундай асарлар сирасига киради. Демак, гап ҳужжатлаштириш принципида эмас, балки бу принципларнинг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятлари асосида иш юритишда.

Аслини олганда, ҳужжатли асарлар учун ҳам, бадий асарлар учун ҳам бош мезон — бу муаллифнинг дунёқараши, унинг аниқ партиявий ва гражданлик позициясидир. Бу принциплардан салгина тойишнинг ўзи катта ғоявий чалкашликларга олиб келади.

Мамадали Маҳмудовнинг «Ўлмас қоялар» романи бунга мисол. Муаллиф ўтмиш ҳодисаларни партиявий ва синфийлик нуқтаи назаридан тўғри баҳолай олмаганлиги сабабли, ўзи истамаган ҳолда ўқувчиларни чалғитувчи, сиёсий жиҳатдан

хато асар юзага келишига йўл қўйди. Мазкур роман гарчи проза кенгашида муҳокама қилинган бўлса-да, айтилган зарур танқидий фикрлардан муаллиф ўз вақтида тегишли хулоса чиқариб олмади. «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси, редакция коллегияси эса чуқур ўйлаб кўрмай романи нашр қилишгача борди.

Адабиётимиз барча жанрларда, жумладан, тарихий романчиликда таниқли салафлар — Ойбек, Сергей Бородин ва бошқа адиблар яратган бой аъёнларга эга. Ҳисобот даврида ана шу аъёнлар асосида турли тарихий даврлар, сиймолар, халқ турмуши тадқиқ этилган кўплаб салмоқли асарлар дунё юзини кўрди. Чунончи, Назир Сафаровнинг «Момақалдирик», Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари», Тўлапберган Қаипбергановнинг «Қорақалпоқ достони», Борис Пармузининг «Пахта», «Ўзилган ришта», Мирмуҳсиннинг «Темур Малик», Евгений Березиковнинг «Қизил Бухоро», Иван Булановнинг «Инқилоб қўши», Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» асарлари яратилди. Одил Ёқубовнинг буюк мутафаккир Абу Али ибн Синога бағишланган «Кўхна дунё» романи ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шу билан бирга, очигини айтганда, тарихий, маълум маънода айтиш мумкинки, материални бадий ўзлаштириш даражасига, характерларни шакллантириш, тили ва услубига кўра, биринчи галда, фалсафий маънавий мазмунга кўра бугунги кун талаблари даражасида бўлмаган тарихий асарлар ҳам яратилди. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида адибнинг моҳир қалами сезилиб туради. Унда кўплаб тўлақонли образлар яратилган, давр муҳити ёрқин чизилган. Бир сўз билан айтганда, роман кўламли, ранг-баранг бўёқларга бой бадий полотно. Эътирозли жойи шундаки, муаллиф Бобурнинг шоирлик иқтидори таъсирини тушиб, унинг ҳарбий юришларидаги жаҳонгирлик характерини ишонарли ёритиб бера олмаган.

М. Қориевнинг «Спитамен» романи бошқача эътироз уйғотади. Унда қадим аждодларимизнинг чет эл босқинчилирга қарши қаҳрамонона кураши, ватанпарварлик, эриксизлик интилишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бироқ, асар давр руҳини, бош қаҳрамонлар маънавий оламини чуқур идрок этилмай ёзилган.

Ҳамид Фуломнинг «Машраб» романига ҳам шу хил нуқсонлар хос. Танқидчиларнинг асарда шоирнинг ҳақиқий образи, яъни Машрабнинг мураккаб шахси бадий гавдалантирилмаган, у бир ёқлама чиққан, деган фикрига қўшилишга тўғри келади. Автор бадий етук образ яратганда эди, атеистик ишимизда муайян ёрдами теккан бўларди.

Афсуски, шу давр мобайнида диний сарқитларга ўт очадиган асарлар кўп ёзилмади. Бу муҳим мавзуда Комил Яшиннинг «Ҳамза» романини, бир қанча публицистик материалларни тилга олиш мумкин, холос. Шу ўринда Ҳамза, Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳорнинг атеистик мавзудаги истехзоли, нишонга беҳато урадиган шеър, ҳикоя, очерк ва фельетонларини эсламай бўладими! Ёзувчилар диний сарқитларни фош этишда жўшқинлик ва гражданлик эътиросларини намоён этишлари керак! Бу вазифани ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзудаги асарларда амалга ошириш мумкин. Ўтмиш тасвирини муносиб эътибор берган ҳолда, асосий диққатни замонамиз проблемалари ифодасига, замондошларимиз образларини яратишга қаратган мақбул.

Кейинги йиллар адабиётимизнинг характерли хусусиятларидан бири — билингвизм, яъни икки тиллилик ҳодисасидир. Темур Пўлатовнинг қадим ўзбек фольклорини традицияларида ёзилган фалсафий повестлари хозир Бутунитифоқда, ҳатто айтиш мумкинки, халқаро майдонда танилмоқда. Рус тилида ижод этаётган Раим Фарҳодий, Мухаммаджон Мирзамухамедов, Собит Мадалиев, Лутфулла Кабиоров ва бошқалар турли жанрларда самарали қалам тебратмоқдалар.

Ўзбек адабиётида совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати мавзун муайян ўрин эгалламоқда. Айниқса, фашизмга қарши олиб борилган жангларнинг бевосита қатнашчилари ёзган романлар, қиссалар саҳифаларидан ҳаққонийлик, юксак ватанпарварлик руҳи уфуриб турибди. Борис Тихомоловнинг «Само сурури», Олег Сидельниковнинг «Ҳамид Саримсоқовнинг саргузаштлари», Владимир Тюрковнинг «Дунай соҳилларида», Г. Тамариннинг «Светка Черногорова ҳақида қисса» китоблари, Мумтоз Мухамедовнинг ҳикоялари, Ризо Фозил билан Лutfия Соффуниг

«Аметхон юлдузи» ҳужжатли повести каби асарларда шу фазилад яққол кўринади.

Иброҳим Раҳимнинг романи «Генерал Равшанов» ҳам Улуғ Ватан урушининг фожией воқеаларини кўрсатишдек эзгу ният билан ёзилган. Унда қизиқарли картиналар, дуруст илганган характерлар бор, бироқ роман ҳаддан зиёд семириб кетган, душманларнинг образлари жўн чизилган. Оқибатда, асар китобхонлар эътиборини қозонолмади.

Улуғ Ватан уруши мавзудаги бадий етук китоблар ўтмишга ҳурмат-эътиромгина бўлиб қолмай, балки миллион-миллион китобхонлар онгида тинчлик, гуманизм, халқлар ўртасида дўстликнинг эзгу идеалларини қарор топтириш, янги уруш оловини ёқишга уринувчиларга нафрат уйғотишга ҳам хизмат қилади.

Таассуфки, кейинги даврдаги китобларимизда Совет Армиясининг ҳозирги ҳаётига етарли эътибор берилмаётди. Бу ўринда Назармат, Владислав Стуловский асарларининг айтиш мумкин, холос. Жанговар армиямиз ҳаёти, дўст Афғонистонда интернационал бурчларини қаҳрамонлик ва фидойилик билан бажарётган йигитларимиз жасоратлари адабиётимизда тасвири топмаётгани катта камчилигимиздир.

Прозамизда ишчилар синфи мавзуга қарийб ишланмаётди. Мазкур мавзуда Михаил Шоломаев, Раул Мирҳайдаров повестларининг тилга олиш мумкин. Биз бу жабҳадаги ижодий ишларимизни давр талаблари даражасига кўтаришимиз зарур. Бунда наشريётларнинг ижтимоий буюртма бериш тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Адабий-бадий журналлар ҳам шундай ҳуқуқни қўлга киритиш учун интилишлари лозим. Бироқ, алоҳида таъкидлаш керакки, ишчилар синфи мавзудаги асарлар ғоявий-бадий юксак бўлиши даркор. Мавзу актуаллиги ёзувчига нисбатан талабни пасайтиришга мутлақо ҳуқуқ бермайди. Шубҳасизки, бу фикр адабиётнинг барча мавзулари, жанрлари ва шакллари учун баб-баравар тегишлидир.

Автор нияти бадий талқинининг заифлиги қандай кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини яқинда эълон қилинган баъзи асарлар — тажрибали адиб Ю. Ковалевнинг «Адресат кетган», С. Кулишнинг «Кўнгилхуш сайр», Туроб Мақсуднинг «Бешик» повестлари, Мухаммад Саломнинг «Мувоозанат» романи яққол кўрсатиб турибди. Мазкур асарлар мисоли бадий заифлик ва маҳоратнинг етишмаслиги охир-оқибатда ҳатто энг яхши, энг тўғри ижодий ниятнинг ҳам, энг эзгу ғояларнинг ҳам амалга ошмай қолишига сабабчи бўлишини яна бир қарра яққол кўрсатди. Ҳар бир адиб, айниқса ёш ва ҳали тажрибаси кам ҳамкасбларимиз буни билишлари, ёдда тутишлари лозимлигини эслатгим келади.

Гап шундаки, ҳисобот даврида адабиётимизга ёш авторларнинг катта отряди қўшилди. Уларнинг аксарияти истеъдодли, кенг маданий билимга эга ёзувчилар сифатида ижодда ўзларини кўрсатдилар. Бу адиблар ҳозирданок адабиётимизга сезиларли ҳисса қўшдилар. Мен ўзига хос носирлар — Мурод Мухаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Владимир Соколов, Тоғай Мурод, Гаффор Ҳотамов, Эмин Усмонов, Дина Рубина ва бошқа кўпгина ёзувчиларни кўзда тутмоқданам. Хуршид Даврон, Усмон Азимов, Мирпўлат Мирзаев, Мухаммад Солиҳ, Ш. Раҳмон, А. Суюн, Сирожиддин Саидов, Зулфия Мўминова, Мухаммад Юсуф каби иқтидорли навқирон шоирларимиз ҳам самарали ижод этмоқдалар.

Ёшларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон адабиётида истиқболли адабий тур — илмий фантастика туғилди. Бугунги кунда Тоҳир Малик, Ҳожиақбар Шайхов, Николай Гацунаев, Абдуҳаким Фозилов сингари фантастларнинг ҳисса ва ҳикояларини китобхонлар қизиқиш билан ўқимоқдалар.

Саид Аҳмад, Олег Сидельников каби сатира усталарининг тажрибаларидан ибрат олиб, Саъдулла Сиёев ва Незмат Аминов ва машаққатли адабий жабҳада йирик асарлар яратдилар.

Шу билан бирга, баъзи ёшларда гражданлик позициясининг аниқ, фикрларнинг тиниқ эмаслигини, халқ ҳаётидан узоқлик, оддий меҳнаткаш тақдирга, меҳнаткаш инсоннинг қаҳрамонона аъмолига нисбатан лоқайдлик сезилишини ҳам таассуф билан тан олмасликнинг иложи йўқ.

Шунингдек, Союзимиз секретариати ташкилот аъзоларининг сонини кўпайтириш кетидан қувиб талабчанликни сусайтириб юборганлиги оқибатида ташкилотимизга ижодий

тайёргарлиги йўқ, ғоявий ва профессионал жиҳатдан етилмаган баъзи кишилар кириб қолди.

Шубҳасиз, бу гап баъзи прозаикларгагина эмас, айрим шоирларга ҳам тегишлидир.

Бугунги ўзбек шеърлятида барча авлод шоирларининг вакиллари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Шеърлятимизда оқсоқолларимизнинг донишмандлик уфуриб турган мисраларини ҳам, ёшлик эҳтироси, юксак гражданлик пафоси билан йўғрилган самимий шеърларни ҳам топасиз. Кўпинча бу хислатларнинг жаъми уйғунлашиб кетган бўлади. Уйғун ва Зулфия шеърлари худди шу фазилати — ёшликка хос жушқинлиги, айни чоғда теран фалсафий ўйчанлиги билан миллионлаб китобхонлар қалбидан жой олди. Бу устоз шоирларимиз кейинги пайтларда яратган туркум шеърларда инсон қалбининг ажиб дунёси янги куч билан намён бўлди, уларнинг мисралари фалсафий салмоқдорлик касб этди.

Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Шукрулло, Андрей Иванов, Шухрат, Ибройим Юсупов, Рўзи Қодирӣ, Вячеслав Костиря, Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Султон Акбарӣ, Нина Татарина ва бошқа шоирлар ҳам юксак гражданлик туйғуларига, замона ҳақидаги теран ўйларга бой шеърлар ёздилар.

Фикрнинг теранлиги ва етуклиги, поэтик маҳорат сирларини эгаллаш, самарали новаторлик изланишлари борасида мулоҳаза юритиш учун Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Жамол Камол, Мухаммад Али, Александр Файенберг, Рауф Парфи, Омон Мухторнинг шеър ва дostonлари яхши материал беради.

Гулчеҳра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Эътибор Охунова, Ҳ. Худойбердиева, Г. Нуруллаева номлари ҳозирги шеърлятимизда мустаҳкам ўрнашди. Бу шоирлар бир-бирига ўхшамайдилар, уларнинг асарлари янги фикрлари, ранг-баранг бўёқлари билан диққатни тортади.

Умуман, бугунги шеърлятимиз манзараси кишида яхши таассурот қолдиради. Аммо поэзиямиздаги баъзи камчиликларни рўй-рост айтиш керак. Энг аввало, шеърлятимизда тор, шахсий интим характеридаги майдалик тез-тез ўзини сездириб қўяётганини таъкидлаш лозим. Айрим шеърӣ асарларда эса давр талабларини чуқур ҳис этиш, фаол гражданлик етишмайди.

Қўшиқчи-шоирлар ҳақида алоҳида тўхталиш даркор. Утган давр мобайнида эстрада, радио ва телевидениедан Туроб Тўла, Уткир Рашид, Эркин Воҳидов, Гулчеҳра Жўраева, Нормурод Нарзуллаев, Пўлат Мўмин ва бошқаларнинг гражданлик-чорлов руҳидаги лирик-дилкаш қўшиқлари янгради. Бироқ, яхши қўшиқлар билан бирга, жўн, саёз қўшиқлар ҳам пайдо бўлди.

Улуғ Октябрь ғояларидан нур эмиб дунёга келган ўзбек совет драматургиясининг тараққиётига ўлмас Ҳамза, устоз Комил Яшин катта ҳисса қўшди. Миллий драматургиямиз ривожига Уйғун, Зиннат Фатхуллин, Назир Сафаров, Иззат Султон, Ҳамид Фулом, Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шухрат, Жуманиёз Жабборов, Максим Каримов каби адибларимизнинг хизматлари катта бўлди.

Сўнгги йилларда драматургиямиз отрядига Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Машраб Бобоев, Абдулла Жабборов ва бошқалар қўшилди. Шунинг мамнуният билан таъкидлаш керакки, ёш драматургларнинг Бутунитфоқ конкурси ғолиблари орасида уч ёш ўзбек ёзувчиси — Исфандиёр, Шароф Бошбеков, Тўра Мирзо ҳам бор.

Икки съезд оралиғида икки юзга яқин пьеса ёзилди. Бироқ, драматургиямизда катта бурилиш юз берди, дейишга асосимиз йўқ. Машиий турмуш, майда мавзуларга ружу қўйиш ҳали ҳам кучли.

Ўзбекистон болалар ва ўсмирлар адабиётининг мавзу доираси кенгайди, оила ва мактаб, меҳнат ва коллективчилик, табиат ва инсон масалаларига эътибор ортди, бир қанча асарларда халқимизнинг қаҳрамонона ўтмиши қаламга олинди.

Болалар прозамизнинг оқсоқоли Ҳаким Назир асарлари, Ф. Раисов, Л. Маҳмудов, Н. Фозилов, О. Ҳусанов, Э. Раимов, С. Анорбоев, Ш. Холмирзаев, М. Хидир, Н. Умеров, Ф. Камолов, Э. Туманова, В. Тюрников, П. Шуф, Н. Красильниковнинг повесть ва ҳикояларини болалар қизиқиш ўқимоқдалар.

Болалар шеърлятида атоқли шоир Қуддус Мухаммадий, Илём Муслим, Пўлат Мўмин, В. Данько, Раим Фарҳодӣ,

А. Обиджон, Сафар Барноев, М. Аъзам, Т. Йўлдош, Й. Сулаймон, Т. Адашбоев, С. Бринских, Г. Цодикова, Е. Хўжаев ва бошқалар самарали ижод қилдилар. Лекин бу соҳада ҳам камчиликлар анча. Масалан, болалар адаблари ҳали мактаб ёшлари муаммоларига чинакамгина муносабат билдирганларича йўқ, ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам болалар ва ўсмирларнинг бугунги савиясини ҳисобга олаётми, деб бўлмайди...

Республикамизда «Детская литература» типидagi махсус нашриёт очил ш пайти келди. Қувонч билан айтиш керакки, бу масала ижобий ҳал этилаётми, яқин вақтларда республикада шундай нашриёт ишлаш бошлайди.

Проза ҳақида гапирар эканмиз, очерк ва бадий публицистика масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Сизга маълумки, ўтган йилларда бу соҳада С. Анорбоев, Ж. Абдуллоҳонов, А. Ершов, П. Седов, Олимжон Холдор ва бошқалар фаол ишладилар. Бироқ, кейинги пайтларда очерклар ва публицистик асарларимиз аксариятининг қаҳрамонлари турли-туман бошлиқлар бўлиб қолди, оддий меҳнаткашларнинг ишлари, жасоратлари ҳақида кам ёзилди. Биз, аввало, меҳнат кишиларини — ишчини, колхозчини, ўқитувчини, жангчини асарларимизга қаҳрамон қилиб олишимиз керак!

Публицистикамизда халқроқ тематиканинг аҳоли ҳам қониқтирмайди. Антиимпериалистик, антимустамлакчилик мавзулари адабиётимиздан кенг ва мустақкам ўрин олиши лозим. Бу ишда бизга устозларимизнинг асарлари, адабиётимизнинг катта ва ҳаётбахш анъаналари кўмак беради.

Ўзбекистон адаблари Осиё ва Африка тараққиқпарвар ёзувчилари ассоциацияси ишида фаол иштирок этмоқдалар. Бу улғувор ҳаракат бизнинг заминда туғилди ва шаклланди. Икки қитъа мамлакатлари ёзувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ва бирдамлик руҳи — Тошкент руҳи бутун ер юзиде тинчлик ва тараққиёт, озодлик ва демократия учун, ирқчилик, босқинчилик ҳамда милитаризмга қарши кескин курашда ўзини намоеён қилди.

Тошкентда биринчи таъсис конференциясининг 25 йиллигига бағишлан ўтказилган ассоциациянинг тантанали сессияси Осиё ва Африка ёзувчиларининг мустамлақачилик, империализмга қарши сафларини янада жипслаштирди.

Ўзбекистон ССР бу адабий ҳаракатчиликка икки қитъа ёзувчиларининг асарларини кенг таржима қилиш билан ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Биз Осиё, Африка, Лотин Америкаси — жаҳоннинг барча бошқа мамлакатлари ёзувчилари билан ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтираверамиз ва мустақкамлайверамиз.

Дўст Афғонистоннинг бугунги сиёсий, маданий, иқтисодий, хўжалик ҳаёти, унинг империализм кирдикорларига қарши олиб бораётган кураши билан яқиндан танишган Асқад Мухтор «Аму» деб аталган романини ёзди. Роман ўқувчилар ўртасида қизиқиш уйғотди. Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Ўзтибор Охунова, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон ва бошқаларнинг чет эл туркумида яратган шеър ва ҳикояларини ўзтибор қозонди. Бу асарлар ёш авлодни ватанпарварлик, қардошлик, социализм ишига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги йиллар ичида мамлакатимиз халқлари адабиётлари ўртасидаги ўзаро алоқалар янада кучайди. Уларнинг бир-бирларига ўзаро таъсири ёрқин самаралар берди. Бу алоқалар миллий адабиётларимизнинг ўзаро бойишига хизмат қилмоқда. Айниқса, улғу рус халқи бадий адабиёти, рус тили кўп миллатли совет адабиётининг ўсиб-ўнишида бебаҳо роль ўйнамоқда. Ҳозирда рус адабиётидан баҳра олмаган биронта ижодкор йўқ.

СССР Ёзувчилар союзи ва республикалар правлениелари томонидан ҳамкорликда ўтказилаётган пленум ва конференциялар, симпозиум ва фестиваллар, ҳафталик ва «давра столлари» адабиётларимиз ўртасида ғоявий ҳамда ижодий яқинлик туғдирмоқда. СССР Ёзувчилар союзининг раҳбарлигида Ватанимиз пойтахти Москвада ўзбек совет адабиётининг классик адиби Ойбекнинг 80 йиллигига бағишлан ўтказган тантанали юбилей совет адабиётларининг дўстлик ва қардошлик байрамига айланди. Унда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг иштирок этиши алоҳида аҳамият касб этди. Съездимиз ишида қардош адабиётлар вакилларининг иштирок этаётганликлари ҳам ўзбек адабиётига ўзтибор ва меҳр-муҳаббат натижасидир. Съезд номидан СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикамиздан СССР Олий Советига депутат,

ажойиб адиб Анатолий Иванов, РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Николай Шундик, кўзга кўринган танқидчи ва адабиётшунос Зоя Кедрина, таниқли украин ёзувчиси ва драматурги Александр Ильченко, таниқли белорус ёзувчиси «Литература и мастацтва» газетасининг бош редактору Александр Жук, Қозоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Қалаубек Турсунқулов, Озарбойжон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Исмоил Шихли, Литвадаги «Витурис» нашриётининг бош редактору Валентина Свентицкас, таниқли молдаван шоири Анатолий Кодру, таниқли латиш шоираси Визма Белшевиц, таниқли ёзувчи, «Қирғизистон маданияти» газетасининг бош редактору Сагин Наматбоев, Тожикистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, таниқли шоир Мўмин Қаноат, таниқли арман шоираси Анаит Парсамян, кўзга кўринган туркман ёзувчиси Мерген Хумматовни қизгин қутлашга изожат бергайсиз.

Дўстлар!

Бадий таржимани азалдан турли халқлар адабиётлари ўртасидаги кўприк дейдилар. Ўзбекистон бадий адабиёт таржимонлари ўз олдидарига қўйилган олижаноб, ижтимоий муҳим вазифаларни шараф билан ўтамоқдалар. Халқларнинг миллий маданий-маънавий бойликларига қувур ҳурмат, теран билим, юксак профессионал маҳорат М. Исмоилий, В. Рўзиматов, Қ. Мирмуҳамедов, Ҳ. Муҳаммедхон, Ҳ. Тўрабеков, Х. Аҳророва, Э. Миробидов, И. Ғафуров, Л. Тожиёва ва бошқа таржимонларимизга хос белгилардир. Ўзбек адиб-таржимонларининг ижодий меҳнатлари туфайли кўп миллатли совет адабиётининг энг яхши асарлари Данте ва Гёте, Бальзак ва Пушкин, Диккенс, Горький, Маяковский асарлари ўзбек халқининг ўзлақонли маданий мулкига айланди. Нашриётларимизда «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» сингари кўп томли сериялар тайёрланаётганлиги қувонарлидир.

Шу билан бирга таржима соҳасида мавжуд нуқсонлардан — ҳарфхўрлик, тахминбозлик, чалакам-чатилик, бадий тил нўноқлиги ҳолларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. «Еш гвардия» нашриётида М. Яҳёев таржимасида босилган А. Конан Дойл ва В. Шербаковнинг романлари шундай бадий нўноқлик намунасидир.

Бадий таржимонлар меҳнатини Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг йиллик мукофоти билан тақдирлаб бориш масаласини ҳам правление ўйлаб қуриши зарур. Корней Чуковский: «Ҳарфни ҳарф билан эмас, табассумни — табассум, музикани — музика, юрак зарбларини — юрак зарблари билан таржима қилмоқ даркор», деган эди. Ўзбекистон адибларининг асарларини улғу рус тилига мана шундай таржима қилаётган Георгий Марков ва Сергей Баруздин, Юрий Суворцов ва Владимир Солоухин, Евгений Евтушенко, Римма Казакова, Дмитрий Холендров, Яков Козловский, Наум Гребнев, Сергей Северцев, Юлия Нейман, Комрон Ҳакимов, Сергей Шевелёв, Эмил Аметов, Александр Наумов меҳнатларини қадрлаймиз ва уларга миннатдорчилик билдираемиз. Биз бошқа қардош халқлар тилларига ўзбек асарларини таржима қилаётган ижодкорларга қалб сўзларимизни айтаемиз.

Республикамизда кечаётган баракали адабий жараёнга танқиднинг таъсири ҳам оз эмас.

1985 йил январда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси КПСС Марказий Комитети (Июнь 1983 йил) Пленуми қарорлари асосида республикада адабий танқиднинг аҳоли ҳамда уни янада ўстириш масаласини кўриб чиққан эди. Бюро адабий танқид олдидаги муҳим вазифаларни кенг белгилаб ва ёритиб берди. Адабиётнинг партиявийлиги ва халқчилиги, традиция ва новаторлик, ғоявийлик ва маҳорат, адибнинг граждонлик фаоллиги, миллий совет адабиётларининг ўзаро алоқалари масалаларини мунтазам ёритиб бориш зарурлиги алоҳида ўқтириб ўтилди. Республикада адабий танқид маҳсулоти катта ва ранг-баранг. Кўплаб тадқиқот китоблар, мақолалар, тақризлар, давра сўхбатлари эълон қилинди. Адабий танқиднинг обрў-ўзтибори ошди. Айниқса И. Султонов, Ҳ. Ёқубов, Л. Қаюмов, М. Нурмуҳамедов, М. Қўшонов, Ҳ. Абдусаматов, Г. Владимиров, С. Мамажонов, У. Норматов, С. Мирвалиев, О. Шарафиддинов, П. Шермуҳамедов, М. Расулий, Н. Худойберганов, И. Ғафуров, Н. Шуқуров, Б. Имомов, О. Тоғаев, Э. Каримов каби олимлар фаол ишладилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси МК Бюроси томонидан қўйилган вазифалар тўла адо этилгани ва кўрсатилган камчиликлар ҳар жиҳатдан тузатилгани йўқ. Ҳали ҳамон

мадҳиябозлик, дабдабали ҳамдў санолар, ошна-оғайнигарчиликка кўра ошириб мақташ ҳоллари учраб турибди. Айрим ҳолларда эса авторга нисбатан асоссиз айблар тақаш, ғаразли мақсад билан савалашлар ҳам йўқ эмаски, бунга асло тоқат қилиб бўлмайди.

Партия фақат принципаал, холис, ғамхўрона танқиднигина жараёнга фойда келтиради, ёзувчига камчиликларини тузатишда мададкор бўлади, деб ўргатади. Уртоқларча ўткир танқидга шоир Шукрулло, ёш адиблар Мамадали Маҳмудов, Тоғай Мурод шундай тўғри муносабатда бўлдилар.

Бу йил биз доҳий В. И. Лениннинг совет эстетик фанига асос солган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» улуғ назарий асарининг 80 йиллигини кенг нишонлаймиз. Бу асарда илгари сурилган фикрлар, ғоялар ҳамон тирик, ҳамон бизга энг тўғри, энг адолатли йўлни кўрсатиб, машъал каби порлаб туради. Ленинча партиявийлик принципларига изчил риоя қилиш бадиий адабиётимиз, марксча-ленинча адабий танқиднинг ўсиши учун энг зарур гаровдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчилар союзи матбуот органларининг иш фаолиятини ҳам ғоятда чуқур ўрганиб бизга амалий йўл-йўриқлар кўрсатиб келмоқда. Улар газета-журналларимизнинг редакция коллекциялари, ижодий коллективлари учун дастуриламалдир. Биз шунга кўра газета ва журналларимиз фаолиятини янги босқичга, янги бадиий-ғоявий сифат даражасига кўтаришимиз лозим. Давр талаби шундай.

Ҳисобот даври ичида, Қорақалпоғистон АССР, область ёзувчилар ташкилоти бўлимлари ишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг халқ оммаси, меҳнат коллективлари билан алоқалари кучайди, адабий кунлар ва

анжуманларни олиб бориш савияси ошди. Навоий, Ҳамза, Пушкин кунлари, партия ва комсомол агитбригадаларида чиқишлар, адабий учрашувлар халқнинг эстетик қарашларини тарбиялашда яхши хизмат қилмоқда.

Айни замонда республика Ёзувчилар союзи правлениеси ташкилий-ижодий ишларида камчиликларга ҳам йўл қўйди. Кўп маҳал қоғозбозлик, буйруқбозлик, секретариатда ижодий иш ўрнига мажлисбозлик, ўзбилармонлик ҳоллари билиниб қолди. Муҳим масалаларни ҳал қилишда коллектив фикрига суянилмади.

Кейинги пайтлар ичида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси ўз ишини бир муҳим асосга — коллективда зарур ижодий иқлим яратиш асосига қурмоқда, ҳар бир ёзувчининг баракали ишлаши учун шароит яратишга интиломоқда. Биз бу ишни изчил давом эттириб борамиз.

Кейинги бир неча йил мобайнида ёзувчилар ташкилотида ҳукм сурган араз-надоматлар, носамимийлик ва майда гаплар энди бутунлай тугатилмоғи шарт. Союзимиз халқ ва партиянинг буюк идеаллар учун кураш бирлаштирган ҳамкор, ҳамдўст, ўзаро очиқ-ошкор, самимий ижодий муносабатлар ҳукмрон муҳит яратиш йўлида ҳормай-толмай тер тўкаверади.

Бизнинг съездимиз ёзувчилар ташкилоти фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қиларкан, ҳар бир ижодкорни КПССнинг бўлажак XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, СССР Ёзувчиларининг VIII съезди олдимизга қўядиган катта вазифаларни бажаришга сафарбар қилаверади.

Партия совет халқини юксак марралар сари чорламоқда. Биз жонажон партиямизга шунини маълум қиламизки, барча совет ёзувчилари, шу жумладан, барча Совет Ўзбекистони адиблари, янги дунё қуриш, коммунизм янги марраларини эгаллашда ҳужумкор халқнинг бош сафларида боражақлар!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ

1. Абдуллахонов Жонрид
2. Абдусаматов Ҳафиз
3. Аъзамов Эркин
4. Азимов Сарвар
5. Александров Вильям
6. Оймирзаев Жўлмирза
7. Алимов Ғулум (Шўхрат)
8. Алядинов Шомил
9. Аметов Черкиз-Али
10. Анорбоев Суннатилла
11. Орипов Абдулла
12. Отақўзиев Уйғун
13. Аҳмедов Муҳаммад Али
14. Аҳмедов Тошпўлат
15. Охунова Эътибор
16. Бобожонов Рамз
17. Бобоев Машираб
18. Бекниёзов Раҳим
18. Березиков Евгений
20. Ваҳобов Абдулазал
21. Воҳидов Эркин
22. Владимирова Георгий
23. Владимирова Нинель
24. Волков Константин
25. Ғофуров Вали
26. Ғофуров Иброҳим
27. Ғуломов Ҳамид
28. Жабборов Жуманиёз
29. Жумамуротов Тлеуберган
30. Жўраева Гулчехра
31. Иванов Андрей
32. Эгамназаров Назармат
33. Исмоил Мирзакалон
34. Исроилова Зулфия
35. Исахонова Шаҳодат
36. Қодиров Пиримқул
37. Қайипберганов Тўлапберган
38. Камолов Жамол
39. Қориев Мақсуд
40. Қобулов Тўлабол
41. Қаюмов Лазиз
42. Костирия Вячеслав

43. Қўшжонов Матёқуб
44. Мамажонов Салоҳиддин
45. Мамадўстов Гулмурод (Муҳаммад Дўст)
46. Марьяновский Григорий
47. Омон Матжон
48. Маҳмудов Латиф
49. Мирвалиев Собир
50. Мингноров (Тоғай Мурод)
51. Мирзаев Саъдулла
52. Мирзамуҳамедов Муҳаммаджон
53. Мирсаидов Мирмуҳсин
54. Муқимов Йўлдош
55. Мўминов Пўлат
56. Мусаҷонов Фарҳод
57. Муслимов Илёс
58. Муҳаммадий Қуддус
59. Муҳамедов Мумтоз
60. Муҳторов Асқад
61. Назиров Ҳаким
62. Нарзуллаев Нормурод
63. Ниёзов Ҳайдарали
64. Норматов Умарали
65. Нўъмонов Комил (Яшин)
66. Нуриллаева Гулчехра
67. Обиджонов Анваржон
68. Осмонов Айдер
69. Пўлатов Темура
70. Раҳимов Иброҳим
71. Рўзиев (Рўзи Қодирий)
72. Рўзиматов Ваҳоб
73. Саъдуллаев Восит
74. Саидова Дилбар
75. Саъдуллаев Ҳабиб
76. Саломов Ғайбулла
77. Самандаров Эркин
78. Сеитов Хўжабек
79. Сидельников Олег
80. Сирожиiddинов Самариддин
81. Сиёев Саъдулла
82. Соколов Владимир
83. Стуловский Владислав

84. Сулаймонов Йўлдош
85. Султонов Иззат
86. Татур Сергей
87. Тихомолов Борис
88. Тўлахўжаев Туроб
89. Туманова Зоя
90. Тўрабеков Ҳасан
91. Тўхтабоев Худойберди
92. Тюрников Владимир
93. Удалов Александр
94. Умарбеков Улмас
95. Умеров Нузет
96. Уразаев Абдулла
97. Усмонов Уктам
98. Усмонов Эмин
99. Фозилов Носир
100. Файзиев Душан
101. Файзиев Раҳмат
102. Файзуллаев Сайёрпўлат
103. Файнберг Александр
104. Фарҳодий Райим
105. Фатхуллин Зиннат
106. Ҳобилов (Тоҳир Малик)
107. Ҳаимов Еқуб
108. Холдоров Олимжон
109. Ҳамдамов Адҳам
110. Ҳошимов Уткир
111. Ҳожиева Ойдин
112. Худойберганов Норбой
113. Худойбердиева Ҳалима
114. Ҳусанхўжаев (Саид Аҳмад)
115. Шайхон Ҳожиакбар
116. Шарафуддинов Озод
117. Шарипов Ҳусниддин
118. Шермуҳамедов Пирмат
119. Шукуров Нуриддин
120. Эдемова Урие
121. Йўлдошев Сотволди
122. Юсупов Ибройим
123. Юсупов Шукрулло
124. Еқубов Одил
125. Еқубов Ҳомид

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИ

- | | |
|-------------------------|----------------------------|
| 1. Абдуқаҳҳоров Самиг | 16. Мирзаева Малика |
| 2. Абдурашидов Раззоқ | 17. Наҳанов Отаёр |
| 3. Акбаров Султон | 18. Рашидов Уткир |
| 4. Боксер Борис | 19. Раҳимова Гулчехра |
| 5. Болат Юсуф | 20. Раҳмонов Расул |
| 6. Гребенюк Михаил | 21. Рибак Зиновий |
| 7. Жалилов Маъруф | 22. Сафаров Мингзиёддин |
| 8. Иброҳимов Абдуқаҳҳор | 23. Сулаймонов Тўра |
| 9. Имомхўжаев Тўлқин | 24. Суюнов Азим |
| 10. Избосканов Жиянбой | 25. Угай Дегук |
| 11. Ковалев Юрий | 26. Хайруллаев Муҳаммаджон |
| 12. Крюк Геннадий | 27. Ҳакимов Охунжон |
| 13. Куртнезирова Зокир | 28. Ҳакимов Миад |
| 14. Леонтичев Юрий | 29. Ҳусанов Оқилжон |
| 15. Маҳмудов Маҳкам | 30. Шарипов Жуманиёз |

СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

- | | |
|-------------------------|----------------------|
| 1. Азимов Сарвар | 7. Бобожонов Рамз |
| 2. Оймирзаев Жўлмирза | 8. Березиков Евгений |
| 3. Аҳмедов Муҳаммад Али | 9. Воҳидов Эркин |
| 4. Аметов Черкез-Али | 10. Гуломов Ҳамид |
| 5. Орипов Абдулла | 11. Исроилова Зулфия |
| 6. Отақўзиев Уйғун | 12. Қодиров Пиримқул |

- | | |
|-------------------------------|--------------------------|
| 13. Қайипберганов Тўлапберган | 26. Султонов Иззат |
| 14. Қаюмов Лазиз | 27. Тўлаҳўжаев Туроб |
| 15. Омон Матжон | 28. Удалов Александр |
| 16. Маҳмудов Латиф | 29. Умарбеков Улмас |
| 17. Мингноров (Тоғай Мурод) | 30. Файзиев Раҳмат |
| 18. Мирсаидов Мирмуҳсин | 31. Ҳожиева Ойдин |
| 19. Мухторов Асқад | 32. Худойбердиева Ҳалима |
| 20. Норматов Умарали | 33. Ҳусанхўжаев |
| 21. Нўъмонов Комил (Яшин) | (Саид Аҳмад) |
| 22. Нуриллаева Гулчехра | 34. Ҳошимов Уткир |
| 23. Осмонов Айдер | 35. Юсупов Ибройим |
| 24. Пўлатов Темур | 36. Юсупов Шукрулло |
| 25. Сидельников Олег | 37. Еқубов Одил |

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРЕЗИДИУМИ

- | | |
|------------------------------|------------------------------|
| 1. Орипов Абдулла | 14. Удалов Александр |
| 2. Воҳидов Эркин | 15. Уйғун (Отақўзиев Уйғун) |
| 3. Владимиров Георгий | 16. Умарбеков Улмас |
| 4. Ҳамид Гулом | 17. Файзиев Раҳмат |
| 5. Исроилова Зулфия | 18. Ҳожиева Ойдин |
| 6. Қайипберганов Тўлапберган | 19. Худойбердиева Ҳалима |
| 7. Қаюмов Лазиз | 20. Ҳусанхўжаев (Саид Аҳмад) |
| 8. Мирсаидов Мирмуҳсин | 21. Еқубов Одил |
| 9. Мухторов Асқад | 22. Яшин (Нўъмонов Комил) |
| 10. Султонов Иззат | 23. Омон Матжон |
| 11. Назиров Ҳаким | 24. Османов Айдер |
| 12. Нуриллаева Гулчехра | 25. Татур Сергей |
| 13. Тўлаҳўжаев (Туроб Тўла) | 26. Ҳошимов Уткир |

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг 28 октябрь куни бўлиб ўтган пленумида Улмас Умарбеков правление президиумининг раиси этиб сайланди. Абдулла Орипов, Асқад Мухтор, Тўлапберган Қайипберганов президиум раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи нашр органларининг редакторлари тасдиқланди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига Одил Еқубов, «Шарқ юлдузи» журнаliga Уткир


Ҳошимов, «Звезда Востока» журнаliga Сергей Татур, «Йилдиз» журнаliga Айдер Османов, «Ешлик» журнаliga Омон Матжон бош муҳаррир қилиб тасдиқланди.

Шу куни Ўзбекистон Ёзувчиларининг IX съездида сайланган янги ревизия комиссиясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Расул Раҳмонов Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.



Асқад МУХТОР

Ижодий қувонч тилайман



Мамлакатимиз Янги йилга, партиямизнинг XXVII съезди билан бошланадиган тарихий йилга буюк режалар билан кириб келди. Аминманки, барча ёзувчиларимиз қатори ёш ижодий кучларимиз ҳам катта ўзгаришлар даврини бошлаб келаётган бу йилни ҳаяжонли ўйлар билан кутиб олдилар. Партиянинг умумхалқ муҳокамасига қўйилган янги Программасида бизнинг профессионал фаолиятимизга махсус бўлим бағишланган. Шу билан бирга, Програмmani бутунича олганимизда ҳам, ундаги ҳар бир қоида ижодий ишимизга бевосита дахлдордир. Партиянинг иқтисодий стратегияси, социал сиёсати, тинчлик ғояларига бўлган собит эътиқоди — бари инсон манфаатларига, инсон бахт-саодатини таъминлашга қаратилган. Адабиётимиз эса инсон омилининг моҳиятини тўла очиб беришга, унинг мағнавий камолоти ҳақида қайғуришга даъват этилгандир.

Мен ёш ҳамкасбларимни меҳнат мавзуи, меҳнаткаш образи ҳақида чуқурроқ ўйлашга ундамоқчиман. Чунки меҳнат кишининг ҳам социал, ҳам инсоний обрў-эътиборини баҳолашда асосий мезон. Бу мавзунинг фалсафий-эстетик аспектлари кўп ва мураккаб, у фикр бойликларига кенг йўл очади, зиддият ва конфликтларга бой. Партия меҳнатсиз даромадларни, даромад тақсимлашининг ғайри ижтимоий турларини, текинхўрлик ва чайқовчилик каби иллатларни тағ-туғи билан тугатишга принципиал аҳамият беради, дейилади Програмада.

Республикамиз партия ва ҳукумати ҳамда халқимиз ҳозир ҳалоллик ва адолат, ҳақгўйлик ва талабчанлик каби ленинча принципларни қатъият билан амалга ошироқда. Бундай вазиятда, табиийки, ёш ва ғайратли ижодкор авлодимиз воқеаларнинг қоқ марказида бўлиб, халқ дилидаги фикр ва туйғуларни ифодаловчи асарлар яратишга муқаддас бурч деб қарайди.

Янги йилда «Ёшлик» авторларига янги ёрқин асарлар қувончини тилайман.



Ойдин Ҳожиёва



Ойбек

Тошкент шаҳрининг Тазетдинов кўчасида Ойбек уй-музейи очилди.

Устоз, Сизга салом келтирдик бугун
«Тоғлар ҳавосининг ферузасидан»,
«Олтин водийларнинг шабодасидан»,
Давр қизларининг иродасидан,
Собит Муқонларнинг маърузасидан,
Устоз, Сизга салом келтирдик бугун!

Ажаб, тош виқорга дўнган не хаёл:
Сукут йилларидан изларми гавҳар?
Зарифахонимнинг кўллари — шамол,
Шивирлаб сочингиз силарми сахар?

Қарайман: дунёдай кенгиш пешона,
Бутун доноликни жамлаган кўзгу.
Шу улуғ таваллуд кунин баҳона,
Сўйлайин Сиз ҳақда не билсам эзгу:

Асрлар қаъридан миннатдор боққан
Навойнинг ҳайрат кўзидир Ойбек,
Саҳрода каналдай гулдираб оққан
Қудратли халқимнинг ўзидир Ойбек!

Ўқийман бу файзли чехрада нидо:
Йўлчим, эрк элчиси кетяпсан қаён?
Шердай билакларинг — меҳнатга гадо,
Қордай яктагингни куйдирадир қон.

«Қизни суйганига бер» — деган-ку халқ,
Тарҳи тоза гулга жуфт бўлди алаф.
Гулнорим, тескари айландими чарх,
Дўзах оловини сабрингга қалаб?..

Баҳор ёмғирлари туққан камалак —
Ойбек қаламига туташган ёйдек!
Қизлар адирларда терса гулбаргак,
Наъматкак гул бўлиб чорлайди Ойбек,

Ойбек ҳимматидан сўз кетгани чок
Жилғалар ўзида денгизлик кўргай.
Ойбек назокати ёдга тушган чок
Харсанглар кўксиде мунислик кўргай.

Ойбек ҳалолликнинг комил дарсидир,
Меҳнатга фидолик шиори — Ойбек.
Ул буюк ақлнинг элга қарзидир,
Виждоннинг сутдей пок қарори — Ойбек!

Шеърят қасрига кирса қай бир зот,
Ойбек кўзларига боқа олсин тик!
Биз мудом шоғирду сиз — абад устод,
Яшашни ўргатинг бизларга, Ойбек!

Қирқинчи йиллар

Уруш борар эди олис ёқларда,
Йўғ-ей, худди бизнинг шу қишлоқларда,
Оловни соғинган ерўчоқларда
Соғинч — тутантирик, тоқат ёнарди.
Оналар — юраги ларзонлар хомуш,
Нонга алиш бўлган маржонлар хомуш.
Тўқайга ўт кетса, кўға, қиёк, қуш —
Хўл-куруқ баравар — ғорат, ёнарди.
Қоратол тагида Ҳикоят момо¹ —
Қизларга гап ташлар, тегишар гоҳо:
«Пучуқлар, кузакда еймизми ҳалво!?»
Кўксиде тўрт ўғил — суврат ёнарди!
«Тўйингда сув таший ғалвирлар билан.
Бел боғлай найқамиш-чилвирлар билан.
Тахт урай гул уқа чодирлар билан!» —
Дард ичра не лутфу ният ёнарди!
Куй эзар қишлоқнинг саратонини,
Бўзлаган Намознинг Робихоними?
Жудолик куйдирса устихонини,
Ой кутса, йил кутса — муҳлат ёнарди!
«Ҳай, ёр, жангга кирсанг, яроқ бўлойин!
Кокилингга тилло тароқ бўлойин!
Ҳой, сани унутсам, тупроқ бўлойин!»
Чилдирма оҳидан сарҳад ёнарди!
От суриб кетдингми жангга, Зарафшон? —
Сувларинг тўпикдан келмас, онажон!
Ўроқчисин кутиб буғдойзор ҳайрон,
«Ҳар бошоқ — фронтга!»
Соат ёнарди.
Ўроқ етмаганлар пичоқда ўрди,
Жужуқлар чумчуқдай машоғин терди,
Қоплар-елкаларда, йўллар югурди,
Рельслар маромида шиддат ёнарди.
Туршакми, талқонми, кўйлак, рўмолча,
Гоҳ жийда, гоҳида майиз, тоғолча,
Болалар уйига бақавли ҳолча —
Ёрдам! — деган буюк ҳиммат ёнарди.
Уруш — тегирмондан бутун чиққан халқ!
Дўст билан тиллари узун чиққан халқ!
Эй, сариқ вабодан устун чиққан халқ,
Азмингда Ленинча фикрат ёнарди!
Пўлатдан мустаҳкам журъат ёнарди!

Бедорлик

«Соғинсанг, шу ҳовлига сиғин, таскин
беради...» Неъмат аканг жангга кета-
ётиб янганга шундай деган эди...»
Онамнинг айтганларидан.

Ўтовлаган ойдек балқиб хиромон,
Мук тушиб каштасин олар келинчак.

¹ Беш ўғилдан тўрттаси жангга ҳалок бўлган.

Танчага бағрини бериб паришон,
 Момо хом кўсакни қилади эрмак.
 Кун бўйи юк ташиб ҳориган тулпор
 Ухлолмас, қамишдай қулоқлари динг.
 Ҳовлида еттита йигитдай қатор
 Оқ терак хўрсинар — шивирида мунг.
 Дарчадан сирғалиб киради шамол,
 Гўдак каби ҳайрон қолар пойгакда:
 Шам каби нур сочиб бу соҳибжамол
 Ўзин кўксигами игна урмакда?..
 Маъюс мўлтирайди остонада ит,
 Тумшугини кўйиб оёқларига.
 Гуллар «ўсаверар», «жонланади» чит
 Термулиб чеварнинг сиёқларига.
 Қаҳ-қаҳ кулгуларинг қайда, келинчак,
 Дутор торигами беркинди нозлар?
 Хатга ўлтирасан — қўлларинг титрак,
 Оҳуга айланиб қочар қоғозлар...
 Узун тун, қадамнинг бунчалар йўрға,
 Бир тутам кундузлар мингга бўлингай.
 Кундуз-ку хаёллар дилдан бадарга,
 Дил хаёл тўрига тунда илингай...
 «Булбули гўё»ни асрагандек боғ
 «Ғалаба» шартини сўйлар эрта-кеч.
 Еттита оғангдай тераклар уйғоқ
 Етти йил кўзларин юмолмади ҳеч.
 Сен дарё тубига тушган узукдай
 Йиғлай-йиғлай кетдинг олис қишлоққа.
 Ўша тун тераклар қолдилар ухлаб,
 Тоқат қилолмади улар фироққа.

* * *

Шошилма айтмоққа! Кўнгил тобида,
 Меҳр садафида гавҳар — битта сўз!
 Шошилма! Шошилма, тил ғилофида
 Маҳкумини кутган ханжар — битта сўз!
 Шошилма! Сабрнинг панжарасидан
 Сиртлондай сапчиса у беҳтиёр,
 Унинг вазоҳатли исканжасидан
 Талофатсиз чиқмоқ ўлимдан душвор!
 Шошилма! Айқириб оққан дарёни
 Ўша сўз симириб, гоҳо куритгай!
 Шошилма, ўспирин ўктам дунёни
 Бир сўз мункиллаган чолдай қаритгай!

* * *

Эй, ишонч! Кўнглиннга гумон тушмасин!
 Эй, суянч! Боғингга хазон тушмасин!
 Рақиб ҳам дўст бўлар бағрингни очсанг,
 Пайингга ҳеч қачон ёмон тушмасин!

Тунга тарона

Дардинг олай, сеҳргар тун,
 Эшил қора ипақдай!
 Шамоллари ишвагар тун,
 Кўз нурилла йўргаклай!
 Хаёлларнинг қанотида
 Шилдираган сувмидинг?
 Сўқмоқ йўллар увотида
 Тўкилган ёғдумидинг?
 Кранларнинг хартумига
 Қора сочинг илашган!
 Ухлоқ парклар гужумида
 Сенми чирқ-чирқ тиллашган?
 Гўдакларнинг лабларида

Тамшаниб, туш бўлибсан.
 Ошиқларнинг гапларида
 Талпиниб, қуш бўлибсан!
 Кўйлақлари олма исли,
 Райҳон ҳидли, хуш ифор,
 Суҳбатлари майин сўзли
 Синглиммисан бахтиёр?!
 Осмоннинг олов ғози
 Уйғонгунча ал-омон,
 Аллала тун, сендан рози
 Тинч ухласин ҳар Инсон!
 Шу меҳнаткаш Одам зотин
 Ишон фақат куёшга!
 Дардинг олай, сеҳргар тун,
 Илтимосим йўқ бошқа!

Юрагингда...

Юрагингда учқун бўлса, кечикмай, уйғот,
 Нечун ғафлат уйқусида тош қотган туғён?!
 Девор ошган беҳигулдай ифоринг тўзғот
 Қўнғироғи тилдан қолиб, нега гунг Виждон!
 Агарчи сен шавқи-дарди ўрлаган кўшиқ
 Заранглари шудгор айла, олтин омов бўл!
 Уйғон булут эсанг, бўрон солганда чивик,
 Дўлми, селми, қалдирикми; гули бўзоч бўл!
 Билагингда жўшган кучни эзгуликка бур,
 Гар дарахтсан — мажнунтолдай эгил халқингга,
 Гар кемасан — халоскор бўл қаттол тўфонда!
 Сен оловсан, топинмагин совуқ ёлқинга.
 Уйғон, девор тирқишида қолган қорақурт
 Мисли заҳар санчма сўзинг илмоқларига.
 Коммунистик имон учун курашганда юрт,
 Тариқ бўлиб тўкилмагин оёқларига!

* * *

Уйчан куз кунлари
 Намхуш боғларда
 Товланар фурсатнинг
 Алвон хатлари!
 Шамолда солланган
 Арғимчоқларда
 Анқир болаликнинг
 Фароғатлари.
 Бекат — заррин гилам,
 Йўл — сариқ палак,
 Зарғалдоқ баргларга
 Кафтлари тўлиб,
 Тин ола бошлайди
 Мироб-чархпалак!
 Жарангдор сукунат,
 Сассиз хиргойи —
 Тиниқ бир нафосат —
 Кузнинг чиройи.
 Ёлқин манзарага
 Маҳлиё боқиб,
 Қаҳрабо тошқинда
 Кетурман оқиб!
 Сайрдан қайтаркан,
 Этакларимга
 Кузнинг ёнғинлари
 Ина бошлайди.
 Хайрият, қўр босган
 Юракларим-да
 Ёна бошлайди,
 Ёна бошлайди!..

кифоядир. Қанчалик ғалати бўлиб туюлмасин, бунга ҳамоҳанг бошқа ҳодисалар ҳам бор: ўтмишни инкор этиш ёки сохталаштириш, тақаббур, чиранчиқ шовинизм ҳам ўз атрофини «хитой девори» билан ўраб олмоқда, зотан бир халқнинг бошқа барча халқлардан устунлиги ҳақидаги афсоналарни худди шу «хитой девори» доирасида тарқатиш мумкин.

Аввалги асарларимда бўлгани каби бу гал ҳам ўтмиш аждоқлардан бизга мерос қолган афсоналарга, эртақларга, ривоятларга таянган ҳолда иш тутдим. Шу билан бирга, ёзувчилик тажрибамда илк марта фантастик сюжетдан фойдаланишга уриндим. Унис ҳам, буниси ҳам мен учун асосий мақсад эмас, балки фақат тафаккур тарзи, воқеликни тадқиқ ва талқин этиш усулларидан биридир.

Асардаги ғайри-заминий тараққиёт билан боғлиқ муносабатлар ва унга вобаста барча воқеалар ҳеч қандай реал асосга эга эмас, албатта. Аслида, дунёнинг ҳеч қаерида Сариўзак космодроми ҳам, Невада космодроми ҳам йўқ. Барча «фазовий» кечмиш воқеалар тасвиридан мудоао — ер куррасидаги одамларга хавф-хатар туғдириши мумкин бўлган вазиятни фавқулабий ва муболағадор бир шаклда кескинлаштириб кўрсатишдан иборат.

Фантастик тўқиманинг аҳамиятига келганда, ўз даврида Достоевский шундай деб ёзган эди: «Фантастика реал воқелик билан шу қадар омукталашиб кетсинки, сиз унга қарийб

Бул китоб жисму фиғонимдир менинг,
Бул калом жону жаҳонимдир менинг.

Григор Нарекаци,
«Мусибатнома», X аср

Кақраб кетган жарликлару суви қуриган сойликлардан хўрак излаб чиққан тулкининг жонига тўзим берсин. У ертараш майда жониворларнинг бошини айлантириб юборар даражадаги талвасали чопчопларини кузатиб таъқиқ қилар, гоҳ юмронқозик инини шоша-пиша кавлай бошлар, гоҳ сув ўйиб кетган эски камар ичида беркиниб ётган кичкинагина қўшоёқнинг ниҳоят ташқарига сакраб чиқшини пойлар эди. Мабодо у чиқиб қолгудай бўлса, ҳа, дегунча тутиб олиб, мижғилаб ташларди. Овга чиққан оч тулки йироқдан мана шундай тимирскиланиб, аста-секин темирйўл сари яқинлашиб келарди. Даштлик бўйлаб бир текис қорайиб чўзилиб кетган темир излардан гулдираб, теварак-атрофни ларзага солиб, гоҳ у томон, гоҳ бу томон ғизиллаб ўтиб турган поездлар тулкини ўзига чорлар, айни чоқда юрагига ғулул солар эди; поезднинг ортида қолган димоқни ачиштирувчи дуд ва куюнди ҳидини кўп ўтмай шамол теваракка тарқатиб юборарди.

Кечга яқин тулки йўл ёқасидаги симёғоч остидаги чуқурликка кириб, у ерда қалин ўсиб тўқ қизил рангда қийғос уруғлаган, лекин вақти келиб қувраб қолган отқулоқлар остига ғужанак бўлиб ётиб олди ва ер бағирлаб эсган шамолнинг хўштак қалиб, қовжираган ўтларни шилдиратаётганидан ғаш келиб, қулоқларини динг қилганча, қоронғилик тушишини тоқат қилиб кутарди. Симёғочлар ҳам нуқул ғувиллаб турарди. Аммо тулки ундан чўчмасди. Чунки симёғочлар бир ерда туравершини, таъқиб қилмаслигини биларди.

Лекин вақти-вақти билан ўтиб турган поездларнинг қулоқни кар қилгудай тарақ-туруқ овози ҳар гал уни сескантириб, жунжикиб олишга мажбур этарди. Тулки заминни ларзага солиб, даҳшат билан учиб келаётган зил-замбил вагонларнинг мўъжизавий қудратини ўзининг бутун вужуди, ҳатто нозик қобирғалари билан титраб-қалтираганча сезиб ётарди, ҳарнечук қўрқув ва бегона хидлардан беҳузур бўлаётганига қарамасдан, у чуқурликдан чиқмай, кеч кириб темирйўл ёқасининг бир оз тинчишини кутиб ётган эди.

Тулки бу томонларга очликдан ночор қолган пайтларидагина келарди...

ишонинг». Достоевский фантастика қонуниятини аниқ таърифлаган. Ҳақиқатан ҳам, қадимги халқлар мифологияси дейсизми, Гоголь, Булгаков ёки Маркеснинг фантастик реализми дейсизми ёхуд илмий фантастика дейсизми — булар бари қанчалик хилма-хил бўлмасин, реал воқеликка йўғириб тасвирлангани туфайли ишонарлидир. Фантастика реал ҳаётнинг қайсидир томонларини қабартиб кўрсатади, «ўйин қондаларини» тайин этиб, ҳаётнинг ўша қирраларини фалсафий умумлаштиради ва танаб олнинг хусусиятларининг ривожланиш потенциалини имкон қадар тўлиқ очиб беришга хизмат қилади.

Фантастика — ҳаётни янгича, фавқулодда назар билан кўришга ёрдам берадиган мажозий шаклдир. Асримизда мажозий фикрлашга бўлган эҳтиёж одатдаги фантастика оламига сўнгги йиллар илмий-техник кашфиёт унсурларининг жадал кириб келгани билангина ўсиб қолмади, зеро, иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ирқий сингари муҳдиш зиддиятларга ем бўлаётган дунёимизнинг ўзи ақл бовар қилмас мажозларга бойдир.

Шунинг учун ҳам ушбу романимда тасвирланган Сариўзак мажозлари меҳнаткаш инсонга унинг заминимиз тақдири учун нақадар масъуллигини яна бир қарра эслатиб қўйишни истар эдим...

Кўчкидан сўнг сукунат чўккандай, поездлар олислаб кетиши билан бутун даштликка сокинлик инарди, тулки мана шундай оқшом сокинлигида элас-элас эшитилаётган, лекин бирон-бир жон зотига тегишли бўлмаган аллақандай ноаниқ товушларни ҳушёрлик билан илғаб қоларди. Бу ҳаво оқимининг ҳаракати натижасида содир бўлган товушлар бўлиб, ҳавонинг авзойи ўзгараётганидан нишона эди. Жонивор табиий бир тарзда буни сезар, аянчли жунжикиб, ер бағирлаганча қимир этмасдан аллақандай муқаррар бир фалокатни олдиндан тўйиб, жонжаҳди билан увиллаб юборгиси келар эди. Бироқ очликдан силласи қуриган тулкининг шунга ҳам ақли етмасди.

Тулки увиллаш ўрнига, санқиб чопаверганидан зирқираган панжаларини ялаб, секингина ғингшиб қўйди.

Уша кунлари, куз яқинлаб, оқшомлари анча аёзли эди. Кечалари эса ер тезда музлаб, тонгга қадар даштлик худди енгил шўрхоқ босгандай оқиш қиров билан қопланар эди. Дала жониворлари учун тароватсиз, қаҳатли кунлар бошланди. Бу томонларда ёзда аҳён-аҳёнда учрайдиган қушлар ҳаммаси ҳар ёқларга ғойиб бўлишади, қай бирлари иссиқ ўлкаларга учиб кетса, қай бирлари жар ёқасидаги илгарига кириб кетади, яна бошқалари қишлашга чўл этагидида қумликлар сари йўл олади. Энди эса ҳамма тулки ўзича емиш излаб даштликнинг турли томонига изғиб кетганидан, дунёда гўё тулки зоти қолмагандай эди. Тулкиларнинг бу йилги болалари ўсиб, катта бўлиб, ҳар ёққа тарқалиб кетган, уларнинг урчидиган маҳали ҳали олдинда; қиш фаслида турли томонлардан келиб, бир-бирлари билан топишиб, қайтадан учрашганларида нар тулкилар ҳаёт-мамат учун шундай олишиб кетар эдиларки, асти қўяверинг. Азал-азалдан дунёнинг ишлари шундай...

Қош қорайиши билан тулки чуқурликдан чиқди. Ўзича хавфсираб бир зум пайт пойлаб турди-да, сўнг темирйўл кўтармаси томон юриб кетди. У товуш чиқармай, гоҳ йўлнинг у томонига, гоҳ бу томонига югуриб ўтарди. Бу ердан вагонларнинг дерезасидан йўловчилар ташлаган озиқ-овқат чиқиндиларини изларди. Бирор арзигулик емиш топгунча, қурилиқлар бўйлаб димоғни қитиқловчи ё кўнглини айинтувчи тирли-туман нарсаларни хидлаб, узоқ чопиб юрди. Поезд ўтган жойларда қоғоз парчалари, ғижимланган газеталар, шиша синиқлари, папирос қолдиқлари, пачақланган консерва банкалари ва бошқа ташландиқ нарсалар сочилиб ётарди. Айниқса, юмалаб ётган шисаларнинг оғзидан бадбўй хид таралиб кўнглини беҳузур қиларди. Тулки икки марта боши айланиб, кўзи тиниб кетгач, сиртли ҳавони хидлашдан воз кечди. Шундақ ҳидни сёзди дегунча, дарҳол бурун қоқиб, сакраганча ўзини четга оладиган бўлди.

У узоқ тарадудланиб, хавф-хатардан жон сақлаб қанчалик изланмасин, барибир, аксига олгандай, излаган нарсасини тополмади. Шунга қарамай, бирор егулик топилиб қолар деган

Эзбек элине

"Эвлик"

турма элине
окурманларга!

Менин буи раманнинг "Келин-
дин узак содирган кун"
ар турму китеп омурининг
арининг, асиздин ишине,
авбете, нани адандин,
бурунчида терез кез сайин,
адам болмасинан аман
мансапидин оз болган
терез, ай турму-кун
нани турган багынган.

Бар башлар

Н. Айтматов

умидда темирйул буйлаб тинимсиз югурар, кўтарманинг гоҳ у ёғига, гоҳ бу ёғига физиллаб ўтар эди.

Тулки чопиб бораётиб, кутилмаганда қаршида ногаҳоний бир фалокат содир бўлгандай, олдинги оёқларини кўтарганча донг қотиб қолди: ғира-шира ой ёруғида кўзга аранг чалинаётган тулки темир излар ораллигида қимир этмай, кўланка сингари турарди. Узоқдан гувиллаб келган овоз унинг тинчини бузиб, қулоғи остидан кетмай қолди. Аммо бу овоз ҳали жуда узоқда эди. Ҳамон думини ёйиб, қотиб қолган тулки қатъиятсизлик билан оғирлигини бу оёғидан у оёғига ташлаб, йўлдан қочишга шайланиб турди. Лекин у қочиб қолиш ўрнига, аксинча, жон сақлаш учун бирор егулик топилиб қоладигандай, шоша-пиша қияликлардан чопқиллаб кетди. Олисдаги шовқин — темирларнинг даҳшатли шақирлашию юзлаб ғилдиракларнинг гулдуриси тобора яқинлашиб келаётганига қармай, тулки йўлдан чиқмасди, шу онда ҳам овақат топиб олишдан умид қиларди гўё. Тулки ўзи билан ўзи андармон бўлиб, бир лаҳзагина хаёллаб қолган эди, шамга келиб урилган парвона сингари гангиб, ўралашиб, ағдарилиб тушиши учун унга шу лаҳзанинг ўзи кифоя қилди. Шу вақт вагонларини эргаштириб муюлишдан чиқиб келаётган қўшалоқ локомотивнинг узоғу яқинни бирдай ёритувчи чироқлари унинг кўзини қамаштириб қўйди. Қудратли прожекторлар йўл-йўлакай атроф-даштлиққа оқши нур таратиб, жонсиз, руҳсиз манзарани ёритиб борарди. Поезд эса вазоҳат билан бостириб келарди. Ҳавони чанг ва димоқни ачиштирувчи куюнди хиди тутди, шамол турди.

Тулки шитоб билан ўзини четга олди, даҳшатли кўрқувдан ер бағирлаб қочар экан, ахён-ахёнда орқасига қайрилиб қараб қўярди. Шокосадай кўзларидан ўт балқитиб келаётган ҳалиги махлуқ эса, узоқ вақтгача гумбурлаб, ғилдиракларини тарақлатиб ўтиб турди. Тулки турган жойидан сакраб, яна жон талвасида тирақайлаб қочди...

У нарига бориб бир оз нафас ростлаб олгач, нафсини қондириш учун яна темирйул томон интилди. Аммо йўлда тагин оғир юки билан қатор вагонларни судраб келаётган қўшалоқ локомотив чироқларининг нури кўзга ташланди.

Шунда тулки далани айланиб ўтиб, темирйулнинг поезд юрмайдиган бошқа жойидан кесиб чиқмоқчи бўлди...

Бу ўлкаларда поездлар серкатнов — машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Бу ўлкалардаги темир изларнинг икки тарафида пой-повенсиз улкан Сариўзак даштлари — қовжироқ саҳронинг ўзак ерлари ястанган.

Бу ўлкаларда ҳар қандай масофа темирйўлдан бошланади. Зеро, бу темирйўллар бу ўлкаларнинг ўзига хос Гринвич меридианидир...

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Ярим тунда аллаким ҳаллослаб узоқ йўл босиб, темирйўлчилар будкаси томон шовиб борарди. Аввалига шпаллар устидан юрди, сўнг қаршидан поезд кўзга ташлангач, қияликдан паства сурилиб тушиб, теззорар юк поезди ғилдираклари остидан шиддат билан кўтарилаётган чанг-тўзон аралаш қор бўронига қўлини пана қилиб, чап берганча илгарилаб кетди. (Ҳеч ерда тўхтамай шитоб билан келаётган бу поезд литер вагонлардан иборат махсус поезд эди; у кейин алоҳида темирйўл тармоғи орқали I-Сариўзак ёпиқ зонасига бурилиб, тўппа-тўғри космодромга кириб кетди. Қисқаси, шу боисдан ҳам бу юк поезди бошдан-охир брезент билан беркитилган бўлиб, ҳар бир вагонни ҳарбий соқчилар кўриқлаб боришар эди.) Эдигей бунчалик шошилиб келаётган аёл ўзининг хотини эканини дарҳол англаб етди, унинг шошилиши бежиз эмас, муҳим сабаби бўлса керак албатта. Ростдан ҳам шундай бўлиб чиқди. Аммо Эдигей ҳозир хизмат бурчи тақозосига кўра очик майдончасида кондуктор турган охириги вагон ўтиб кетмагунча жойидан силжишга ҳаққи йўқ эди. Эдигей билан кондуктор қўлларидаги фонуслари билан, йўл хатарсиз деган маънода бир-бировларига ишора қилишди. Шундан сўнггина шовқин-сурондан гарангсиган Эдигей терлаб-пишган хотинига қайрилиб қаради:

— Ҳа, тинчликми?

Аёл унга ташвишли боқди, нимадир демоқчи бўлиб лабларини қимтиб қўйди. Эдигей ҳеч нарса уқмади, аммо хотини нима демоқчи эканини англади: ўша нарса бўлса керак.

— Шамолда турма, бу ёққа кел, — деб уни будка ичига бошлади.

Ўзи гумон қилган воқеанинг содир бўлганини хотинининг оғзидан эшитишдан аввал Эдигей шу лаҳзада бошқа бир нарсадан ҳангу манг бўлиб қолди. У илгарилари ҳам ёшлари ўтиб бораётганини биларди, аммо шу тобда хотинининг тез юриб келгани сабабли нафаси қисилиб, ҳансираб, кўкраги ғижирлаётганини, айна чоқда, ғайри табиий букчайиб қолганини кўриб, унга ичи ачиди. Деворлари топ-тоза қилиб оқлаб қўйилган будкачадаги ўткир чироқ нурида Уккуболанинг кўкариб-қорайиб кетган юзларидаги чуқур ажинлар яққол кўзга ташланди (илгари қанақа эди — қорамғиз юзлари бугедай рангида товланар, қоп-қора кўзлари чақнаб турар эди), яна бунинг устига, гуручдай тишлари тушиб кетибди, ҳар қанча ошини ошаб, ёшини яшаган бўлса-да, аёл кишининг тишсиз қолиши ярашмас экан (аллақачон уни станцияга олиб бориб, ҳалигидай темир тиш қўйдириш керак эди. Ҳозир ёшу қари демай ҳамма шунақа тиш қўйдириб олган-ку); булар ҳам етмагандай, рўмоли елкасига сирғалиб тушган боқяқшининг оппоқ оқариб, тўзиб кетган ўрама сочлари Эдигейнинг қалбини ўртаб юборди. «Эҳ, қанчалик қартайиб кетибсан, бечорагинам», деб ўйлади Эдигей раҳми келиб, бунда ўзининг ҳам айби борлигини алам билан ҳис этар экан. Шу тобда унинг кўнгида узоқ йиллар бирга яшаб, ҳаётнинг не-не аччиқ-чучуқларини чурк этмай бирга тотиб келган заҳматкаш аёлига нисбатан илиқ меҳр, чексиз миннатдорлик туйғулари уйғонди. Мана, ҳозир ҳам ярим кечада, узоқ йўл босиб, одамгарчилик юзасидан, инсонийлик бурчи юзасидан, қолаверса, бу хабарнинг Эдигейга нақадар муҳим эканини билганидан бечора Казангап чолнинг чалдевор уйида яккаю ёлғиз ётиб вафот этганини шошилиш хабар қилишга келибди. Чунки бу ўлим ёруғ дунёда фақат Эдигей учунгина оғир жудолик эканини у яхши тушунар эди. Ҳолбуки, марҳум эрига на биродар ва на қуда-анда эмас.

— Утир, нафасингни ростлаб ол, — деди Эдигей иккаласи будкага киришганда.

— Ўзингиз ҳам ўтиринг, — деди аёл.

Улар ўтиришди.

— Нима гап, тинчликми?

— Казангап ўлиб қолди.

— Қачон?

— Яқиндагина. Бирон нарса зарурмикин, деб хабар олгани кирган эдим, қарасам, чироқ ёқик, у киши ўрнида ётибди. Бироқ соқоли хурлайиб қолган. Яқинига бориб, Казака, иссиқ чой ичасизми, дедим. Кейин билсам, бояқшининг жони узилган экан. — Уккуболанинг овози бўғилиб, қизариб кетган, пиёз пўстидан юпқа қовоқлари учиде ёш ҳалқаланди. Охири хўрсиниб, секин йиғлай бошлади. — Шундай кунда ўлади деб ким ўйлабди. Қандай яхши одам эди-я! Кўзи очик кетди дунёдан. Ёпиб кўйишга одам топилмабди, — дея зорланиб йиғларди у. — Бундай бўлиши кимнинг хаёлига келибди! Дунёдан ўтди раҳматли... — У «итнинг ўлимидай» деб сўзини давом эттирмоқчи бўлди-ю, яна жим қолди; бусиз ҳам аҳвол равшан эди.

Эдигей Бўрон — урушдан қайтиб келган ўша кунлардан бошлаб Бўронли бекатида ишлаётгани учун атрофдагилар уни шундай аташарди — аёлининг сўзларини тинглаб, девор остидеги курсиде гурзидеи қўлларини тиззасига қўйганча, гамгин ўтирарди. Бошидаги эскириб, мойга ботиб кетган темирўлчилар фуражасининг соябони кўзини тўсиб турарди. Шу пайт у нимани ўйлаётган экан?

— Энди нима қиламиз? — деди хотини ниҳоят.

Эдигей бошини кўтариб, хайрхоҳлик билан унга қаради:

— Нима қиламиз, дейсанми? Шундай маҳалда одамлар нима қилишади? Дафн этамиз. — У бир қарорга келгандай қатъият билан ўрнидан турди. — Сен тезроқ уйга етиб бор. Ҳа, олдин гапимга қулоқ сол.

— Эшитяпман.

— Боришинг билан Успанини уйғот. Разъезд бошлиғи деб ўтирма, бунинг аҳамияти йўқ, ўлим олдида ҳамма бир. Казангап ўлганини айт. Библик қўйсин, қирқ тўрт йил бир жойда ишлаган одам ўлганини. Казангап бу ерларда иш бошлаганда Успан онасидан туғилмаган эди. У вақтларда ҳар қанча пул берман деганинг билан Сарийўзакка ит ҳам келмас эди. У ишлаган даврда бу ердан ўтиб-қайтган поездларни санасанг, бошингдаги сочининг толалари ҳам етмайди, дегин... Яхшилаб ўйлаб кўрсин. Шундай деб айт. Яна бундай қил...

— Қани...

— Ҳаммани бирма-бир уйғотиб чиқ. Деразаларини тақиллат. У ёғи-бу ёғи саккиз хонадонмиз — бармоқ билан санарли... Ҳаммасини уйғот. Бунақа одам ўлганда ҳеч ким ухлаб ётмасин. Ҳаммани оёққа турғаз.

— Койиб беришса-чи?

— Уйғотиб қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Койишса койишаверсин. Уйғот, деб мен буюрганганимни айт. Ахир, виждон бўлиши керак одамда. Сабр қил!

— Яна нима?

— Аввало навбатчининг олдига кириб ўт. Бугун Шоймардон диспетчерлик қиялпти. Бўлган воқеани айт, нима қилиш зарурлигини ўйлаб кўрсин. Балки бу сафар ўрнимга бошқа одамни қўйиб турар. Рози бўлса, хабар берсин. Гапимни уқингми, худди шундай деб айтгин!

— Хўп, шундай деб айтаман, — деди-да, Уккубола яна муҳим бир нарсани унутганини эслаб, гап бошлади: — Ие, фарзандлари-чи? Ана холос! Ахир, аввало уларга хабар қилиш керак-ку! Отаси кўз юмган бўлса...

Эдигей бу сўзларни эшитиб, кўнгли ғашланди, қош-қовоғи уюлиб, баттар жаҳли чиқди. Лом-мим демади.

— Нима бўлсаям болалари, — дея гапида давом этди Уккубола ўзини оқлагандай бўлиб, Эдигейнинг хушламай турганини сезса ҳам.

Эдигей қўл силтади.

— Биламан. Нима, эсимни ебманми? Ҳамма гап шунда-да, фарзандларини қақирмай бўлармиди. Ихтиёр менда бўлгандайди, уларни яқин йўлатмаган бўлардим!

— Эдигей, у ёғи бизнинг ишимиз эмас. Майли, келиб оталарини ўзлари кўмшсин. Қақирмасак, кейин бир умр гап-сўздан бошимиз чиқмайди.

— Нима, мен келмасин деяпманми? Келаверишин.

— Шаҳардаги ўғли етиб кела олармикан?

— Хоҳласа, етиб келади. Утган кунни станцияга борганимда ўз қўлим билан телеграмма жунатганман, отангинг аҳволи оғир, деганман. Яна нима керак? Ўзини ақлли санаб юради у, агар шу рост бўлса, гап нимада эканига ўзи тушунар...

— Ундай бўлса, майли, — деди Уккубола Эдигейнинг гапларини маъқуллагандай бўлиб ва яна ўзини ташвишга солган аллақандай нарсалар ҳақида сўзлай кетди: — Хотини билан

бирга келса яхши бўларди, ҳар ҳолда, қайнотаси дафн этиляпти, ҳар ҳолда, етти ёт бегона эмас...

— Майли, буни ўзлари ҳал қилишсин. Ёш бола эмас-ку.

— Шундай-ку-я, — деб қўйди аранг Уккубола, ҳали ҳам ишонқирамай.

Шу билан иккаласи жимиб қолишди.

— Бўлди, энди кўпам вақтни ўтказма, борақол, — дея эслатди Эдигей.

Хотини яна нимадир демоқчи эди.

— Айтгандай, қизи-чи, ҳалиги, ўзидан ортмаган ювиқсиз, ароқхўр билан яшаётгани бор-ку — шўрлик Ойзода? Шу, чурвақалари билан станциядан етиб келишга улгурши керак-ку?

Эдигей беихтиёр жилмайиб, хотинининг елкасига қоқди.

— Бўпти, қўйиб берса, ҳар бирининг қайғусини қўша тортмоқчисан... Ойзода қўл қўзса етгудай жойда, эрталлаб бирортаси станцияга ўтса, хабар қилар, уям етиб келади албатта. Сен, хотин, бир гапни тананга сингдириб ол, Ойзодасидан ҳам, ўғли Собитжонидан ҳам, минг фарзанд бўлгани билан ҳеч қандай фойда йўқ. Мана, кўрасан, ҳаммаси келади, келмай қаёққа борарди, аммо келганда ҳам меҳмондай бир чеккада қўл қовуштириб туради, марҳумни эса ўзимиз кўмамиз, ҳали кўрасан... Энди бор, нима деган бўлсам, шундай қилгин.

Хотини кетатуриб, иккиланганча тўхтаб қолди ва яна юра бошлади. Аммо бу сафар уни Эдигейнинг ўзи қақириб тўхтатди:

— Аввало, навбатчига — Шоймардонга учрашишни унутма, ўрнимга бирорта одам юборсин, бошқа кун ишлаб берарман. Марҳум кимсасиз уйда ётибди, ёлғиз қолдириб бўладими... Шундай деб айтгин...

Хотини бош ирганганча жўнаб кетди. Шу маҳал йўл тахтасидаги сигнализатор ғиғиллаб, ўтли кўзларини ёқиб-ўчра бошлади. Бу билан Бўронлига янги состав яқинлашаётганидан хабар қилди. Навбатчининг буйруғига кўра бу поездни запас йўлга қабул қилиб, қаршидан келаётганини асосий йўлга ўтказиб юбориш керак эди. Одатдаги иш. Поездлар яқинлашиб келишар экан, Эдигей йўл ёқасидан бораётган Уккуболага худди эсидан чиқиб қолган бирор зарур гапи бордай дам-бадам қараб қўярди. Айтса айтадиган гапи кўп, дафндан олдин қилинадиган ишлар оз дейсизми, қайси бирини эслаб қолсин. Аммо Эдигей ҳозир хотини томонга буни ўйлаб қараётгани йўқ эди. У, шунчаки, йўл бўйидаги дуд аралаш сарғиш нур шуъласида юриб бораётган хотинининг кейинги пайтларда қанчалик қартайиб, букчайиб қолганига ҳозир эътибор бераркан, кўнгли ранжиб, ўзини койий бошлади.

«Қарилик елкангда туради деганлари шу экан-да. Қаридик-ҳоридик — кампир билан чол бўлди!» Аслида унга сиҳатдан худо берган, ҳали бардам, лекин бир ёқдан ёш қурғур ҳам ўтяти-да. Олтмишни уриб қўйди, йўқ, олтмиш бирни. «Хаш-паш дегунча орадан яна бир-икки йил ўтиб, марҳамат, пенсияга, деб қолишлари мумкин, — дея ўйлади Эдигей ўзича истеҳзо билан. Лекин у ҳали-бери пенсияга чиқмаслигини биларди. Бу ерларда йўл назоратчиси, йўл тузатувчи сингари вазифаларда ишлаш учун ҳадеганда ўрнига одам топила қолармиди. Вақти келиб, биронтаси касал бўлиб қолса ёки отпуссага чиққудек бўлса, у темирўл стрелкаларига ҳам кўз-қулоқ бўлиб турарди. Тўғри, иш жойининг олислиги ва сув танқислиги учун унга қўшимча ҳақ ҳам тўлашади. Лекин, шунини деб кўзи учиб турганлар топилармикан? Ҳозирги ёшлар ичида бунақасининг топилиши амримаҳол.

Сарийўзак даштларида ишлайдиган одамнинг жони мингта бўлиши керак. Бўлмаса, шўри қурийдди. Дашт худудсиз; одам кум донасидай кўринади бу ерда. Биров қийналадими, йўқми — даштнинг заррача иши йўқ. Одамга эса, қаерда қандай ишлаш бари бир эмас. У бошқа жойда яхшироқ яшармидим, тақдир адаштириб бу ерларга келиб қолдим, деб ич-этини ейди. Шунинг учун инсон улкан ва даҳшатли дашт қаршисига ўзини жуда ожиз сезади. Бу ерда одам худди Шоймардоннинг уч гилдиракли мотоциклининг аккумулятори-га ўхшаб қолади. Эгаси уни аяйди, ўзи ҳам минмайди, бошқага ҳам миндирмайди. Оқибатда мотоцикл бекор турганидан, юргизадиган кучи, жавҳари тугаб қолади. Сарийўзак темир-йўлларидаги одам ҳам шунақа — ўзини ишга урмаса, даштга томир отмаса, ўсиб-унмаса, чидаши қийин. Йўловчилар вагонларнинг деразасидан қараб, бошларини чангаллашади:

ё худойим, шу ерлардаям одам боласи яшайдими-я, деб ажабланишади. Теварак қирранг дашт, фақат туяларгина кўринади, холос! Бошқа ҳеч вақо йўқ! Шунга қарамай, шу ерларда ҳам одамлар яшашиди. Тўғри, ҳар ким тоқати етгунча — биров уч йил, жа-а чидаси, тўрт йил яшайди, кейин — тамом: ҳисоб-китобини оладио бу ердан узоқроққа кетади...

Аммо Бўронлида фақат икки киши — Казангап билан шу Эдигей Бўрон ўтроқлашиб қолишиди. Эҳ-ҳа, бу орада қанчадан-қанча одамлар келиб кетмади дейсиз бу ерга! Узини айтмай қўяқолсин, ҳайтовур, чий дегани йўқ. Казангап ҳам Бўронлида қирқ тўрт йил ишлаб қўйди. Бошқалар яхши-ю, у ёмон бўлгани учун эмас, албатта. Битта Казангапнинг ўзини Эдигей ўнта одамга алишмас эди. Энди у ҳам мангуга кетди...

Келган поездлар ажралишиди. Бири маширқ томонга, иккинчиси мағриб томонга йўл олди. Бўронлининг айри йўллари бир муддат яна ҳувиллаб қолди. Поездлар жўнаши билан ҳаммаёқ бирдан очилиб кетгандай бўлди — зим-зиё осмонда юлдузлар тагин ҳам равшанроқ чарақлаб, шамол қиялиқлар, сал-пал жаранглаётган, қисирлаётган темир излар ўртасидаги шағал юзасида эмин-эркинроқ шўхлик қила бошлади.

Эдигей будкага кирмади. Устунга суяниб, ўйлини қолди. Узоқда — темирйўл ортидаги далада ўтлаб юрган туяларнинг қоралари кўринди. Улар ой нурида тик турганча, миқ этмай, тонгни кутишарди. Улар орасида Эдигей ўзининг икки ўрқачли, йирки бошли нортусини — Сарийўзакда энг кучли, энг илдам, хўжайини каби «Қоранор Бўрон» деб ном олган туясини таниди. У Эдигейнинг фахри эди; ўлгудай бақувват, лекин одамни қийнаб юборади ўзи ҳам. Чунки Эдигей уни бўталоклигида ахта қилмаган, кейин шундайлигича қолиб кетган, бинобарин, у туялар орасида бўғра бўлиб гердайиб юрар эди.

Эдигей эртагаллик ҳар хил юмушлари билан бирга бар-вақтроқ Қоранорни уйга ҳайдаб келиш, унга эгар-жабдук қўйиш кераклигини эслади. Улик чиқаришда керак бўлади. Миясида яна шунга ўхшаш минг хил хаёллар айланди...

Разъезддаги одамлар ҳали уйларида хотиржам ухлаб ётишарди. Темирйўлнинг бир чеккасида станциянинг турли майда-чуйда идоралари, ҳовли саҳнига қурилган ўчоқлар, бир-биринга ўхшаш икки бўғотли усти шифер билан ёпилган йиғма-тахта деворли уйчалар (бор-йўғи олтига уйни темирйўл бошқармаси кўрдирган), улар ёнида Эдигей ўзи куриб олган уй, раҳматли Казангапнинг паҳса деворли кулбаси, ҳовлилардаги турлича кўндирилган тандир, ўчоқбошилар, бостирмалар, мол-ҳол учун четан деворли кўра, ўртада шамолда айланадиган, аслида, ўзи универсал электр насосхона, зарур бўлганда ишга тушадиган сув тортич (бу ерда у кейинги йилларда пайдо бўлди), хуллас, Бўронли қишлоқчаси шулардан иборат эди.

Буюк темирйўл тармоғида, буюк Сарийўзак даштида қон томирларидай ҳар ёққа тарқалган турли разъезд, станция, шоҳоба, шаҳарларни бир-биринга боғлаб турган мўъжазгина бекатлардан бири эди Бўронли... У кафтдай очиқ жойда, дунёдаги ҳамма шамолларга бағрини тутган ҳолда жойлашган. Айниқса, қишда уйлари деразасигача қорга кўмиб, темирйўлни қалин музлаган дўнглиқларга айлантириб юборадиган Сарийўзак қорбўрони турса борми, худди бекатни учириб кетгудай бўларди. Шунинг учун ҳам даштдаги бу разъезд «Бўронли» деб аталар, бекат пештоқиға қозоқча ва русча қилиб «Бўронли — Буранный» деб ёзиб қўйилган эди.

Эдигей ҳозирги қор тозалайдиган машиналар келгунга қадар бўлган даврни эслади. Ҳозирги машиналар йўлдаги куртинг бўлиб қотиб қолган қор уюмларини бўлақларга бўлиб, тиш-кафтгирлари билан икки томонга суриб ташлайди. У кезларда-чи, қор босган йўллари тозалаш учун Казангап икковлари ўлар-тирилариға қарамай ит азобида олишган эдилар. Бу ишлар худди кечагина бўлиб ўтгандай. Эллик биринчи-эллик иккинчи йилларда қиш жуда оғир келди. Фронтда шундай кезлар бўлганки, одам умри фақат бир марта жангга киришгагина ёки бўлмаса, танкка қарши бир марта граната улоқтиришгагина кифоя қилгани сингари Бўронлида ҳам аҳвол худди ўшундай бўлган эди. Бу ерда сени ҳеч ким ўлдирмаси ҳам, ўзингни ўзинг нобуд қилишингга тўғри келади. Қанчалаб қор босган жойларни қўл билан кураб, қўл билан суриб, қорни наматларда судраб, ҳатто қопларга солиб орқалаганча тепаликка олиб чиқиларди. Бу ишлар разъезддан етти чакирим

нарида, темирйўл кесиб ўтган тепалик энишида олиб бориларди. Ҳар сафар ҳам бу кураш қорбўрон билан сўнги бор олишувдек бўлиб туюларди. Йўл бер, деб дашт бўйлаб ўкириб келаётган поездларнинг дахшатли овозини бошқа эшитмаслик учун, ўйлаб ўтирмай, жонини беришга ҳам рози бўларди одам.

Бироқ энди у қорлар эриб кетди, у поездлар елиб ўтди, у йиллар ортда қолди... улар билан энди ҳеч кимнинг иши йўқ. Ўтдио кетди. Ҳозирги йўл ишчилари ғала-ғовур билан зув келиб, зув кетишади. Уларни назорат-ремонт бригадалари дейишади. Бир замонлар мана шу Сарийўзакдаги қор бошилар ҳақида гапириб, унда атиги икки-уч кишигина белкурак билан ишлаганини айтсанг, улар буни тасаввур ҳам қила олмайди, ишонмайди ҳам! Мўъжиза бу! Баъзилар очикдан-очик масҳара қилади — бундай қони азобнинг кимга кераги бор, кўра-билатуриб, ўзни қийноққа солишдан нима фойда, дейди. Биз бўлганимизда бу ишга сира қўл урмаган бўлардик! Узларингни худо уриб қўйган, бўлмаса, қурилишдами ёки бошқа бирор жойдами ишлаш мумкин эди-ку, бу дунёда иш қуриб кетибдими? Зарур бўлиб қолса, қўшимча ишларга ҳалқни тўплаб ҳайда, вассалом... Қанча ишласанг, шунча ҳақ оласан. Агар буни ҳашар деб қолишса, ҳалқни тўплагини қўшимча ҳақни талаб қил. Шу ҳам гап бўлди-ю... «Ғирт анойи бўлгансизлар, бобойлар, анойиларча ўласизлар!..»

Мана шунақа «қайта қийиб бичувчилар» учраб қолса, Казангап худди дахли йўқдек, уларнинг сўзларига парво қилмас, ҳаётнинг бошқалар тушунмайдиган қандайдир сирини ўзи биладигандай, мийиғида кулиб кўяр эди. Эдигей бўлса, бундай гапларни эшитганда чидаб туролмасди, қизлиб тутотиб кетиб баҳслашарди, аммо бу билан фақат ўзининг дилини сиёҳ қилиб кўярди.

Ушанда Эдигей билан Казангап турмуш муаммолари ҳақида узоқ-узоқ суҳбат қурган вақтларида ҳозир махсус назорат-ремонт вагонларида келиб, уларнинг устидан куладиган нусхалар кўйлагининг этагини орқасига туғиб олиб иштонсиз юрган бўлишлари ҳам мумкин, албатта. Турмуш ҳақида ақли етганча фаросат юрғизиб, узоқ вақт суҳбатлашишарди; вақт ҳам бемалол эди унда. Ахир, қирқ бешинчи йилдан бошланган эди бу суҳбатлар. Айниқса, Казангап пенсияга чиққандан кейин турмуш муаммолари тўғрисида кўпроқ ўйлайдиган бўлишди. Пенсияга чиқиб, у кўнгилдагидек яшай олмади. Шаҳарда тураман, деб ўғлининг олдиға кетган эди, уч ой яшаб қайтиб келди. Ушанда Эдигей иккаласи оламдаги кўпгина масалалар тўғрисида гурунглашар эдилар. Доно одам эди раҳматли. Эсласа эслагулик гаплар кўп эди у ҳақда... Шу лаҳзада Эдигей аччиқ ҳақиқатни равшан аглаб етди — энди улардан фақат хотираларгина қолди, холос! Мана шунга у ич-ичидан ачинди...

Микрофоннинг ширик-ширик этиб ишлаётганини эшитди-да, Эдигей шошиланча будкаға кириб кетди. Бу аҳмоқона қурилмадан одам овози келиш ўрниға аввало қор бўронлида бўлгани сингари аллақандай гувиллаган-шувиллаган товушлар эшитилди.

— Эдике, алло. Эдике, — деб хирилларди разъезд навбатчиси Шоймардон, — Эдике, гапимни эшитяпсанми? Жавоб бер!

- Эшитяпман, эшитилипти!
- Эшитяпсанми, гапир!
- Эшитяпман деяпман-ку, эшитяпман!
- Қалай эшитяпсан?
- Нариги дунёдан эшитилгандай бўляпти!
- Нега энди?
- Билмадим.
- Ҳа-а... Шундай қилиб, Казангап чол, ҳалиғидай...
- Нима, ҳалиғидай?
- Улибди чоғи. — Шоймардон бундай вазиятда нима дейиш кераклигини тополмай қийналарди. — Нима десам экан, ҳалиғидай, яъни масалан, ўзининг шонли ҳаёт йўлини якунлабди-да.

— Э-э... — Эдигей жавобни қисқа қилди.

«Вой ақлсиз ҳайвон, — дея ўйлади ўзича, — ўлим ҳақида ҳам одамга ўхшаб гапиролмайди-я».

Шоймардон бир лаҳза жим қолди. Микрофон яна баттароқ ғижиллаб, бўғиқ овоз чиқарди. Яна Шоймардоннинг хириллаган овози эшитилди:

— Эдике, айланай сендан, ҳадеб бошимни ачитаверма. Ўлган бўлса ўлибди, энди нима ҳам қилардик... Менда бошқа

одам йўқ. Улиқнинг бошида ўтиришдан не фойда? Марҳум тирилиб қолади, деб ўйлайсанми?

Эдигейнинг жаҳли чикди.

— Мен сенга айтсам, ҳеч балони тушунмас экансан! Бошимни ачитма деганинг нимаси! Сенинг бу ерга келганинга энди икки йил бўляпти, биз бўлса у билан ўттиз икки йил бирга ишлаганмиз. Тананга озроқ ўйлаб кўрсанг бўларди. Орамизда одам ўлган, марҳумни кимсасиз уйда ёлғиз қўйиб бўлмайди, мумкин эмас, ахир!

— Ёлғизми, ёлғизмасми — ўлган одам учун барибир эмасми?

— Аммо биз учун барибир эмас!

— Бўпти, шовқин солма, қария, шовқин солма!

— Сенга тушунтириб қўяйман.

— Нима демоқчисан ўзи? Урнингга одам йўқ. Улиқнинг ёнига ярим тунда бориб нима қиласан?

— Жаноза ўқийман. Ирим-сиримини қилиб марҳумнинг ҳаққига дуо қиламан.

— Жаноза ўқийсан? Сен-а, Эдигей Бўрон-а?

— Ҳа, мен. Жаноза ўқийман.

— Ана холос... Ҳалигидай, Совет ҳокимиятининг ташкил этилганига олтиш йил тўлганда-я!

— Қўйсанг-чи! Совет ҳокимиятини орага қўшма! Одам ўлганда жаноза ўқиб қадимий удум. Ахир, ҳайвон эмас, одам ўлган-ку!

— Бўпти, бўпти, дуоларингни ўқийвер, фақат, шовқин солма. Эдилбой Дарозга одам юбориб кўраман. Рози бўлса, ўрнингга бориб турар... Ҳозир эса қимирла, 117-келяпти, иккинчи запас йўлни тайёрла.

Шу билан Шоймардон ширқ эткизиб микрофонни ўчирди. Эдигей темирйўл стрелкаси томон шошилди. У ўзи ни билан андармон бўлиб юрар экан, Эдилбой рози бўлармикан, деб ўйларди. Баъзи ўйларнинг деразаларидан равшан ёнган чироқларни кўриб, ҳайтовур одамларда инсоф, диёнат деган нарсаси бор, деб ҳурсанд бўлди у. Итлар ҳура бошлади. Демак, хотини бўронлиликларни уйғотиб, оёққа турғизапти.

Бу орада 117-поезд запас йўлга ўтиб олди. Қарши тарафдан цистерналардан иборат нефть ташувчи поезд келаверди. Сўнг яна иккала поезд бир-биридан узоклаша бошлади — бири машриққа, иккинчиси мағрибга йўл олди...

Тунги соат иккилар эди. Осмонда юлдузлар чарақларди. Уларнинг ҳар бири ўзича пирпирайди. Ой ҳам Сарйўзак дашти узра ёғдусини равшанроқ соча бошлади. Гўё у қаердандир муттасил қўшимча қувват олаётганга ўхшайди. Юлдузли осмон остида эса чексиз ястаниб кетган эрманли Сарйўзак дашти савлат тўкиб ётибди, бериги томонда туялар, уларнинг орасида кўш ўрқачли паҳлавон — Қоранор Бўроннинг қораси кўринарди. Тун ойдинида яна яқин атрофлардаги манзилларнинг кўлагалари кўзга ташланар, қолган ҳамма нарсаси темирйўлнинг икки томонидаги зим-зиё тун чексизлигида ғойиб бўлган эди. Фақат, бедор шамол увилаб, ҳуштак чалиб, йўл атрофидаги ташландиқ қоғозларни шитирлатганча учириб юрарди.

Эдигей гоҳ будкага кириб, гоҳ чиқиб, йўлда Эдилбой Дароз кўриниб қолмасмикин, деб тоқатсизланарди. Шу пайт у бир чеккада қандайдир жониворни кўриб қолди. Бу жонивор — бозғи тулки эди. Кўзлари яшимтир товланиб, чақнайди. У телеграф устун остида бошини ҳам қилганича, на яқинлашишни, на қочишни билмай турарди.

— Сенга нима бор бу ерда? — дея ғудранди Эдигей шунчаки пўписа қилиб. Тулки бундан чўчимади. — Ҳали шунақами! Ҳозир сени!.. — деб Эдигей оёқларини тапирлатди.

Тулки нарига сакраб қочди-да, яна Эдигейга қараб ўтириб олди. У Эдигейданми ёки унинг ортидаги аллақандай бошқа бирор нарсаданми кўзини узмай, маъюс термулиб турарди. У қайдан ва нима ниятда келдикини? Электр чироқлари ўзига тортдимикин ё очлик судраб келганмикин? Шундай кечада тулкининг пайдо бўлиши Эдигейга жуда ғалати бўлади. Улжа ўз оёғи билан келиб турибди, тош билан бир уриб, қўлга киритса-чи? Эдигей ерни пайпаслаб, каттароқ тош излади. Мўлжалга олиб қўлочкашлади-ю, аммо тош қўлидан тушиб кетди. Ҳатто у терга ботди. Хаёлга нималар келмайди дейсиз шундай чоғда! Тулкини тош билан уришга чоғланаётганда бир нарсаси эсига тушиб қолди. Бемаъни гап, албатта. Келиб-кейтиб юрган одамлардан биттаси айтувди шекилли ёки, бир сураткаш билан худойи таоло тўғрисида гаплашиб қолишган эди, ўша одамми, ёки бўлмаса, бошқа бир кимса айтганми... йўқ, энди эсига тушди, Собитжон айтган экан; боласи тушмагур

доим ғалати гапларни гапириб юради; одамлар қулоқ солаверса, у ҳамманинг оғзини очиб, ҳайрон қолдиришни яхши кўради: ҳа-я, одам ўлганидан кейин руҳи бошқа одамларга ёки жониворларга кўчиб ўтиши ҳақида Қазангапнинг ўғли Собитжон гапириб берган эди.

Вайсақини бошимизга бало бўлсин деб ўқитган эканмиз. Бир қарашда киройи йигит. Ҳар балони билади, ҳар нарсани эшитган, лекин булардан наф йўқ. Уни интернатда ўқитишди, институтда ўқитишди, лекин одам қилишолмади. Ичиб олиб мақтанганини яхши кўради, қадаҳ айтишни дўндиради, алмо яш деганда, йўқ. Хуллас, пучёнгоқ чикди, Қазангапнинг тирноғига ҳам арзимаёди. Дипломини кўз-кўз қилмасин, барибир ношуд чикди, отасига тортмади.

Мана шу Собитжоннинг бир куни гапириб беришича, Ҳиндистонда шундай бир эътиқод бор эмишки, унинг ақидаси бўйича, одам ўлгандан сўнг унинг жони қандай бўлмасин, ишқилиб, бирор жониворга, ҳатто чумолига, ўтиб кетар эмиш. Яна унинг айтишича, ҳар бир одам қачонлардир, туғилмасдан илгари парранда ё ҳайвон ёки ҳашарот қиёфасида яшаб келган эмиш. Шунинг учун ҳам ҳиндларда жонивор уруғи борки, ҳатто у оддий илонми ёки кўзойнакли илонми — барибир, ўлдириш катта гуноҳ ҳисобланаркан, йўл-чўлда учраб қолгундек бўлса, унга тегишмасдан, таъзим қилиб, йўл бериб ўтишаркан.

Дунёда ғаройиботлар озми? Қай бири росту қай бири ёлғон — ким билади, дейсиз? Олам кенг, инсон эса ҳамма нарсанинг тағига етолмайди. Шунинг учун ҳам Эдигей тулкини тош билан уриб ўлдиromoқчи бўлганида, бу яна Қазангапнинг арвоҳи бўлмасин, деб ўйланиб қолди. Эҳтимол, Қазангап ўлганидан сўнг кимсасиз, хувиллаган кулбасида ёлғиз қолгани учун зерикиб, тулкига айланиб, қадрдон дўсти Эдигейни кўргани келгандир?.. «Ақлдан озиб қолмасайдим! — деб хавотирланди Эдигей ўзича. — Одам деган шунақа хаёлларга ҳам борадимми? Туф! Алахсирияпманми ўзи?»

Барибир Эдигей тулкига аста яқинлашиб бориб, худди у гапга тушунадигандай, сўз қолди:

— Бор, борақол, бу ерда не қиласан, далага бор. Эшитдингми? Жўнаб қол. Фақат, анов ёққа йўлай кўрма, у ёқда итлар бор. Худонинг махлуғи, далага жўна.

Тулки шартта бурилиб, оҳиста йўртиб кетди. Бир-икки орқасига қараб қўйди-да, шу бўйича қоронғилик қўйнида ғойиб бўлди.

Бу орада разъездга яна бир поезд кириб келди. У аста-секин секинлаганда, вагонлар бир-бирига шақир-шўқур урилиб, манзилга келиб тўхтади. Орқасидан кўтарилган чанг-тўзон вагонлар устига ёпирилиб, анчагача ёруғда ялт-юлт этиб, уқунлаб турди. Мотори бир маромда секин гувиллаб турган локомотивдан машинист бошини чиқариб:

— Эй, Эдике, Бўрон ака, ассалому алайкум! — деди.

— Алайкум ассалом!

Ким бўлди экан, дегандай Эдигей уни яхшироқ кўриб олиш учун қайрилиб қаради. Бу йўлда ишлаётганлар бир-бирини яхши билишади. Йигит ўз одамларидан экан. Эдигей Қумбелдаги станция узелида яшайдиган Ойзодага отаси дунёдан ўтганини хабар қилиб қўйишни шу йигитга тайинлади. Машинист марҳумнинг хотираси ҳурмати учун унинг илтимосини бажонидил бажо келтиришни зиммасига олди. Бунинг устига Қумбелда поезд бригадалари алмашади, қайтишда, агар Ойзода улгурса, ҳатто бирга олиб келишга ҳам ваъда берди.

У ишончли одам эди. Эдигей, яна бир иш битди, деб ҳатто ўзини енгил эди қилгандай бўлди.

Бир неча дақиқадан сўнг поезд ўз ўрнидан кўзгалди. Эдигей машинист билан хайр-хўшлашар экан, ўзи томон темирйўл ёқалаб келаётган узун бўйли кишига кўзи тушди. Бу киши — Эдилбой эди.

Эдигей сменани топшириб, Эдилбой Дароз билан юз берган воқеа ҳақида гапиришиб, Қазангапни эслаб, оҳ-воҳ қилишгунича Бўронлига икки ёқдан яна бир жуфт поезд келиб, ажралиб кетишди. Мана шу юмушларидан бўшаб, уйига йўл олар экан, Эдигей кечаси хотини билан гаплашганида бир гап чала қолганини эслади. Кечқурун у хотинига Қазангапнинг ўлими ҳақида ўзларининг қизларию куёвларига хабар қилиш зарурлигини айтишни ёдидан чиқарибди, тўғриси, маслаҳат солмабди.

Эдигейнинг турмушга чиққан иккита қизи бутунлай бошқа тарафда, Қизил Урда яқинида туришарди.

Тўнғичи шолчилик совхозида яшайди, эри — тракторчи. Кенжаси илгари Казаали яқинидаги станцияда яшарди, сўнг опасига яқинроқ бўлиш учун оиласи билан ўша совхозга кўчиб келишди, куёви шофёр бўлиб ишлайди. Казанган гарчи уларнинг туғишган кишиси бўлмаса-да, Эдигейнинг ўйлашича, у ҳар қандай туғишгандан ортқ эди. Қизлари Бўронлида Казанганнинг кўз ўнгида туғилиб, шу ерда вояга етишди, сўнг Қумбел станциясидаги мактаб-интернатда ўқишди. Уларни мактабга дам Эдигей, дам Казанган олиб бориб қўярди. Эдигей кичик қизалоғини эслади. У каникулга чиққанида туяга миндириб олиб келишар ва таътил тугаб, ўқиш бошланганида яна олиб бориб қўйишар эди. Кичиги олдинда, ўртада отаси, орқада эса катта қизи — учалови мингашиб боришарди. Қоранор шу зайлда катта-катта қадам ташлаб Бўронлидан Қумбелгача уч соат, қишда эса ундан ҳам зиёд йўл босарди. Эдигейнинг вақти танглигида қизалоқларни Казанган олиб борарди. У болаларга худди ўз оталаридай бўлиб қолган эди. Эдигей эрталаб уларга телеграмма юборишга қарор қилди, у ёғини яна ўзлари билишарди... Ҳар ҳолда, улар ҳам Казанганнинг дунёдан ўтганидан хабардор бўлишсин...

Сўнг йўлда кетатуриб, эрталаб биринчи галда Қоранорни ўтлаб юрган еридан олиб келиш зарурлигини ўйлади. Ахир, шундай пайтда иш бермаса қачон иш беради. Улимнинг ўзи бўлмайди. Аммо уни ўрнига қўйиб кўмиш ҳам осон иш эмас... Вақт танглигида ҳали у йўқ, ҳали бу йўқ, деб қолишарди. Кафандан тортиб, таъзияда ёқиладиган ўтингача — ҳаммаси учун югур-югур бошланади.

Худди шу маҳал аллақандай даҳшатли гумбурлаган овоз еру кўкни ларзага келтирди. Бу овоз уруш кезлари олисда портлаган бомбанинг ваҳшатини эслатарди. Эдигей даштининг анча ичкарисиди — космодром ўша ёқда жойлашган бўлса керак деб ўзича мўлжаллаб юрган томонда тобора алангаланиб, ловуллаб, яшин тезлигида юқорига кўтарилиб бораётган аллақандай оловли қуюнни кўрди. У осмонга ракета учирилганини кўриб саросимага тушиб қолди. Бундай манзарани у биринчи бор кўриши эди. Барча сариўзакликлар қатори Эдигей ҳам бу ердан қирқ чақиримлар чамаси нарида, балки ундан ҳам яқинроқда — «Сариўзак» космодроми жойлашганини, у ёқда Тўрғиқ Том станциясидан алоҳида темирйўл тармоғи кетганини биларди. Ҳатто, ўша ёқларда даштликда катта магазинлари бор каттақон шаҳар қад кўтарган, дейишарди. Фазогирлар қаҳида ва космик парвозлар тўғрисида радиодан, одамларнинг суҳбатидан кўп марта эшитган, газеталардан ўқиган. Бу гапларнинг ҳаммаси Собитжон яшайдиган область марказидаги шаҳарда бадийи ҳаваскорлар концертида айтиларди. Шаҳар эса бу ерлардан анча олисда — поезлда бир ярим кунлик йўл. Шунга қарамай, кичкинтойлар фахрланиб, «Биз дунёда энг бахтли болаларимиз, чунки фазогир амакилар фазога бизнинг еримиздан кўтариладим», деб хор бўлиб қўшиқ айтишарди. Лекин космодром ва унинг атрофлари ёпиқ зона бўлганидан, Эдигей гарчи шу атрофда яшаса ҳам, ўқиганларию эшитганлари билангина қаноатланарди. Мана энди ракетаининг алангаланиб-ловуллаб, бутун атрофини ёритиб, зим-зиё юлдузли осмонга шиддат билан кўтарилганини ўз кўзи билан биринчи марта кузатиши. Эдигей ҳайратдан ёқа ушлади — наҳотки шу ўт-олов ичиди одам ўтирган бўлса? Биттамикин ёки иккитамикин? Нимага шунча вақтдан бери шу ерда яшаб, ракетаининг парвозини кўрмаган экан, ахир, коинотга нечанчи марта парвоз қилиниши — ҳисобига ҳам етолмайсан. Балки олдинлари космик кемалар кундузи учгандир? Қуёш нурида бунақа узоқликдан нима учганини фарқлаш ҳам қийин. Буниси нега тунда учди экан? Қистов бўлдимикан ёки ўзи шундай бўлиш керакми? Эҳтимол, у ер юзидан тунда кўтарилгани билан, у ёққа етганда балки кундузи бўлар? Бир кун Собитжон худди ўзи космосда бўлгандай гапириб берган эди: у ёқда кеча билан кундуз ҳар ярим соатда аллақандай турар эмиш. Яна Собитжондан сўраб кўриш керак. У ҳамма нарса билди. Билимдонлиқни, ўзини мартабали одам қилиб кўрсатишни бирам яхши кўрадики, асти қўяверинг. Область марказида яшаётганидан ғурурланади. Муғамбирлик қилмаса нима бўларкин? Нима кераги бор? Қандай бўлсанг шундай юра-вермайсанми? Лекин у «фалон каттақон билан бирга бўлдим, унга фалон гапни айтдим» деб мақтангани-мақтанган. Бир кун Эдилбой Собитжоннинг ишхонасига бориб қолганини гапириб берган эди. Унинг айтишича, бизнинг Собитжон уззуқун

телефон олдида ўтираркан, бошлиқнинг кабинети билан қабулхона ўртасида бўзачининг моқсидай елиб-югурар, «Эшитаман, Алжапар Қахрамонович! Хўп бўлади, Алжапар Қахрамонович! Ҳозир, Алжапар Қахрамонович!» дейишдан бошқа нарсага улгурмас экан. Бошлиғи эса, кабинетида ўтириб олиб, тугмачани босишга зўр бераркан. Шу тариқа Собитжон билан одамга ўхшаб икки оғиз гаплаша олмабди... Бўронлидан чиққан ҳамсоиями шунақайкан, билмай юрган эканмиз, дейди. Бўлган тургани шу бўлса, нимаям ўйлардик... Фақат Казанганга ичиг ачийди. Уғлим, деб кўп азоб чеқди. Умрининг охири кунларигача ўғлига бирон оғиз ёмон гап айтмади. Бир йили ўғлини келини ялиниб-ёлвориб уни шаҳарга ўзлари билан олиб кетишди. Охири нима бўлди... Бу ёғи бошқа гап...

Мана шундай ўй-хаёллар билан Эдигей қоқ саҳарда, космик ракета фазода кўздан бутунлай ғойиб бўлгунча кузатиб турди. Кузатганда ҳам, мўъжизани узоқ кузатди. Оловли кема борган сари кичрайиб, кўздан йироқлашиб, туман янглиғ оқ нуқтага айланиб, тубсиз зулмат ичига кириб борар экан, Эдигей ҳайратдан бош чайқаб, ажиб зиддиятли ҳиссиётлар оғушида йўлига равона бўлди. Мўъжизадан ҳайратланар экан, айни чоқда, бу мафтункор ва даҳшатли воқеанинг унга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканини англади. Шу маҳал яна ҳалиги, темир-йўлдан югуриб ўтган тулки ёдиға тушди. Кимсасиз чўлдаги бу олов қуюни унга қандай таъсир қилди экан? Эҳтимол, даҳшатдан ўзини қўрғарга жой томолмай қолгандир?..

Бироқ тунги парвознинг шоҳиди бўлган Эдигей фазогир бошқарган бу кеманинг «Паритет» космик станциясида юз берган фавқуллода ҳодиса эканини — фалокат туйғули шовилчин равишда учирилганини, бу парвоз ҳеч қандай тантаналарсиз, журналистларнинг қатнашувисиз, пиёҳона амалга оширилганини билмасди. Билиши ҳам мумкин эмасди. Шартли равишда «Трамплин» деб аталган орбитада Совет-Америка қўшма программасига мувофиқ бир ярим йилдан бери «Паритет» космик станцияси ишлаб турарди. Буларнинг ҳаммасини Эдигей қаёқдан билсин? Бу воқеа унга, унинг ҳаётига ҳам таъсир этишини, инсон ва инсониятнинг узвий алоқаси деб аталмиш оламшумул ҳодиса сабаблигина эмас, балки тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини ҳали хаёлига ҳам келтирилмас эди. Сариўзакдан космик кема учирилганидан сўнг орадан кўп ўтмай сайёрамининг нариги чеккасида, Невада космодромидан худди ўша «Паритет» станциясига қараб, ўша «Трамплин» орбитаси томонга Америка космик кемаси учирилгани, фақат, у тескари томондан йўл олганини ҳисобга олмаганда, Эдигейнинг тушига ҳам кирмаган эди, албатта.

Бу фазовий кемалар Совет-Америка «Демург» Қўшма программасини бошқариш марказининг океанда сузиб юрвчи базаси бўлмиш «Конвенция» илмий-тадқиқот авиабардоридан юборилган буйруққа кўра шошилчин суратда космосга учирилган эди.

«Конвенция» авиабардори ўзининг доимий манзилида — Тинч океанидаги Алеут ороллариининг жанубий қисмида, яъни, Владивосток билан Сан-Францискоининг тахминан ўртасидаги квадратда турарди. Қўшма Марказий Бошқарма — Қўшмарбош — шу маҳал иккала космик кеманинг «Трамплин» орбитасига чиқишини диққат билан кузатмоқда эди. Ҳозирча ҳамма ишлар кўнгилдагидай борарди. Энди «Паритет» комплекси билан космик кемаларни туташтириш ишлари қолган эди. Вазифа ниҳоятда мураккаб — кемалар станция билан муайян вақт ораллигида навбатма-навбат эмас, балки унинг икки томонидан, бир вақтнинг ўзида, баб-баравар туташтирилиши зарур эди.

«Конвенция»дан Қўшмарбош юбораётган сигналларга «Паритет» станцияси жавоб бермай қўйганига ўн икки соатдан ошиб кетди. Шунингдек, станция туташтириш учун бораётган кемаларнинг сигналларини ҳам жавобсиз қолдирмоқда... «Паритет» фазогирларига нима бўлганини аниқлаш керак эди.

11

Бу ўлкаларда поездлар серкатнов — машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Бу ўлкалардаги темир изларнинг икки тарафида пой-поёнсиз улкан Сарнўзак даштлари — қовжирок саҳронинг ўзак ерлари ястанган.

Бу ўлкаларда ҳар қандай массафа темирйўлдан бошланади.

Зеро, бу темирйўллар бу ўлкаларнинг ўзига хос Гринвич меридианидир...

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Бўронли разъездида то Наймандаги ҳеш-аждодлар қабристонини Она Байитгача темирйўлдан ҳисоблаганда камида ўттиз қақирим келарди. Сарйўзак даштлиги орқали тўппа-тўғри кесиб чиқилганда ҳам шунча масофа бор эди. Мабоодо, чўлда адашиб қолмайину, яхсиси, темирйўл бўйлаб бораверай, деган одам қабристонга ҳали анча узоқ юриши керак бўларди. Шундай қилганда, Қийшиқсой жарлигидан ўтиб, Она Байитга боргунча анча-мунча айланшига тўғри келарди. Бошқа йўл йўқ эди. Шундай қилиб, энг яқин йўлдан юрилганда ҳам боришию қайтиши олтимш қақирим келарди. Она Байит қабристонига бориш йўлини бўронлиликлардан фақат Эдигейгина биларди, холос. Қадимий Она Байит қабристонини ҳақида халқ орасида турли ривоятлар юришини одамлар эшитишга эшитган-у, бу гаплар ҳақиқати ёки афсонами — ҳеч ким билмасди; у ерни ўзлари бориб кўрмаган, боришга эҳтиёж ҳам туғилмаган эди. Йўл устидаги саккиз хонадонли Бўронли қишлоқчасидан узоқ йиллар мобайнида энди ўлик чиқаётган эди. Бундан анча йил аввал бир норасида қизча дамқисма касалидан нобуд бўлганида, ота-онаси уни ўз ватанига — Урол областига олиб кетган эди. Казангапнинг хотини Бўкей кампир бир неча йил аввал Қумбелдаги касалхонада қазо қилганда, уни Бўронлига олиб келиш ҳожати йўқлигидан станция қабристонига кўмиб қўяқолишган. Қумбел Сарйўзак даштидаги энг катта станция эди — қизи Ойзода кўеви билан ўша ерда туради. Кўеви ношудроқ, ичкиликка берилган бўлишига қарамай, ҳар ҳолда ўз кишилари эмасми, кичкинагина қабрга кўз-қулоқ бўлиб туришди. Лекин у вақтда Казангап ҳали ҳаёт эди, ўзи билганича иш тутарди.

Ҳозир эса, ўйлай-ўйлай одамларнинг боши қотди.

Бироқ Эдигей ўз гапида туриб олди:

— Қўйсаларинг-чи йигитнинг шаънига тўғри келмайдиган гапларни, — деб тинчлантирди у ёшларни. — Бундай одамни аждодлари ётган жойга — Она Байитга қўйишимиз керак. Раҳматли, ўзи шундай васият қилган. Келинлар, гап сотиб ўтирмай ишга ўтайлик, дафнга тайёрланайлик. Йўлимиз олис. Эртага азонлаб йўлга тушамиз...

Эдигейнинг айтгани айтган, буни ҳамма тушунарди. Шунинг учун ҳам ҳаммалари рози бўлишди. Тўғри, Собитжон бир оз тижирлик қилди. У шу кун иккун поездда (пассажир поездлари бу ерда тўхтамай ўтиб кетади) етиб келди. Собитжон бу ёққа келаётганида отасининг тириклигини ҳам, ўлганини ҳам билмасди. Шунга қарамай, унинг дафн маросимига етиб келгани Эдигейнинг кўнглини юмшатиб, қувонтириб юборди. Бошларига тушган оғир мусибатдан иккаласи бир лаҳза қучоқлашиб, йиғи-сиғи қилиб олишди. Эдигей кейинроқ ўзининг нега бундай қилганига ажабланди. Собитжонни кўксига босиб маҳкам қучоқлаганча, ўзини тутолмай, ҳиқиллаб йиғлаб юборди: «Етиб келганинг яхши бўлди, чирогом, келганинг яхши бўлди» деди у, гўё ўғлининг келиши Казангапни тирилтириб юборадигандай. Ҳеч қачон у бундай ҳолатга тушмаган эди, бу гал эса қандай йиғлаб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Иккаласи ҳовли саҳнида — Казангапнинг эгасиз қолган пахса деворли кулбаси эшиги олдида узоқ йиғлаб туришди. Эдигей нимадандир қаттиқ таъсирлангандай бўлди. Собитжоннинг ёшлик чоғлари эсига тушди; у мушздай бир бола эди, отасининг суянчиги эди. Темирйўлчиларнинг болалари учун Қумбелда очилган мактаб-интернатга олиб бориб жойлаштирилганлари ёдида. Қўллари бўшади дегунча, гоҳ йўловчи поездда, гоҳ туяда уни кўргани боришарди. Собитжон ётоқда қандай яшапти, биров хафа қилмадимикин, ўзи бирор ноҳўя иш қилиб қўймадимикин, ўқишлари қалай экан, ўқитувчилари у ҳақда нима деркин, деб ҳавотирланиб боришарди. Тазйил тугаган пайтлари, ўқишга кечикиб қолмасин, деб аёзли кунда неча мартабала пўстинларга ўраб, қалин қор босган Сарйўзак даштлиги орқали туяда олиб бориб қўйишарди.

Эх, у вақтлар ҳам ўтди! Ҳаммаси тушдай ўтди-кетди! Мана энди қаршингда қиёфасидан ёшлик даври аранг сезиладиган укки кўзли, доим кулиб турувчи каттагина киши турибди. Энди у кўзойнак тақиб олган, бошида тепаси букиб қўйилган шляпа, бўйнида уриниб қолган бўйинбоғ — зўрға таниб оласан. Ҳозир область марказида яшайди, ўзини ғоятда мартабали, ғоятда меҳнатқаш қилиб кўрсатишга интилади. Лекин ҳаёт аяб

ўтирмайди, айтганинг бўлавермайди. Бошлиқ бўлиш осон эмас, дурустроқ суянчигим ёки ошна-оғайним, қариндош-уруғим бўлмаса, деб ҳасрат қилган эди унинг ўзи неча бор. Кимман, қандайдир Бўронли разъездида ишлайдиган Казангап деган бир кимсанинг ўғлиман-да. Пешонам шўр экан. Энди шу отадан ҳам айрилиб ўтирибман. Асли ўзи нобоп ота эди. Лекин, ёмон бўлса ҳам отанинг тирик юргани яхши, отанг минг донгдор бўлмасин, ўлгандан кейин ўлик-да. Мана энди ўша ёмон ота ҳам йўқ...

Кўзёши қилиб олишга, ҳол-аҳвол сўрашга ўтишди, ишдан гап очишди. Шу лаҳзада маълум бўлиб қолдики, арзанда, билагон ўғил отасини иззат-икром билан, кўнгилдагидек дафн этишга эмас, балки елкасидаги қарздан қутилиш учунгина, наридан бери устига тупроқ тортиб, тезроқ қайтиб кетишга келган экан. У ғалати-ғалати гапларни айта бошлади: марҳумни олисдан-олис Она Байитга олиб бориб нима қиламиз, шундай улкан Сарйўзак чўлида бир қабрга жой топилаймики? Остонадан бошлаб дунёнинг нариги чеккасигача мой деган нарсга тўлиб-тошиб ётган бўлса? Қабрни шу яқин ўртадан, ўзи умр бўйи ишлаб келган темирйўл бўйидаги бирор дўнгликдан қазиш керак. Марҳум ўтган-кетган поездларнинг тарақатуруқини эшитиб ётади... Собитжон ҳатто шу хусусда айтиладиган қадимий мақолни ҳам эслаб қўйди: ўладиган одамнинг ўлгани яхши, кетадиган одамнинг кетгани яхши. Мунчалик чўзиб, бош қотириб ўтиришининг кимга кераги бор? Улган одамга қаерга кўмилишининг нима аҳамияти бор? Бундай маҳалда иш қанча тез битирилса, шунча яхши!

Шуларни айтатуриб, Собитжон яна ўзини оқлаб ҳам кўярди. Идорада жуда шошлиқ, зарур ишлар қилиб кетяпти, вақт бўлса тиғиз, ўзларингга маълум, бошлиқларимиз қабристоннинг узоқ-яқинлигини суриштириб ўтиришмайди, ишга фалон кунни, фалон соатда келасан, бошқасини билмайман, дейди, бошлиқ нима дегандаям бошлиқ, ҳар ҳолда, шаҳарнинг шароити бўлак...

Эдигей, қариб ҳам ақлим кирмабди, деб ўзини койий бошлади ичиде. Мана шу лақма билан сал аввал қучоқлашиб, хўнграб йиғлаб юборганидан номус қилиб, афсусланди. Казангапнинг ўғли бўлса ҳам аблаҳ экан. Эдигей ўрнидан турди. Девор тағига ўриндиқ қилиб ёғоч шпал қўйилган, шу ўриндиқда беш киши маслаҳатга йиғилишган эди. Эдигей кўпчилик олдида бир нима деб юбормаслик учун ўзини аранг тийиб турарди. Шундай қайғули бир кунда ҳақорат гап айтса яхши бўлмайди. Казангапнинг хотираси хурматини қилди. Шунинг учун у ётиғи билан гапирди:

— Атрофда ер кўп албатта, истаганингча топилади. Фақат, одамлар нимагадир ўз яқинларини дуч келган ерга кўмиб кетишавермайди. Ҳар ҳолда, бежиз бўлмаса керак. Ахир, ўликка ер қаҳатми? — У жимиб қолди, Бўронли аҳли ҳам унинг гапларини жимгина тинглашди. — Ўзларинг ҳал қилинлар, ўйлаб кўринлар, мен у ёқда нима бўлаётганини билиб келайин-чи.

Эдигей авзойи бузилиб ранги-қути ўчганча, нарига одимлаб кетди, гуноҳдан узоқроқ бўлайин, деб ўйдади шекилли. Қошлари чимирилиб қаншаридаги ажини бўртиб чиқди. Табиатан кўрсроқ, қизиққонроқ эди у, шунинг учун ҳам уни «Бўрон» деб аташади-да. Мана, ҳозир ҳам одамлар бўлмаганида, Собитжоннинг ҳаёсиз кўзларига тикилиб туриб, айтадиганини айтиб оларди-я. Умр бўйи эсидан чиқмайдиган қиларди. Аммо хотинларга ўхшаб пакакилашиб ўтиришни эп билмади. Мана, хотинлар ғазабланиб, шивир-шивир қилишяпти: отасини кўмишгамас, меҳмонга келганга ўхшайди. Икки қўлини бурнига тикиб келаверибди. Бир юмалоқ чой кимни ўлдирибди, бошқасини кўяверинг. Хотини-чи, шаҳарлик келинмиш, одамга ўхшаб иззат-ҳурмати билан келиб, кўпчилик қатори урф-одат юзасидан айтиб-эшитиб йиғласа, бирон ери камайиб қолармики? На уят, на виждон бор уларда. Чол кўзи тириклигида, бир жуфт соғин туяси, ўн-ўн бешта қўй-қўзиси борлигида яхши эди. Ушанда келин ҳеч кимни ҳоли-жонига қўймай, жамики нарсани пуллаб ёнига урди. Чолни уйларига олиб кетгандай ҳам бўлишди, ўзлари бирийўла машина олиб, ҳаммаёқларини мебелга тўлдиришди. Кейин эса чол уларга керак бўлмай қолди. Ҳозир қорасини ҳам кўрсатмайди. Хотин-халаж шуларни айтиб тўполон қилишмоқчи эди, Эдигей бунга йўл қўймади. Мунча қилмакўрманлар, бундай кунда ортиқча сўз бўлиши мумкин эмас, бу бизнинг ишимиз ҳам эмас, у ёғини ўзлари ўйлаб кўришин, деди.

У қўра томонга юрди. У ерда онда-сонда дарғазаб бўлиб

бўкираётган Қоранор Бўрон боғлоғлиқ турар, уни ўтлаб юрган жойидан олиб келишган эди. Агар икки марта сув сўргич насос олдидаги қудуққа сўғоришга олиб келинганини ҳисобга олмаганда, Қоранор бир ҳафтадан бери кечаю кундуз ўз эркига қўйиб қўйилган эди. Эркин юриб ўрганиб қолган бу ярамас энди қўлга кўниқолмай, йирик тишли жағларини катта очиб, вақти-вақти билан бўкириб, норозилик билдириб қўяди. Лекин кўниқишга мажбур. Кўниқмасдан иложи қанча.

Эдигей Собитжон билан бўлган суҳбатдан сўнг таъби хира бўлиб, Қоранор олдига борди. Бундай бўлишини у олдиндан сезган эди. Собитжон отасининг ўлимига келганини миннат қилаётган бўлса, жини кўзимай нима ҳам қилсин. Унга отанинг ўлими ортиқча юкдай, бу юкдан тезроқ қутулишга ҳаракат қиларди. Эдигей ортиқча гапиришни лозим кўрмади, барибир ҳамма оғирлик ўзининг гарданига тушади. Ҳар ҳолда, кўниқушни ҳам ўзларини четга олишмади. Кўпчилигининг садағаси кетсанг арзийди. Темирийўлда зарур иши бўлмаган кишиларнинг ҳаммаси шу ерда, эртанги дафн маросимига ва маърака ошига тайёргарлик қилиш учун ёрдамга тутинишди. Хотин-халаж уйма-уй юриб, идиш-товоқ йиғишди, самоварларни тозалашди, хамир қориб, нон ёпа бошлашди. Эраклар сув ташиб келтиришди, ишдан чиққан эски шпалларни арралаб, ўтин тайёрлашди. Дашта ўтин-чўп худди сувдай азиз. Бу ишларга фақат Собитжонгина халал берарди. Областда ким қайси вазифада ишлади, кимни ишдан олиб, кимнинг амалини оширишга — шулар тўғрисида гап сотиб, одамларни ишдан чалғитарди. Қайнотасининг ўлимига келин бола келмаганидан у заррача ҳам хижолат тортмасди. Ажабо, дея ёқасини ушларди Эдигей, эмишқи, келин аллақандай конференцияда қатнашармиш, ана шу йиғинга қандайдир чет эллик меҳмонлар ташриф буюрармиш. Чолнинг невараларини олиб келиш тўғрисида гапирмасга ҳам бўлади. Улар ўзлаштириш ва давомат учун курашар эканлар, институтга қирмоқчи бўлган одамнинг аттестати тоза бўлиши керак экан. «Одамларга нима бўлган ўзи! — дея ғазабланди Эдигей. — Уларга ўлимдан бошқа ҳамма нарса муҳим! — Бу фикр Эдигейнинг ич-этини тирнарди. — Модомики уларга ўлим аҳамиятсиз экан, демак, улар ҳаётнинг ҳам кадр-қимматига етмайди. Ундай бўлса, яшашдан мақсад нима, улар нима учун яшаштилар?»

Эдигей захрини Қоранорга сочди:

— Сен намунча ўкирасан, аждарҳо? Осмонга қараб бўкирганинг-бўкирган, овозимни худои таоло эшитади, деб ўйлайсанми? Эдигей ниҳоятда жаҳли чиққан пайтлардагина туясини «аждарҳо» деб сўкар эди. Утган-қайтган йўловчилар Қоранор Бўроннинг нақадар катта оғзи ва йирик тишларини кўриб, уни шундай деб атаган эдилар. — Кўпам бақиравермагин, аждарҳо, тишларингни қоқиб оламан!

Туяни жабдуқлаш керак эди. Эдигей шу иш билан андармон бўлиб, бир оз ўзини энгил ҳис қилди ва туясига завқ билан қараб қўйди. Туяси қурмағур ўзиям баҳайбат ва келишимли эди. Эдигей бўйчан бўлса ҳам, туясининг бошига қўли етмасди. У эпчиллик билан бир сакраб, туянинг бўйнига осилиб олганча, овоз солиб қамчи дастаси билан унинг қадоқ босиб кетган тиззаларига секин уриб, охири уни чўктирди. Гарчи туя бўкириб қаршилик кўрсатса ҳам, барибир эгасининг амрига бўйсунди. Оёқларини йиғиб, ерга чўккач, Эдигей унга жабдуқ ура бошлади.

Туяни росмана жабдуқлаш ҳам иморат қуриш сингари ўзига хос санъат. Жабдуқ ҳар сафар бутунлай янгитдан урилади. Ҳадисини олманг киши бунинг уддасидан чиқолмайди.

Яна, унинг устига, анча-мунча куч ҳам сарфлашга тўғри келади, айниқса, Қоранорга ўхшаш ҳайбатли туяларни айтмай-сизми.

«Қоранор» деб уни бежиз айтишмайди. Жингалак юнгдор калласи қоп-қора, ёл сингари ўсиб кетган бақувват соқоллари қопқора, бўйин остидан тиззасигача ўсиб осилиб тушган қалин ва дағал ёллари қопқора — бу нор туянинг асосий безаги ҳисобланади — минора сингари юқорига кўтарилиб турган эгилувчан қўш ўрқачларнинг чўққиси қоп-қора, ва ниҳоят калтагина думчасининг учи ҳам қоп-қора. Қолган ҳамма қисми — устки лаби, тўши, ён томонлари, оёқлари, қорни, аксинча, оқимтир тусда, оч каштан рангда эди. Шунинг учун ҳам Қоранор Бўрон маълум ва машҳур эди. У энди ўттиз ёшларга яқинлаб, қақди-қомати келишган, айна кучга тўлиб етилган пайти эди.

Туялар узоқ яшайди. Эҳтимол, шунинг учундир, фақат беш

ёшида болалайди, кейин йил сайин туғмасдан икки йилда бир туғади, ҳомиладорлик муддати ҳам бошқа ҳайвонларга нисбатан узоқроқ — ўн икки ойга чўзилди. Энг муҳими, бўталоғини дастлабки бир-бир ярим йилгача шамоллатиб қўймаслик керак. У ёғига кундан-кунга ўсаверади, на ёзнинг иссиғи, на қишнинг совуғи, на даштнинг қурғоқчилиги унга писанд эмас...

Эдигей бу ишда устаси фаранг эди. У Қоранор Бўронни доимо ва сидқидилдан парвариш қилади. Туянинг соғлом ва бақувват экани унинг чўяндай қўш ўрқачи диққайиб турганидан билинади. Эдигей урушдан қайтиб келиб, Бўронлига ўрнашиб олган дастлабки йилларда дўсти Казангап унга суддай оппоққина, ўрдак боласидай майин юнгли эмизикли бўталоқни совға қилган эди. Эдигейнинг ўзи ҳам у вақтларда ҳали ёш, қирчиллама йигит эди! Сочи оқариб, қаригунига қадар шу ерларда яшаб қолиши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. У ёшлиғида тушган суратларига қараб кўзига ишонмайди. Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган — соч-соқоли мошғур-руч, ҳатто қошларигача оқ оралаган. Афти-ангори ўзгарган бўлса ҳам, шунча ёшга кириб, қақди-бастини унчалик йўқотмаган эди. Қарилик ҳам қандай келганини билмай қолди — аввал мўйлов қўйди, сўнг соқол қўйди. Энди эса соқол-мўйловсиз юришни тасаввур ҳам қилолмайди, гўё яланғоч юргандай сезади ўзини. Ушандан бери бутун бир давр ўтиб кетди деса бўлади.

Мана, ҳозир ҳам чўктирилган туясига жабдуқ уратуриб, узун бўйни узра жингалак юнг, қоп-қора калласини буриб, жини кўзиганча шер каби бор овоз билан бўкираётган Қоранорни гоҳ товуш солиб жиловини тортиб, гоҳ қўл сирпаб ўз измига бўйсундирар экан, иш орасида Эдигейга ўтмиши эсига тушиб, бошидан кечган воқеалар бирин-кетин кўз ўнгида гавдаланаверди. Шунда борган сари жаҳлдан тушиб, кўнгли таскин топа бошлади...

Эдигей туяни ҳафсала билан узоқ вақт эринмасдан жабдуқлади. Жабдуқ уришдан аввал бу сафар у тўй-маъракалардагина ёпиладиган попукли, рангдор безалик гиламни эслатовчи қадимий ёпиқни ёпди. Уккубола кўз қорачигидай эҳтиёт қилиб сақлаб қўйган бу ноёб ёпиқни Қоранор устига охири марта қачон ёлганини эслаёлмади. Вақти келиб, шундай кунга насиб қилган экан...

Қоранор Бўронга жабдуқ уриб бўлгач, Эдигей уни ўрнидан тургазди ва келбатини кўриб мамнун бўлди. Ҳатто ўз ишидан ғурурланиб ҳам қўйди. Устига ранго-ранг гажимли ёпиқ ташланган, ўрқачлари ўртасига қойилмақом қилиб эгар урилган Қоранор салобатли ҳам маҳобатли кўринарди. Ҳа, ёшлар кўриб ҳавас қилишсин, айниқса, Собитжон кўриб қўйсин: муносиб яшаб ўтган одамнинг ўлими ҳам ҳеч кимга малол келмайди, ташвиши тушмайди, аксинча, қайғули воқеа бўлса-да, жуда катта воқеа эканини, шу босдан ҳам сўнги манзилига иззат-ҳурмат билан узатилаётганини билиб қўйишсин. Баъзи элларда дафн маросимида музика чалинади, байроқ кўтариб боришади, баъзи элларда осмонга ўқ узишади, бошқа элларда гулчамбарлар қўйиб, марҳумни гулга буркашади...

Эдигей Бўрон бўлса, эртага тонгдаёқ попукли ёпиқ ташланган Қоранорда Казангапни сўнги, абадий манзилига — Она Байит мазорига олиб боради... Поёнсиз, ҳайхотдай Сариўзақ даштини кесиб ўтишар экан, у йўл бўйи фақат Казангапни ўйлаб боради. Ҳеш-аждодлар қабристониди дўстини тупроққа узатаётганида ҳам хаёли фақат марҳумда бўлади. Ҳа, шарт шундоқ бўлган. Йўлнинг узоқлиги ёки яқинлигидан қатъи назар ҳеч ким, ҳатто марҳумнинг ўз ўғли ҳам унинг сўнги хоҳиш-иродасини бажаришдан бўйин товлай олмайди!

Худди шундай бўлади, буни ҳамма билиб қўйсин. Қоранор ҳам худди шу мақсадда жабдуқланиб, шай қилиб қўйилган.

Ҳамма кўриб қўйсин. Эдигей шу ниятда Қоранорни уйлар атрофидаги мол қўралари олдиндан бирма-бир етаклаб ўтиб, Казангапнинг паҳса деворли кулбаси олдига боғлаб қўйди. Ҳамма кўриб қўйсин. Эдигей Бўрон ўз сўзининг устидан чиқмасдан қўймайди. Аммо буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Эдигей жабдуқ ишлари билан овора бўлиб турган вақтда Эдилбой Дароз, пайт топиб, Собитжонни бир чеккага чақириб олди:

— Қани, бу ёққа сояга кел, гаплашиб олайлик.

Гап узоққа чўзилмади. Эдилбой ортиқча тушунтириб ўтирмай, гапнинг пўст-калласини айтди-қўйди:

— Худого минг қатла шукр қилгин, яхшиямки оламда

отаннинг Эдигей Бўрон деган дўсти бор экан. Расм-русмини ўрнига қўйиб дафн этшимизга сен ҳалал берма. Шошлаётган бўлсанг, ушлаб турганимиз йўқ. Мен сенинг ўрнингга бир ҳовуч тупроқ ташлаб қўяқоламан!

— Менинг отам, нима қилсам ўзим... — деб Собитжон чайнала бошлаган эди, Эдилбой унинг гапини шартта кесди: — Ота-ку сеники, бироқ сенинг ўзинг ўзингники бўлмай қолисан.

— Жа унчалик эмас, — Собитжон бир оз ён бергандай бўлди. — Бўпти, шундай кунда жанжал чиқармайлик. Она Байит бўлса бўлақолсин, менга нима, фақат, узоқлик қилармикин, деб ўйлаган эдим...

Шу билан гапга нуқта қўйилди. Эдигей Қоранорни ҳаммага кўз-кўз қилиб келтириб қўйиб, бўронлиликларга қарата: «Кўйсанглар-чи, эркак кишининг гапини қилайлик, бундай одамни Она Байит мазорига қўямиз...», деганида ҳеч ким эътироз билдирмади, ҳамма жимгина рози бўлди...

Шу кун одамлар оқшомни ҳам, тунни ҳам қўни-қўшничилик одоби юзасидан марҳумнинг ҳовлисида, биргаликда ўтказишди. Об-ҳаво ҳам кўнгилдагидек бўлди. Кундузги ҳароратдан сўнг кеч кириши билан бирдан куз олди салқини тушди. Сариўзақ даштида шамоллар тиниб, буюк даштлик ғира-шира сукунат оғушига чўкди. Эртанги маърака учун сўйилган қўйни қоронғи тушганда саранжом-саришта қилиб бўлишди. Ҳозирча дуд чиқараётган самоварларнинг теварагида чой ичишиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришарди... Дафн маросимига деярли ҳамма нарса тайёрланиб бўлинган, энди Она Байит мазорига йўл олиш учун тонг отишини кутишаётган эди. Казангап табаррук ёшда ўлгандан ҳовлида ортиқча куйди-пишидлар ҳам ўринсиздай, оқшом тинч, осуда кечарди...

Бўронли разъездида эса ҳамшагидай поездлар келиб-кетишар, улар машири ва мағриб томондан келишиб, яна машири ва мағриб томонга жўнаб кетишарди...

Она Байит қабристонига бориш арафасидаги оқшом, бир кўнгилсиз воқеани ҳисобга олганда, шу йўсинда маромида ўтаётган эди. Бу орада йўловчи юк поездиди Казангапнинг қизи Ойзода эри билан келиб қолди. У келиши билан, увос тортиб йўғлаб юборди. Бошқа хотин-халаж ҳам унинг атрофини ўраб олиб, қий-чув кўтара бошлашди. Айниқса, Уккуболанинг кўнгли юмшаб, Ойзода билан қўшилишиб, хўнграб йўғларди. У Казангапнинг етим қолган қизига жон-дилидан ачинарди. Улар иккаласи айтишиб зор-зор йўғлашди.

Эдигей, йиғи-сиғи билан ўлган одамни тирилтириб бўлармиди, тақдирга тан бериш керак, деб Ойзодани юпатишга уринар, у бўлса барибир йиғидан тинмас эди.

Ўзи кўпинча шунақа бўлади — отасининг ўлими бояқшининг тўлиб турган юрагини бўшатиб олиш учун бир баҳона сабаб бўлди. Сочлари тўзғиб, қовоқлари шишиб кетган Ойзода марҳум отасига тавалло қилиб, ўзининг бахти қаролигини, энди дунёда уни ҳеч ким бир оғиз ширин сўз билан юпатиб, пешонасини силамаслигини, ёшлигидан ёруғлик кўрмаганини, эри ичкиликка берилиб, болалар қаровсиз қолиб, уззу-кун станцияда санғиб юришини, безори бўлиб кетганини, ким билади, эҳтимол, эртага йўлтўсар бўлиб, поезддагиларни ҳам талаб юриши мумкинлигини, каттаси ҳозирданоқ ича бошлаганини, мелиса келиб суриштираётганини, ҳадемай иши прокуратурага тушади деб огоҳлантирганини... айтиб йўғларди. Бир ўзи олти болани қандай эпланди? Ота зормандага-ку, дунёни сув босса тўпифига чиқмайди...

Кўёв ростдан ҳам парвойи палак эди. Қайнотасини дафн этишга келган бўлса-да, руҳи тушиб, хижолат тортиб, ҳаммадан юз ўгиргандай бадбўй, ипириски папиросини чекиб маънос ўтирарди. Хотинининг дод-войларига кўникиб кетган эди у, хотин киши-да, йўғлаб-сиқтаб охири тинчиб қолади... Бироқ шу пайт томдан тараша тушгандай хотинининг акиси Собитжон ўртага суқилиб, синглисини уялтирмоқчи бўлди: ким шунақа қилади, бу қаёқдан чиққан қилиқ? Отасини кўмгани келгани ё ўзини шарманда қилгани келганими? Қозоқ қизи табаррук отаси ўлганида шунақа қий-чув қиладими? Қозоқ аёлларининг қўшиқдай буюк йиғиси юз йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, тилларда дoston бўлиб келган-ку! У вақтларда аёллар йўғлашганида ўликлар тирилмаса ҳам, тирикларнинг кўзёши дарё бўлиб оққан-ку! У замонларда аёллар йўғлашганида марҳумнинг фазилатларини айтиб, иззатини бажо келтириб кўкка кўтаришган, марсиямас, мадҳия айтишган. Синглиси бўлса, етимча етти кулча бўлиб, ўлсам ўлиб бўлдим, деб уйни бошига кўтаради-я!

Ойзода худди шуни кутиб тургандай, аввалгидан бешбатар кичкириб йўғлай бошлади. Сендақа оқилу донога кўзимиз учиб тургани йўқ! Сен аввал хотинингга ақл ўргат. Мана шу чиройли гапларининг хотинингга ўқдир! Нимага энди хотинчанг келмайди, келиб, марсия билан мадҳия қанақа бўлишини бизга ўргатса бўларди. Отамизнинг ўлимига келиб, ҳурматини жойига қўйса, бирор ери камайиб қолармиди? Нега деганда, у — фирибгар, сен ҳам фирибгарсан, хотинингга пой-патак бўб юрган пасткашан, икковинг отамни соғин сигирдай соғиб ичдинглар, менинг эрим пиёниста бўлсам, мана, шу ерда ўтирибди, сенинг ақлли-хушли деган хотининг қайси гўрда қолди?

Шундан сўнг Собитжон «Хотинингни тийиб ол!», деб кўёвга қараб бақира бошлади. У бўлса, бирдан хезлаб келиб, Собитжонни йиқитиб олиб, бўға бошлади...

Бўронли ақли орсизлиги ҳаддидан ошган қариндошларни тинчитгунча анча овора бўлишди. Ҳамманинг юзи шувут бўлди. Эдигейга айниқса оғир ботди бу машмаша. Эдигей уларнинг ким эканини яхши биларди, аммо бунчаликка бориб етади деб ўйламаган эди. Шунинг учун ҳам росткакамига жиғибўйрони чиқиб, агар бир-бировларининг ҳурмат қилмасаларинг, ақалли марҳумнинг арвоқини ҳурмат қилгинлар, бўлмаса, ким бўлишларингдан қатъи назар, бу ердан қувиб ҳайдаман, кейин гина-кудуратларинг ўзларингдан қолсин, деб қаттиқ огоҳлантирди.

Дафн маросими олдидан мана шунақа кўнгилсиз воқеа юз берди. Эдигейнинг дили зимистон бўлди. Яна қовоқлари солиниб, икки қошининг ўртасидаги ажинлари бўртиб чиқди. Жонини қақшатган боғия саволлар яна қайтадан бошини қотира бошлади: бу болалар кимга ўхшади экан-а? Нима сабабдан шунақа бўлиб кетишдикин? Казангап иккаласи бу болаларни иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, Қумбелдаги интернатга олиб бориб юришганида, ўқиб одам бўлишин, Сариўзақдаги кимсасиз разъездларда қолиб кетишмасин, ота-онамиз ўқитмади, деб кейин нолиб юришмасин дейишганда бундай бўлиб чиқшини хаёлларига ҳам келтиришмаган экан. Энди билса, ҳаммаси аксинча бўлиб чиқди... Кўрғанда одам жирканмайди-ган мўмин-қобил кишилар бўлиб етишишлари учун уларга нима етишмайди?..

Шу пайт яна Эдилбой Дароз ақл ишлатиб, Эдигейнинг юқини енгиллаштирди. У Эдигейнинг шу лаҳзадаги ҳолатини яхши англаб турган эди. Ота-оналар ўлганида, дафн маросимини фарзандлар бошқаради — илгаридан шундай бўлиб келган. Ҳар қанча уятсиз, виждонсиз, тубан бўлса ҳам, уларни ҳеч қаёққа ҳайдаб юборолмайсан. Ҳамманинг дилини хуфтон қилган ака-сингилларнинг жанжаллини кўнгилдан чиқармоқ учун Эдилбой ҳамма эркакларни ўз уйига таклиф этди. Нима, ҳовлида юлдуз санаб ўтираверамизми, юринглар, бизникида чой ичиб ўтирамиз, деди.

Эдилбой Дарознинг уйида Эдигей бошқа бир оламга кириб қолгандай бўлди. У илгарилари ҳам қўшничилик юзасидан бу ерга кириб турар, ҳар гал Эдилбой оиласининг аҳиллигини кўриб, кўнгли равшан тортиб чиқар эди. Бугун эса бу ерда у яна узоқроқ ўтиришни хоҳларди, чунки шундай қилганда, гўё йўқотган куч-қувватини қайта тиклаб оладигандай эди.

Эдилбой Дароз ҳамма қатори йўл ишчиси эди. Топиш-тутиши ҳамма қатори, рўзғори ҳам бошқалардан зиёд эмас. Ҳамма қатори уларнинг оиласи қурама уйнинг ярмини — икки хонаю бир ошхонани эгаллашган эди. Аммо бу хонадондагиларнинг турмуш-турмуши ўзгача, озода, саранжом-саришта, ёп-ёруғ. Чой дегани бошқаларникида ҳам бор, лекин ўша чой Эдилбойнинг пивёласида асалдан ҳам тотли туоуларди. Эдилбойнинг хотини чиройли, уй тутиши ҳавас қилгудек, болалари эсли-одбли... Булар Сариўзақда сабр-тоқатлари етгунча турмушлари мумкин, сўнг бошқа тузуқроқ жойга кўчиб кетишар. Улар кетса, бу ер ҳувиллаб қолади-да, деб ўйларди Эдигей ўзича...

Эдигей кирза этигини даҳлизга ечиб, тўрға чиқиб тахта деворга суянганча, чордана қуриб ўтирди. Чарчаганини, оч қолганини эндигина сезди. Бўлак меҳмонлар эса думалоқ хонтахта атрофида тизилишиб, у ёқ-бу ёқдан бамайлихотир гаплашиб ўтиришди.

Ажаб савдолар бўлиб ўтди. Ҳақиқий суҳбат энди қизиб бошлади. Эдигей ўтган кечаси кўрган воқеани — космик кема парвозини унутиб ҳам юборган эди. Ҳозир эса билган кишилардан бу ҳақда уни-буни эшитиб, ўйлачиб қолди. Йўқ, Эдигейга бу гаплар янглик эмас эди. Шунчаки, бу ишлардан манови одамлар яхши хабардор-у, ўзи эса хабарсиз эканидан

хайратга тушди. Лекин, бунинг учун Эдигей ўзини койиб ўтирмади, чунки ҳаммани қизиқтираётган мана шу космик парвозларнинг ҳаммаси ундан жуда йироқ, унга сеҳрли ва бегона ишлар эди. Шунга кўра, гарчи Эдигей бунақа ишларга анча қизиқиш билан қараган бўлса-да, аслида уларнинг барчаси номаълум ва аллақандай қудратли кучнинг таъсири натижасида содир бўлаётгани туфайли шунчаки хабардор бўлиб қўйишни лозим кўрарди. Ҳар ҳолда, фазо сари йўл олган кема манзараси унинг бутун вужудини ҳаяжонга солиб, ўзига мафтун этиб олган эди. Эдилбой Дарознинг уйда худди шу хусусда сўз борарди.

Дастлаб улар шубат — туя сутидан қилинган қимиз ичиб ўтиришди. Усти кўпикланиб, кўпириб турган муздаккина шубат одамни хиёл сархуш қиларди. Келиб-келиб турадиган йўл тузатувчилар шубатни роса ичишади, унга Сарийўзақ «пивоси» деб ном ҳам қўйиб олишган. Иссиқ овқатга уйда ароқ ҳам топиларди. Бошқа пайтларда Эдигей Бўронга ароқ узатганларида, улфатчилик юзасидан қўл қайтармасди. Аммо бугун у ароқни оғзига олмасди. Шу билан бошқаларга ҳам, ортиқча ичманлар, эртага кун оғир келади, йўл узоқ, дея ишора қилгандай бўлди. Айниқса, ароқни шубатга қўшиб босиб ичиб ўтирган Собитжон уни хавотирлантираётган эди. Иккита қойилмақом от ёндош қўшилас аравая яхши юргани сингарди, шубат билан ароқ ҳам аралаштириб ичилса, бир-бирига яхшигина далда бўлади — кишининг кайфиятини чоғ қилади. Лекин бугун кайфи чоғлиқнинг ўрни эмас эди. Аммо, кап-катта одамларга қандай қилиб ичма деб бўлади? Мезёрни ўзлари билишлари керак. Ҳар ҳолда, Ойзоданинг эри ҳозирча ароққа қўл узатмай шубатнинг ўзидан ичиб ўтиргани Эдигейнинг кўнглини бир оз хотиржам қилган эди. Ароқхўр киши озгина ичса — бас, кайфи тарақ бўлади-қолади; бу сафар у қаноат қилиб, шубатга ароқни аралаштирмай ўтирган эди. Ҳайтовур, қайнотасининг дафн маросимида маст бўлиб чўзилиб қолишдан уялди шеклилли. Аммо сабр-тоқати қанчага этишини эгамнинг ўзи билади.

Шу аснода улар у-бу нарсалар гўғрисида гурунглашиб ўтиришди. Эдилбой эса экскаваторнинг чўмичидай катта очилиб-юмилиб турган узун қўллари билан меҳмонларга шубат узатарди. У хонтахтанинг нариги томонида ўтирган Эдигейга яна қўйиб узатар экан, ногоҳ бир нарса эсига тушиб қолди.

— Эдике, кеча тунда, сиз билан смена алмашганимиздан сўнг сал ўтиб осмон ёрилиб кетгандек бўлди, турган жойимда чайқалиб кетдим. Мундоқ қарасам, космодромдан ракета учирилган экан! Катталигини кўрдингизми? Оловланган куйруғи араванинг тоқа шотисидай келади-я!

— Ҳе-е, кўрганда-чи! Оғзим очилиб қолди! Ё қудратингдан! Олов селида осмонга кўтариляпти, кўтариляпти, кети кўринмайди. Кўрқиб кетдим. Бу ерда шунча йил яшаб, ҳали бунақасини кўрмаган эдим.

— Ҳа, мен ҳам ўз кўзим билан энди кўришим. — дея иқроор бўлди Эдилбой.

Собитжон Эдилбойнинг узун бўйига ишора қилиб, ҳа-зиллашмоқчи бўлди:

— Агар сенга ўхшаганлар энди кўриши бўлса, бизга йўл бўлсин.

Эдилбой Дароз бу гапга мийиғида қулиб қўяқолди.

— Гап бундамас, — деб қўл силтади у. — Кўрарга кўрдим-у, аммо кўзимга ишонгим келмайди, гувиллаган олов устунни осмон қаърига кириб кетди. Яна кимдир осмонга қараб йўл олди, деб ўйладим ўзимча. Йўлинг беҳатар бўлсин, дедиму шу заҳоти транзисторимнинг қулоғини бурай бошладим. Мен уни ҳамиша ўзим билан бирга олиб юрардим. Ҳозир радиодан эълон қилиб қолса керак, деб ўйладим. Одатда бирийўла космодромнинг ўзидан олиб эшиттиришар эди. Диктор ҳам хурсандлигидан худди митингга сўзлаётгандай тантанали гапирарди. Эшитсанг, этинг жимирлаб кетади! Ўз кўзим билан кўриб, узатиб қолганим бу фазогир ким бўлди экан, деб шунақаям билгим келдики, асти қўяверинг, Эдике. Лекин, билолмадим.

— Нимага? — деб сўради Собитжон ҳайратланиб, қошларини жиддий ва маъноли чимираб экан. У ширакайф бўлиб, бўғриқиб, қизариб кетган эди.

— Билолмадим. Ҳеч нимани хабар қилишмади. «Маяк» тўлкинини узоқ тутиб турдим, ақалли бир оғиз сўз ҳам дейишмади...

— Бўлмаган гап! Бу ерда бошқа сир бор! — дея шубҳала-

ниб, ҳаёсизларча тикилди Собитжон ва бир қўлтум шубат қўшилган ароқни тез ичиб юборди. — Космосга қилинган ҳар бир парвоз — оламшумул воқеа... Тушундингми? Ҳар бир парвоз бизнинг фанимиз ва сиёсатимизнинг тантана қилаётганидан дарак беради.

— Билмадим. Атайлаб «Сўнги ахборот»ларга қўлоқ тутдим, газеталарнинг шарҳларини ҳам тингладим, ҳеч қандай хабар эълон қилинмади.

— Ҳм! — деб бош чайқади Собитжон. — Мен ўз идорамда, ишхонамда бўлганимда, буларнинг тагига етган булардим. Яхши бўлмапти! Балки бу ерда бошқа гап бордир?

— Нима гап бору нима гап йўқлигини ким билсин. Лекин, азбаройи уни била олмаганим жуда алам қияпти. — Эдилбой Дароз кўнглидаги гапни айтди. — Ракетанинг ичидаги одам худди менинг фазогиримдай бўлиб қолди. Чунки, кўз олдимда учди-да. Эҳтимол, йигитларимиздан бирортаси учгандир? Унда бошимиз осмонга етарди. Уша одам билан учрашиб қолсак, қандай яхши бўларди...

Собитжоннинг хаёлига бирдан нимадир келиб қолиб, шошқалоқлик билан унинг сўзини бўлди:

— Ҳа-а, билишимча, одамсиз кема учиринган бўлса керак, тажриба учун.

— Бу қанақаси бўлди? — дея ҳайрон бўлиб қаради Эдилбой.

— Шунақа, тажриба варианты бўлади. Синовга, тушундингми? Одамсиз ракета бошқа кема билан туташигга ё орбитага чиқишга йўл олди, дейлик. Ҳали нима бўлади-нима кўяди — ҳозирча оқибати номаълум. Агар ўйлашганидай бўлиб чиқса, радиодан айтишади, газеталарда ёзишади, акс ҳолда, индамай қўяқолишади. Шунчаки илмий тажрибалигича қолаверади.

Эдилбой ранжигандай чаккасини қашиб қўйди.

— Мен бўлсам, тирик одам учгандир, деб ўйлабман.

Собитжоннинг тушунтиришларидан ҳафсаласи пир бўлган одамлар жимиб қолишди. Шу билан гапга нуқта қўйилай деб турганда Эдигей, ўзиям сезмаган ҳолда, уни бошқа томонга буриб юборди.

— Демак, менинг тушунишимча, осмонга одамсиз ракета учирилган, тўғрими, йигитлар. Ундоқ бўлса, ракетани ким бошқаради?

— Ким бошқаради, дейсанми? — Эдигейнинг нодонлигидан ажабланган Собитжон қўлларини бир-бирига уриб қўйганча, у томон масхараомуз юзланди. — У ерда, Эдике, ҳамма нарса радио орқали бошқарилади. Ердан, бошқарув марказидан команда бериб турилади. Ҳамма иш радио орқали бошқарилади. Тушундингми? Мабодо ракета фазогир билан бирга учирилганда ҳам унинг қайси томонга йўл олиши барибир радио орқали бошқариб турилади. Фазогир эса, ўзича бирон ишни бажармоқчи бўлса, марказдан рухсат сўраши керак. Қимматли кўкатоғим, осмонга учиб, бу сенга, Қоранорга миниб олиб Сарийўзақ даштини кезиш дегани эмас, албатта. Бу мураккаб, ниҳоятда мураккаб иш...

— Шунақа дегин, — деди Эдигей ғўлдираб.

Эдигей Бўрон радио орқали бошқариш нима эканини билмас эди. Унинг тасаввурича, радио — узоқ масофадан эфир орқали узатиладиган сўзлар, товушлар йиғиндиси. Аммо радио орқали жонсиз темирни қандай бошқаришади? Унинг ичида одам бўлса, бошқа гап; ундай қил-бундай қил, деб буйруқ бериб туриши мумкин. Эдигей буларнинг ҳаммасини бирма-бир сўраб билиб олмоқчи бўлди-ю, яна, нима ҳожати бор, дегандай ниҳоятдан қайтиб, индамай қўяқолди. Собитжон ўзининг билганларини ортиқ даражада такаббурона оҳангда гапириши Эдигейнинг энасини қотирди. У авзойидан, мана кўрдиларингми, ўзларинг ҳеч нарса билмайсизлар-у, яна менинг гапларимни беҳудага йўймоқчи бўласизлар, пиёниста қувё бўғмоқчи бўлиб ташланганда ҳам ҳеч бирингиз ёнимни олмангиз-ку, мен эса ҳақиқатан ҳам бунақа ишларни ҳаммангиздан кўра яхши биламан, деяётгандай иддоо билан сўзларди. «Худо хайрингни берсин, — деб ўйлади Эдигей. — Шуни деб умр бўйи ўқитганмиз-да сени, бизга ўхшаган омилар орасида кимдир биров билмидон бўлиши керак-ку, ахир!» Шу маҳал яна Эдигей Бўроннинг хаёлидан: «Сенга ўхшаганлар каттароқ амалдор бўлиб қолсами, қўл остидаги одамларни ўзига ўхшаш сохта билмидон бўлишга мажбур этади, бошқаларга эса кун ҳам бермайди. Ҳозир юғурдак бўлиб юрганида шунчалик, ҳаммани оғзимга қаратсам дейди. Ақалли сарийўзақликларни лол қолдирсам, дейди...», деган ўй ўтди.

Собитжон эса ростдан ҳам бўронлиликларни танг қолдириб,

билимдонлиги билан уларни биратўла эзиб-янчиб, синглисию почаси олдидаги шармандаларча можародан сўнг яна ўз қадрини кўтариб олмоқчи бўларди. Гапни айлантриб, ҳамма-нинг диққатини чалғитишга интиларди. Шу тариқа кўз кўриб қулоқ эшитмаган турли ғаройиб воқеалардан, илм-фан муваффақиятларидан гапира бошлади; Ора-сира ароқдан сиимириб, устидан шубат хўплаб ўтирди. Натижада баттар кайфи ошиб, қизаришиб, ақл бовар қилмайдиган шунақанг ғаройиботларни гапириб ташладики, бечора бўронликлар бу гапларнинг қай бирига ишонишини билмай қолдилар.

— Мана, ўзларинг бир ўйлаб кўринглар-а, — дерди Собитжон кўзойнагини ярақлатиб, қизариб-бўзариб, ҳаммани сеҳрлаб кўяётгандай назар ташлаб. — Биз инсоният тарихидаги энг бахтли одамлармиз, тушунапсизларми. Мана, сен, Эдике, ичимизда энг ёши улғуғимизсан. Илгари қандай яшардигу ҳозир қандай яшапмиз — сен, Эдике, бунни яхши биласан. Нима учун гапиряпман? Илгари одамлар худоларга ишонишарди. Қадимги Юнонистонда ўша худо деганлари гўё Олимп тоғида яшаган эмиш. Бироқ уларнинг қанақа худолигини биласанми?! Меровлар эди улар. Қўлларидан нима келди уларнинг? Бир-бирлари билан чиқиша олмадилар. Улар низокашлик билан машхўр бўлишган. Одамларнинг турмуш тарзини ўзгартира олишмади; бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмаган. Аслида бундай худолар бўлмаган. Буларнинг барчаси афсона. Чўпчак. Бизнинг худоларимиз эса, ёнгинамизда — мана бу ерда, космодромда, Сарйўзак даштида яшайдилар. Бу билан биз бутун дунё олдида фахрланамиз. Бирортамиз уларни кўрмаймиз, бирортамиз билмаймиз, шундай бўлиши ҳам керак. Улар дуч келган Мирқинбой-Шийқинбойлар билан кўл олишиб, «Хол-аҳволлар қалай?», деб сўрашиб ўтиришмайди. Аммо, чинакам худолар — ана шулар! Мана, сен, Эдике, космик кемалар қандай қилиб радио орқали бошқариларкин, деб ҳайрон бўласан. Бу ишлар ҳали ҳолва, аллақачон босиб ўтилган ишлар! Бундай аппаратлар, машиналар программа бўйича ишлайди. Ҳали шундай вақт келадики, радио орқали автоматларни бошқаргандай, одамларни ҳам бошқариш мумкин бўлади. Тушундингми, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган одамлар радио орқали бошқарилади. Ҳозирнинг ўзида бунга илимий далиллар бор. Фанимиз бунга ҳам эришган, олий мақсадлар йўлида.

— Тўхта, тўхта, дарров олий мақсадлардан келасан, — деди гапни бўлиб Эдилбой Дароз. — Сен менга манови нарсани тушунтириб бер: демак, ўша вақтда ҳар биримиз ёнимизга транзисторга ўхшаган кичкинагина радиоприёмникни осиб юришимиз керак бўладими, буйруқни эшитиш учун? Лекин, бу нарса ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма жойда бор-ку!

— Сени қара-ю! Мен бошқа нарсани гапиряпман. Сен айтган нарса чепуха, бир ўйинчоқ-ку! Ҳеч ким ёнида ҳеч нарса олиб юрмайди. Хоҳласан яланғоч юрасан. Фақат кўзга кўринмас радиотўлқинлар, яъни, биотоклар доим сенга, сенинг онгинга таъсир ўтказиб турарди. Ундан қаёққа ҳам қочиб қутулардинг?

— Шунақа дегин?

— Қанақа деб ўйловдинг бўлмаса? Одам нима иш қилса, марказдан берилган топшириққа мувофиқ қилади. У гўё ўз ихтиёри, эрки билан яшаётганга ўхшаб кўринади, аслида эса, юқоридан бериладиган буйруқ бўйича яшайди. Ҳаммаси қатъий тартиб асосида бажарилади. Қўшиқ айтиш керак бўлса — сигнал келади: қўшиқ айтасан. Уйинга тушиш керак бўлса — сигнал келади: ўйинга тушасан. Ишлаш керак бўлса — ишлайсан. Ишлаганда ҳам шундай ишлайсанки! Уғрилиқ, безорилиқ, жиноят деган нарсалар бўлмайди, ҳаммаси унутилиб кетади, фақат эски китоблардагина ёзилиб қолади. Нега десанг, одамнинг жамики хулқ-атвори — ҳар бир хатти-ҳаракати, фикр-мулоҳазаси, истак-хоҳиши ўлчанган, олдиндан белгилаб қўйилган бўлади. Мана, масалан, дунёда ҳозир демографик портлаш бор, яъни, ер юзиде одамлар сони кўпайиб бормоқда, уларни боқшининг ўзи бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак? Тугилишини камайитириш керак. Хотининг билан ҳам, хоҳлаган пайтингда эмас, балки сигнал билан рухсат берилган вақтда ётасан, жамият манфаатлари нуқтан назаридан шундай қиласан.

— Олий манфаатлар дейсанми? — деди Эдилбой Дароз киножомуз оҳангда.

— Худди шундай. Давлат манфаатлари ҳар нарсадан устун туради.

— Мен ана шу олий манфаатлардан ташқари, ҳалиги, хотиним билан ётгим келиб қолса-чи?

— Эдилбой, азизим, ҳеч нарса қилолмайсан. Бу нарса хаёлингга ҳам келмайди. Энг чиройли, соҳибжамол аёлни қўйингга солиб қўйса ҳам қиё боқмайсан. Нега десанг, сенга манфий биотокларни улаб қўйишган бўлади. Демак, бу ёгини ҳам саришта қилиб қўйишади. Хотиринг жам бўлсин. Ёки ҳарбий ишни олиб кўрайлик. Бу ердан ҳамма иш сигнал орқали бажарилади. Одам ўтга кириши керакми — ўтга киради, парашютдан ташлаши керакми — дарҳол ташлайди, атомли мина билан ўзини танк остига ташлаб портлаши керакми — шу лаҳзада портлайди. Нимага бундай, деб сўрамайсизларми? Одамни ботир қиладиган биоток берилди — вассалом, кўрқув нималигини билмай қоласан... Мана шунақа!..

— Лақиллатиш ҳам эви билан-да! Олиб қоч-а! Шунча йил сенга нимани ўқитишди ўзи? — Эдилбой ҳайратдан ёқа ушлади.

Утирганлар жилмайиб қўйишар, томоқ қириб бош чайқашар, йигитча аравани қуруқ олиб қочяпти, деб ўйлашар, аммо унинг сўзини бўлмади, майли гапирверсин, бекор ўтиргандан кўра эшитайлик, мароқ билан сўзлаяпти, кўз кўриб қулоқ эшитмаган гаплар экан, дейишарди. Йигит ароқни шубатга қўшиб оз-оздан ичавериб, хийлагина кайфи ошиб қолди. Ахир, унга бир нима деб бўлмаса, майли, оғзига келганини вайсайверсин, деб ўз ҳолига қўйиб қўйишди. Бу гапларни қаердандир, кимдандир эшитган, қай бири рости қай бири ёлғон, нима бўлибди, шунгаям бош қотириб ўтирамизми, деб ўйлашди. Аммо Эдигей дафъатан сесканиб, ростакамга кўрқиб кетди: бу лақма бекорга қарғадай қағилламаяпти, деб хавотир ола бошлади. У бу гапларни ҳойнаҳой бирор ердан ўқиб ўқиб олган бўлиши керак, қуйма қулоқ, ахир унинг қаерда бирор хунук гап чиқса, дарров илғаб оладиган одати бор. Чиндан ҳам шунақа кишилар ҳаётда бор бўлса нима бўлади, бунинг устига, ўзлари катта олим, чиндан ҳам ҳаммани ўзларига банда қилиб олиш ниятида юрган бўлишса-я...

Собитжон эса ҳалиям аравани қуруқ олиб қочаётган эди. Яхшиямки, ҳали унинг гапларини эшитиб ўтиришибди. Буғ қоплаган кўзойнаги остидеги кўз қорачиқлари қоронғидеги мушук кўзлари сингари чақчайиб кетган бўлса ҳам, гоҳ ароқдан, гоҳ шубатдан тотиб кўрарди. Энди у қўлларини ёзганча, океандеги аллақандай Бермуд учбурчаги ҳақида ҳикоя қила бошлади. Унинг айтишича, океанининг ўша қисмида шундай бир жой бор эканки, у ердан кема сузиб ўтса ҳам, тепасидан самолёт учиб ўтса ҳам, сирли равишда, ўз қомига тортиб кетар экан.

— Областимиздан бир одам чет эл саёҳатига бораман деб роса уринди, охири муддаосига эришди ҳам. Океанинг устидан Парагвайгами, Уругвайгами, ишқилиб, ўша томонларга учиб кетди, кетди-ю, қайтиб келмади. Самолёт Бермуд учбурчагининг қоқ устидан ўтаётганда ғойиб бўлибди. Шу кетган бўйича йўқ! Мана, чет элга боришинг оқибасти. Шуни деб, оғайнилар, кимларгадир ялиниб, рухсат сўраб, кимларнидир четга суриб юргандан кўра, Бермуд учбурчагисиз ҳам кунимиз ўтади. Уз уйим — ўлан тўшагим, деганларидедай шукр қилиб, ўз ерингда соғ-саломаат яшайвер. Келинлар, тани соғлиғимиз учун ичайлик!

«Яна бошландими! — деб ичида сўкинди Эдигей. — Тагин эски ашуласини бошлайди. Уф-ф, бошга битган бало бўлди-ку бу. Ичишга бир киришдими, тормази ишламай қолади!» Худди шундай бўлиб чиқди.

— Келинлар, тани соғлиғимиз учун ичамиз, — дея такрорлади Собитжон, хира торган кўнимсиз кўзлари билан атрофдагиларга нигоҳ ташларкан; бироқ шунда ҳам баҳоли қудрат ўзини жиддий қиёфада кўрсатишга интиларди. — Бизнинг соғлиғимиз эса — юртимизнинг энг катта бойлиги. Демак, бизнинг соғлиғимиз давлат аҳамиятига эга. Ана шунақа! Биз ҳазилакам одамлармасмиз, биз давлат одамларимиз! Яна шуни айтиб қўяйки...

Бўронли Эдигей Собитжоннинг қадаҳ сўзлари тугашини кутиб ўтирмай, шартта ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Қоронғи айвонда бўш ётган челакними ёки оёқ остидеги аллақандай бошқа нарсаними тарақлатганча, очик қавада муздақина бўлиб турган кирза этгини кийиб олди ва жаҳли чиқиб, дили сиёҳ бўлиб уйи томон йўл олди.

«Эҳ шўрлик Казанган! — деди Эдигей ичида нола чекиб, аламидан ўйловини тишлаганча. — Бу қанақаси, ахир, ўлим бўлиб ўлимга ўхшамаса, аза бўлиб азага ўхшамаса! Базми жамшидада ўтиргандай ароқдан бош кўтармайди, парвойи

палак! Узича аллақердан гап топиб олипти, соғлигимиз давлатники эмиш. Ҳар сафар шу гапни қайтаргани-қайтарган. Ишқилиб, эртага марҳумни эсон-омон жойига қўйиб, маъракасини ўтказиб олайлик, боланинг бу ердан изи қурийдис, шу билан қутуламиз, бу ерда унинг ҳеч кимга кераги йўқ, унга ҳам ҳеч кимнинг кераги йўқ!»

Ҳар ҳолда, Эдилбой Дарознинг уйда узоқ ўтириб қолишди. Вақт ярим кеча бўлиб қолган эди. Эдигей Сариўзакнинг салқин ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Эртага ҳаво одатдагидай очиқ келиб, дурустгина иссиқ бўладиганга ўхшайди. Бу ерда об-ҳаво ҳаммаша шунақа бўлиб туради. Кундузи жазирама иссиқ, кечаси эса совуқ, этни жунжиктиради. Шунинг учун ҳам бутун атроф қовжираб ётибди: ўсимлик бундай об-ҳавога мослашолмайди. Кундуз кунлари намлик истаб кўкка бўй чўзади, кечалари эса уларни совуқ уриб кетади. Бундай шароитга бардош берганларигина қолади. Кўпинча ҳар хил турдаги тиканаклар, катта майдонларни эгаллаган шувоқзорлару яна жарариқларнинг ёқасида тўп-тўп бўлиб ўсган турли хил ўт-ўланлар бор. Улар пичанга ярайди. Эдигей Бўроннинг кўҳна қадрдони геолог Елизаров ғалати бир манзарани ҳикоя қилиб берган эди. Унинг айтишича, маълумотларга кўра бир замонлар бу ерларда серўт яйловлар ястанган, об-ҳаво ҳам бошқача бўлган, ёмғир ҳам ҳозиргидан кўра уч баравар кўп ёлган. Табиийки, ўшанда турмуш ҳам бошқача бўлган. Сариўзак яйловларида қанчадан-қанча йилқилар, қўй уюрларию қанчадан-қанча қорамол подалари ўтлаб юрган. Бунга жуда кўп замонлар ўтган чамаси, ўша жунгжанг деган ёвуз келгиндилар бу ерларга бостириб келмасдан аввал шундай бўлган экан. Энди эса улардан ном-нишон ҳам қолмаган, улар ҳақида фақат ривоятларгина қолган, холос. Акс ҳолда, Сариўзакка шунча одам сиғмай кетган бўларди. Елизаров бежиз айтмаган, Сариўзак дашти — тарихнинг унутилган китоби, деб... У Она Байит қабристонининг тарихи ҳам тасодикий эмаслигини айтган эди. Баъзи маъмадана олимлар фақат қоғозга ёзилган нарсани тарих деб ҳисоблашади. Ахир, қадим замонларда қанчадан-қанча воқеалар ёзиб қолдирилмаган бўлса, унда нима қилиш мумкин?..

Разъезддан ўтаётган поездларнинг шовқинига қулоқ солар экан, Эдигей шу тобда нима учундир Орол денгизидеги пўртаналарни эслаб кетди. У урушдан олдин ўша ерда туғилдиб ўсган эди. Казангап ҳам Оролбўйи қозоқларидан эди. Иккаласининг темирйўл бўйида бирга ишлаб иноқлашиб кетганининг боиси ҳам шундан эди. Сариўзак чўлида дўстлар тез-тез Оролни кўмсаб, гаплашиб туришарди. Казангапнинг ўлимидан сал аввал, баҳор кезлари, иккаласи Оролга бориб келишди, кейин билса, чол денгиз билан хайрлашгани борган экан. Боришмагани маъқул экан, борарга боришди-ю-хафа бўлиб қайтиб келишди. Денгиз суви тортилиб, тобора камайиб кетибди. Денгиз ёқалаб, соз тупроқли тақир йўл бўйлаб ўн чақиримча йўл юришганидан сўнг аранг сувга яқинлаб боришди. Ушанда Казангап: «Орол дунё тургунча турар эди, энди, мана, шу денгиз ҳам қуриятпти, одам умрини гапирмаса ҳам бўлади», деган эди. Ушанда у яна бундай деган эди: «Эдигей, сен мени Она Байитга дафн этасан. Денгизни эса сўнгги бор кўриб, хайр-хўшлашиб туришим!»

Эдигей Бўрон шуларни эслаб, тирқираб чиққан кўзёшларини энги билан артди-да, овози хириллаб чиқмасин учун устига йўталди, сўнг Казангапнинг кулбаси сари йўл олди. У ерда Ойзода, Уккубола, бошқа бир қанча хотин-халаж аза тутиб ўтиришарди. Бўронли аёлларидан гоҳ униса, гоҳ буниси иш орасида кўнгил сўраб киришар, бир дам бирга бўлишиб, у-бу ишларга қарашиб юборишар эди.

Кўра олдидан ўтаётиб, Эдигей тўнкага боғланган, эгар-жабдуқ урилиб, гажимли ёпиқ ташлаб, ясатилиб шай қилиб қўйилган Қоранор Бўрон олдидан бир зум тўхтаб қолди. Ой ёруғида туя жуда маҳобатли, филдай вазмин ва қудратли кўринарди. Эдигей ўзини тутиб туролмай, кафти билан туянинг биқинига шапатлаб уриб қўяди:

— Чакки эмассан-ку, азамат!

Остонага етай деб қолганида Эдигей нима учундир тунги воқеаларни эслаганини ўзи ҳам билмай қолди. Темирйўлга яқин келиб қолган чўл тулкисини тош билан урмоқчи бўлганини, сўнг ниманидир ўйлаб, уни уришга журъат этмаганини, уйига қайтаётганда олисдаги космодромдан парвоз қилган оловли кеманинг зимзиё осмон қаърига кириб кетганини эслади...

Шу пайт Тинч океанда, унинг шимолий кенгликларидан тонг отиб, соат саккиз бўлган эди. Ҳад-худудсиз буюк сокинлик оғушидаги жимирлаб ётган сув юзига тушиб чарақлаган қуёш нурлари кўзни қамаштирарди. Атрофда фақат сув билан осмоннигина кўриш мумкин эди, холос. Бироқ худди шу жойда, «Конвенция» авиабардорнинг бортида космосни ўзлаштириш тарихида биринчи марта, «Паритет» Совет-Америка орбитал станциясида юз берган, кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа билан боғлиқ бўлган оламшумул можаро кучайган эди.

Сайёраларро «Демийург» Қўшма Программаси бўйича Қўшмарбошнинг илмий-стратегик штаби бўлган «Конвенция» авиабардори шу воқеа туфайли ташқи олам билан ҳар қанақа алоқани узди, лекин Тинч океанидаги Алеут ороллариининг жанубий қисмидаги ўз ўрнини ўзгартирмади, аксинча, худди шу атрофда, ҳаво масофаси бўйича Владивосток билан Сан Франциско шаҳарларининг қоқ ўртасидаги масофада янада мустаҳкамроқ жойлашиб олди.

Илмий тадқиқот кемасининг ўзида ҳам баъзи бир ўзгаришлар юз берди. «Демийург» программасининг Америка ва Совет Бош раҳбарияти кўрсатмаси билан космик алоқа блокининг операторлари «Паритет»да юз берган фавқулодда ҳодиса ҳақидаги ахборотни қабул қилган иккала ходим — совет ва америкалик навбатчи операторлар ахборот четга тарқаб кетмаслигининг олдини олиш учун вақтинча, аммо қатъий равишда изоляция қилинди... «Конвенция» кемаси ҳеч қандай ҳарбий аҳамиятга эга бўлмагани сингари, унинг бортида ҳам ҳеч қандай қурол-аслаҳа йўқ эди. У БМТнинг махсус қарорига мувофиқ халқаро дахлсизлик ҳуқуқига эга. Шунга қарамай, кемада ҳар қандай хавф-хатарга қарши фавқулодда ҳолат жорий этилди. У — дунёдаги бирдан-бир ҳарбий бўлмаган авиа кема эди.

Иккала томоннинг масъул комиссиялари кундузи соат ўн бирда, беш дақиқа ичида «Конвенция»га етиб келишлари кутилмоқда эди. Бу комиссиялар ўз мамлакатлари ва шунингдек, бутун дунёнинг хавфсизлиги манфаатларини кўзда тутган ошиғич қарор қабул қилиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш ҳуқуқига эга эдилар.

Шундай қилиб, «Конвенция» авиабардори бу маҳал Владивосток билан Сан Францисконинг қоқ ўртасида, аниқроғи — очиқ океандаги Алеут ороллариининг жанубий қисмида турган бўлиб, бу жойнинг танлашиши бежиз эмас эди. Бу сафар «Демийург» программаси ижодкорларининг узоқни кўриб, зийраклик билан иш тутганликлари айниқса яққол намоён бўлди. Чунки, бирга ишлаб чиқилган сайёраларро тадқиқотлар режасини биргалликда амалга оширишга мўлжалланган кеманинг худди мана шу ерда жойлашгани бу ноёб илмий-техникавий халқаро ҳамкорликнинг тўла тенгҳуқуқлилиқка асосланганини билдириб турарди.

«Конвенция» авиабардори бутун жиҳозлари, асбоб-ускуналари, энергия запаслари билан иккала томонга бирдай тегишли бўлиб, у ана шу иккала пайчи давлатларнинг кооператив кемаси ҳисобланар эди. Кема бир вақтнинг ўзида тўғридан-тўғри Невада ва Сариўзак космодромлари билан радиотелефон-телевизион алоқа ўрната олар эди. Авиабардор кемада ҳар иккала мамлакатга тегишли бўлган тўрттадан, жами саккизта реактив самолёт бўлиб, улардан Қўшмарбошнинг бошқа қитъалар билан алоқаларида юк ташиш ва кўчириш мақсадлари кўзда тутилган эди. «Конвенция»да иккита паритет-капитан: совет 1—2 паритет-капитани билан америка 2—1 паритет-капитани бўлиб, ўз хизмат вазифасини бажариш пайтида уларнинг ҳар бири ҳал қилувчи роль ўйнар эди. Кема экипажининг бошқа аъзолари — паритет-капитанларнинг ёрдамчилари, штурманлар, механиклар, электриклар, матрослар, стюардлар ва ҳоказо ходимлар ҳам иккала мамлакатдан тенг миқдорда эдилар...

«Конвенция»даги Қўшмарбош илмий-техникавий ходимларининг ишлари ҳам худди шу тартибда тузилган. Программанинг Бош раҳбаридан тортиб, то 1—2 ва 2—1 Бош планетологлари ва ҳар иккала мамлакатнинг барча бошқа мутахассис илмий ходимларигача худди шунга мувофиқ тенг ҳуқуқ асосида иш олиб борар эдилар. Шунинг учун ҳам Ер шаридан ҳар қачонгидан кўра узоқроқ масофадаги «Трамплин» орбитасида турган фазовий станция «Паритет» деб аталар ва у Ердаги муносабатларнинг оқибатини акс эттириб турар эди.

Буларнинг барчаси, албатта, икки мамлакат ўртасидаги илмий, дипломатик, маъмурий муассасаларнинг олдиндан ҳар томонлама катта тайёргарлик ишлари олиб борганликлари натажасида амалга оширилди. «Демьюрг» программасининг барча умумий ва хусусий масалалари бўйича маслаҳатлашиб, бир қарорга келгунча узоқ йиллар давомида сон-саноксиз учрашишга, кенгашлар олиб боришга тўғри келди.

«Демьюрг» программаси ўз олдига замонанинг энг катта космологик проблемаси, яъни, «Номаълум» планетасининг бекиёс ички энергия запаслари бўлган минерал бойликларидан фойдаланишдек ғоят муҳим проблемани ҳал этишни вазифа қилиб қўйган эди. «Номаълум» планетасининг юзасида бўш ётган фойдала қазилманинг юз тоннаси тегишли қайта ишловдан сўнг шунча ички энергия ҳосил қилардики, бу энергия бутун Европани бир йилгача электр ва иссиқлик қуввати билан таъминлаш имконини берар эди. Галактика шароитида миллиард йиллар давом этган узоқ планетар ривожланиш натижасида вужудга келган «Номаълум»даги жисм энергиясининг табиати шундай эди. «Номаълум» тупроғи юзасидан космик аппаратлар ёрдамида неча бор олиб келинган намуналар шундан далолат берар, Қуёш системасидаги мана шу мўъжаз қизил сайёра юзасига қисқа муддатга туширилган экспедицияларнинг хулосалари ҳам шунга тасдиқлар эди.

Олишдан тап-тақир бўлиб кўринган «Номаълум» юлдузи қаърида на Ойда, на Зухрада ва на фанга маълум бўлган бирор бошқа сайёрада учрамайдиган сувнинг мавжудлиги «Номаълум»ни ўзлаштириш лойиҳасининг тақдирини ҳал қилди-қўйди. «Номаълум»да сувнинг шак-шубҳасиз мавжудлиги пармалаш намуналаридан ҳам маълум бўлиб қолди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, «Номаълум» сайёраси юзасидан бир неча километр чуқурликда сув қатлами бўлиб, бу сув тупроқдаги муздай совуқ тош жинслари туфайли бир меъёрда сақланиб турар эди.

Худди шу сув запасларининг ғоят катта ҳажмда мавжудлиги сабабли «Демьюрг» программаси реал кучга эга эди. Бунда сув ичимлик манбаигина бўлиб қолмай, балки ундан синтез йўли билан олинандиган моддалар ўзга сайёралар шароитида инсон организмнинг нормал ҳаёт кегириши учун, аввало, нафас олинандиган ҳаво ҳосил қилиш учун ҳам зарур хомашё бўла олар эди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қараганда ҳам, сув «Номаълум»даги қазилма бойликларни транскосмик сандикларда ташиб кетиш технологияси жараёнида муҳим аҳамиятга эга эди.

«Номаълум» энергиясини фазодаги орбитал станциялардан олиб геосинхрон орбиталар орқали ерга узатиш ўнғайли ё уни бевосита ернинг ўзидан олиш керакми деган масала муҳокама қилинаётган эди. Ҳозирча бу ишлерга етарли вақт бор эди.

Ҳозир пармаловчилар ва гидрологларнинг гуруҳларини «Номаълум»га узоқ муддатга юбориш учун катта экспедицияга тайёргарлик кўриляётган эди. Бу мутахассислар «Номаълум» қаъридан чиқариб олинандиган сувнинг қувурлар орқали доимий ва автоматик равишда оқиб туришини таъминлаш учун водопровод системаларини жиҳозлашлари керак. Шундай қилиб, альпинистлар тили билан айтганда, «Паритет» орбитал станцияси «Номаълум»га борадиган йўлдаги асосий база лагери ҳисобланарди. «Номаълум» билан «Паритет»нинг оралиғида юк ортиб-тушириб юрган транспорт «қайиқлар»ини қабул қилиш учун «Паритет» ҳузурида махсус иншоотлар қуриб битказилган эди. Вақти келиб, сўнгги блоклар қурилиши тугаллангач, «Паритет»да бир вақтнинг ўзиде юздан ортиқ киши жойлашиб ғоятда қулай шароитда яшаши мумкин бўларди. Шу билан бирга Ердаги телевизион кўрсатувларни ҳам мунтазам равишда кўриш имкони тугилди.

Мана шу улкан фазовий тадбирлар натижасида «Номаълум»дан сув олиш ва анализ қилиш имкониятига эришилса, инсон ўз сайёрасидан ташқари оламда ҳам илк бор ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган бўлар эди...

Мана шундай кун яқинлашмоқда. Ҳамма орзу-ниятлар шунга қаратилган эди.

Сариўзак ва Невада космодромларида «Номаълум» сайёрасида бўлиши зарур бўлган гидротехника ишларига тайёргарлик ниҳоясига етиб бормоқда эди. «Трамплин» орбитасида учиб юрган «Паритет» коиноти забот этувчи фазогирларнинг дастлабки ишчи гуруҳини қабул қилиб олгандан сўнг, «Номаълум» сайёрасига жўнатиб қўйишга тайёр турган эди.

Хулласи калом, эндиликда инсоният ўзининг ғайри заминий тараққиётини бошлашдек воқеа олдида турган эди...

Худди шу пайтда — гидрологларнинг дастлабки гуруҳпаси «Номаълум»га жўнатиладиган кун арафасида «Трамплин» орбитасидаги «Паритет» кемасида узоқ муддатли фазовий вахтада турган иккита паритет-фазогир исзис йўқолиб қолса бўладими...

Иккала фазогир қутилмаганда белгиланган муддатда ҳам, бошқа вақтларда ҳам бирорта сигналга жавоб бермай қўйишди. Станциянинг турган жойини доимий кўрсатиб турадиган аппаратлардан ташқари унинг ҳаракатини йўналтириб турадиган канал ва бошқа радио-телевизион алоқа системаларининг барчаси мутлақо ишламай қўйди — ҳаммадан ёмони шу бўлди.

Вақт ўтиб борарди. «Паритет» Ердан берилётган сигналларнинг биронтасига ҳам жавоб бермасди. «Конвенция» авиабардоридидагилар саросимага туша бошлашди. Турли хаялларга бордилар, турли тахминлар қилдилар. Паритет-фазогирларга нима бўлди экан? Улар нега жимиб қолишди? Касал бўлиб қолишдикини? Еқмайдиغان бирор овқатни еб, заҳарланиб қолишди ё? Умуман, улар тирикмикан?

Ниҳоят, сўнгги воситани ишга солишди — станцияда умумий ёнғин тревогаси тармоғини ишга тушириш тўғрисида сигнал беришди. Аммо бу даҳшатли хабарга ҳам ҳеч қандай жавоб келмади.

«Демьюрг» программаси жиддий хавф остида қолди. Шундан сўнг «Конвенция»даги Қўшмарбош қанақа воқеа юз берганини аниқлаш учун охири чорани кўришга мажбур бўлди. Невада ва Сариўзак космодромларидан «Паритет» билан туташтириш учун фазогирлар бошқарган иккита космик кема бир вақтда учирилди.

Ниҳоятда мушкул бўлган синхрон туташтириш иши амалга оширилгач, «Паритет» станциясига етиб борган назоратчи-фазогирларнинг у ёқдан юборган дастлабки хабари ҳаммани ҳайратда қолдирди: назоратчилар станциядаги барча ҳужра-ларни, лабораторияларни, барча қаватлару пасткам жой-ларни — ҳамма-ҳаммасини эшигидан-тешигигача текшириб чиқишгандан сўнг паритет-фазогирларни тополмаганликларини хабар қилишган эди. Станцияда уларнинг тириги ҳам, ўлиги ҳам йўқ эди...

Бу воқеага сира ақл бовар қилмасди. Орбитал станцияда уч ойдан ортиқ вақт мобайнида бирга бўлиб, зиммаларига юклатилган барча вазифаларни яхши адо этиб келаётган икки одамнинг дом-дараксиз кетиши етти ухлаб тушингга ҳам кирмайди. Буға айлиниб кетмагандир, ахир! Станцияни ташлаб кетишмагандир!

«Паритет»ни текшириш сеанси «Конвенция» авиабардориде тўппа-тўғри радио-телевизион алоқа ёрдамида иккала Олий Бош раҳбар — бош паритет-планетологларнинг бевосита иштирокида ўтаётган эди. Қўшмарбошдаги кўпгина экранлардан фазогир-назоратчиларнинг ўзаро гаплашиб, орбитал станциядаги ҳамма блок ва хоналардан сувда юрган балиқдек сузиб ўтаётганлари яхши кўриниб турарди. Улар станцияни қадам-бақадам текширишар, кузатишлари тўғрисида доимо «Конвенция»га ахборот бериб туришар эди. Уларнинг суҳбати магнит плёнкасига ёзиб олинди.

«ПАРИТЕТ». Сизлар ҳам кўряписизларми? Станцияда ҳеч ким йўқ. Ҳеч ким кўринмаяпти.

«КОНВЕНЦИЯ». Станцияда бирор нарсанинг синдирилгани ёки бўлмаса, бузилгани сезилмайдими?

«ПАРИТЕТ». Йўқ. Ҳамма нарса ўз ўрнида, саранжом-сарашта.

«КОНВЕНЦИЯ». Ҳеч қаерда қон изи кўзга ташланмадими?

«ПАРИТЕТ». Йўқ, мутлақо.

«КОНВЕНЦИЯ». Паритет-фазогирларнинг шахсий буюмлари қаерда ва қай аҳволда ётибди?

«ПАРИТЕТ». Чамаси, ҳамма нарса ўз жойида.

«КОНВЕНЦИЯ». Барибир айтинг.

«ПАРИТЕТ». Улар бу ерда яқингинада бўлганга ўхшайди. Китоблар, соатлар, пластинкага айтадиган радио ва бошқа улбуллар ҳам ўз жойида.

«КОНВЕНЦИЯ». Хўп. Девордами ё қоғоздами бирон-бир ёзув йўқми?

«ПАРИТЕТ». Ёзув-позув кўзимизга ташланмади. Ия, шошманг-чи! Очик турган вахта журналида қандайдир ёзув борга ўхшайди. Журнал вазнсизлик натижасида муаллақ сузиб юрмаслиги учун қисқич билан қистирилиб, эшикдан шундай



кираверишга, саҳифалар очиқ ҳолда, рўпара қилиб қўйибди...

«КОНВЕНЦИЯ». Уқинлар-чи, нималар ёзилган экан!

«ПАРИТЕТ». Ҳозир уриниб кўрамиз. Ёнма-ён икки устунда инглиз ва рус тилларида ёзув бор...

«КОНВЕНЦИЯ». Нимага қараб турибсизлар, тезроқ ўқисаларинг-чи!

«ПАРИТЕТ». Сарлавҳасини «Ерликларга мактуб» деб аташибди, қавс ичида «Тушунтириш хати», деган ёзув.

«КОНВЕНЦИЯ». Тўхтанг. Уқимай туринг. Алоқа сеанс тўхтатилади. Бизни кутинглар. Бир оздан сўнг сизларни қайтадан алоқа боғлашга чақирамиз. Тайёр туринглар.

«ПАРИТЕТ». О кей!

Шу ерда орбитал станция билан Қўшмарбош ўртасидаги суҳбат узиб қўйилди. «Демииург» программасининг Олий Бош ҳамраҳбарлари ўзаро кенгашиб олганларидан сўнг иккита паритет-оператордан ташқари бошқа барча ходимларнинг космик алоқа блокини тарк этишини илтимос қилди. Шундан кейингина иккиёқлама космик алоқа сеанси қайта тикланди. Паритет-фазогирларнинг «Трамплин» орбитасида қолдириб кетган мактубларининг мазмуни қуйидагича эди:

«Ҳурматли касбдошлар! Биз «Паритет» орбитал станциясини фавқулдда ҳолатда тарк этаётган эканмиз, ҳали қачон қайтиб келамиз, эҳтимол яна номаълум муддатга узоқ юришимизга тўғри келар, буларнинг ҳаммаси ишимизнинг оқибатидан келиб чиқувчи бир қанча омилларга боғлиқлиги туфайли қилмишимизнинг сабабларини тушунтириб беришни ўзимизнинг муҳим бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Бу қилмишимиз, шубҳасиз, фавқулддагина бўлиб қолмай, интизомни бузиш деб ҳам баҳоланишини энди яхши тушуниб турибмиз. Бироқ, шунга қарамай, фазодаги орбитал станцияда биз йўлиққан фавқулдда воқеа бутун инсоният маданияти тарихида қиёс қилиб бўлмайдиган ҳодиса эканини назарга олиб, аҳволимизга тушунасизлар деган умиддамиз...

Бундан бир қанча вақт илгари фазонинг ҳар бурчидан, шунингдек, айниқса ернинг ўз ионосферасидан тинимсиз

шовқин ва тўсиқлардан ўтиб келаётган сон-саноксиз радиопулслар қаторида қисқа частотали чизиқ билан ажралиб турувчи, бир мақсадга йўналтирилган радиосигнални сезиб қолдик. Бу радиосигнал, мунтазам равишда ҳар куни бир вақтнинг ўзида ва бир хил оралиқда давом этиб турар эди. Даставвал биз бу радиосигналга унчалик эътибор бермадик. Лекин бу улар Коинотнинг аниқ бир нуқтасидан мунтазам равишда ҳадеб бир мўлжалга, сезишимизча, бизнинг орбитал станциямизни қатъий мўлжалга олиб юборилаётганга ўхшади. Эндиликда биз буни аниқ биламиз: сунъий йўналтирилган бу радиотўлқинлар бизнинг учинчи вахтага чиқишимиздан анча илгари ҳам келиб турган. Чунки «Паритет» олис космосдаги «Трамплин» орбитасига чиққанига бир ярим йилдан ошди-ку. Коинотдан келиб турган бу радиосигналларга нима сабабдан биринчи бўлиб биз эътибор берганимизни тушунтириб беролмаймиз, бу ҳар ҳолда мутлақо тасодифий бўлса керак. Қандай бўлмасин, бу ҳодисанинг юз бериши табиатини кузатиб, қайд этиб ўргана бошладик ва аста-секин бу оддий табиат ҳодисаси бўлмай, балки сунъий манбадан тарқалаётган тўлқинлар эканига тобора ишончимиз орта бошлади.

Аммо биз бу фикрга бирданига келаётганимиз йўқ. Орада қанчадан-қанча шубҳаларга бордик. Тахминимизча, Коинотнинг кўз илғамас чексиз узоқликларидан келаётган эҳтимол биргина сунъий радиосигналга асосланиб, ғайри-заминий тараққиёт мавжуд, деган фикрни айта олишимиз мушкул эди. Фаннинг аввалги ҳамма уринишлари, ҳатто энг кичик вазифани ҳал этиш — ақалли қўшни сайёраларда энг ибтидоий ҳаёт асарини топишга қаратилган изланишлари ҳам зое кетган бўлар эди-да. Ердан ташқари бирон жойда ақл-идрок мавжудлигини излаш аввал эҳтимолдан узоқ деб қаралган бўлса, кейинроқ ғирт пуч, хаёлий, утопик машғулот ҳеб ҳисоблана бошлади. Чунки, космик оламни тадқиқ этиш соҳасидаги ҳар бир янги қадам натижасида ақлли мавжудотларни топишнинг ҳатто назарий жиҳатдан ҳам имкониятлари тобора камаё бошлади. Бу имкониятлар амалда пучга чиқди деса бўлади. Шунинг учун биз бу соҳадаги фаразларимизни



эълон қилишга журъат этмадик. Биз Ернинг бутун Коинотда тириклик мавжуд бўлган ноёб, беқиёс, яккаю ягона биологик мўъжизот экани ҳақидаги умумбашарий фикрга шак келтиришга ҳам журъат этмадик. Бу соҳадаги шубҳаларимизни ўртоқлашишга биз ўзимизни бурчлимиз деб айта олмадик. Чунки орбитал станциядаги ишларимиз программасига бу хилдаги кузатувлар кирмас эди. Булардан ташқари, очигини айтганда, бир кун парвоз вақтида дарё бўйидаги ўтлоқда ёйилиб ўтлаб юрган сигирлар кўз олдига келган ва шундан бошлаб масҳараомуз «сигир-фазоғир» деган лақаб олган биродаримизга ўхшаб қолишни ҳам истамас эдик.

Ердан ташқари яна Коинотнинг қайсидир қисмида онгли ҳаёт мавжудлигидан гувоҳлик берувчи тағин бир охирги далилни кўрган бўлсак ҳам, бироқ биз энди кечиккан эдик. Ҳаёт мавжуд бўлган янги оламнинг туғилиши ҳақидаги тасаввурларимиз тубдан ўзгариб, остин-устун бўлиб кетди, ногаҳон оламини бутунлай бошқача тушунчалар асосида идрок эта бошладик. Ақлий энергиянинг яна бир қудратли ўчоғи, яна бир ҳаёт масканининг кашф этилиши бизни шундай йўл тутишга мажбур этди. Ерни асрашнинг янги тағини тушунчаси бизни шунга даъват этдики, маълум вақтгача замин аҳолисини ўз кашфиётимиздан воқиф этишдан тийилиб туриш лозим, деган хулосага келдик.

Энди ишнинг моҳиятига ўтайлик. Бу қандай содир бўлди. Бир кун биз шунчаки синаб кўриш учун Коинотнинг ўша нуқтасига — доимо ва мунтазам равишда сирли радио тўлқинлар келиб турган ўша нуқтага ўша частота спектрида жавоб радиосигнал юборишга қарор қилдик. Мўъжиза юз берди! Сигналимиз ўша заҳотиёқ қабул этилди! Уни дарҳол қабул этишдию тушунишди! Бизнинг қабул қилувчи полосамизда уларнинг яна бир ёрдамчи сигнали пайдо бўлди, орадан сал ўтиб унинг ёнида яна бошқа радиосигналлар эшитила бошлади, бу табрик сигналлари эди. Галактикамиздан ташқарида, оламнинг чексиз олис қисмида онгли мавжудотлар яшаётгани ва улар ўзларига ўхшаш тирик жонлар билан алоқа қилиб туришдек юксак лаёқатга эга эканликлари ҳақидаги қувончли хабарни куйлаган синхрон радиосигналлар бир неча соат давомида тантанали равишда эшитилиб турди. Бу воқеа бизнинг коинотдаги ҳаёт соҳасидаги тасаввуримизни тубдан ўзгартириб юборди, замон ва макон, масофаларнинг тузилишига доир билимларимизни остин-устун қилди... Наҳот дунёда биз ўзимиз ёлғиз эмасмиз, чексиз оламнинг ақл бовар қилмайдиган кенгликлариде биз танҳо эмасмиз, Ердаги инсон тажрибаси Коинотдаги руҳ кашфиётида ягона эмас!

Ғайри заминий тараққиётни кашф этганимизнинг чинлигини текшириб кўриш учун азалдан мавжуд бўлиб ҳозир ҳам ҳаёт давом этиб келаётган Ер шаримиз массасининг формуласини радиосигнал орқали юбордик. Уз навабатида, жавоб тариқасида, шунга ўхшаш улар планетасининг масса формуласини қабул қилдик. Бундан шундай хулосага келдикки, онгли мавжудотлар яшайдиган мазкур сайёранинг ҳажми бизникидан анча катта бўлиб, тегишли тортиш кучига эга экан.

Биз шу тариқа физика қонунларига кўра илк бор ўзаро фикр алмаша бошладик ва илк бор ғайри-заминдаги онгли мавжудотлар билан алоқага киришдик.

Биз билан бўлган ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш ва мувофиқлаштиришда ўзга сайёраликлар ҳам фаоллик кўрсатишди. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли алоқаларимиз тобора янги мазмун касб эта бошлади. Кўп ўтмай уларда нур тезлигида ўча оладиган аппаратлар бор эканлиги маълум бўлди. Бу маълумотларнинг барчасини аввало биз ўзаро математик ва химиявий формулалар алмашшиш орқали билиб олдик. Кейинчалик эса улар гапира олишга ҳам қодир эканликларини англатишди. Аён бўлдики, биз — ерликлар Ернинг тортиш кучини бартараф этиб коинотга чиқиб, у ерда барқарор яшай бошлаганимиздан бери улар Галактикадан келувчи барча товушни аниқ эшиттирувчи аудоастрономия аппаратлари ёрдамида бизнинг тилимизни ўрганишаётган экан. Улар коинот билан Ер ўртасидаги радиоалоқа сигналларини мунтазам равишда тутиб олиб, қиёслаш ва таҳлил этиш туфайли бизнинг сўз ҳамда ибораларимиз маъносини билиб олишибди. Улар биз билан инглиз, рус тилларида сўхбатлашишга уринганларида бунга ишонч ҳосил қилдик. Бу яна бир ақл бовар қилмайдиган, кишини лол қолдирадиган кашфиёт эди...

Энг асосий гапларга ўтамиз. Биз ғайри-замин тараққиётга эга бўлган ана шу сайёрани бориб кўришга журъат этдик. Уларнинг сайёрасини сигнал-ишораларига асосланиб, тахминан Тўқайтўш

деб атадик. Бизни тўқайтўшликларнинг ўзлари таклиф этишди, бу фикр улардан чиқди. Сўнг биз пухта ўйлаб кўргач, боришга қарор қилдик. Уларнинг нур тезлигида учадиган аппаратлари бизнинг орбитал станциямизга йигирма олти-йигирма етти соатларда етиб келиши мумкинлигини тушунтиришди. Хоҳлаган пайтиимизда яна орбитал станциямизга худди шу муддат оралиғида олиб келиб қўйишга ваъда беришди. Орбитал станция билан уларнинг аппаратини қандай туташтиришимиз мумкинлигини сўраганимизда, бунинг унчалик қийин масала эмаслигини айтишди, яъни, тўқайтўшликларнинг учувчи кемаси ҳар қандай шаклдаги ва ҳар қандай конструкциядаги нарсага геометрик йўл билан туташа олиш имкониятига эга экан. Чамаси қандайдир электромагнит орқали туташтириш хусусиятига боғлиқ нарса бўлса керак бу. Уларнинг учар аппарати станциямизнинг очиқ космосга чиқадагидан эшиги олдига келиб ёндошса, биз станциямиздан тўқайтўшликларнинг кемасига ўттишимиз мумкин бўлади, деган фикрга келдик. Тўқайтўшга қилган саёҳатимиз дорилонмон тугаса, яна худди шу усул билан ортга қайтамиз деб мўлжалламоқдамиз...

Шундай қилиб, биз «Паритет» станцияси бортида ўз мактубимизни қолдирапмиз. Эҳтимол, ёзганларимиз изоҳномадир, очиқ хатдир, муурожаатномадир — қандай деб қабул қилсаларингиз, ихтиёр ўзларингизда. Гап бунда эмас, албатта. Биз қандай ишга журъат қилганимизни, бунинг қанчалар масъулиятли эканини жуда яхши тушунамиз. Инсониятга хизмат қилишдек бундай ноёб имконият бизга насиб этганини, бундан ҳам каттароқ бахт йўқлигини англаб турибмиз...

Бироқ, шундай бўлса-да, бурч туйғуси, ўзаро боғлиқлик туйғуси, мажбурият туйғуси, ниҳоят, интизом деган масала виждонимизни роса қийнади. Ниҳоят, ҳар биримиз азалий анъаналар, қонунлар, ижтимоий ахлоқ қоидалари асосида тарбияланганмиз. Биз «Паритет»ни тарк этар эканмиз, на Қўшмарбош раҳбарларини, на ерликлардан бирон кишини хабардор қилиб қўймадик, мақсад ва вазифаларимизни ҳеч ким билан, ҳеч қандай йўл билан келишиб олмадик. Бунинг сабаби — Ердаги ижтимоий ҳаёт қоидаларини менсимганимиздан эмас, албатта. Бу нарса бизни кўп ўй-хаёлларга толдириди. Тасаввур қилиб кўринг-а: ҳатто хоккей ўйинидаги кўлга киритилган ортиқча гол ҳам ҳар кимнинг ўз давлати системасининг сиёсий ғалабаси ва устунлиги деб қабул қилинган сингари ўз ечимимизни ошқора эълон қиладиган бўлсак, унда халқлар орасидаги ўша кучлар ҳаракатга келиб, турли кайфиятлар, зиддиятлар, эҳтимоллар аланга олишини, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетиши мумкинлигини назарда тутиб, хабар қилмасдан жўнаб кетишга мажбур бўлганимизни сизлар тушунасизлар, деб ўйлаймиз. Ҳайҳот, қайси бирини айтайлик, биз Еримиздаги ҳаётни, туриш-турмушни ўта даражада яхши биламиз! Ғайри-заминий тараққиёт билан алоқа боғланадиган бўлса, ерликлар орасида жаҳон уруши бошланишига яна бир баҳона топилмасмикин? Бундай бўлмайди, деб ким қафиллик бера олади?

Ерда сиёсий курашдан четда туриш қийин ёки бу деярли мумкин эмас. Лекин, биз узоқ муддат — кўп кунлар ва ҳафталар давомида олис космосда юрганимизда — бу ёқдан ер шари автомобиль филдирагидек аранг кўринар экан — ердаги алғов-далғовларни ўйлаб изтироб чекдик, изза бўлдик ҳатто. Сабаби — ҳозирги энергетик инқироз жамиятни шундай бир танг ҳолатга солганки, бу айрим мамлакатларнинг атом бомбасини дастак қилишга интилишига олиб келиши мумкин, бу эса, нари борганда, йирик техникавий муаммадир, холос. Башарти бу мамлакатлар ўзаро бир-бирлари билан келишганлари тақдирда, яъни, яхшиши, бунинг ўрнига...

Шусиз ҳам турли хавф-хатарлар ичида қолган ерликларни яна ташвишга солмаслик учун, ўз зиммамизга мислсиз оғир масъулият юкладик — фазодаги онгли мавжудотлар билан бутун инсоният номидан сўзлашишга, эътиқодимиз ва виждонимиз амрига қараб иш тутишга журъат этдик. Биз ўз ихтиёримиз билан зиммамизга олган бу вазифани муносиб равишда уддалаймиз деган умиддамиз ва бунга ишончимиз комил.

Охирги айтар сўзимиз шуки, бизнинг мулоҳазаларимиз, шубҳаларимиз, иккиланишларимизнинг асосий сабабларидан яна бири — «Демидур» прграмманинг, инсониятнинг еру осмон тарихидаги энг буюк ташаббуслардан бирининг бажарилишига заррача зиён-заҳмат етказмаслик ташвиши эди. Бу программа машаққатлар чекиб келган мамлакатларимиз

ўртасида узоқ йиллар мобайнида давом этиб келган ўзаро ишончсизлик вазиятида ҳамда ўзаро ҳамкорлик соҳасидаги яқинлашиш ва узоқлашишларимиз натижасида юзага келган эди. Лекин, барибир ақл-идрок тантана қилди, бинобарин, ўз куч-қобилиятимизга яраша умумий ишимизга сидқидилдан хизмат қилдик. Лекин воқеаларни бир-бирига нисбат бериб ҳамда тилга олинган хавф-хатарларга кўра «Демюург» про-граммасини хавф остида қолдиришни истамаган ҳолда Тўқайтўш планетасига ташриф буюрганимиз натижаларидан инсониятни хабардор этиш мақсадида «Паритет»ни вақтинча тарк этмоқдамиз. Мабодо мангуга ғойиб бўлиб кетсак ёки раҳбарларимиз бизнинг «Паритет»да вахтани давом эттириши-мизни лозим кўришмаса, ўрнимизга бошқа одамларни қўйишлари мумкин. Биздан яхшироқ ишлайдиган йигитлар ҳаммавақт топилади.

Биз номаълум йўл сари кетдик. Билимга ташналик, ўзга оламлардаги ўзимизга ўхшаш ақлли мавжудотларни кашф этиш, истаги, ақл-заковатларимизни янги сайёра ақл-заковати билан қўшиш истаги бизни мана шу йўл сари даъват этмоқда. Бироқ ғайри-заминий тараққиётнинг тажрибаси ерликларга яхшилик келтирадими, ёмонлик келтирадими — буниси ҳали ҳеч кимга маълум эмас. Биз кўрган-билганларимизга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қиламиз. Мабодо бизнинг бу кашфиёти-миз Ер курраси учун қандайдир таҳдид солишини ва вайронгарчилик келтиришини сезиб қолсак, шу заҳотиёқ Ерга заррача фалокат етказмаслик чорасини кўришга қасамёд қиламиз.

Яна бир қарра сўнгги сўзимизни айтмоқчимиз. Биз Ерни иллюминаторларимиздан кўриб турибмиз. У гўё зулмат денгиси ичра нур сочиб турган гавҳардай кўринмоқда. Ер беқиёс даражада ажойиб-ғаройиб феруза ранг билан ғоятда гўзал, олисдан қараганда, норасида боланинг бошидай нозик ва заиф кўринади. Биз бу ёқдан қараб турарканмиз, оламда яшаватган ҳамма одам бизнинг ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиздек туйилиб, гўё уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмагандайми. Аслида эса, маълумки, Ер юзидаги одамлар бир-бирлари билан ўйлаганчалик аҳил яшай олма-ётганларига ичимиз ачийди.

Биз Ер курраси билан хайрлашяпмиз. Бир неча соатдан кейин «Трамплин» орбитасини тарк этамиз, шундан сўнг Ер кўзи-миздан ғойиб бўлиб кўринмай қолади. Узга сайёраликлар — тўқайтўшликлар йўлга чиққан. Улар орбитамизга яқинлаш-моқда. Кўп ўтмай етиб келишади. Жуда оз вақт қолди. Кутяпмиз.

Яна бир гап. Биз ўз оилаларимизга ҳам хат ёзиб қолди-ряпмиз. Бу ишга алоқадор кишиларнинг ҳаммасидан ўтиниб сўраймизки, хатларимиз эгаларига етиб борса...

Дарвоқе. Бизнинг ўрнимизга келиб «Паритет»да ишлайди-ганлар учун изоҳнома. Биз ўзга сайёраликлар билан алоқа боғлаб, фикр алмашиб туришда фойдаланадиган канални ва радиотўлқинлар частотасини навбатчилик журналига ёзиб кўрсатиб кетдик. Зарур бўлиб қолган вақтда сизлар билан шу канал орқали алоқа ўрнатиб, ахборотларимизни етказиб тураемиз. Тўқайтўшликлар билан олиб борилган радиобоғла-нишлар шуни кўрсатдики, алоқанинг энг қулай ва ягона усули — орбитал станциянинг бортидаги алоқа системаси бўлиб қиқди, чунки Коинотдан бевосита Ерга юборилган радиосигналлар Ер атрофини қуршаб олган ионлаштирилган кучли атмосфера қатламидан иборат тўсиққа учраб, уни тешиб ўта олмайди.

Шу билан тамом. Хайр. Хўш. Биз кетдик. Мақтубимизнинг айнан бир хилдаги тексти икки тилда — инглиз ва рус тилларида битилди.

1—2 Паритет-фазогир.

2—1 Паритет-фазогир.

«Паритет» орбитал станциясининг борти.

Учинчи навбатчилик вақти 94-кун».

Аниқ белгиланган вақтда, Узоқ Шарқ вақти билан соат ўн бирда Америка ва Совет Иттифоқи томонидан махсус ваколат олган комиссиялар тушган икки реактив самолёт бирин-кетин «Конвенция» авиабардорининг палубасига қўндирилди.

Комиссия аъзолари, протоколда кўрсатилганидек, қатъий суратда кутиб олинди. Уларга тушлик овқат учун ярим соат муддат берилгани дарҳол хабар қилинди. Овқатланиб бў-лишлари билан комиссияларнинг аъзолари «Паритет» орбитал станциясидаги фавқулодда аҳволни муҳокама қилиш учун

кают-компанияда ўтказиладиган ёпиқ кенгашга ййгилишлари керак эди.

Бироқ кенгаш иши энди бошланиши билан тўсатдан узилиб қолди. «Паритет»даги назоратчи фазогирлар «Конвенция»даги Бирмарбошга кўшни Галактикадаги Тўқайтўш сайёрасидан 1—2 ва 2—1 паритет фазогирлардан олинган илк ахборотни узатиб қолишди.

IV

Бу ўлкаларда поездлар серқатнов — машриқдан мағрибга томон ва мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Бу ўлкалардаги темир изларнинг икки тарафида пой-поёнсиз улкан Сариўзак даштлари — қовжирок саҳронинг ўзак ерлари ястанган.

Бу ўлкаларда ҳар қандай масофа темирйўлдан бошланади. Зеро, бу темирйўллар бу ўлкаларнинг ўзига хос Гринвич меридианидир...

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Найман қозоқларининг аждодлари дафн этилган қабристон Она Байитгача озмунча йўл дейсизми, Сариўзак дашти бўйлаб тўғри кесиб чиқилган тақдирда ҳам нари-бериси бўлиб ўттиз чақирим келади.

Эдигей Бўрон шу куни барвақт уйғонди. Тун бўйи деярли мижага қоқмай чиқди, фақат тонгга бориб бир оз кўзи илинди, холос. Қолган вақт ичида эса марҳумни сўнгги йўлга кузатиш ишлари билан банд бўлди. Одатда, марҳумни дафн куни уйдан чиқариш арафасида — жаноза ўқиш олдидан ювишади. Бу сафар эса, кечикиб қолмасдан эрталаб вақтлироқ йўлга чиқиш учун ҳамма ишни туни билан удаллаб қўйишга тўғри келди. Эдилбой Дароз ювиш учун илитилган сув олиб келиб берганини айтмаса, қолган ишларнинг ҳаммасини Эдигей ёлғиз ўзи бажарди. Эдилбой юраги дов бермай, ўликдан ўзини бир оз четга олиб турди. Сесканиши табиий эди, албатта. Бироқ Эдигей сўз орасида пайқамангандай деди:

— Сен, Эдилбой, яқинроқ келиб эътибор қил, кўзинг пишсин. Туғилиш бор, ўлиш бор деганларидек, ҳамманинг бошида бор бу нарса.

— Тўғри-ку-я... — деди журъатсизлик билан Эдилбой.

— Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим-да. Айтайлик, эртанги кун мен ўлгудек бўлсам, ювиб-тараб, кафанга солиб кўмадиган одам топилмас экан-да, бирор ўрага тикиб кетаверар экансизлар-да?

— Нега ундай бўлар экан, — дея хижолат тортди Эдилбой, ўлик олдида чироқ тутиб турар экан, бир оз ўзини кўниктириб олгандай бўлди. — Сизсиз бу ерлар хувиллаб қолади. Соғ-омон юринг, худо умрингизни берсин. Ура бўлса, шошмай толар.

Жасадни дафнга тайёрлагунарлича бир ярим соатча вақт кетди. Ҳар ҳолда, Эдигей ўз ишидан кўнгли тўқ эди. Марҳумни қондасига кўра ювди, қондасига кўра қўл-оёқларини тўғридаб боғлаб, бошини қиблага қаратиб ётқизиб қўйди. Оқ сурдан керагича ишлатиб кафан тикди ва қондаси билан марҳумни кафанлади. Иш орасида Эдилбойга кафан қандай тикилишини кўрсатди. Сўнг ўзини ҳам тартибга солди, соқолни тозалаб олиб мўйловини текислади. Унинг мўйлови ҳам қошлари сингари қалин ва ғайир эди. Аммо оқ оралаб, мош-гуруч тусга қириб, сийраклашиб бораётган эди. Эдигей аскарлик медалла-рию орденларини ва меҳнат зарбдори нишонларини ярқира-тиб тозалашини ҳам унутмади, уларни камзулининг ёқасига тақиб, эрта билан кийиб чиқишга тайёрлаб қўйди.

Шу тариқа тонг отди. Бу ишларнинг ҳаммасини бамайлихо-тир удаллай олганига Эдигей Бўроннинг ўзи ҳам ажабланди. Илгари бирор одам, Эдигей мана шунақа аза кунлари ишни қойиллатади деса, ҳеч ким ишонмасди. Демак, бу иш пешонасига ёзилган экан, Қазангапни дафн этиш унга насиб этибди. Тақдир дегани шу экан-да.

Қисматни қаранг. Бир вақтлар иккаласи Кумбел станциясида биринчи марта учрашиб қолишганида охири шундай бўлади, деб ҳеч бировнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Эдигей қирқ-тўртинчи йилнинг охирида контузияга учраб, фронтдан қайтиб келди. Юзаки қараганда тўрт мучаси соғ, оёқ-қўли бутун, боши ўз ўрнида. Аммо шу бош гўё ўзиники эмасдай, тинимсиз шамол эсаётгандай. Қулоғи гувиллашдан тинмайди. Бир неча қадам босса, боши айланиб кўзи тиниб, гандирақлаб кетади-гандай ҳис қилади ўзини. Гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ терга ботади.

Тили ҳам гоҳида калимага келмай бирор сўзни айтиш мушкул бўлиб қолади. Немис снарядининг портлаш тўлқини уни ақлдан озиш даражасига келтириб карахт қилиб қўйган эди. Тирик деса тирикка, ўлик деса ўликка ўхшамайди. Ушанда Эдигейнинг кўнгли бутунлай чўкиб кетган эди. Кўринишдан навқирон ва соппа-согга ўхшарди. Бироқ Оролга, уйга қайтиб келгач нимага ярайди? Худо ёрлақаб бахтига яхши дўхтир учраб қолди. Уша дўхтир дори-дармон қилиб уни даволагани ҳам йўқ, фақат у ёқ-бу ёғини қараб кўрди, сўзини тинглаб, текширди, холос. Уша кунлар ҳозиргидай эсида — оқ халат, оқ қалпоқ кийган, кўзлари чақнаган, бурни катта, норғулдан келган малла рус чоли эди. У хурсанд бўлиб кулганича Эдигейнинг елкасига ўриб қўйган эди.

— Биласанми, оғайни, — деган ўшанда у, — ҳадемай уруш тугайди. Бўлмаса сени бирпасда тузатиб, сафга қайтарардим, яна бир оз жанг қилардинг. Майли энди. Сенсиз ҳам галаба яқин қолди. Фақат сен кўнглинга олма, бирор йилда, балки ундан ҳам илгарироқ соғайиб, отдай бўлиб кетасан, шу гапни мен айтяпман сенга, кейин эслаб юрасан. Ҳозир эса, тай-ёргарлигини кўриб юртингга қайтавер. Кўнглинг тўқ бўлсин, сендақа одамлар юз йил яшайди...

Кейин билса ўша маллавош дўхтир тўғри айтган экан. Аммо бирор йил дегани айтишгагина осон, холос. Госпиталдан чиқдию эгнида ғижимланган шинель, елкасида тугун, ҳар эҳтимолга қарши қўлтиқтаёқ билан шаҳарга кирди, худди қалин ўрмон ичида юргандай эди — боши ғувиллар, оёғи қалтирар, кўзи тиниб кетар эди. Вокзалда ҳар ким ўз юмуши билан овора, сон-саноксиз одамлар, кимнинг кучи етса, поездга чиқиб кетяпти, кучи етмагани четга сурилиб қоляпти. Бир амаллаб, поездга чиқиб олди, манзилига етди. Бир ойча саргардонликдан сўнг, поезд кечаси Орол бекатига келиб тўхтади. «Беш юз еттинчи, шўх поезд» дейишарди ўша «машҳур» поездни: бундай поездда юриш ҳеч қачон ҳеч кимнинг бошига тушмасин...

Бироқ ўша кезларда шунисини етказганига ҳам минг қатла шукр қилган. Қоронғиликда поезддан тушди, худди тоғдан тушгандай гарангсиз, бир зум туриб қолди. Атрофда жон асари кўринмайди, ўлда-жўлда бекат чироқлари аранг милтирайди. Ғир-ғир шамол эсиб турибди. Эдигейни мана шу шамол кутиб олди. Қадрдон Орол шамоли! Юзга Орол нафаси урилди. Уша кунлари денгиз ёнгинасида, темирўлнинг яқингинасида чайқалиб турарди. Ҳозир эса дурбиндан қараганда ҳам сувни кўриб бўлмайди...

Чўлдан сезилар-сезилмас шувоқ ҳиди димоққа урилди. Оролнинг нариёғидаги кенгликлардан энди уйғонаётган баҳор нафаси уфурлади. Ниҳоят, қадрдон юртга етиб келди!

Эдигей бекатни, унинг яқинидаги денгиз соҳилига жойлашган шаҳарчининг қинғир-қийшиқ тор кўчаларини яхши биларди. У танишлариникига йўл олди. Бугун шу танишларидан бириникида тунаб қолиб, эртасига ўзларининг балиқчилар овули Жонкелдига етиб бормоқчи эди. Бироқ унғача хийлагина юришга тўғри келарди. Тор кўча орқали шаҳарча четигаги денгиз бўйига чиқиб қолганини сезмай қолди. Шунда у ўзини тийиб туролмай денгиз сари бурилиб, сувнинг қумли қирғоққа урилиб шалоплаётган жойига келиб тўхтади. Қоронғи тунда денгиз юзаси билинар-билинмас жимирлаб шуъла таратиб турарди, бир-бирига мингашиб кетган жимжимадор ўрқачли тўлқинлар шовуллаб келарди-да, яна шу ернинг ўзига ғойиб бўларди. Тонголди ойи юксакликдаги сур булутлар орасидан оқиш доғ сингари ғарибона боқарди.

Ниҳоят дийдор кўришни насиб этган экан.

— Омонмисан, Оролим! — дея ўзича пичирлаб қўйди Эдигей. Сўнг нариги ёқдаги тошга ўтириб олиб, тамаки тутатди. Докторлар, контузия бўлдинг, чекмаганин маъқул, дейишган бўлса-да, ҳозир ўзини тийлабди. Кейинчалик эса, бу ёмон одатни ташлади. Лекин, ўшанда ҳаяжонланиб кетди, у вақтда тамаки тутунини ўйлармиди, бу ёғига тирикчилик қилишни ўйлаб кетди. Денгизда ишлайдиган одамнинг қўли чайир, бели бақувват ва, энг муҳими, боши бутун бўлиши керак. Акс ҳолда, қалқиб турадиган баржада бошинг айланиб гангиб қолишинг ҳеч гап эмас. Фронтга қадар у балиқчилик корхонасида ишларди, энди эса ҳеч ким эмас. Инвалид бўлиб инвалид эмас, иш десанг ишга ярамайди. Ҳаммадан ҳам ёмони шунда эдики, энди бу бош билан балиқчиликда ишлаш мумкин эмас.

Эдигей энди ўрнидан туришга чоғланаётган эди, қирғоқда аллақандайдир оқ бир ит пайдо бўлиб қолди. У соҳил бўйлаб чопиб юрарди. Гоҳо тўхтаб қолиб ниманидир сезгандай

нимхуш кўмни ҳидлаб кўрарди. Эдигей итни чақириб олди. У ҳам бегонасирамай яқинига келиб думини ликиллаб тураверди. Эдигей унинг пахмоқ бўйнидан силади.

— Қаердансан сен? Қаёқдан йўртиб келясан? Отинг нима? Арслонми? Йўлбарсми? Бўрибосарми? Ҳа, энди билсам, қирғоқдан балиқ излаб юрган кўринасан. Дуруст, дуруст! Бироқ денгиз деганинг ҳаммавақт ҳам оёғинг тағига чала ўлик балиқни чиқариб ташлайвермайди. Илож қанча! Югуриш керак. Қоқсуяк бўлиб кетганинг ҳам шундан экан-да. Мен эса, оғайни, уйимга қайтаётган одамман. Кенигсберг яқинидан қайтиб келяпман. Шул шаҳарга етай деб қолганимда снаряд портлаб қолса бўладими, аранг тирик қолдим. Мана энди, бу ёғи нима бўлади, деб ўй-хаёл суриб ўтирибман. Нега менга бундай қараясан? Сенга бергудай ҳеч нарсам йўқ. Фақат ордену медаллар... Уруш дегани шу экан, оғайни, ҳаммаёқда қаҳатчилик. Бўлмаса, сендан бир нимани аярмидим?... Тўхтаб тур-чи, манови ерда новот бор, ўғилчамга олиб боряпман. Ҳозир у чоқиллаб кетган бўлиши керак...

Эдигей эринмасдан ярим бўлаб қолган халтасини очди, унда газетга ўралган бир ҳовуч новот, йўлда келаётиб хотинимга деб олган дуррача, чайқовчилардан олган бир жуфт совун бор эди. Халтада яна бир жуфт аскарлик ичкийим, камар, пилотка, запас гимнастёрка, шим бор эди — унинг бутун бисоти шу.

Ит Эдигейнинг кафтидаги новотни ялаб олиб, кисирлатиб чайнаб юборди-да, думини ликиллаганча чақнаган кўзларини ичлос ва умидворлик билан тикиб тураверди.

— Энди хайр, оғайни!

Эдигей ўрнидан туриб, қирғоқ ёқалаб юрди, бекатдаги одамларни безовта қилгиси келмади. Тонг отишига оз қолган эди. Шунинг учун ҳам у ўз овули Жонкелдига етиб олишга ошиқди.

Шу кун Эдигей денгиз ёқалаб Жонкелдисига аранг тушга яқин етиб борди. Контузия бўлмасдан илгари бу йўлни у икки соат деганда босиб ўтарди. Борishi билан мудҳиш хабарни эшитди — фарзанди-дилбанди аллақачон оламдан ўтган экан. Эдигей хизматга чақирилганда бола эндигина олти ойга тўлган эди. Насиб этмаган экан, ўн бир ойлигида нобуд бўлибди. Чақалоққа қизамиқ чиқиб, иситманинг зўрлигидан куйиб-ёниб, адоий тамом бўлибди. Унга хат ёзишни лозим кўришмабди. Қаерга ёзишди, ёзишга ҳожат ҳам бормиди? Бусиз ҳам уруш куфатлари етиб ортаётган эди. Эсон-омон қайтиб келса, ўзи билар, куйиб-ёниб, йиғлаб-сиқтаб кўникиб ҳам кетар, деб қариндош-уруғлар Уккуболани кўндиришга ҳаракат қилдилар. Ҳали ёшсизлар, уруш тугасин, худо хоҳласа ҳали қанча фарзанд кўрасизлар. Чинорнинг шохи синса ҳам ўзи синмасин. Яна бир хил мулоҳазалар ҳам бор эдики, буларни одамлар дилда ўйлаш, лекин тилга чиқаришмас эди: минг қилса ҳам уруш уруш-да, ажали етиб ўққа учраса, ёруғ дунёдан кўз юмиши осонроқ бўлади, ҳар қалай, уйда фарзандим қолди, мендан кейин чироғим ўчмайди, деган умид билан кетади...

Уккубола эса, айб ўзимда, деб ич-эттини ерди. Қайтиб келган эрини қучоқлаганча хўн-хўн йиғларди. У, ахир, мана шу кунни тақдирга тан бергандай ҳам умид, ҳам чексиз азоб-изтироб ва туганмас дард-алам билан кутди. Эри олдида дув-дув кўзёши тўкиб, билармон кампирларнинг гапига қулоқ солмай, доғда қолганини гапириб берди. Кампирлар болага қизилча чиққан, бу ёмон нарса, чақалоқни туя жунидан қазилган кўрпага иссиққина ўраб, қоқ-қоронғи уйда сақлаш лозим, айтгандай, ҳадеб муздек сув бериб туравериш керак, у ёғига худо раҳм қилиб, иситмага бардош беролса, тузалиб кетади, деб огоҳлантиришган эди. Мен — иши ўнгида келмаган бахти қаро овулдаги кампирларнинг гапига қулоқ солмабман. Қўшнилари аравасини сўраб олиб бетоб гўдакни бекатдаги дўхтир хотинга олиб бордим. Тарақа-туруқ аравада Оролга етгунча болагинамнинг жони йўлда узилди. Дўхтир хотин, кампирларнинг гапига қулоқ солишинг даркор эди, деб қаттиқ койиб берди...

Эдигей остонага қадам босиши билан эшитган хабари шу бўлди. Шу заҳотиёқ ғам-андухдан куйиб кул бўлди, тош бўлиб қотди-қолди. Ҳали қўлига олиб, тузукроқ эркалатишга ҳам улгурмаган мурғак болани, тўнғич фарзандининг дийдорига зор бўлиб, бу даража соғиниб келиши ва келиши биланоқ бундай оғир жудоликка учрашини илгари ўйлаб ўйида, ухлаб тушида кўрмаган эди. Эдигей ҳали тиши чиқмаган, кўзларини мўлтиратиб ишонч билан боқиб, кулимсираб турадиган маъсум гўдагини эслаб жону жаҳони ўртаниб кетди.

Шу кундан бошлаб ўз овули кўзига совуқ кўрина бошлади.

Бир вақтлар қирғоқдаги созтупроқли тепаликда элликтача хонадон яшар эди. Хонадон эгалари Оролдаги балиқчилик артелида ишлашиб, шу билан тирикчилик қилишарди. Энди эса жарлик ёқасида ўн чоғли пахса уй қолган, холос. Эрак зоти қолмаган, ҳаммасини уруш олиб кетган. Қолган қарию ёшлар ҳам бармоқ билан санарли. Кўпи очликдан жон сақлаб қолиш учун чорва билан шуғулланувчи атрофдаги колхоз овулларига жўнаб кетишган. Балиқчилик артели тугаб, денгизга чиқадиган одам ҳам қолмади.

Уккубола дашт уруғларидан бўлиб, у ҳам туғишганлари ёнига кетиб қолиши мумкин эди. Қариндошлари келиб ёлғиз қолдиришни истамай олиб кетишмоқчи бўлишди. Қаҳатчилик йиллари бизнинг ёнимизда бўлгин, Эдигей фронтдан қайтиб келгандан сўнг ҳеч ким сени ушлаб турмайди, Жонкелди овулига яна тезда қайтиб келасан, дейишди. Бироқ Уккубола кўнмади: «Эримни кутаман. Уғилгинамдан айрилдим. Отаси омон қайтса, ҳеч бўлмаганда хотинига дуч келсин. Бу ерда ёлғиз эмасман, ёшу қарилар бор, уларга кўмаклашиб тураман, кўп қатори бир амаллаб кун ўтказармиз», деди.

Уккубола тўғри қилган экан. Лекин Эдигей биринчи кунлариёқ энди, бундан бу ёнига денгиз бўйида бекорхўжа бўлиб тирикчилик ўтказиб бўлмайди, деди. Унинг гапи ҳам тўғри эди. Эдигейни кўргани келган Уккуболанинг қариндошлари яна, бирга олиб кетайлик, деб кисташди. Даштда кўй-кўзига қарайиб юрсан, кейинчалик соғайиб кетганингдан сўнг мол боқарсан... дейишди. Эдигей миннатдорчилик билдирди-ю, аммо рози бўлмади. Уларга оғирлиги тушишини истамади. Хотинининг қариндошлариникига бир-икки кун меҳмон бўлиш бошқа гап. Аммо кўлингдан тузукроқ иш келмаса, кимга ҳам керак бўлардинг.

Шунда Уккубола иккаласи иш излаб темирийўл бўйига боришга қарор қилишди. Эдигейга қоровулми, кузатувчимми ёки бўлмаса шлагбаумни очиб-ёпиб турувчимми — ишқилиб, бирор енгилроқ иш топилиб қолар, деб ўйлашди. Уруш ногиронининг ҳам кўнглига қараш керак-ку.

Шундай қилиб, баҳорда овулдан кўчиб кетишди. Ҳали иккаласи ҳам ёш-яланг, сўқча бошларидан бўлак оёқларига тушов бўладиган нарса ҳам йўқ. Дастлабки пайтлари дуч келган бекатга кўниб-тунаб юришди. Бироқ ҳадеганда кўнглидагидек иш топа олмадилар. Уй-жой масаласи ундан ҳам қийин бўлди. Темирийўлда дуч келган ишларни бажариб, бедананинг уйи йўқ, қайга борса — битбилдиқ, деганларидек тўғри келган жойда истиқомат қилишди. Уккубола шунда жонига ора кирди. Унинг тани-жони соғ, ўзи ҳам ҳали навкирон бўлиб, ҳар қанақа ишларни тортиниб ўтирмай бажариб кетаверарди. Сиртдан соғлом кишилардай кўринган Эдигей юк ортиси ва юк тушириш ишларига тутинса-да, асосий ишни Уккубола бажарарди.

Шу йўсинда улар баҳорнинг ўрталарига бориб бир неча йўлларни туташтирувчи катта бекат — Қумбелга келиб қолишди. Кўмир тушираётганларнинг устидан чиқишди. Кўмир ортилган вагонлар запас йўл билан тўғридан-тўғри депо хўжалиги орқасидаги ҳовлига киритиларди. Бу ерда вагонларни тезроқ бўшашиш учун, кўмирни аввал ерга туширишарди, кейин эса ғалтак аравачаларда уй сингари баланд уюмларга олиб чиқиб тўкиларди. Шу зайдда бир йиллик кўмир запаси ғамланарди. Ҳаддан ташқари оғир, чанг-тўзонли, ифлос иш эди бу. Бироқ ҳар қанча оғир бўлса-да, тирикчилик қилиш керак. Эдигей катта курак билан аравачага кўмир ташлаб турар, Уккубола эса уни тахта йўл орқали тепаликка олиб чиқиб ағдарарди-да, яна пастга қайтиб тушар эди. Эдигей яна қайтадан аравачани тўлатарди, Уккубола аравага қўшилган қирчанги отдай, аёл киши кўтариши лозим бўлмаган оғир юкни силласи қуриб яна тепаликка олиб чиқар ва тўкасолиб яна орқага қайтиб тушар эди. Бунинг устига, кун қиздиргандан-қиздиради, бурқсиган кўмир тўзони Эдигейнинг кўзини тинитиб, кўнглини айнитиб юборарди. Кун сайин ҳолдан тойиб бораётганини ўзи сезиб турарди. Шундоққина кўмир уюмига чўзилсаю қайта турмасдан чўзилиб ётаверса. Ҳаммасидан ҳам, уни деб аёлининг қоп-қора чанг-тўзон ичиди нафаси қисилиб ишлаётганини кўриб ич-ичидан ачинар ва ўзини кўйрга жой тополмас эди. Хотинининг уст-бошига қараб бўлмасди, қоп-қора қурумга бурканган, фақат икки кўзию тишларигина йилтираб кўринарди, холос. Узи эса қурум аралаш тердан шалаббо бўлиб кетган эди. Бурунгидай куч-қуввати бўлганда, Уккуболани шу аҳволга солиб кўйармиди?! Аёл кишининг қўйналганини кўрганда бир ўзиёқ ўнлаб вагонларни бу қуриб кетгур кўмирга тўлдириб, уйиб ташлаган бўларди-ку.

Улар ҳувиллаб ётган балиқчилар овули Жонкелдини ташлаб, ярадор аскарга лойиқ бирор енгилроқ иш топилар деган умид билан йўлга чиққанларида, унга ўхшаган ярадор аскарлар ҳамма жойда тўлиб-тошиб ётганини ҳисобга олишмаган экан. Урушдан қайтганларнинг ҳаммаси ҳам қайтадан янгича ҳаётга мослашаётган кезлар эди. Яхшиям Эдигей оёқ-кўли омон қайтган. Кўлсиз, оёқсиз, қўлтиқтаёқда, ясама оёқларда темир йўл бўйлаб сандирақлаб юрган ногирон кишилар сон-саноксиз эди. Одамлар билан тўлиб-тошиб, сасиб-бижиб кетган бекат биносининг бурчагига жойлашиб олишиб мудрашганча тонг отишини кутиб ўтиришган узун тунлари Уккубола ич-ичидан худога тавба-тазарру қилиб, ўзинг кечир, одамзот бошига қиргин келтирган даҳшатли урушдан эримни бутунлай майиб-мажруҳ қилмай, эсон-омон қайтарганинг учун ўзингга минг қатла шукр, деб розилик билдириб ётарди. Негаки, у бекатлардаги мудҳиш манзарани кўриб юрак-бағри қақшаб кетарди. Кийилавериб тўзиб кетган шинель ва турли-туман йиртиқ-ямоқ кийимдаги майиб-мажруҳ, кўлсиз, оёқсиз кишилар, бировларининг остида қўшғилдиракли аравача, бировлари қўлтиқтаёқда, баъзилари икки кўзидан ажралиб, қўлидан етаклаб олишган, бошқалари эса уйсиз-жойсиз, тинчлигини йўқотиб, поезддан-поездга, станциядан-станцияга ўтиб, ошхонаю буфетларнинг эшигини кўполлик билан очиб кириб, маст-аласт, бақириб-чақириб, ўкириб йиғлашар эди... Буларнинг ҳар бирини олдинда нималар кутади, қайтариш мумкин бўлмаган нарсаларнинг ўрнини нима билан қопламоқ керак! Уккубола шундай бало-қазолар эрини четлаб ўтиб, контузия бўлса ҳам тўрт мучаси соғ-омон қайтиб келганига шукрона қилиб, бутун азоб-уқубатларга бардос бериб меҳнат қилишга тайёр эди. Шунинг учун ҳам у ҳолдан тойиб, мажболи қуриб, тоқати тоқ бўлган кунларда ҳам бўш келмасдан, нолимасдан, сир бой бермасдан ишлашда давом этди.

Аммо буни кўрган Эдигей ич-ичидан зил кетаётган эди. Турмушни ўнглаб олиш учун қандайдир қатъий бир қарорга келиш керак. Умр бўйи дарбадарликда юриб бўлмайди-ку, ахир. Тавakkал қилиб шаҳарга кетворсамкин; балки у ёқда омадимиз келиб қолар, деган фикр тез-тез хаёлидан ўта бошлади. Ишқилиб, соғайиб кетса, лаънати контузия балосидан қутулоса бўлгани. Унда ўзини ўнглаб олиб яна кураша олиши, ор-номуси ва инсонийлик кадр-қимматини ҳимоя қила олиши мумкин... Шаҳарда ҳам тақдир уларни ҳар куйга солиши ёки, эҳтимол вақти келиб кўнлик, кўп қатори шаҳарлик бўлиб кетишлари ҳам мумкин, ким билади. Бироқ насиб қилмаган экан, тақдир дегани шу экан-да...

Улар Қумбел бекатида вагонлардан кўмир тушириб, жон олиб жон бериб юрган кунларнинг бирида депо ҳовлисида туя минган қандайдир бир қозоқ пайдо бўлди, чамаси даштдан иш билан келган кўрнанади. Сиртдан қарганда ҳар ҳолда шунга ўхшайди. Келган киши туясини яқинроқдаги ерга тушовлаб қўйди-да, бўш қопини қўлтигига қисиб олганича ташвишли киёфада у ёқ-бу ёққа аланглаганча одимлаб кетди.

— Ҳой ука, — деб мурожаат қилди у Эдигейга ёнидан ўтаётиб, — умрингдан барака топ, шу туяга кўз солиб турсанг, болалар шўхлик қилиб тегишмасин тагин. Бола эмасми, бетежаклик қилиб жинига тегади. Тушовини секин ечиб юборишдан ҳам тойишмайди тентаклар. Мен тезда қайтиб келаман.

— Боравер, боравер, қараб тураман, — деди Эдигей катта кураги билан аравачага кўмир ортаётиб, қорайиб, жиққа ҳўл бўлиб кетган латта билан терини артар экан.

Юзидан реза-реза тер қўйиларди. Эдигей бу одам тайинламаса ҳам аравачага кўмир юклаб, кун бўйи шу ерда иш билан андармон бўлиб юрарди, бекатнинг бебош болалари туяга тегинмасин, деб иш орасида қараб туриш унга малол келармиди. У бирда болаларнинг ўйнашиб туянинг ғашига текканларини бояқиш туя ҳам жаҳли чиқиб бўкириб, оғзидан кўпик сачратиб, уларнинг орқасидан қувлаб берганини кўрган эди. Болалар эса худди шуни кутиб тургандай завқланишиб, ибтидий оғчилар сингари даҳшатли ҳайқаришиб, жониворни ҳар томондан ўраб олишганча тош ва таёқлар билан урар эдилар. Эгаси келгунча бечора туя бўлганича бўларди...

Ҳозир ҳам, аксига олгандай аллақайёқдан бир тўда жулдурвоқи болалар копток тепиб, футбол ўйнаб, келиб қолишди. Улар бор кучлари билан коптокни тушовланган туяга қараб тепишарди.

Туя улardan қочар, улар эса копток билан туянинг биқинига гупиллатиб уришар, ким кучлироқ ва чаққонроқ уришга баҳс

боғлашар эди. Ким туянинг биқинига тегизса, гол ургандай қувониб, қийқиради...

— Ҳой зумрашлар, қани йўқолинлар бу ердан, туяга тегишманлар! — Эдигей белкураги билан уларга пўпса қилиб қўйди. — Бўлмаса, ҳозир таъзирларингни бериб қўяман!

Болалар ўзларини четга олишди, эҳтимол туянинг эгасидир ёки бўлмаса кўмир юкловчининг бад башарасидан чўчигани учундир, яна бунинг устига ичиб олган бўлса-чи, кунимизни кўрсатиб қўямасин, деб коптоқларини телганча нариги ёққа югуриб кетишди. Болалар Эдигейнинг белкурагини кўтариб шунчаки хўжа кўрсинга ўдағайлаганини ҳисобга олмаганда, аслида унинг мадорсизлигидан ва болаларни қувишга ҳам ҳоли келмаслигидан беҳабар эдилар, билганларидами, туя бечорани истаганча қийнаб жонидан тўйдиришлари мумкин эди. Аравачага ортилаётган кўмирнинг ҳар бир кураги зил-замби туюлиб, катта куч сарфлашни талаб этарди. Камқуватлилик, хасталик, бирор ишга яроқсизлик одамни бунчалик хор қилишини, бунчалик кучсиз ва ношуд қилиб қўйишини илгари ҳеч қачон хаёлига келтирмаган эди. Боши айлиниб, ҳадеб тер қуйиларди. Эдигейнинг ҳар лаҳзада мадори қуриб, кўзлари тиниб борарди, кўмирнинг чанг-тўзонидан юраги қисилиб, аранг нафас олар, бир зум дам олиб томоқ кирмоқчи бўлса, ўпкасио бурнига тўлган кўмир қуруми қоп-қора тупук бўлиб тушар эди. Уккубола онда-сонда, эрини четроққа чиқиб бир оз дам олволсин, деб унинг қўлидан курагини олиб аравачани ўзи тўлдирар ва уни уюм тепасига олиб чиқиб бўшатиб тушар эди. Аммо Эдигей хотинининг ўлар-тирларига қарамай жонини жабборга бериб ишлаётганини кўриб, тоқат қилиб ўтира олмасди ва яна ўрнидан туриб гандираклаганча ишга тутинарди...

Туясини қолдириб кетган бояги одам орадан кўп ўтмай, қопини кўтариб қайтиб келди. Юқини жойлаштиргандан сўнг йўлга тушиш олдиан, икки оғиз гаплашиб олиш учун Эдигейнинг ёнига келди. Иккалеси ҳам дарҳол сўзга киришиб кетишди. Бўронли бекатида Казангап дегани шу киши эди...

Улар бир юртдан бўлиб чиқиди. Казангап ҳам ота-боболари Орол бўйи қозоқлардан эканини сўзлаб берди. Шунинг учун ҳам улар бир-бирлари билан тезда тил топишди.

Бу учрашув Эдигей билан Уккуболанинг бутун келгуси тақдирини ҳал қилишини ҳали ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди. Казангап уларни Бўронли бекатига бориб ишлаш ва ўша ерда яшашни маслаҳат қилган эди, холос. Биринчи кўриб танишишдаёқ баъзиларнинг самимий одам эканлиги англашиб туради. Сиртдан қараганда, Казангапнинг бошқалардан фарқланадиган ортиқ бир жойи йўқ, аксинча, у оддий киши эди, бу оддийлик замирида эса оғир ҳаёт тажрибаси — донолик мужассамлашган. Кўринишдан, у кийлавериб ранги ўчиб, ўзига мослашиб кетган энгилбошдаги оддий бир қозоқ эди. Доимо туяда юрганидан тери шим кийиб олган. У қай маҳал нимани кийишни ҳам яхши билади — сафарга чиққанда кийиладиган, ҳали унчалик оҳори тўкилмаган темирийўлчилар фуражқаси унинг катта бошига жуда ярашиб туради. Оёғида эса қайта-қайта ямоқ солиниб, эътибор билан қайта-қайта кўклар тикилган хиром этиги. Унинг ҳақиқий дашт одами эканини жазирама иссиқ ва доимий шамолдан қорайиб, қотиб кетган юзларию сертомир, чандир қўлларидан сезиб олиш мумкин. Оғир меҳнатдан барвақтроқ букчайиб қолган елкалари маҳобатли осилиб туради, шунинг учундир, ўзи ўрта бўйли бўлса-да, бўйни ғознинг бўйни сингари чўзилиб кетгандай туюларди. Ҳаммасидан ҳам унинг кўзлари ўзгача: кулимсираб турувчи бу қоп-қора кўзлар одамнинг дилидагини сезиб тургандай эътибор билан боқади.

Казангап ўша кезлари қирқ ёшлар атрофига бориб қолган эди. Тозалаб қайчиланган қора мурти, бурул тортиб қолган чўққи соқоли унинг ёшини анча улуғ қилиб кўрсатарди. Қолаверса, у ўта мулоҳазали одам эди. Уккубола унинг сўзларини тинглаб дарҳол маъқул кўриб қолди. Дарҳақиқат, оқилона фикр юритган эди у. Модомики контузия деган бало билан жароҳатланган экансан, яна бунинг устига ортиқча жабр чекишнинг нима ҳожати бор. Кўриб турибман, Эдигей, бу сен бағаридаган иш эмас. Мунақа юмушларга ҳали ярамайсан. Оёғининг аранг судраб босяпан-ку... Ҳозирча энгилроқ ишда ишлаб, тоза ҳавода юриб, хоҳлаганинчга қаймоғи олинмаган сут ичшинг керак. Мана, айтايлик, бизнинг бекатимизда йўл ишларига одам тополмай жонимиз ҳалак. Янги бошлиғимиз бўлса ҳар гал: ўзинг шу ерлик бўлсанг, ишлайдиган ҳамносиб

одамларни топмайсанми, деб қулоқ-миямни ейди. Қани у айтган одамлар? Ҳаммаси урушда. Урушдан қайтганларга эса истаган ердан иш топилади. Тўғри, бизда ҳам яшаш осон эмас. Турган жойимиз чатоқ, кимсасиз, сувсиз, қуп-қуруқ ҳувиллаб ётган даштликдангина иборат. Ҳафтасига бир мартагина цистернада сув келтирилади, холос. Келмай қолган пайтлари ҳам бўлади. Бундай пайтларда чўлнинг олис қисмидаги қудуқдан мешда сув ташига тўғри келади. Эрта чиқсанг, аранг кечга қайтиб келсан. Турли томонларда сарсон-саргардонликда юргандан кўра, ёмон бўлса ҳам, Сариўзакда ўз қулбанга турганиннга нима етсин, деб гапида давом этди Казангап. Бошпанга бўлади, тайинли ишинг бўлади. Нима иш қилиш зарур бўлса, ҳаммасига ўзимиз ёрдамлашамиз, рўзғорингни ҳам бутлаб оларсан. Бу, албатта, ҳаракатингга боғлиқ. Иккалаларинг ҳам ҳали ёшсизлар, дунё топишга кўрбларинг етади. Тани-жонинг соғайиб кетса, у ёғини ҳаётнинг ўзи кўрсатар, зеркиби қоладиган бўлсаларинг, кўнгил тортган томонга бораверишларинг мумкин.

Казангап мана шунақа маслаҳатни берди. Эдигей ўйлаб кўрди-да, охири рози бўлди. Шу кунёқ улар Казангап билан бирга Сариўзак қайдасан деб Бўронли бекати сари равона бўлишди. Ҳатто ўша кезларда ҳам худди йўлга ғамлаб қўйгандай иккаласининг ўзларига яраша дунёси бор эди. Ана-мана дегунча кийим-кечакларини йиғиштиришиб йўлга тушишди. Ушанда уларга бари бир эди, ўз бахтларини синиб кўрмоқчи бўлишди. Кейинчалик билишса, улар Бўронлига тақдир тақозоси билан бориб қолишган экан.

Қумбелдан то Бўронли бекати сари Сариўзак даштлигини кесиб ўтган ўша йўлни Эдигей бир умрга эслаб қолди. Аввалга улар темирийўл ёқалаб юришди. Сўнгра аста-секин паст-баландликлар бўйлаб, четлаб кетишди. Казангапнинг маслаҳатига кўра, улар ўн қақиримча йўлни қиялаб, кўндалангига кесиб чиқдилар, чунки темирийўл, бир замонлар шўрттанг кўл бўлиб, кейинчалик суви қуриб қолган ана шу катта майдонни айланб ўтаркан. Кўл қаъридан ҳанузга қадар шўр чиқиб ботқоқланиб турар экан. Ҳар йили баҳор келиши билан шўр сайқонлик қор-ёмғирнинг суви билан яна уйғониб, ботқоқлашиб, одам ўтолмайдиган бўлиб қолар, ёзда эса яна шўрхок туз қатлами билан қопланиб, тошдай қотиб қолар эди. Йил сайин шу ҳол такрорланарди. Казангап бир вақтлар бу ерда каттагина кўл бўлганини Сариўзак даштини эзлик чиққан геолог Елизаров тилидан ҳикоя қилиб берар эди. Кейинчалик Эдигей Бўрон ҳам у билан қалин дўстлашиб кетди. Ақлли киши эди у.

У кезларда Эдигей ҳали «Бўрон» деган лақаб олмаган эди. Ороллик оддий қозоқ, урушдан яраланиб қайтди, аёли билан бирга иш ва бошпана излаб юриб тасодифан темирийўл ишчиси Казангап исмли бир йўловчига дуч келди ва унинг маслаҳати билан аллақандай Бўронли бекатига келиб қолди, вассалом. Аммо бу ерда умр бўйи қолиб кетишини ҳали у билмасди.

Баҳор пайтлари қисқа мuddат яшил тусга кириб, сўнг қуёш нурда қовжираб, саргайиб қоладиган бепоён Сариўзак даштлиги Эдигейни гангитиб, ҳангу манг қилиб қўйди. Орол кўли атрофларида ҳам қанчалаб чўли биёбонлар бор, биргина Устюрт ясси тоғининг ўзини айтмайсизми! Бироқ Сариўзак даштлиги сингари чексиз кенгликни умрида биринчи бор кўриши эди. Саҳронинг улуғворлигини ўзининг руҳий ҳолати билан таққослаб тенглаштира олишга лаёқатли кишигина кимсасиз ҳувиллаб ётган Сариўзак чўлида бардош бера олиши мумкинлигини Эдигей кейин тушунди. Ҳа, Сариўзак ҳақиқатдан ҳам бепоён, аммо инсон хаёли ундан ҳам кенг. Елизаров доно одам, бошқаларнинг хаёлига келса-да, тилига кўчмаган фикрларни жуда усталик билан, соддагина қилиб тушунтириб қўяр эди.

Олдиларида, туя етаклаб шахдам қадам ташлаб бораётган Казангап бўлмаганида, ким билсин, кимсасиз даштда Эдигей билан Уккуболанинг ҳоли не кечарди. Эдигей ҳар хил юкларнинг устига ўтириб олганча туяда борарди. Аслида уни эмас, туяга Уккуболани ўтиргизиш керак эди. Бироқ Казангап, айниқса Уккубола, Эдигейни туяга чиқишга мажбур этишган эди: «Биз соғ-саломат одамлармиз, сен ҳали қувватга киришинг керак, тортишиб ўтирма, вақт кетмасин, ҳали қанча йўл босишимиз керак...», дейишди. Йўл олис, туя бўлса — ёш. Ҳали оғир юкни кўтара олмасди, шунга кўра бир киши туяда, икки киши пивда кетишига тўғри келди. Ушанда Эдигейнинг ҳозирги Қоранори бўлганда, бошқа гап эди, бериўла учаласи миниб олиб, йўрттириб юришса уч ярим-тўрт

соат деганда манзилга етиб борган бўлишарди. Уша куни эса улар Бўронлига ярим кечада етишди.

Атрофдаги нотаниш жойларни кузатиб, йўл бўйи суҳбатлашиб борганликлари сабабли вақтинг қандай ўтиб кетганини унча сезмай қолишди. Казангап йўл-йўлакай бу ердаги туриш-турмуш хусусида ва ўзининг Сарйўзак томонларга қачон, қандай қилиб келиб қолганию тёмийрўлда қандай ишлаб қолгани тўғрисида гапириб берди. Еши ҳам ҳали у айтган даражада эмасди, мундоқ қараса, урушнинг охириги йили у атиги ўттиз олтига қадам қўйибди. Унинг овули Бешоғоч Жонкелдидан қирғоқ бўйлаб юрилса, ўттиз чақиримча экан. Казангапнинг у ердан кўйиб кетганига узоқ йиллар ўтган бўлса-да, бирон марта ҳам қайтиб бормабди. Бунинг сабаби бор экан. Қулоқларни синф сифатида тугатиш вақтида унинг отасини ҳам кулоқ қилиб ҳайдашган. Аслида эса, отаси кулоқ эмас экан, текшириб кўрганларида унга ўхшаш қанчалаб ўртаҳол чорвадорларга нисбатан янглиш йўл тutilгани, тўғрироғи, хато иш қилингани маълум бўлибди. Шундан сўнг отасини озод қилишган, у сургундан қайтиб келаётиб уйига етиб бормасданоқ йўлда қаҳо қилиб қолган. Ота кулоқ қилинган ўша кезларда бутун оила — ака-ука, опа-сингиллар кўздан узоқ бўлиш учун ҳар томонга тарқаб кетишибди. Шу бўйича улар дом-дараксиз бўлиб кетишибди. Уша вақтда алоҳида фаоллик кўрсатган қизиқон кишилар йнгилишлардан бирида, эл олдида ҳали ёш йигит Казангапни, отам ёт унсур сифатида тўғри жазоланди, бундай отадан воз кечаман, отам сингари бундай синфий душманларга ер юзида ўрин бўлмаслиги керак, қаерда бўлмасин улар ўлимга маҳкум этилмоғи даркор, қабилида сўзлайсан деб мажбур этишибди.

Бундай шармандалиқдан қутулиш учун Казангап узоқ ўлкаларга бош олиб кетибди. Олти йил Самарқанд экинидидаги Мирзачўлда Бетпоқдалада ишлабди. Асрлар бўйи инсон қўли етмаган қўриқ ерларни ўзлаштириб, пахта далагарига айлантириш ўша йиллари бошланган эди. Одамлар етишмайди. Чўлқуварлар баракларда яшаб, ариқ-зовур қазишарди. Казангап дастлаб зовур қазида, сўнг трактор ҳайдади, бригадирлик қилди, зарбдор меҳнати учун фахрий ёрлик олди. Уша ерда уйланди. Иш ҳақи дуруст деб ўша йиллари Мирзачўлга турли томонлардан одамлар оқиб келишарди. Бетпоқдалада ишлаш учун Хива яқинидан Бўкей деган қорақалпоқ қиз ҳам акасининг оиласига қўшилиб келибди. Пешонага ёзилгани бўлади, деганларидек улар шу ерда топишиб оила қуришди. Сўнг Казангапнинг эли-юртига — Орда бўйига қайтишга қарор қилишди. Бироқ кейинчалик ўйлаб қараса, янглишган экан. Поезддан-поездга ўтиб, узоқ йўл юриб «Максим»¹да етиб боришди, охири Кўмбелга бориб яна бир поездга чикмоқчи бўлиб турганларида, тасодифан ороллик ҳамқишлоқларини учратиб қолди. Улардан суриштириб билса, ҳозирча Бешоғочга қайтиб боришга ҳожат йўқ экан. Чунки у ерда ҳам дўппи ўрнига бош оледиган ҳалиги одамлар ўзбошимчалик қилишаётганмиш. Шундай бўлгач, овулимга бориб нима ҳам қилдим, деб ўйлади Казангап. Нимадандир қўрққанидан эмас, йўқ, у энди қўрқмайди. Керак бўлиб қолса, қўлида хизматини далилловчи Ўзбекистоннинг фахрий ёрлиги бор. Эл олдида шармандаю шармисор қилиб калтаклаган кимсаларни яна қайта кўришни истамади, холос. Ҳозирча уларнинг айтгани-айтган, дегани-деган. Уша воқеадан кейин гўё ҳеч нарса содир бўлмагандай улар билан бамайлихотир учрашиб, салом-алик қилиб юра олармиди у!

Казангап ўша воқеани эслашни хуш кўрмас, нима учун ўзидан бошқа ҳамма у кўргиликларни аллақачон унутиб юборганини ҳам тушунолмас эди. Сарйўзакка келиб ўтроқлашиб қолганларидан сўнг, орадан узоқ йиллар ўтиб, бу воқеани яна икки марта эслашга мажбур бўлди. Биринчисида, ўғли уни қаттиқ ранжитган бўлса, иккинчисида, Эдигей қалтис ҳазил қилиб қўйган эди.

Собитжон келган кунлардан бирида чой устида гурунглашиб қолишди, шаҳар янгиликларидан тинглашди. Собитжон гап орасида коллективлаштириш йиллари Синцзянга кетиб қолган қозоқлар билан қирғизлар энди яна қайтиб келишаётганини қилиб гапириб берди. Хитой уни коммуналарга киритиб, кўргилигини кўрсатаётган эмиш, одамларга уйда овқатланиш таъқиқланиб, фақат умумий қозондан кунига уч маҳал овқат беришаркан. Каттаю кичик қўлида косаси билан навбат

кутишиб туришаркан. Хитойлар уларни шунақа ҳам таъзирини беришибдики, улар оёғи куйган товукдай уй-жойини ташлаб қочиб қолишбди. Келиб оёғимизга бош уришяпти, нима бўлса ҳам қайтишга рухсат берсаларинг, деб ялиниб-ёлборишяпти шўрликлар.

— Бунинг нимаси яхши? — деб қош-қовоғини уюб олди Казангап. Ҳазабдан лаблари дир-дир титтарди. Унинг камдан-кам пайтларда жаҳли чиқарди. Уғлига ҳам камдан-кам пайтлардагина қаттиқ гапирарди. Деярли уни койимасди деса ҳам бўлади. У ўғлини ортиқ даражада суюрди, ўқитиб саводини чиқариш учун ундан ҳеч нарсаи аямасди, катта одам бўлади деб умид қилиб юрарди. — Нега сен уларнинг устидан кулясан? — деб давом этди у миясига қон қуйилганидан тобора жиддийлашган ҳолда. — Бу — одамларнинг бошига тушган мусибат-ку, ахир.

— Нима дейин бўлмаса? Бу ёғи қизиқ бўлди-ку! — дея эътироз билдирди Собитжон. — Қандай бўлган бўлса, шуни гапиряпман.

Отаси лом-мим демади, олдидаги чой қуйилган пиёлани суриб қўйди. Унинг сукут сақлаб ўтиришидан уй ичига оғир жимлик чўкди.

— Умуман, кимдан хафа бўламиз? — Собитжон ажабланиб елкасини қисди. — Тушунолмаяпман. Қайтариб айтаман: кимдан хафа бўламиз? Замонданми? Замон зайли тутқич бермайди. Ҳукуматданми? Ҳаққимиз йўқ.

— Биласанми, Собитжон, мен ўз ишимга ўзим жавоб берман. Бошқаларнинг ишига аралашмайман. Лекин, бунга, ўғлим, ўзингнинг ақлинг етади, деб ўйлаганимди, барибир шуни унутмагинки, ёлғиз худодан ранжисга ҳаққимиз йўқ, ажалини юборса, кунимиз битгани шу — одам туғилгандан кейин ўлади-да, қолган барча ҳолда ким бўлишдан қатъи назар, ҳамма жавоб бериши керак! — Казангап шартта ўрнидан турди-да, ҳеч қаёққа қарамай, жаҳл билан ташқарига чиқиб кетди...

Бошқа бир сафар, Кўмбел воқеасидан узоқ йиллар ўтиб, Бўронлига келиб жойлашгач, болали-чақали бўлиб, уларни ундириб-ўстириб, кўникма ҳосил қилиб кетгач, баҳор кунларидан бирида, кечга яқин, қўй-қўзиларни қўрага ҳайдаб олиб киришаётганда Эдигей уларнинг туёғи кўпайиб қолганини кўриб ўртоғига ҳазил қилиб қўйди:

— Иккаламиз ҳам бойиб кетдик, Казаке, бизни энди бошқатдан кулоқ қилишсаям бўлади!

Казангап унга ялт этиб тикилиб қаради, ҳатто мўйлови ҳам тиккайиб кетди:

— Уйлаб гапир, тилинганд тутилиб ўтирмагин тагин!

— Нима, ҳазилни ҳам тушунмайсанми?

— Ҳазилнинг таги зил бўлиб чиқмасин.

— Қўйсанг-чи, Казаке. Утган ишлар ўтди-кетди...

— Ҳамма гап шунда-да. Бойлигини олиб қўйишса, ўлмайсан — бир амаллаб кун кўриб кетаверсан. Аммо кўнгил шишаси синса — уни ҳеч нарса билан бутлаб бўлмайди...

Бироқ Кўмбелдан Сарйўзак чўли орқали Бўронлига йўл олганларида ҳали бу гапларга анор бор эди: улар Бўронли бекатига келиб бу ерда туриб қолишадими, йўқми ёки яна дарбадарликда олам кезишадими — ҳали бу ёғи номаълум эди. Йўлда улар шунчаки, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб боришди. Эдигей гап орасида Казангапдан: тани-соғлигинг кўтармадими ёки бошқа бирор сабаби борми, деб унинг фронтга бормай қолганини қизиқиб сўраб қолди:

— Йўқ, худогоа шукр, соғ-саломатман, — деб жавоб қилди Казангап. — Ҳеч қанақа касалим йўқ. Урушга борганимдаям бошқалардан қолишмай жанг қилардим. Гап бошқа ёқда...

Бетпоқдаладан келаётган Казангап Бешоғоч овулига боришдан воз кечгандан сўнг яна Мирзачўлга қайтиб борса қалай бўларкин, йўл олис, бориб нима ҳам қилишади, ундан кўра турган жойимиздан жилмаганимиз маъқул эди, деб қаерга боришларини билмай Кўмбел станциясида туриб қолишди. Ё Оролга боришсамикин? Шунда уларга станция бошлиғининг кўзи тушди, раҳмдил киши экан, уларни самимий кутиб олиб, қаёқдан келиб қаёққа кетаётганини ва нима иш билан машғул бўлмоқчи эканини суриштириб, Казангап билан Бўкей иккаласини юк вагонига миндириб Бўронли бекатига жўнатди. У ерда одам етишмай турибди, аини сизларга ўхшаган одамлар керак, деди-да, разведз бошлиғига икки энли хат ёзиб берди. У янглишмаган экан. Мирзачўл одамлар билан тўлиб-тошган, иш ҳам қизигандан-қизиган эди. Уни кимсасиз, сувсиз Сарйўзак дашти билан таққослашнинг ўзиёқ киши кўнглини беҳуд қилиб

¹ Одам ташийдиган эшелонлар ўша вақтда «максим» деб аталар эди.

юборади. Бироқ шунга қарамай, чўл ҳар қанча даҳшатли бўлса ҳам, улар аста-секин кўникиб, мослашиб кетишди. Яхшими, ёмонми, ҳарқалай, ўз ҳолича яшай бошлашди. Иккаласи гарчи ҳисобда «темирийл ишчиси» саналинса ҳам, тўғри келган ишни бажарар эдилар. Шу тариқа иккала ёш — Казанга билан унинг хотини Бўкей Сарйўзақ даштидаги ҳувиллаган Бўронли бекатида рўзгор қуриб, тирикчилик қила бошладилар. Тўғри, улар ўша йиллари бир-икки марта етарли пул жамғариб, станцияга ёки шаҳарга яқинроқ бирор жойга кўчиб кетишга ҳам чоғланиб юришди. Лекин, бу орада уруш бошланиб қолди. Шу-шу Бўронлида тиним бўлмади: солдат тўла эшелонлар мағрибга, эвакуация қилинганлар билан тўла эшелонлар машриққа, озиқ-овқат ортлган эшелонлар мағрибга, ярадорлар тушган эшелонлар машриққа қараб тўхтовсиз қатнай бошлади. Ҳаётнинг издан чиққани ҳатто мана шу Бўронлидек ҳувиллаган кичик бир тупка бекатдаги аҳволдан ҳам сезилиб турарди...

Орқама-кетин қаторлашиб кетган паровозлар семафор очилишини талаб қилиб тинмай бўкирар, қаршида навбат кутиб турганлари ҳам улардан қолишмас эди... Оғир юкларни кўтаролмай шпаллар майишиб, эгилиб-букилиб кетар, тўлиб-тошган вагонларнинг оғирлигидан темир излар ҳам барвақт ишдан чиқиб қолар эди. Темирийлнинг бир жойини тузатиб улгуришмасдан, иккинчи бир жойи ремонтталаб бўлиб қоларди...

Эшелон кетидан эшелон узилмай, одам тўла вагонлар фронт сари ҳафталаб, ойлаб, кейинчалик эса йиллаб тинимсиз равишда ўтаверди. Сон-саноксиз бунча одам қаердан пайдо бўлганини кўриб ақлинг учад. Шуларнинг ҳаммаси мағрибга томон — икки олам бир-бири билан олишиб ётган мағрибга томон ҳаёт-мамонт жанги сари йўл олишган экан...

Бирмунча муддатдан сўнг Казангапнинг ҳам гали келди. Урушга қақришди. Чақирув қоғозини Қумбелдан бериб юборишибди, тўпланиш жойи ўша ер экан. Бекат бошлиғи бундан хабар топиб оғир изтиробга тушди: кичик бир бекатда сон-саноксиз поездлар ўтиб-қайтиб турган бўлса, бу икки тоқа йўл резина эмас-ку, шунчага бардош берса, яна бунинг устига қўлидан иш келадиган ёлғиз ишчини ҳам фронтга олиб кетиб қолишса, ҳолимиз хароб бўлар экан-да, деб бошини ушлаганча зорлана бошлади. Аммо шундай пайтда унинг додини ким ҳам эшитарди, дейсиз... Семафор олдида поездлар тинмай бўкиришади... Зудлик билан яна бир запас йўл қўриш керак, десанг, устингдан кулишади. Ёв дегани Москва остонасига келиб қолган бўлса, бу гаплар кимнинг ҳам қўлоғига кирарди, дейсиз...

Урушнинг эрта келган туман аралаш, изғиринли биринчи киши эшик қоқмоқда эди, кунлар қисқариб, ана-мана дегунча кеч кириб, совуқ тушадиган кезлар. Казанга армияга жўнашдан бир кун аввал тунда қор ёғиб чиқди. Аввалига майдалаб ёққан бўлса, кейинчалик росмана гупиллатиб уриб берди. Сарйўзакнинг буюк сукунати узра, чексиз ястаниб кетган кенгликларини қир-адирлари узра беғубор, мусатффо самовий оқлик чойшаби тўшалди. Шунгача қор учқунларини майин елпиб, энгил чарх уриб ўйнаётган Сарйўзақ шамолки бирдан кўзғалиб қолди. Бу ҳали шамолларнинг шунчаки бошланиши — хамир учидан патири эди. Шамолларнинг асили туриб қолса борми, кучли қор бўронини кўтариб, увиллаганча гирдобланиб бутун борлиқни ўз ҳукмига олади. Унда одамнинг чакка томири сингари сарғайиб-бўзариб ётган буюк Сарйўзақ саҳросининг у чеккасидан бу чеккасига кесиб ўтган қилтомир — темирийлнинг ҳоли не кечади? Чакка томир уриб тургани янглиғ, поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдарпай қатнаб турган бўлса...

Ўша кеча тонг маҳалида Казанга фронтга жўнади. Ҳеч қандай кузатувчиларсиз ёлғиз ўзи жўнади. Уйдан чиққанларида бола кўтариб олган Бўкей қордан бошим айланиб кетди, деб тўхтаб қолди. Казанга йўрғакланган болани унинг қўлидан олди. Бу вақтга келиб, Ойзода туғилган эди. Эҳтимол, иккаласининг ўша тонг қор бетида қолдирган оёқ излари сўнги излар бўлиб чиқар. Тақдирни кўринтки, Казангапни аёли билан боласи кузатиб қўйиш ўринга, аксинча, Казангап уларни йўл стрелкаларини буриб-бошқариб турадиган иш жойи — темирийл будкачасига олиб борди-да, ўзи Қумбелга бораётган юк поездига ўтирмақчи бўлди. Энди Бўкей эри ўрнида йўл бошқарувчи бўлиб қолаётган эди. Эр-хотин шу ерда хайр-хўшлашишди. Кеча кечасиёқ улар бир-бирига айтадиган

гапларини айтиб, йиғи-сиғи қилиб бўлишган эди. Йўлга шай паровоз буғ таратиб, оғир нафас олди, машинист уни шошилтирди. Казангап энди чиқиб олган ҳам эди, паровоз узун чиққариб, жойидан кўзгалди ва аста-секин суръатини ошира бошлади. Гилдираклар йўлнинг туташган жойларига келиб урилиб тарақа-туруқ овоз чиқаради. Паровоз стрелкаларнинг йўналиши орқали йўл очиб турган Бўкейнинг ёнгинасидан ўтиб кетди. У бошини рўмол билан танғиб, белини маҳкам боғлаб олган, оёғида эрининг этиги, бир қўлида байроқча, бир қўлида бағрига босганча боласини кўтариб турибди. Улар сўнги бор бир-бирлари билан қўл силкишиб қолишди... Кўз олдидан хотинининг сиймоси, дардли нигоҳи, қўлини кўтариб қолишию семафор чироғи бирин-кетин ўта бошлади.

Бу орада поезд гўё тушда қўрғандай сассиз-садосиз кўз олдинга ёпирилиб келиб, яна сассиз-садосиз орқада ястаниб қолиб кетаётган Сарйўзакнинг сугдай қор босган далаларидан ўтиб, қўлоқни кар қилгудек даражада гулдираб, елдек учиб борарди. Паровозга келиб урилаётган шамол ўтхонадан чиқиб киши кўнглини беҳузур қилувчи кўмир ҳидини янги ёққан дашт қорининг беғубор ҳиди билан аралаштириб юзга уради... Казангап Сарйўзақ кенгликларининг мана шу киши ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар экан, бу улкан чўлнинг қон томири, шу кундан эътиборан, унинг ўз қон томири билан узвий туташиб кетганини қалбдан чуқур ҳис эта бошлади...

Қумбелда армияга чақирилганларни фронтга жўнатишаётган эди. Ҳаммани сафга тизиб, йўқлама қилиб, вагонларга бўлишарди. Шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Казангап ўз колоннаси билан бирга энди вагонга чиқмоқчи бўлиб бораётганда, ҳарбий комиссарлик ходимларидан аллақандай киши унга етиб олди.

— Асанбоев Казангап! Ораларингизда Асанбоев борми? Бўлса, қатордан чиқсин!.. Қани, орқамдан юр-чи!

Казангап буйруқни бажарди.

— Мен — Асанбоевман!

— Ҳужжатларингни бер!.. Тўғри. Худди ўзи. Энди мен билан юр.

Шу аснода улар яна станцияга қайтиб, тўпланиш пунктига келишди. Ҳалиги ходим унга:

— Қулоқ сол, Асанбоев, сен ҳозироқ уйинга қайт. Тушундингми? — деди.

— Тушундим, — деб жавоб қилди Казангап ҳеч нарсани тушунмаган бўлса ҳам.

— Ундай бўлса, жўна, бу ерда ўралашма. Сен озодсан.

Казангап кузатувчилар ва жўнаб кетаётганларнинг ғала-ғовури ичидан нима қилишини билмай гангиб қолди. Аввало ишининг бунчалик ўзгариб кетганидан қувонган бўлса ҳам, кейинчалик бирдан ҳушига келиб юрагига ғулғула солган аллақандай шубҳадан муздек терга ботди. Э-ҳа, гап бу ёқда экан-да! Шундан сўнг у оломон орасидан ёриб ўтиб, йиғин бошлиғи эшиги олдига борди.

— Ҳой, қаёққа суқиялсан? — деб бақирди навбат кутиб ўтирган бошқа одамлар.

— Шошилич ишим бор! Эшелон кетиб қоляпти. Шошилич ишим бор! Эшелон кетиб қоляпти. Шошилич ишим бор! — дея у бошлиқ олдига кирди.

Чекилавериб дудга тўлган хонада, телефонлар ва ҳар хил қоғозлар орасида, одамлар қўршовидаги сочлари оқара бошлаган, бўғиқ овоздаги киши Казангап яқинлашиши билан бужмайган юзини столдан кўтарди.

— Сенга нима керак? Қандай иш билан келдинг?

— Мен норозиман.

— Нимадан норозисан?

— Отам оқланган! У қулоқ эмас! Ишонмасангиз, ҳамма қоғозларингизни текшириб кўринг! У ўртаҳол чорвадор бўлгани учун оқланган.

— Шошма, шошма! Сенга нима керак ўзи?

— Шу сабабдан мени армияга олмаётган бўлсаларинг, унда нотўғри қиласизлар.

— Нима деб алжираялсан. «Қулоқ-сулоқ», «ўртаҳол» — қаёқдаги унутилиб кетган гапларни айтсан, ҳозир бу билан кимнинг иши бор? Қаёқдан келиб қолдинг? Кимсан ўзинг?

— Бўронли бекатидан, Асанбоевман.

Бошлиқ рўйхатлардан унинг номини қидириб топди.

— Боядан бери шундай дейманми. «Уртаҳол», «камбағал», «қулоқ» деб жудаям бошимни оғритиб юбординг-ку! Сенга брон бор! Янглиш чақирилган экансан. Уртоқ Сталиннинг буйруғи бор-ку, темирийлчиларга тегилмасин, ўз жойларида

қолишсин, деган. Бор, бу ерда ўралашма, жойингга бориб ишингни қил, уқдингми?..

Бўронлига етай деб қолишганида кун ботди. Улар энди яна темирўйлга яқинлашишди, у ёқдан-бу ёққа ўтаётган поездларнинг тарақа-туруғи эшитилиб, вагонлар ҳам ғира-шира кўрина бошлади. Улар, олисдан қараганда, даштлик қўйнида ўйинчоққа ўхшаб кўринишларди. Ортда секин ботаётган қуёш теварак-атрофдаги сойлиқлар қир-адрларга сўнгги нурларини таратиб, айна чоқда, соя солиб борарди. Шу лаҳзада билинар-билинемас қош қорайиб, ҳали қиш рутубатидан қутулмаган ернинг баҳорий нафаси билан тўйинган изғирин ҳаво аста-секин мовий пардага бурқалиб борарди.

— Ана, Бўронли деганимиз шу бўлади, — деди Казангап қўли билан курсатиб, туяда ўтирган Эдигейга ва унинг ёнида ҳаллослаб келаётган Уқуболага ўгирилиб қаради. — Бу ёғи оз қолди. Ҳозир етиб борамиз, худо хоҳласа, мириқиб ҳордиқ чиқарасизлар.

Олдинда — темирўйлниг бир оз бурилиб ўтадиган жойида, яйдоқ далада бир неча уйча кўринди, запас йўлда эса поезд семафорнинг очилишини кутиб турарди. Атрофга қарасанг, қилт этган нарса кўринмайди, ҳаммаёқ сассиз-садосиз, ҳадсиз-ҳудудсиз чўли биёбор...

Эдигейнинг юраги орқасига тортиб кетди. Денгиз бўйида яшаб, Орол даштларига кўникиб кетган Эдигей бу манзарани кўриб хангу манг бўлиб қолди. Қачон қарама, мовий тусга кириб, мавжланиб турадиган роҳатбахш қадрдон денгиз бўйидан одамни ютиб юборгудек кимсасиз чўлга келиб қолса-я! Бу ерларда жон сақлаб бўладими?!

Уқубола эрининг тирсагидан тутганча бир оз ёнида юриб борди. Эдигей аёлининг «майли, энг муҳими, соғайиб кетсанг бўлгани, у ёғи бир гап бўлар...» демоқчи эканини тушунди.

Шу залда улар Сарйўзак даштига — кейинчалик маълум бўлишича, узоқ йиллар, яъни, бир умрга яшайдиган манзилгоҳлари бўлмиш жойга яқинлашардилар.

Кўп ўтмай қуёш ҳам ботди. Бўронлига эса улар тун кириб, Сарйўзак осмонида юлдузлар чарақлаган пайтда кириб келишди.

Бир неча кун Казангапникида туришди. Сўнг алоҳида яшай бошлашди. Уларга йўл ишчиларига қурилган баракдан бир хона ажратилди. Шундай қилиб, улар янги жойда ҳаёт кечираверишди.

Кимсасиз, ҳувиллаган Сарйўзак чўлида, айниқса, янги турмушнинг оғир ва машаққатли кунларида икки нарса Эдигейнинг жонига ора кирди: бири — тоза ҳаво, иккинчиси — туя сути. Ҳавонинг софлигини айтмайсизми, бунақаси етти иқлимда ҳам бўлмаса керак. Қимизни бўлса, Казангап тўғрилади. Иккита она туюсидан биттасини уларга инъом қилди.

— Биз хотин билан маслаҳатлашиб, шундай фикрга келдик, — деди у. — Узимизга етарли сутимиз бор. Сизлар бизнинг Оқбошимизни олинглар, у соғинга кирган, ҳали ёш, болалаганига иккинчи йил кетяпти. Узларинг боқиб, ўзларинг фойдаланинглар. Фақат, боласини оч қолдирманглар. Бу туя энди сизларники, хотиним билан шу фикрга келдик. Бу сенга, Эдигей, урчитиб, кўпайтириш учун моя. Яхши қарасанг, пода бўлади. Бу ердан кетишни хоҳлаб қолсанглар — ақча бўлади.

Оқбошнинг бўталоғи — қорабош, кичкинагина, жажжигина, ўрқаччалари қора — туғилганига бир ярим ҳафта бўлган, холос. Жониворнинг кўзлари бирам чиройли, намчил тортган бу йирик, тиниқ кўзлар болаларникидек ёқимли ва умидвор боқади. Гоҳида у онасининг ёнида шўхлик қилиб, шаталоқ отиб ўйнайди, яна бир қизиғи шундаки, у кичкина қўрачада ёлғиз қолса, худди одамга ўхшаб бўзлаб онасини чақиради. Мана шу бўталоқнинг вақти келиб бутун Сарйўзакда ном таратишини, машҳур Қоранор бўлиб етишишини ўша вақтда ким ўйлабди, дейсиз. Эдигей Бўронлиг ҳаётидаги кўпгина воқеалар шу Қоранор билан боғлиқ бўлиши кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Ўша кезлари унга кўзқулоқ бўлиб, соат сайин хабардор бўлиб туриш керак эди. Эдигей унга жуда ўрганиб қолди. Сал бўш қолди дегунча, унинг ёнида бўлади. Илгарилари Оролдалигида ҳам бунақа ишларга кўникиб кетган эди, билганлари энди бу ерда ҳам асқотди. Қишга бориб жажжи бўталоқ анча бўй тортиб қолди. Шунда совуқ тушиши билан унга иссиқчина ёпқич тикиб беришди, ёпқичнинг қорин остидан қадаб қўядиган тугмалари ҳам бор эди. Ёпқич ёпилиб, тугмалари қадаб қўйилгандан сўнг бўталоқ ғоятда кўлгили бўлиб

қоларди — фақат боши, бўйни, оёқлари ҳамда икки ўрқачигина кўзга ташланарди, холос. У бутун қишни мана шу энгилда эртаю кеч чўлда — очиқ ҳавода юриб ўтказди.

Ўша йилнинг кузида Эдигей аста-секин қуватга кириб, хийла ўнгланиб олаётганини сезди. Бош айланиш балосидан қутулганини ўзи ҳам сезмай қолди. Салгина ишга тер босиб, қулғонинг гувиллаши аста-секин барҳам топа бошлади. Қиш ўртасига келиб, темирўйлни қалин қор босиб қолган кунлари Эдигей ҳамма қатори йўл тозалашга чиқадиган ҳам бўлиб қолди. Ёш эмасми, яна бунинг устига табиатан пишиқ, тиришқоқлиги туфайли бора-бора қадимги ҳолига келди, ҳатто яқин-яқинларгача оёғини аранг судраб босиб юрганини унутиб юборди. Малласоқол дўхтирнинг айтгани ниҳоят тўғри чиқди.

Кайфи чоғ бўлиб турган пайтлари Эдигей бўталоқни бўйнидан қучоқлаб, эркалатиб бундай деб ҳазиллашарди: — Иккаламиз эмикдош, оға-инимиз. Оқбошнинг сутини эмиб сен қанақа катта бўп кетдинг, мен бўлсам контузия балосидан қутулдим чоғи. Худое худовандо бир умрга қутулганим рост бўлсин. Фарқимиз шундаки, сен онангни эмдинг, мен бўлсам, онангнинг сутини соғиб, шубат ичдим...

Орадан узоқ йиллар ўтиб, Қоранор Бўрон Сарйўзак даштида шу қадар машҳур бўлиб кетдики, ҳатто унинг суратини олиш учун қандайдир одамлар махсус келишадиган бўлишди. Бу воқеа уруш суронлари унутилиб, болалар ўсиб-униб мактабда ўқиб юрган кезларда, Бўронли бекатида ўз қудуқларини қазиб сув ташши азобидан қутулган кезларда, Эдигей тунука том қуриб, неча йиллар сарсон-саргардонликда юриб, ниҳоят азоб-қубатлардан қутулиб, ўз қадр-қимматини топиб, турмушини ўнглаб олиб, одатдагидай ҳаёт кечира бошлаган пайтларга бўлган эди. Ўшанда айтилган бир гапни Эдигей кейинчалик узоқ вақт ёдидан чиқармай юрди.

Келганлар ўзларини фотомухбирларми деб таништиришди. Бўронли тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодиса бу, ҳатто, уларнинг биринчи марта келиши деса бўларди. Ҳазилкаш, сўзамол фотомухбирлар уч киши эди, Қоранор Бўронни ва унинг эгаси, яъни, сизнинг суратингизни барча газета ва журналларда босиб чиқарамиз, биз шунинг учун келдик, деб оғизларига сиққанча ваъда беришди. Атрофдаги кишиларнинг ортиқча ҳаракатларию шовқин-суронлари Қоранорга унчалик ёқмади, у жини қўзиб, тишларини ғижирлатиб, бош чулғаб ҳеч кимни яқин келтирмасликка ҳаракат қиларди. Мухбирлар Эдигейдан, туянгизни тинчлантурсангиз, у ёққа буриб турсангиз, энди бу ёққа буриб турсангиз, деб уни ҳар лаҳза жонихолига қўйишмасди. Эдигей эса, ўз навбатида, бирга тушганимиз маъқул, деб ҳадеб бола-бақраю хотин-халажларни ва Казангапнинг ўзини ҳам чақириб жонсарак бўлаётган эди. Фотомухбирлар ҳам бунга эътироз билдиришмай ҳар хил аппаратлар орқали шиқ-шиқ эткизиб турли томондан суратга олишарди. Ҳаммадан ҳам қизиғи — Қоранорга болаларнинг барини мингизиб бўлди: икки бола бўйнига, бешта бола белига, Эдигейнинг ўзи эса ўртага ўтириб олди. Шунда паҳлавон туя ўрнидан қўзғалиб тураркан, атрофда «Ана туяю мана туя!» деган кулги ва қийқириқ янгради. Бунга иқроор бўлган суратчилар энди Қоранорнинг ўзини алоҳида суратга олиш муҳим эканини айтишди. Эдигей бўлса, марҳамат, истаганларингизча олаверинглар, деб хайрхоҳлик билдирди. Шунда фотомухбирлар Қоранор Бўронни эди у ёғидан-ҳали бу ёғидан, дам олисдан туриб хоҳлаганларича суратга ола бошлашди, сўнг Эдигей билан Казангап ёрдамида туянинг бўйни, кўкрак кенглигини, оёқларининг йўғонлигию танасининг узунлигини ўлчаб, ҳамма-ҳаммасини завқланиб ёзиб олишди.

— Ажойиб бактериан экан! Генларнинг қойилмақом иш берганини кўринг! Бактерианнинг классик намунаси! Кўкрагининг кенглигини қаранг, ажойиб экстерьер! — деб мақташарди.

Туяси ҳақидаги бундай мақтовларни эшитиш Эдигейга албатта хуш ёқарди. Аммо, у кўп сўзларни тушунмасди, жумладан «бактериан» сўзининг маъносини сўраб олишга тўғри келди. Айтишларича, илмда икки ўрқачли туяларнинг қадимий зотларини шундай аташаркан.

— Демак, бактериан дегани шу экан-да?

— Ниҳоятда тозаси. Олмос, деяверинг.

— Манави ёзиб олганларингизнинг нима кераги бор?

— Илмий маълумот сифатида жуда зарур.

Газета ва журналларда чиқарамиз, деб лоф уришганларида меҳмонлар кўпроқ бўронлиликлар олдида ўз обрў-эътиборларини оширмақчи бўлган эканлар. Орадан ярим йил ўтган,

Эдигей қалин посилка олди, унда туячилик бүйича зоотехника факультетларига мўлжаллаб чиқарилган дарслик бўлиб, муқовасида бактерианнинг классик намунаси — Қоранор Бўрон ўзини кўз-кўз қилиб, савлат тўкиб турарди. Китобга кўшиб бир даста фотосурат юборишибди, ичида ранглилари ҳам бор. Ҳатто шу фотосуратларга қараб туриб ҳам ўша кезлар ажойиб, бахтиёр замонлар эканини билиб олиш мумкин эди. Урушдан сўнгги дастлабки йилларнинг мусибатлари ортда қолган, болалар ҳали болалик ёшидан чиқмаган, катта ёшдагилар эса дуркун кучга тўлган пайт, қариллик ҳам ҳали олти қирнинг ортида эди.

Уша куни Эдигей меҳмонлар шарафига қўзи сўйиб барча бўронлиликларни қақриб катта зифат берди. Шубат дейсизми, ароқ дейсизми, бошқа ноз-неъматлар дейсизми — ҳаммаси тўкин-сочин бўлди. Ушанда бекатга ОРСнинг кўчма вагон-магазини келган эди. Кўчма магазиндан исталган нарса топиларди. Пул бўлса бўлгани: қисқичбақалар, қора ва қизил увулдириқлар, турли нав балиқлар, коньяклар, колбасаю ширинликлар ва ҳоказо ҳамма-ҳаммаси муҳайё эди. Бироқ, серобликка сероб эди-ю, одамлар уларни унчалик харид қилишмасди, ортиқча нарсанинг нима кераги бор, дейишарми-ди? Уша кўчма магазин бу ерларга аллақачонлар келмай қўйган...

Ушанда роса ажойиб ўтириш бўлган эди, ҳатто Қоранор Бўрон учун ҳам ичишган. Сухбат орасида маълум бўлишича, меҳмонлар Қоранор тўғрисидаги гапларни Елизаровдан эшитишган экан. Сариўзак чўлида Эдигей Бўрон деган дўстим яшайди, унинг Қоранор Бўрон деган туяси бор, дунёда бунақа келишган туя бўлмаса керак, деб Елизаров айтган экан! Эҳ, Елизаров, Елизаров! Олтин одам эди, Сариўзак чўлининг билимдони, олим одам эди... Елизаров Бўронлига келди дегунча, Казангап учаласи тўпланишиб тонг отгунча сухбат қуришарди...

Уша ўтиришда меҳмонларга гоҳ Казангап, гоҳ Эдигей навбатма-навбат, бирининг сўзини иккинчиси давом эттириб бу ердаги туялар зотининг машҳур аждоди — Оқмоя билан унинг Она Байит қабристонига дафн этилган номдор эгаси — Найман она ҳақидаги Сариўзак ривоятларини ҳикоя қилиб беришди. Ҳа, Қоранор Бўроннинг асли таги-зоти қаердан эканини энди билаётгандирсиз! Бўронлиликлар мана шу кўҳна воқеани газетада босиб чиқаришса керак, деб умид қилишган эди. Меҳмонлар воқеани қизиқиш билан тинглашди-ю, аммо буни маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бир афсона, деб унчалик эътибор беришмади. Елизаров бўлса бошқача фикрда эди. Оқмоя афсонаси ўтган замонларда чиндан ҳам бўлиб ўтган тарихий воқеликни тўла акс эттирган бўлиши мумкин, деган фикрда эди. У мана шунақа гапларни кунт билан тинглар, ўзи ҳам ўтмишга доир чўл ривоятларининг анча-мунчасини билар эди...

Меҳмонларни кечга яқин кузатиб қўйишди. Эдигей ўша куни жуда хурсанд, кайфи чоғ юрди. Шу сабабдан ҳам у ўйламай гапириб қўйди. Ҳар ҳолда меҳмонлар билан бирга эди. Айтилган сўз — отилган ўқ эмасми.

— Ростини айтиб қўяқол, Казаке, — деди у Казангапга, — Қоранорни бўталоқлигида менга тортиқ қилганингга роса ичинг ачиётган бўлса керак-а?

Казангап унга қараб, мийиғида кулиб қўйди. Афтидан, бу гапни у кутмаган эди. Бир оз сукут сақлаб, деди:

— Ҳаммамиз ҳам инсонмиз-ку. Билсанг агар, ота-бободан қолган бир удум бор: буюрганники бўлади. Мол эгаси худойдан, дейишган. Қоранор сенга буюрган экан. Бошқа бирон кимсанинг қўлига тушгандами, ҳоли не кечишини ким билсин, эҳтимол жарликдан қулаб ёки бўлмаса аллақандай касалликка чалиниб харом ўлиб қолармиди. Ҳарқалай, у сенга насиб этган экан. Илгари ҳам қўлимда яхши туяларим бор эди. Улар ҳам мана шу Қоранорнинг онаси Оқбошдан тарқаган. Сенга тақдим этилгани ўшалардан бири... Худо ёрлақаб, юз йил хизматингни адо этсин. Бироқ, ҳалиги гапингни иккинчи бор тилга олма...

— Ҳўп, айб менда, Казаке, узр, — деди Эдигей бемаврид айтган сўзидан хижолат чекиб.

Яна сухбатга қайтар экан, Казангап ўз мулоҳазаларини давом эттирди. Ривоятларга қараганда зотдор мода Оқмоя еттита бўталоқ туққан бўлиб, уларнинг тўрттаси урғочи, учтаси нортуялар экан. Ушандан буён барча мода туяларнинг боши оқ тусда, нортуяларники эса, аксинча, қора тусда, танасининг қолган қисмлари кўнғир тусда туғилар экан. Демак, Қора-


норнинг бу хилда туғилиши ҳам бежиз эмас. Оқбош онадан қорабош бўталоқ туғилдими, буни Оқмоянинг уруғи деявер. Оқмоядан туғилганининг аломати шу. Ундан бери икки юз йилми, уч юз йилми, беш юз йилми, балки ундан ҳам кўп вақт ўтгандир, ким билсин, бироқ Сариўзак чўлида Оқмоянинг насли давом этиб келаётир. Шу тариқа ора-сирра Қоранор Бўронга ўхшаш сиртлон туя туғилиб қолиши ҳам шу сабабли экан. Бу ҳам бўлса — Эдигейнинг омади. Қоранорнинг туғилиши унинг йигитлик бахтига тақдир этган экан...

Вақти келиб, Қоранорнинг норлиги тутиб, тўполон қила бошлади, одамни яқинига йўлатмай қўйди, бир неча кунлаб дом-дараксиз аллақайларга йўқолиб кетадиган бўлиб қолди. Шунда Эдигей уни на ахта қилиш, на кишанда сақлаш йўлини топмай Казангапдан маслаҳат сўраганида, у очигини айтди-қўйди:

— Бу ёғи ўзинга ҳавола. Тинчингни ўйласанг, ахта қил. Ном чиқараман десанг — тегма. Аммо унда бирон ҳодиса юз бергудек бўлса, бутун оғирлиқни ўз бўйинингга олишингга тўғри келади. Чидасанг, икки-уч йил бешошлик қилади-да, сўнг ўз ортиндан эргашиб юрадиган бўлади.

Шу маслаҳат билан Эдигей Қоранор Бўронга тегмади. Ахта қилишга қўли бормади. Уни бўғралигича қолдирди. Аммо кейинчалик бундан мўнг пуншаймонлар еб, бағри қонга тўлиб юрган кезлар ҳам бўлди...

Давоми келгуси сонда



Расмларни Ж. УМАРБЕКОВ чизган

— Борди-ю, пенсияга чиқмаса-чи? Аравада майда-чуйда ташиб юриш ёшларга ярашмайди ҳам.

— Касбнинг яхши-ёмони йўқ, дедингиз-ку?

— Тўғри, лекин ҳар ким кучига яраша меҳнат қилиши керак. Билаги кучга тўла йигит кутубхоначилик ёки бирон енгил иш қилса-ю, қизлар пахтага сув тараса, шу яхшими?

— Мен кутубхоначи бўлмоқчи эмасман.

— Атторлик ҳам енгил иш-да!

— Майли, сувчи бўламан, кутулдимми?!

— Сувчи бўл, деб мажбур қилганим йўқ, омади гапни айтганман.

— «Ёш мухбир» тўғарагига қатнашиб шоир бўлайми?

— Ёзишга қизиқиши бор одам уриниб кўргани яхши. Ораларингиздан биронтангизнинг ёки шахсан сенинг шу ишга лаёқатинг бордир. Тўғаранинг вазифаси ана шундай одамни топиш ва тарбиялаш. Ажаб эмас, сендан шоир чиқса...

— Унақа талантим борлигини ўзим билмай юрган эканман. Кашфиётингиз учун раҳмат. Майли, шоир бўлақолай.

Музроб ака ранжидими, билмадим, ҳар ҳолда, қолган болалардан ҳеч нима сўрамай, чиқиб кетди.

Атторликдан ҳам айнайдим. Шоир бўлсаммикан, а, сиз нима дейсиз? Шоирларга маза, ҳамма танийди...

Кечга бориб, шоир бўлиб доврўқ таратишни ўз олдимга мақсад қилиб кўйдим.

Гап билан чалғиб ўзимни таништиришни унутаёзибман. Келажақда илғор одам бўлсин, деб исмимни Илғор қўйишган. Фамилиям Ҳамдамов. Кичиктоқ кишлоғиданман. Пушкин номидаги мактабнинг еттинчи «Б» синфида ўқийман. Урта қатор, тўртинчи партанинг чап томонидаги бола — мен. Сочим қора билан сариқнинг ўртасида. Қошим, киприкларим ҳам шу тусда. Юзим сепкилдор. Қулоғим сўроқ белгисига ўшаш, чўзинчоқ. Бурним ундов белгисидек — тўғри, уч томонида нуқтадек холим бор. Кўпроқ велосипед ҳайдашни яхши кўраман. Шунинг учун енгил кийиниб юраман. Анча-мунча совуқда пальто киймайман, телпагимнинг қулоғини туширмайман.

* * *

— Музроб ака, мен шоир бўлмоқчиман!

— Шоир бўлмоқчисан?! Атторлик-чи, атторликдан воз кечдингми?

— Воз кечдим.

— Нега?

— Ўзим ҳам билмайман.

— Бўпти, эртага «Ёш мухбир» машғулотига кел. Ушанда гаплашамиз.

— Нимани?

— Нимани бўларди, бирон нима ёзиб келарсан. Ўқиймиз, фикрлашамиз. Шеър бўлиши шарт эмас. Ишқилиб бирон нима ёзиб кел!

— Хўп бўлади.

* * *

Мана, шеър ёзиш қанчалик машаққат эканини ҳозир сезиб турибман. Шоирлардек, олдимда бир чойнак чой билан конфет. Қўлимда қалам, яъни пероси қириб ёзадиган ручка. Роса ўй суратгандек, бармоқларимни тароқ қилиб сочимни тарайман.

Хонага ойм кирдилар.

— Илғор, нима қилияпсан?

— Шеър ёзаяпман.

— Нима-нима?

— Шеър ёзаяпман. Шоир бўлмоқчиман.

— Энди шоир бўлишни орзу қилдингми? Сендан одам чиқмайдими дейман-да, ўғлим.

— Нега ҳеч ким чиқмас экан ойи? Шоир бўламан, мана кўрасиз!

— Ие, ие, — дея ойм конфетга ишора қилдилар, — қаердан олдинг?

— Сандиқдан.

— Калит қаерда экан?

— Яшириб қўйган жойингизни биламан — чойнакнинг ичи.

— Нега сўроқсиз олдинг, меҳмон келса нима қиламиз? (Конфет қимматбаҳо шоколад эди.)

— Ойи, мен бу конфетни емайман. Фақат илҳом учун олдимда туради. Шоирлар шунақа қилади.

— Шоир бўлмай ўл, жувонмарг! Уканг кўрса борми, ҳаммасини паққос туширадио тиши оғриб пилла¹ бўлади.

Укамни сизга таништириб қўяй. Иسمи Шўхрат. Бешинчи синфда ўқийди. Ориқ, найнов бола. Аниқроғи, бўйи бир метру қирқ икки сантиметр. Жисмоний тарбия ўқитувчимиз ўлчаган. Мендан атиги беш-олти сантиметр паст. Сочи, кўзи, қоши қоп-қора. Доим қасам ичиб юради: «Ёлғон айтсам, тилим кесилсин».

«Бугун ўқитувчимиз мени мақтади», дейди у, масалан. «Бекор гап», дейман мен. «Ёлғон айтсам, тилим кесилсин!» дея қасам ичади дарров.

Укамни сизга алоҳида таништиришдан мақсадим — ўта куюнчақ, менга меҳрибон. Синфимизда Асрор дегани бор. Яхши ўқийди-ю, ичи қора бола. Футболда уришиб қолдик. У мени кўпроқ урди. Укам буни эшитибди.

— Ака, нима бўлди? — деб сўради уйга келиб. — Ким билан уришдинг?

— Асрор билан.

— Сени урдими?

— Йўқ.

— Укаси мақтанди-ку, акангни мени акам урди, деб?

— Бекор гап.

— Бошқа болалар ҳам айтди.

— Айтса айтаверсин.

— Сен Асрорни уриб, қасдингни оласан! Укаси қўшилса — мен бор!

Энсам қотди. Лекин сир бой бермадим.

Эртасига олишдик. Синфнинг ярми Асрор томон, ярми мен томон.

— Ҳа, ур, биқинига теп!

— Сочидан қаттиқроқ торт!

— Қўлини қайир, қўлини!

— Обрўйни тўкма, бўл энди!

Яширмайман, Асрор мендан кучли эди. Бу Шўхратга алам қилдими, бақириб-чақираётган Асрорнинг укаси Содиққа ёпиша кетди шекилли, унинг овози қулоғимга узўқ-юлўқ чалинди:

— Ҳе, онангни... Аканг билан кўшиб...

Содиқ: — Ал... алам қилдими?

Шўхрат: — Алам қилишини кўрсатиб қўяман!

Содиқ: — Тўх... тўхта, э... зий! Вой, онажон, вой, қорним!

Асрор ярим оғирлиги билан менинг устимда эди. У бирдан учиб тушди. Осмонга эмас, албатта, биқинимга тушди. Уни Шўхрат ағдарган эди. Укам Асрорнинг қорнига иккита дурустгина тушириб, менга:

— Ака, бос, қўрқма! — деди ва ўзи яна Содиққа отилди.

Асрор ўзини йўқотиб қўйди. Уни роса дўппосладим.

Шўхратни жуда бақувват бола экан-да, деб ўйлашингиз мумкин. Ҳафсалангизни пир қилишга тўғри келади. Икки дона ёнғоқ ёки шоколадми, тухумми, умуман, иссиқлик бирон нима еса, эртасиёқ тиши оғриб, лунжи олмадек шишиб чиқади.

Кўп чалғимайлик. Ойим гўё шунинг учун, укамнинг лунжи учун мени уришдилар. Аслида, у кишининг кўзлари шоколадга қора кетган бўлиши керак.

— Молларга қарадингми?

— Йўқ.

— Нега?

Ойимнинг «нега?»сига жавоб беришдан олдин яна бир гапни эслатиб қўяй. Бу ҳовлида молбоқар — мен. Ойим ферма мудиридек — буйруқ берувчи. Дадам фермага келадиган комиссиядек — икки-уч ойда молларни бир кўздан кечиради-лар.

Бугун мактабдан келибоқ, молларга қараб юрмай, тўппа-тўғри шеър ёзишга киришдим. Ойимга ҳам буни очиб айтдим:

— Молхона расво; таппи. Илҳомим учиб кетмасин деб...

— Илҳомнинг учиб кетмаслиги учун олдин молларнинг қорнини тўйғаз, тагини тозала...

Ойим оғзимдаги гапни олдилар-у, лекин ёқамга ёпиштиришга улгурмадилар. Чаққонлик билан «ёқамдаги гап»ни олиб ташладим:

¹ Пилла — тиш шамоллаб, миляда ҳосил бўладиган пуфак шиш.

— Тозалагунча илҳом учиб кетади-да.
— Илҳоминг билан жувонмарг бўлгур, тур тез, молларга қара!

Кўрдингизми, ойм шоирларга қандай муомала қиладилар! Шу ҳам гап бўлди-ю! Сигиримиз саҳрода қолган туядек тўрт-беш челақ сувни кўрдим демайди, Икки челақ сув бердим. Бўлди-да. Шунақа одатим бор: мени хафа қилган кишига ёки нарсага дахли бўлмаган кишидан ёки нарсадан ўч оламан. Шундай қилсамгина кўнглим жойига тушади.

Ярим соатлардан кейин яна ижод столига ўтирдим. Конфет жойида йўқ эди. Чанқаб келганми, ойм чойни ҳам сибириб қўйибдилар. Шу тобда у кишини жуда ёмон кўриб кетдим. Кейинги пайтларда радио-телевизорда танқид кучайган. Мен ҳам оймни танқид қилсам-чи? Ие, ажойиб фикр! Шундай каллам борлигига севишиб кетдим. Оймни танқид қиламан! Бу фикр калламга қандай тезлик билан келган бўлса, шундай тезлик билан мустақам ўрнашиб олди. Хўш, оймнинг нимасини танқид қилиш керак? Узоқ бош қотирдим. Қанақа ёмон хислатлари бор ўзи? Топдим: бўлар-бўлмасга дарс тайёрла, деб уришаверадилар. Э, йўқ, тўғри келмайди. Танқид бошқача бўлиши керак. Ун кунча олдин дадам билан уришган эдилар. Умуман, «чол-кампир», кўп уришадиган бўлишган. Дадам бригадир эмасми, ойм эса, э йўқ, бе йўқ, у кишига хўжайинлик қиладилар. Кеча нариги ўдан: «Дадаси, ёш бола эмассиз, эсингиз борида этагингизни йиғинг!» деган овозни эшитиб қолдим. Қулоқ солдим.

— Сенинг ишинг бўлмасин!
— Бир гап бўлиб қолмасин тагин, Болаларингизни ўйланг!
— Нима бўларди, бунча ваҳима қилмасанг!
— Нуқул «ваҳима қилма» дейсиз.
— Ваҳима қилма-да, нимадан кўрқасан? Бу ишни биринчи ё иккинчи йил қилаётганим йўқ. Етти йилдан бери бригадирман.

— Ҳозир замон бошқа, коса кунда эмас, кунда синади.
— Раиснинг ўзи айтгандан сўнг, мен нима қилардим? Раисга ҳам юқоридан буйруқ бўлган, билдингми?
— Манаман деганлар кўлга тушди, жон дадаси!
— Бўлди-е, бунча валдирадинг!
— Шу ишингизни бас қилинг, хўп денг!
— Сен бас қил!

«Кампир» йиғлади, «чол» сўка-сўка чиқиб кетди.
Нима дейсиз, шуни ёзсаммикан? Бўлмайди? Бўлмаслигини ўзим ҳам биламан. Дадаси билан онаси уришаркан, деб ҳамма устидан куладим.

Шоир, умуман, ижодкор бўлиш қийин экан. Бугун беш-олтита шеър ёзиб, эртагаёқ газетага юбораман, деб ўйлаган эдим. Шоирлар катта-катта китобларни қандай ёзар экан, хайронман. Уч-тўрт соатдан буён ўтириб бирон қатор гап тополмаяпман-а! Шу тобда аҳволимни кўрсангиз: Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри»сидаги Қобил бободек мунғайиб қолганман. Дарвоқе, биринчи кунданоқ тўгаракка нимадир ёзиб бориш шартми?

Эртасига дарсдан сўнг «Ёш мухбир»нинг машғулоты бўлди. Ун бештача ўқувчи тўпландик. Музроб ака олдин кириш сўз қилиб, тартиб-қоида ҳақида гапирди. Кейин ҳамма бир бошдан ёзганини ўқиб берди. Мактабдаги энг яхши футболчи — ўнинчи «Б»да ўқийдиган Толиб футбол ҳақида ёзибди. Биздан уч ҳовли нарида турадиган Ҳалима муҳаббат ҳақида ёзибди. Узи бешинчи синфда ўқийди. Ёзган шеърини бувиси эшитса, «Неварамни жин чалибди», деб бўйнига тумор осиб қўйиши турган гап. Э ўргилдим, ёш бошига муҳаббат савдоси тушган сендай шоирдан! Хуллас, ҳар ким ўзига нима ёққан бўлса, шу ҳақда қоғоз қоралаб келган.

— Болалар, — деди Музроб ака, — мана, дастлабки машғулотимизда машқ сифатида ёзилган шеър, ҳикоя ва мақола-ларни тингладик. Энди ҳаммамиз муҳокама қилайлик. Камчиликларни, ютуқларни айтиб, маслаҳатлашайлик. Ҳам оғзаки нутқ, ҳам ёзма нутқ ўсади. Қани, ким гапирди?

Жимлик.
— Гапирадиганлар йўқми?
Яна жимлик.

— Майли, биринчи кун ўзим гапирай, фақат сўзимни тўғри тушунишлар, — дея Музроб ака ўқилган «асар»ларни таҳлил қила бошлади. Гап орасида буюк шоирларнинг ҳаётидан мисоллар айтиб, фикрини исботларди. Менга Фафур Фулом ҳақидаги ҳикоя ёқди. Фафур Фулом «Вақт» шеърини ёзаётганида шоирдларидан бири — «Илҳом париси» тонггача ухламай

уни мақтаб турган экан. Умуман, Фафур Фуломни мақтаб турсангиз, ёзиб ташлайверар экан. Музроб ака яна шу шеъринг ёзилишида шоир тонггача шогирди билан бекор ўтириб, унинг чехрасида вақтнинг бекор кетаётгани ташвишини кузатган, дегандек қизиқарли фикрларни айтди.

Мен ҳам Фафур Фуломга ўхшаб шеър ёзишга қарор қилдим. Кимдир мени мақтаб турса, қойилмақом қилиб ёзиб ташласам керак...

* * *

Ўзимга «илҳом париси» қилиб Шўҳратни танладим. Лекин битта чатоқ томони бор: укам уйқуни яхши кўради. Аммо, ундан бошқа ким ҳам менга «Илҳом париси» бўларди дейсиз!

— Пича мизғиб ол, бу кеча ухламайсан, — дедим мактабдан келгач.

— Нега?
— Шеър ёзамиз. Эрталабгача ухламай мени ёзишга ундаб чиқасан. Фафур Фулом шеър ёзганида шогирди уни мақтаб турган, шундан у машҳур бўлиб кетган.

— Мен сенга шогирд эмасман-ку?
— Укаммисан ўзи?
— Ҳа.
— Аканг шоир бўлишини истайсанми?
— Истайман.
— Аканг учун эрталабгача ухламасанг нима қилади? Эҳ, менинг ҳам акам бўлганда эди, бундай ялантириб ўтирмасдим...

— Роза бўлганим билан барибир ухлаб қоламан-да.
— Шунинг учун кундузи ухлаб олишинг керак.
— Бўпти, розиман. Нима қилиш керак ўзи?
— Ёзганимни сенга ўқиб бераман. Сен мақтаб турасан. Ана кейин аканг қарағай илҳомланиб, ёзиб ташлайверади.
— Нима деб мақтайман?
— Яхши, деб мақтайсан. Умуман, у ёғи ўзингга боғлиқ, кўрамизда сўзга бойлигини.

Шўҳрат ухлаш учун уйга кириб кетди.
Бўлди, эртагаёқ одамларга айтади. Ҳамма эшитади. Тилдан-тилга ўтиб, машҳур бўлиб кетаман. Мактабни тугатиб, ўқишга киранам. «Дипломинг бўлса, ишинг «беш», дейдилар дадам. Кейин бирон жойга бошлиқ бўлсам керак. «Т» шаклидаги ялтироқ стол, қизилми, қорами, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ — иккита телефоннинг эгаси бўламан. Тўй-ҳашамларда «Шоир замон Илғорий келдилар. Қани, шоирига! Ий-й, йўқ-йўқ, сизнинг ўрнингиз тўрда! Тақсир, энди бир янги шеърлардан ўқисангиз!» деган таклифу мулозаматлар...

Кеч кирди. Овқат ейилиб, идиш-товоқ йиғиштириб олинди. Чарчаган эмасми, ҳамма эснай бошлади. Худди ана шу пайт мен Шўҳрат билан нариги уйга кириб, ижодни бошлаб юбордим.

Мана, укам қаршимда мусичадек мўлтираб ўтирибди. Хўш, нима ҳақда ёзсам экан? Сир бой бермай, шоирларга ўхшаб узоқ хаёлга чўмаман. Ўзимни кўп нарсани ўйлаётгандек қилиб кўрсатаман.

Ёздим. Учирдим. Яна ёздим. Яна ўчирдим.
Қишлоқ ширин уйқуга кетган. Атроф жимжит... Итларнинг ҳуриши, чигирткаларнинг чириллаши ҳам тинган. Фақат рўчанинг қитирлаши, Шўҳрат ва менинг пишиллаб нафас олишимиз эшитилади. Ойдин кеча. Ой митти юлдузлар ичида сузиб юрибди. Дереза тирқишидан кираётган сентябрь шамоли одамни жунжиктиради. Кўрпага ўралиб олгингиз келади. Лекин, шеър ёзмасдан туриб ухлайдиган анойи йўқ!

Яна ёздим. Яна ўчирдим.
Ярим кечада шеър тайёр бўлди. Ўқиб берай десам, «илҳом париси» ухлаб қолибди.

— Тур! Тур, деяпман!
Укам кўзини зўрға очди.
— Турсанг-чи ахир, шеър битди!
— Қанақа шеър?
— Шеърдақа шеър-да, хумпар. Ўргилдим сендай «илҳом париси»дан, эрталабгача мени мақтаб турасан, дедим-ку!
Шўҳрат ваъдасини эслади шекилли, ўқи, дегандек ўрнидан туриб ўтирди. Қироат билан ўқий бошладим:

Аччиқ эмас, нордонгина,
Хом ҳам эмас, пишиққина...

Қаҳратон қишда оёғимни сандалга тикқандек роҳат қилиб, кўзларим сузилиб кетди.

— Қани, шу икки қаторни баҳола-чи!

Қарасам, укам мудраятти. Бир қучоқ қуруқ ўтин бўлиб лов ёниб кетдим.

— Хўв, тур ўрнингдан! Ҳе, товукқа ўхшамай ўл! — деб уни қаттиқ туртдим.

— А-а, тегма!..

— Тур ўрнингдан-э!

— Уйқумни бузсанг...

— Мен нима ҳамда-ю, бу нима дейди!

— А? Нима, нима дейсан?

— Шеъримни баҳола, дейман, аҳмоқ!

Укам кўзларини катта-катта очиб бирпас қараб турди-да:

— Умуман яхши, қойил қолдим, — деди. — Сендан зўр шоир чиқади. Шунинг учун уйқум келяпти.

Кўп уришсам гангиб, асарларимни мақтаёлмайди, дея бир оз юмшадим. Уни ҳам мақтаб қўйдим:

— Э, маладес, Шухратбой! Туппа-тузук адабиётшунос экансан-ку, билмай юрган эканман-да. Келажакда сендан зўр профессор чиқади. Баракалла! Энди шеърнинг давомини яхшилаб тинглаб, мағзини чак, — дея олдингидан ҳам қироят билан ўқидим. Ўқиб бўлиб, «Қалай, зўрми?» дегандек қарасам, укам мушукдек ҳурпайиб ухлаб қолибди. «Бир сакраб» жаҳл отига миндим:

— Хўв, тур ўрнингдан! — дея ёқасидан тортиб турғиздим.

— Қўйвор, ёлгон айтсам, тилим кесилсин, қўйвор, деяпман!

— Нега ухляяпсан?

— Ухлайман-да.

— Шеърни ким мақтайди?

— Мен мақтаёлмайман.

— Мақтайсан!

Тўпололни эшитиб нариги уйдан ойим билан дадам чиқишди.

— Нима қиялпсизлар? — деб сўрадилар дадам дафтар билан ручкани кўриб.

— Музроб ака биров мақтаб турса, яхши шеър ёзасан, дедилар. Фафур Гулом шеър ёзганда...

— Бу нима? — Дадам деворга осиглиқ камарни кўрсатиб сўрадилар.

— Камар.

— Нечтасига тобинг бор?

— ...

— Ё! Сендан балоям чиқмайди!

«Чол-кампир» қайтиб кетишди.

Бошимни кўрпага ўраб олиб... йиғладим: «Барибир шоир бўламан!»

* * *

Киришим билан синфдошларим мени қуршаб олишди.

— Табриклаймиз! — деди Шавкат дўриллаб. — «Ленин учқуни»да мақоланг чиқибди.

— Яшавор! — деб қўйди Фармон.

Шунақа. Каминанинг ишлари юришиб кетди. Музроб аканинг гапига қараганда, СССРда чиқадиган ҳар бир китоб, газета-журнал Москва, Ленинград каби шаҳарларнинг кутубхоналарида сақланаркан. Демак, Илғор Ҳамдамовнинг номи ҳам тарихда қоладиган бўлди. Мабодо Москвагами, Ленинградгами йўлингиз тушса, марҳамат қилиб кутубхонага кириб каминанинг мақоласини ўқишингиз мумкин.

Бундан ўн кунча олдин мактабда «Қизиқарли математика» кечаси ўтказилди, шуни ёзиб юборган эдим, газетадагилар у ёқ-бу ёғини тузатиб чиқаришибди. Ҳеч ишонгим келмайди. Ҳазилакам гапми, мақолам чиқибди-я! Ойим пешанамдан ўпдилар. Дадам: «Тузук!» деб қўйдилар.

Қувончимга Шухрат ҳам шерик. Мендан кўпроқ у севинди.

— Ҳаммага мақтаб чиқдим, ёлгон айтсам, тилим кесилсин! — деди тиржайиб.

Эрталаб мактабга боряпман. Юрагим ҳаприқиб қинидан чиқиб кетгудек. Кўзимга ҳамма нарса бошқача кўринади. Ҳатто, Шавкатнинг бостирма тагида яғирини пашшалар талаётган эшаги ҳам бугун антиқа эди. Фармоннинг ахлат титиб юрган шумшук кучугининг юнглари майин, ўзиям зотдўр итга ўхшайди.

Ҳа, севинчим чексиз. Аста-аста, шоирларга хос ўйчанлик билан қадам ташлайман. Назаримда, ўтган-кетган менга

тикиляпти. Юзим сал қизаринқираган. Синфдошларим менга ҳавас билан қараётганидан бошим осмонда.

Шу кун дарслар яхши ўтди. Ҳеч зерикмадим. Айниқса, адабиёт дarsi тез тугагани ёмон бўлди. Қирқ беш минут зув этиб ўтди-кетди-е!

Бу — ижоднинг бошланиши. Ҳаммаси ҳали олдинда. Оддийгина хабар чиқса чиқибди-да, шунга шунчами, деб ўйлашингиз мумкин. Эҳтимол, сиз унчалик тасаввур қилолмаётгандирсиз. Ахир, ўйлаб кўринг, менинг номим, ҳа, Илғор Ҳамдамов деган имзо газетада балқиб турса-ю, севинмай бўладими?! Музроб ака:

— Мактаб ҳаётидан кичик-кичик хабарлар ёзинглар, қўлла-рингиз ўрганади; — деган эди.

Хўш, айтинг-чи, ким шундай қилди? Мен. «Ёш мухбир»дагилардан биринчи бўлиб ким газетага чиқди? Мен, яъни — Илғор Ҳамдамов. Шундай экан, севинишга ҳаққим борми? Бор. «Бола тушмагур, бир умр мақтаниб юрса керак», деб ўйлашингиз мумкин. Янглишасиз. Шу кунларда калламга ажойиб фикрлар келиб юрибди. Музроб аканинг бир гапи бор: «Биз ўзимиздан қатталарнинг ишини давом эттириб, айни пайтда, уларнинг камчилигини бартараф қилиб, янглик кашф этишимиз керак. Бу янглик даврга, замонга мос бўлсин. Утган замоннинг гапи ҳозирги замонга ҳар доим ҳам тўғри келавермайди».

Шу гапда кўп маъно борга ўхшайди. Қишлоғимизнинг номини «Кичиктоқ» деган эдим. Мен бунга қаршиман. Чунки, қишлоқдаги толларнинг ҳаммаси катта, баҳайбат. Кечқурун ана шу фикрни қоғозга туширдим. Уч-тўрт марта қайта кўчириб, чиройли сўзлар билан бойитдим.

«Боғнафзал» колхозидagi Кичиктоқ қишлоғининг номи мақсадга мувофиқ эмас. Бундан анча йиллар олдин қишлоқ ўртасидан оқиб ўтган ариқнинг икки четига тол кўчати экилган бўлиб, шундан қишлоқнинг номи Кичиктоқ бўлиб қолган. Ўз-ўзидан маълумки, йиллар ўтиши билан бу толлар улғайди. Урганган кўнгил, деганларидек, одамлар ҳамон «Кичиктоқ, Кичиктоқ» дейишади. Ҳолбуки, беш-олти йилдан кейин, яъни толлар ўрта яшарлигида «Уртатоқ» деб, ҳозир эса «Каттатоқ» деб айтилиши лозим эди. Биз ҳеч қачон тараққиётдан орқага қолмаслигимиз керак. Мен бу борада кўпчиликнинг фикрини билишни истардим...»

Назаримда, буни оддий луқма ёки шунчаки хат деса ҳам бўларди. Лекин мену сиз кутмаган гап бўлди. Район газетасига юборган эдим, у ердагилар қайта ишлаб, «шу куннинг юмори» деб эълон қилишибди. Энди хат ёки луқма эмас, латифанамо материал бўлиб қолган эди.

Дунёнинг ишларига қойил қолиш керак. Худо (агар у бор бўлса) бераман деса, қўшқўллаб берар экан. Обруйим ошиб кетди. Ҳамма табриклайди. Мени кўрган одам борки, кулади. Саксон иккига кирган Саломат холага невараси ўқиб берибди. Мактабдан қайтаётсам мени йўлда кутиб турган экан. Аранг илиниб турган ягона сап-сарик тишини кўрсатиб:

— Сан, раҳматли кар Мунирри неварасимсан? — деб сўради.

Болалар олдида уялиб кетдим.

— Бувим кар бўлмаганлар.

— Кар бўлмасаям биза «кар» дейдик. Қизлигидан қоган лақаб-да, бачам.

— Э, боринг-э! — деб йўлимда давом этдим.

— Тўхта, ҳей, бачам, тўхта охи! Санга айтайкон гапим борида!

— Нима дейсиз?


— Газита чиққан-ку, ўшандан яна бир-иккита ёз! Кеча ҳамма кампирлар бир бўлиб пақат куллик. Ешлигимизни эсладик. Бизани чолла экан-да ўша толлани, хи-хи-хи!

Керилиб қўйдим. Энди кампирдан хурсанд бўлиб кетдим. Бирга келаётган ўртоқларим менга ҳавас билан қараб қўйишди.

* * *

«Ёш мухбир»нинг навбатдаги машғулотида тўгарак раҳбаримиз Музроб ака гапирмоқда:

— Болалар, умуман, дастлабки қадамлар ёмон эмас. Масалан, Илғорнинг «Ленин учқуни»да чиққан хабари. Тузукки-на нарса. Демак, мактабимизда «Қизиқарли математика»



кечаси ўтказилганидан республикамиздаги, ҳатто қўшни республикалардаги пионерлар ҳам хабардор бўлади. Улар ҳам шундай кеча ўтказишга қизиқади. Тўғри, бу ташаббус илгаридан бор. Лекин жуда кам жойларда. Газетада чиққандан сунг яна кенг йўлга қўйилиши мумкин. Бу нарса, болалар, мактабимизнинг обрўи. Еки район газетасида чиққан юмор. Ҳамманинг лабиди кулги. Бошқалар ҳам Илғордек актив бўлиши керак. Қишлоқларимизда қанчадан-қанча ҳалол колхозчилар, сувчилар, тракторчилар бор! Нега улар ҳақида вақтли матбуотга ёзмаймиз? Нафақат мақтов, танқид ҳам керак. Емон ўқийдиган, тартибсиз болаларни аямай газетага ёзайлик. Кейинги вақтларда ўз-ўзини танқид, умуман, танқидга зўр берилляпти. Бу ва бунга ўхшаш ишларни биз қилмасак ким қилади?! Тўғри, кўпчилик шеър, ҳикоя ёзишни машқ қилмоқда. Лекин, ҳозирданоқ қойилмақом шеър ёки ҳикоя ёзиши қийин. Фақат машқ, машқ, машқ! Хабарлар, кичик-кичик мақолалар ёзиш керак. Мана, Илғор шундай йўл тутяпти. Натийжа ёмон эмас... Энди ҳар ким ёзиб келганини ўқиб беради. Диққат қилинлар, ўқилган нарса ҳақида фикр айтишимиз керак!

Ҳамма қизариб-бўзариб, ёзиб келганини ўқишга тушди. Толиб муҳаббат ҳақида шеър ёзибди. Толибнинг шеъри сабаб, Музроб ака бундай деди:

— Гапимни тўғри тушунинлар, болалар, менинчга, бизнинг ҳали муҳаббат ҳақида ёзимизми эртароқ, шекилли. Ижодкор кўрганини, ҳа, ўз кўзи билан кўрганини, бошидан кечирганини ёзса, ишонарли чиқади. Биз кимнидир севсак, изтиробга тушсак, завқлансак, ана унда муҳаббат ҳақида чинакам шеър ёзишимиз мумкин. Уқиган одамга қайфиятингиз юқади. Масалан, қиз бола портретини чизамиз. Иккита кўз, бурун, оғиз, лаб, тиш, қулоқ, соч ва ҳоказо. Ҳаммада ҳам бор бу аъзолар. Ҳўш, қизнинг кўзи қанақа? Қорами? Қора бўлса шундай тасвирлайликки, қоралигидан ҳам ўзимиз, ҳам ўқувчи завқлансин. Еки лабни олайлик. Лабми? Лаб ҳаммада ҳам бор. Йўқ, биз унга шоирона кўз билан қарайлик. Нозик ўхшатиш топайлик. Мана, ижодкорнинг ижодкорлиги нимада! Демак, Толибжон ука, биз кимнидир севсак, қалбимизда ишқ ўти ёнса, севги ҳақида ёниб-ёниб шеър ёза олишимиз мумкин экан. — Музроб ака кулиб қўшиб қўйди: — Тезроқ биронта қизини севинг!

Енгил кулги кўтарилди.

Анчадан буён, директоримизнинг гапи билан айтганда, «далаларда жавлон уриб, пахтакорларга виждонан ёрдам бераймиз». Йигирма кун олдин пахта терими муносабати билан бизга ўқишдан жавоб берилди. Уғил болаларнинг кўпчилиги пахта термайди. Мен ҳам молларга ўт йиғишим керак. «Пахта тер!» деб туришса-ю, мендек шоир одам мол боқиб юрса, яхшими?

— Ойи, мен ҳам пахтага чиқаман.
— Молларга ким қарайди, ўғлим?
— Шуҳрат.
— Уканг бир ўзи урдасидан чиқолмайди.
— Мен пахта тераман, деяпман!
— Жувонмарг бўлгур, уканг бир ўзи урдасидан чиқолмайди, деяпман!

— Мен пахта те-ра-ман!
— Молларга ким қарайди, де-яп-ман?
— Шуҳрат, дедим-ку, ойи.
— Мен билмайман. Дадангдан сўра.
Кечқурун дадамга айтдим.
— Йўқ.
— Бизга пахта териш учун жавоб берилган. Шунинг учун, виждонан айтганда...

— Виждонни қўй, молларга қара!
Дод дегим келиб кетди.
Дадам жуда баджаҳл одам. Мени ёки укамни эркатланганларни эслаёлмайман. Болалар у кишини ёмон кўради. Очиқ айтишмаса ҳам мен сезаман. Йирик гавдали, гурс-гурс қадам ташлаб юрадилар. Камгап, жуда кесиб гапирадилар. Бақирмайдилар. У киши билан сўзлашганда, иложи борича, кўзларига қарамасдан гапириш керак. Сочлари сийрак. Бурунлари остида кичкинагина мўйловча. Қошлари қалин, бир-бирига туташиб кетган. Юзлари офтобда қорайган. Доим битта

хивич билан этикларига чирт-чирт уриб юрадилар. Мен кўпроқ шу хивичдан кўрқаман.

— Дада, синфдошларимдан ажралиб қолайми?
— Пахта терасанми?
— Ҳа.
— Ҳар куни номингга олтмиш-етмиш кило пахта ўтади, сен молларга қарайвер!
— Қандай ўтади?
— Табелчига айтаман, ёзади.
— Менга бунақа пахта керак эмас, ўзим тераман.
— Узинг терасанми?
— Ҳа.
— Неччи кунга тобинг бор?
— Терим тугагунча.
— Майли, эртадан пахтага рухсат. Лекин пушаймон бўласан.

Рост экан. Пушаймон едим. Эртадан кечгача букилиб олиб пахта тергандан кейин бел оғиркан. Бел оғиргандан кейин пушаймон ейсиз-да. Ўт юлиш яхши эди. Бир эшакарава ўт йиғасизу кейин уйда шеърингизни ёзиб ётаверасиз. Шавкат, Фармон, мен — учов бирга пахта терамиз, бирга тушлик қиламиз.

Ташқи кўринишдан Шавкат Фармоннинг тескариси. Шавкат — орик, найнов, Фармон — семиз, пакана. Шавкатнинг кош-кўзи қоп-қора. Фармонники сап-сарик. Шавкатнинг бурни узун, қиррадор, Фармоннинг бурни лўндагина. Шавкат дўриллаб гапирди, Фармон қизлардек чийиллаб. Шавкат нима деса — Фармон тайёр. Еки аксинча. Икковининг гапи доимо бир жойдан чиқади.

Учовимиз хирмонга бир этакдан пахта олиб бордик. Шавкат билан Фармоннинг пахтаси тахминан ўн олти-ўн етти кило, меники эса ўн икки килоча чиқарди. Тарозибон менга кўп ёрдам қилади. Ҳозир ҳам: «Ўн тўққиз кило», деб юборди. Пахтага чиққанимиздан буён шу аҳвол. Албатта, Шавкат билан Фармонга алам қилади бу.

— Илғор, энди биз сен билан термаймиз, — деди дўриллаб Шавкат бугун.

— Нега?
— Сен ҳақиқий дўст эмассан, — деди Фармон чийиллаб.
— Нега ҳақиқий дўст эмасман?
— Даданг бригадирлиги учун табелчи сенга қўшиб ёзади. Индамайсан, ҳақиқий дўст эмассан-да.
— Нима, ўзи кўпайтириб айтса, мен йўқ дейинми?
— Ёзса ётаверсин-у, лекин бизнинг ҳисобдан эмас-да. Ҳар ўлқовда биздан бир ярим-икки кило уради.

«Тўғри, — дедим ичимда, — табелчи шунақа қилади. Бу — дадамнинг буйруғи. Мендек шоир одамга ярашмас».

Шавкат билан Фармон мени ажратиб қўйишди. Хафа бўлганим йўқ. Менда шунақа хусусият пайдо бўлганки, биров ёмонлик қилса ҳам ундан хафа бўлмайман. Асрор билан уришганимизга олдин хафа эдим, энди хафа эмасман. Уйлаб қарасам, бунақада ҳар икки кунда битта одамдан кўнглингиз қолади. Мана, ўртоқларим мени ажратиб қўйишди. Айб мендами? Менда! Нега энди хафа бўлиб, ўзимни камситилган санашим керак? Шундай қилайки, уларнинг ўзи қайтиб келсин.

Табелчини кўпчилик ўртасида мулзам қилдим. Кечқурун дадам жаҳл билан сўрадилар:

— Табелчига нима дединг?
— Нима дебман?
— Айниёпсан бола!
Тахминан ўн беш кунча кейин орамиздан яна қора мушук ўтди.

— Нима деб ёздинг?
— Нимани?
— Газетага ёзибсан-ку, отангни!
Бошимни эгиб жим туравердим.
— Гапир, мишиқи!
Орқамга чирт этиб хивич тушди. Ачишиб кетди.
— Ёз... ёзганим йўқ! — дедим жонталваса.
Чирт-чирт — хивичлар кетма-кет тушди.

Эртасига дадам Музроб ака билан гаплашибдилар.

— «Бола айниёпти».

— «Айнимайди. Илғорда нимадир бор. Мен ўғлингизга ишонаман».

— «Ишонасизми, ишонмасизми — менга бари бир. Болага нимадир таъсир қилляпти. Шоир бўлмоқчи!»

— «Илёс ака, мана, сиз бургутни биласиз. Биласиз-а? Бургут ўз боласини учигга қандай ўргатишини-чи, биласизми?»

— «Билмайман».
— «Билмасангиз — айтай, Бургут боласини кўтариб нафаси, кучи етгунча юқори учди. Кейин ўша ёқдан уни ташлаб юборади. Бургут боласи жонталваса қанот қоқди. Учишни шунда ўрганеди».

— «Бу гапни нега айтасиз?»
— «Гап шундаки, баъзан бургут боласи учолмай, қояларга урилиб парчин бўлиб кетади. Она бургут эса афсусланмайди. Учолмадими, учмасин. Уча олдим, учсин. Яшасин! Бургут — мард қуш. Мен Илғорнинг ҳам бургутдек бўлишини истайман».

Дадам тўнғиллаб қўйибдилар:
— «Директорга учрашмасам бўлмайди».
Бундан олдинроқ бир воқеа бўлган эди. Дадам табелчи билан ниманингдир устидан тортишиб қолишди. Чой-нон олиб кириш баҳонасида ҳамма гапни эшитиб олдим. Дадам анчадан буён менга, Шухратга иш ҳақи ёздириб, олиб келаётганлар экан. Тагин, колхозчиларникидан икки баравар кўп эмиш...

— Нима қилай, ахир? — деб қизишарди у киши. — Комиссия келади, муҳбир келади, шуларнинг зиёфати қаердан бўляпти, деб ўйлайсан?!

— Ишимиз тўғри бўлса, зиёфатнинг кераги йўқ эди.
— Гапирасан-да, ўйламай-нетмай! Олтиш центнер деб ваъда берилган. Уттиз беш-қирқдан ошмайди ўзи. Ортиқча ерни билиб қолмаслиги учун келганининг кўнглини олиш керакми, йўқми? Менинг ойлигим нима бўлади? Болаларга ёзганинг шуларга кетади-да!

— Ҳозир замон қалтис, Илёс ака!..
— Рас айтиб тургандан кейин мен нима қилай? Яна бир гап, ука: орден олиб бериш нияти бор шекилли каттанинг.

— Ие, шунақами? — Табелчи бирдан ўзгарди. — Ниятингизга етинг, Илёс ака!

— Раҳмат, ука. Энди бу ёғини ўзинг тушуниб олавер. Бир бало қилиб эпларсан!

Дадамнинг қинғир ишлари борлиги мени ҳайратга солди. Икки кун ўйладим. Миям суюлиб кетди. Ахйри Музроб акадан маслаҳат сўрадим.

— Ўзинг биласан, Илғоржон, ҳар ҳолда — отанг. Лекин қинғир иш... Яхшилаб ўйлаб кўр!

Катта газеталардан бирортасига ёзай десам, ҳар ҳолда — дадам. Отага қарши чиқиш... Ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдим: «Район газетасига ёзаман!»

* * *

Музроб ака Толибга «Тезроқ биронта қизни севинг!» деб ҳазиллашганида хаёлимга ажойиб фикр келган эди: муҳаббат ҳақида шеър ёзсам-чи? Демак, кимнидир севшим шарт. Назаримда, хоҳлаган қизни севсам, у ҳам менга кўнгли қўйиб, тез орада ажойиб шеърлар туғиладигандек туюларди.

Хўш, кимни севсам экан? Мен севган қиз эртақлардагидек гўзал бўлиши, ҳажрида ёна-ёна шеърлар ёзишим керак. Ким мени ёндиралади? Мактабдаги ҳамма қизни бирма-бир кўз олдимдан ўтказдим. Синфимиздаги Асал кўп чиройли қизда. Лекин чатоқ томони бор. Уғил болалар доим: «Асал, Асал — нон ботириб ейдиган асал», деб тегажоглик қилишади. Рашқдан илҳом келмаслиги мумкин. Синфбошимиз Лола-чи? Бўлмайди. Ундай эди, бундай эди, деб хўжайинлик қилаверади. «А» синфидаги Гулнорани севсаммикан? Сочлари қоп-қора, узун, чиройли қиз. Гулноранинг отаси ўғрилиқ қилиб қамалиб кетган. Шоир одам, келиб-келиб қамоқда ётган отанинг қизини яхши кўрсам бўлмас...

Кечкурунча роса бош қотирдим. Бу атрофда «ҳусну жамолини бир кўришдаёқ хушдан кетадиган» биронта қиз йўқ экан. Ўйлай-ўйлай бир қарорга келдим: ҳам қўшнимиз, ҳам синфдошим Юлдузни сева қолай! Чиройли қиз, ўқилари ҳам дуруст.

Бу дунёда нон (умуман овқат) ейишдан осон иш йўқ экан. Юлдузни дарров сева қоладим. Кечалари кўрпанинг тагига кириб, уни ўйлайин, деб тиришаман. Қаёқда! Юлдуз ҳақидаги ўйим музқаймоққа-ей, «пепси-кола»га-ей, ишқилиб, бирон егуликка ўзгариб кетганини сезмай қоламан. Ҳеч китоблардагидек изтироб чеколмайман. Дарвоқе, китоблардагидек... Буни қаранг, шу фикр қалламга келмабди-я. Э, қойил-э!

Мактаб кутубхонасига бордим.
— Ҳа, Илғоржон, — деб қарши олди кутубхонани, — китобга келдингми?

— Ҳа.
— Қанақасидан ўқимоқчисан?
— Муҳаббат ҳақида.
— Муҳаббат ҳақида?! Тинчликми ўзи?
— Тинчлик, тинчлик. Севги ҳақида ёзмоқчиман.
— Ие-ие, шунақами?
— Шунақа.

Опа бир оз ажабланиб турди-да, сўнг қалин бир китобни олиб берди.

— Тагин биронтасини, а?... — деб ҳазиллашиб ҳам қўйди. Сир бой бермадим.

Уч қисмдан иборат китоб экан. Бир ярим ҳафтада ўқиб тугатдим. Сафарнинг Ойдинга севги изҳор қилиши менга ёқди. Шу жойни қайта-қайта ўқиб, ёдлаб олдим ва ёдлаганимни Юлдузга айтишга қарор қилдим. Сафар Ойдинга севги изҳор қилганига қадар уни ҳар кўрганда яширинча тикилади. Қиз буни сезади, хиёл жилмайиб қўяди.

Мен ҳам севги изҳор қилишдан олдин беш-олти кун Юлдузга тикилиб юрдим. У буни сезиб хиёл жилмайиши керак эди. Қаёқда, бир кунни уришиб берди:

— Намунча кўзингни пиёладек қилиб тикиласан?
Уни севмоқчи бўлганимдан жуда ҳам хафа бўлиб кетдим. Ҳажрида шеър ёзмоқчи бўлсам-у... Э, ўргилдим сендек яхшиликни билмаган қиздан! Тамом, бугундан бошлаб сени севишдан қайтдим!

Дарвоқе, Юлдузни яхшироқ таништирай. Фамилияси Мансурова. Дадаси фамилиясига мос — қўйчилик фермасида ишлайди. Энг яхши қорақул тери — сур тери, биласиз. Юлдузнинг дадаси, гўё шуни таъкидлаб, «Ман» — «сур» — «ов», яъни — Мансуровман деяпти. (Бу менинг кашфиётим.) Гап Юлдуз ҳақида эди. Айтганимдек, бир синфда ўқиймиз. Урта қатордаги биринчи партада ўтиради. Иккита синглиси бор. Уларни овунтириб юради. Узи аълочи. Қизиқ феъли бор. Баъзан шунақа бўладики, бировнинг беғуноҳлигини биласиз-у, лекин исботлаёلمасиз. Шунақа пайтда Юлдуз қўрқмай ўз фикрини айтади. Керак бўлса, ҳаммага қарши чиқади. Фикрини айтиб ташлайдию бақрайиб ўтираверади: «Мен қаршиман, вассалом!» Қошлари қуюқ, бурни кичкина. Кўзлари милтиллаб турган юлдузга ўхшайди. Бармоқлари ингичка, узун-узун. Уй ишларида тиниб-тинчимайдиган қизлардан. Ойим баъзан уни мактаб қоладилар: «Менга ҳам Юлдуздек қиз берса эди... Уканг икковинг чойингни ҳам дамлаб ичолмайсанлар». Бу гап менинг гашимни келтирарди. Юлдузни севмоқчи бўлганимдан буён ойимнинг оғизларини пойлайман. Қани энди, уни мактаб қолсалар. Йўқ, мактамаяптилар.

Муҳаббат можаросиз бўлмайди, ошиқликнинг машаққатлари кўп, дейилган эди мен ўқиган китобда. Шу гап тасир қилдими ё бошқами, яна Юлдузни севишга қарор қилдим. Чунки у қўшнимиз, қулай пайт келиши табиий.

Сафар Ойдин билан булоқ бўйида учрашади. Биз томонларда булоқ йўқ. Бўлганда ҳам, Юлдуз кўзача кўтариб сувга бормайди. Уларнинг ҳовлисида қудуқ бор. Учрашув жойини айтсам, барибир келмайди. Уйчи ўйини ўйлаунча таваккалчи ишини битиради. Мавридини топиб, тўппа-тўғри севги изҳор қилмоқчиман.

Бир кунни ҳеч ким йўқ вақтда Юлдуз бизникига гўштчопқи сўраб чиқди. Ошхонадан олиб чиқиб бердим. Кетаётган эди: — Тўхта, Юлдуз, сенда икки оғиз гапим бор, — дедим. Ҳайрон бўлди.

— Нима дейсан?
— Биласанми, ҳалиги... ҳалиги...
— Нима «ҳалиги, ҳалиги»?
— Мен... ҳалиги...

У ажабланди:
— Нима демоқчисан ўзи?
— Ҳалиги... — Ҳайрат шун сўз бор, бўлмаса, бақрайиб тураверардим-да. — Ҳалиги...

— Э, айт-да, гапингни!
— Ҳали...
— Жинни бўлганмисан, нима бало?!
— Йўқ, ҳалиги...
— Э, бўлди-е, мен кетдим!
— Юлдуз! Кетма, тўхта!
— Гапир, нима дейсан?
— Биласанми, ҳалиги...
— Яна «ҳалиги»нг бошландими?!
Ниҳоят, китобдан ёдлаганларим эсимга келди.

— Тўхта, Ойдин... э, ҳалиги Юлдуз! Бор-йўғи икки оғиз сўзим бор. Айтаману кетаман... э, ҳалиги, мен айтаману сен кетасан...

Юлдуз жонланди:

— Хўш-хўш, нимани айтасан?

— Мен сенга айтсам, анча бўлди...

— Нимага анча бўлди?

— Қийналиб юрганамга.

— Ие, нега қийналиб юрибсан?

Мен китобдагидек, «қизнинг қарашига дош беролмай, бошимни хиёл буриб олдим».

— Тушундингми? — дея яна китобдаги саволни бердим.

Шунда Юлдуз гўё шайтонлик қилиб илжайиши, мен эса энтикиб кетиб пешанамни ишқоқим керак эди. Афсус бундай бўлмади.

— Очикроқ гапир, нима демоқчисан ўзи? — деди у жиддий.

— Сен, ҳалиги... умуман, сен жуда яхши қизсан, Юлдуз.

— Ойим ҳам шундай дейдилар, — деди Юлдуз. — Хўш, бу билан нима демоқчисан?

«Юрак сирлари»ни очишда давом этдим:

— Айтмоқчи эдимки, ҳалиги, мени қийнама!

— Тавба, сени қийнаб бирон иш қилдимми? Жиннига ўхшайсан...

— Юлдуз, ҳалиги, қулоқ сол! Мен сенга кўлдан бери айтмоқчи бўлган гапимни айтишим керак.

— Айтавер, бемалол!

Ёдлаганларимни шариллатиб айта бошладим:

— Мендан кулма, ҳалиги... сени ҳар куни тушимда кўраман. (бирон марта тушимда кўрган эмасман. Э қойил-э, ёлгонни ҳам сув қилиб ичиб юбордим!) Сен бўлсанг, менга қиё ҳам боқмайсан...

Юлдуз гапга энди тушунди. Юзи оқариб, кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. Кўрқиб кетдим. Лекин у мулоийм гапирди:

— Бунақа уят гапларни гапиришга ҳали ёшлик қиламиз, Илғор. Бу гап шу ерда қолсин, оғзингдан чикарма!

Ана энди Юлдузнинг гапи Ойдинниқига ўхшади. Хурсанд бўлиб, бир қадам олдинга юрдим.

— Нимага? Ҳалиги... нега унақа дейсан, Юлдуз? — Гўё қалқиб кетиб, томоқ қириб олдим. — Айтмасам бўлмайди-да. — Китобдаги «оҳанрабо» сўзини «магнит» билан алмаштирдим: — Магнитнинг борми, билмадим, мени фақат ўзингга тортасан. (Кейин билсам, «магнит» билан «оҳанрабо» бир сўз экан.)

— Бас қил, Илғор! — Юлдуз кетмоқчи бўлди.

Ё тавба! Бу журъат менда қаёқдан пайдо бўлди, ҳайронман. Шартта йўлини тўсдим.

— Илтимос, тўхтаб тур! — деб ёдлаганларимни тез-тез айта бошладим: — Шу қарашларинг, ҳалиги... шу шахло кўзинг...

— Қоч, йўлими тўсма! Ҳозир бақираман!

— Товушинг сеҳрига мен-ку мен, тошлар эриб кетади...

— Ойи-и!

— Ие, ие, жим бўл, мана...

— Ойи-и!

Ҳайрият, уларникида ҳам, бизникида ҳам ҳеч ким йўқ. Иш расво бўларди, роса таъзиримни ердим. Китобда Сафар Ойдиннинг биллагидан ушлаб гапирди. Кейин қўлини лабига босади. Билмадим, мен ҳам Юлдузнинг қўлидан ушласам, лабимга... боссам нима бўларди! Яхшиямки, шундай қилмаганим...

Бўш келадиганлардан эмасман. Хат ёздим. Китобдан яхши жойларини ўзгартириб кўчирдим. Мана, ўша хат:

«Кеча қилган эшаклигим учун мени кечир. Нима қилай, сени бир кун кўрмасам, кўнглим чироқ ёқсаям ёришмайди. Ҳа, Юлдуз, бу уқубатларга чидаш осон дейсанми? Сени деб нафас оламан, ишон. Борди-ю, бошқа кишини севсанг, айт. Мен уни дуэлга чақираман. Майли, тақдиримга тан бераман. Мени кўп қийнама. Юрагимга ханжар урма. Ўл десанг, ўламан. Ҳажрингда шеърлар ёзаман, дostonлар битаман. Фақат, илтимосимни қайтарма. Жавобини кутаман. Илғор».

«Ўл десанг, ўламан» деган жойини ўчириб ташладим: «ҳа-ўп, ўлаоқ» деса, бекорга ўлиб кетавераманми?

Хатни бошқатдан кўчириб, эртаси куни бир йўлини қилиб Юлдузга бердим. Ҳақиқий томоша ана кейин бошланди. Намозгарга яқин Юлдузнинг онаси бизникига кириб келди. «Қайнонам» дея кўнглимдан ўтказдим. Ширин энтиқдим. Лекин...

— Ҳа, зумраша, хотин олгинг келдимми? — деб ўдағайлаб кетди «қайнонам».

— Ие, ие, хола...

— Хола дема-е, тилинг кесилгур! Даданга айт, хотин олиб берсин сенга!

Уйдан ойим чиқдилар.

— Вой, қўшни, нима гап?

— Нима гап бўларди! Уғлингизга хотин олиб беринг. Вой, жувонмарг бўлгур тирранча-ей, қизимга хат ёзибди-я!

— Юлдузгами?

— Юлдузга бўлмай кимга бўларди! Шошмай тур, ҳали мактабингга бориб шармандангни чиқармасамми!

— Қўшни, тушунтириброқ гапирсангиз-чи, нима гап ўзи?

— Вой тавба, вой тавба-е, ўзларини билмаганга оладилар! Шу-да... Болангизнинг тарбияси ёмон. Оқибати нима бўлади — ўғри бўлади, безори бўлади, қамалади...

Ойим бунга чидаб турулмадилар шекилли:

— Нафасингизни иссиқ қилинг, қўшни! Нега менинг ўғлим ўғри бўларкан, қамаларкан?! — дедилар.

Бўлди жанжал, бўлди тўполон. Қўшнилар тўпланди. «Ҳай-ҳай»лашиб ойим билан «қайнонам»ни ажратиб қўйишди. «Қайнонам» кетгач, ойим мени сўроққа тутдилар:

— Юлдузга хат ёздингми?

Тўғрисини айтдим:

— Ҳа.

— Нима деб ёздинг?

— Музроб ака яхши шоир бўлиш учун ҳалиги, ҳалиги... севиш керак, деган эдилар...

— Шоир бўлмай ўл, жувонмарг! Эртагаёқ ўша Музроб аканга бормасам!.. Қани, нимани ўргатаётган экан сенларга?..

— Ойи, борманг! — дедим орқароққа тисарилли.

— Яна, борманг, дейди-я, жувонмарг бўлгур. Шу вақтдан қизларга гапиришни ўргатаётган бўлса, қани, қанақа ўқитувчи экан ўзи Музроб аканг!

— Музроб акада гуноҳ йўқ, деяпман.

— Ҳали даданг келсин... Сен билан ҳам, ўша Музроб аканг билан ҳам гаплашиб кўяди!

* * *

Бугун мактабда ҳам, уйда ҳам кўнглим ғаш бўлиб юрди. Узимдан-ўзим хафадекман. Бирон жойим тайинли оғримайди. Узоқ давом этган касалликдан энди тургандек, кўнглимга ҳеч нима сиғмайди. Қизик, нега бунақа бўляпман? Нимадир қилиш керак. Бўлмаса, юрагим тарс ёрилиб кетади. Хўш, нима қилсам экан? Уч-тўрт кун олдин Музроб ака: «Вақтинг бўлганда уйга бор, суҳбатлашиб ўтираммиз», деган эди. Бориб кўнглимни ёзиб келсам-чи? Музроб ака эри ва уч ўғли урушдан қайтмаган бир кампирникида ижарада туради. Кампирнинг кўнгли кўтарилсин деб, директор у кишини шу ерга жойлаштирган. Ҳовлидан ўтиб, хонага бош суқдим. Печканинг ёнида саксовул бўлаклари қалашиб ётар, хона иссиққина эди. Музроб ака кифтига тўн ташлаб олган, уйнинг тўрида столга энгашиб ниманидир ёзиш билан банд. Столнинг четида дафтар-китоблар тартиб билан териб қўйилган.

— Кел, Илғоржон, — деди Музроб ака мени кўриб. — Яхшимисан? Икки кундан бери кўринмайсан?

— Бизда чоршанба, пайшанба кунлари дарсингиз йўқ-да, мени кўрмагансиз.

— Тўғри айтасан. Хўш, ишлар қалай?

— Ёмон эмас. Зерикканимдан бир айланиб келдим.

— Яхши қилибсан... Илғоржон, мен бир нарса ёзьяпман. Хафа бўлмасанг шуни битириб олсам.

— Майли.

— Кейин чой ичиб гаплашамиз. Ҳозирча мана — альбомлар, томоша қилиб ўтир. Китобларни кўр. Уйга олиб кетиб ўқишинг ҳам мумкин. Биринчи альбомни варақладим. Студентлик йиллари. Пахта, практика давридаги суратлар. Иккинчи альбом — солдатлик даври...

— Ие, Музроб ака, солдат ҳам бўлганмисиз?

— Бўлганман.

Музроб акани ҳарбий хизматга кетмаслик учун қишлоққа ишга келган, дейишарди. Халақит бершишимни ўйлаб бу ҳақда гапирмадим. Китоб жавонига кўз югуртирдим. Китоблар орасида сиртига «Хотиралар» деб ёзилган дафтарга кўзим тушди. Музроб аканинг хотиралар. Уқиш мумкин эмас. Жойига қўяётган эдим, у киши менга қарамай, деди:

— Уқишинг мумкин.
Уқидим...
Узоқ хаёлга чўмиб қолибман. Музроб ака:
— Хотира яхши-да. Вақти келиб ўқиб, кўп нарсани эслайсан.
Сен ҳам хотира дафтар тут! — деди.
— Шуни ўйлаб турибман.
Музроб ака дамлаган чойни «ирис» билан ича бошладик.
— Мен беш-олти кунга шаҳарга кетяпман.
— Ие, ўрнингизга ким киради?
— Жадвалдан менинг дарсимни вақтинча олиб қўйишади.
Шунақа бўлиб қолди, ойимнинг мазалари қочибди. Сендан битта илтимосим бор, бажарасанми?
— Бажараман.
— Мен йўғимда холага қарашиб тур. Бугун анча ўтин майдалаб қўйдим. Келгунимча тугаса, саксовул майдалаб берасан. Узинг биласан, ҳаво совуқ. Умуман, хабар олиб тур!
— Хўп бўлади.
Биз анчагача суҳбатлашиб ўтирдик. Кетиш олдидан ўзимни қизиқтираётган саволни беришга жазм қилдим:
— Музроб ака, сиздан бир нарсани сўрасам майлими?
— Сўрайқол.
— Нега бизнинг қишлоққа ишга келгансиз?
Музроб ака оғир уҳ тортди. У кишини бундай ҳолда кўрмаган эдим.
— Бошга муҳаббат савдоси тушган. Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деб бу ёққа келдим.
Икков анча сукутга кетдик. Кейин Музроб ака ўйчан ҳолда қўшиб қўйди:
— Бирон вақт бафуржа гапириб бераман. Армиядалигимда кўчамизга келин бўлиб тушибди...

* * *

Ниҳоят, дарслар тугаб, синфга Мусо ака билан кутубхоначи Салима опа кириб келди.

Мусо ака — синф раҳбаримиз. Дадам билан бир синфда ўқиган. Олдинлари мени бўлар-бўлмасга койимас эди. Бир-икки ойдан бери ёпишиб олган. Койигани койиган. Бугун биринчи соатдаёқ кайфиятимни бузди. «Болалар, — деди ҳаммага қараб, — бугун дарсдан сўнг мажлис ўтказиб, Илғорнинг интизомини муҳокама қиламиз».

Кўпчилик ҳайрон бўлди. Биров севинди, яна биров менга ачиниб қаради.

Дадамнинг устидан ёзганимни кавлаштира-я? Э, у гаплар ўтиб кетди-ку. Севги можаросини Юлдузнинг онаси уялганидан қайтиб у ер-бу ерда айтгани йўқ. Мактабга ҳам келмади. Яна қандай гуноҳ қилган эканман? Мен ўзимни атайлаб бепарво тутушга ҳаракат қилдим.

Ҳамма жой-жойига ўтиргач, Мусо ака гап бошлади:

— Болалар, умуман, газетага чиқдим деб, Илғор кейинги вақтларда анча ўзгариб қолди. Яъни тартибсиз бўлиб бормоқда. Биз, ўқитувчилар ўзини тузатар, деб уни қаттиқ жазоламаган эдик. У, пахта мавсуми вақтида, масаланинг моҳиятига тушунмай, ўз отасининг устидан район газетасига шикоят ёзган эди...

— Вуй, — деб юборди кўпчилик.

— Натижада, нафақат бригада шаънига, балки колхоз шаънига ҳам доғ тушишига оз қолди. Яхшиямки, газетадагилар шикоятни эълон қилишмади. Ушандаёқ бу боланинг таъзирини бериб қўйиш керак эди. Улганнинг устига тепган қилиб бу ёқда иккинчи нағмани бошлаб қўйибди. Сиз гапириб беринг, Салимаой!

Салима опа қимтиниб ўрндан турди. Аввал тутулиб-тутулиб, кейин дадил гапира бошлади:

— Бир куни Илғор мenden муҳаббат ҳақида китоб сўраб борди. Топиб бердим. Етти-саккиз кундан кейин қайтарди. Яхши экан, деб мактади. Мен илгари ўқиган эдим. Кел, яна бир ўқиб, деб китобни варақладим. Мана, ўша китоб, тўрт-беш бетини чизиб ташлаган. Мактаб мулкига ёмон муносабатда бўлган. Қолаверса, китобни чизиб мумкин эмас. Мен Илғорнинг интизомини жиддий муҳокама қилинишини сўрайман!

Ҳаммасига тушундим. Ҳақиқатан ҳам, китобнинг ўша жойларини чизиб-чизиб қўйган эдим.

— Раҳмат, Салимаой, — деди Мусо ака. — Хўш, болалар, олдин Илғорнинг ўзи гапирсин-а? Нима учун бунақа қилган, ҳаммасини айтсин!

Безрайиб туравердим.

— Гапир! — деди Мусо ака жаҳл билан.

— Нимани гапирай?

— Китобга нега чиздинг, гапир!

— Гапирмайман, гапиролмайман...

— Қилгиликни қиласан-у, гапиролмайсанми?

— Умуман, мен... истамайман!

— Яхши, жуда яхши! Истамайсан! Хўш, ким гапиреди?

Ўтирганлардан садо чиқмади.

— Сўз — синфкомга.

Лола қизариб-бўзариб ўрндан турди.

— Умуман, мен... мен айтмоқчиманки, Илғор ўзгарган.

Китобнинг ҳақини уч баравар тўласин!

— Утир! Асал, сен гапир!

— Илғор ҳақиқий пионернинг ишини қилмаган, — деди Асал. — Китобга чизган, отасининг устидан шикоят ёзган. Жуда хунук иш. Мен Лоланинг гапига қўшимча — шуни айтмоқчиманки, Илғор ҳаммадан кечирим сўрасин ва беш кун полни юсин!

— Сўз — Юлдузга.

Юлдуз гапиришдан бош тортди.

— Ие, ҳа?

У бошини эгиб жим тураверди.

— Гапирасанми, йўқми?

— Йўқ.

— Асрор гапирсин! — деди Мусо ака.

— Мен Илғорни анчадан бериб кузатиб келаман, — деди Асрор. — Бир-икки марта газетага чиқиди ўзгарди-қолди. Ҳеч кимни тан олмайди, писанд қилмайди. Одам ҳам ўз отасининг устидан ёзганими? Бу қип-қизил анонимкачилик-ку! Китобга чизиб эса — жиноят. Мен кўпчиликнинг фикрига қўшимча равишда — Илғор беш кун эмас, ўн кун пол ювишини ва мактаб деворий газетасига унинг карикатурасини чизиб, тагига килгиликларини ёзиб қўйишни таклиф қиламан!

— Менимча, етарли, — деди Мусо ака. — Ё, яна гапирадиган борми?

— Бор!

Бу Юлдуз эди. Юрагим шув этиб кетди.

— Гапирмайман, деган эдинг-ку?

— Энди гапиришга қарор қилдим.

Тиззаларим букилиб, дағ-дағ титрай бошладим. «Гапиришга қарор қилдим», дедими? Наҳотки айтса?!

— Мен... мен айтилган фикрларга қўшилмайман!

— Ана холос! — деди Мусо ака. — Хўш?

— Илғор — бизнинг қўшнимиз, биласизлар. Лекин, ёзганлари шикоят эмас, рост гап бўлиши ҳам мумкин-ку! Китобга чизиб эса, унчалик айб эмас. Бунчалик қаттиқ жазонинг нима кераги бор?!

— Биринчидан, Илғор белгилаб қўйган эмас, — деди Юлдуз ўтиргач, Мусо ака, — чизган, чизиб ташлаган! Буллаган! Иккинчидан, йигит билан қизнинг севги изҳори жойини чизган.

Юлдуз шолғомдек қизарди.

— У... унақа китоб бўлса, нега мактаб кутубхонасига олиб келинган?

— Юқори синф ўқувчилари бор, ўқитувчилар бор — фақат сиз эмас-ку, китобхон!

— Илғорга нега беришган бўлмас?

Мусо ака бир зум гангиб турди-да, яна ўзини ўнглаб олди.

— Сен кўп маҳмадангагарчилик қилма. Болалар, мен Асрорнинг таклифига қўшиламан. Китобнинг ҳақини уч баравар тўласин. Ун кун пол юсин. Пионервожатий билан гаплашаман, деворий газетага карикатура қилиб берамиз. Ҳамма розими? Ким рози бўлса, қўлини кўтарсин. Овозга қўяман!

Энг олдин Асрор, кейин бошқалар бирин-кетин қўл кўтаришди. Юлдуз, Шавкат, Фармон иккиланиб қолишди.

— Ҳа? — деди Мусо ака.

Шавкат билан Фармон секин қўл кўтарди.

— Қаршилар?

Юлдуз қўл кўтарди.

Мен айтилган жазога лойиқ топилдим. Лекин унчалик хафа бўлганим йўқ. Чунки Юлдуз мен томонда эди.

...Мана менинг юз куним!

«Оз куни шугина экан-да?» дерсиз?

Нима, камми?

Кам бўлса, қолганини кейинги сафар ўқирсиз.



Петр Барсуков

Кундан-кунга яшнаб ва яшариб бораётган гўзал республикамиз ҳаёти чет эллик дўстларимизнинг диққат марказида. Йил сайин, ой сайин, кун сайин Ўзбекистонимизга ташриф буюраётган меҳмонларга саҳий бавримиз ҳамиша очиқ, ниятимиз холис.

Яқинда Болгария Халқ республикаси ва Совет Иттифоқи ёшлари ҳамкорлигида нашр этиладиган «Дружба» адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий безакли журналнинг рассоми Тончо Тончев ва шеърият бўлимининг мудури Пётр Барсуковлар редакциямиз меҳмони бўлишиди. Улар «Ёшлик» журнали фаолияти билан яқиндан қизиқишиб, турли-туман саволлар билан мурожаат қилишиди. Меҳмонлар ҳам ўз навбатида болгариялик ёшлар ҳаёти ва ижоди акс этган мазкур журнал ҳақида батафсил сўзлаб бердилар ва коллективга бир неча номерларини, шунингдек, Ўзбекистон ёшлари ҳаётига бағишланган махсус сонини совға қилдилар. Бу ижодий суҳбат шубҳасиз, ҳар иккала журналнинг иш тажрибасида муҳим аҳамият касб этади.

Тончо Тончев ва Пётр Барсуков журналхонларга самимий меҳр билан ўзларининг қуйидаги дастхатларини эсдаликка қолдирдилар.

Шоир учун—у Тошкентда яшайдими, Софияда яшайдими — ҳамма жой бирдай маскан. Ҳаммамиз бир хил инсонлармиз, ҳаммамизнинг тилимиз содда, бир-биримизга тушунарли.


Тошкентлик дўстларимга Янги йил арафасида ёзган янги шеъримни тақдим этмоқчиман.

Тирик сувлар

Олис болалик деб атадик уни,
 Нигоҳ билан уйғонади тонг.
 Кийимида ям-яшил қон, йилларнинг қуми,
 Узилган мевалар — абадий армон.
 Сукут сақлаб эгилмаган бош,
 Ёлларини силкитар тулпор.
 Қуюқ туман кирар кўзларимизга,
 Кўзларимиз беғам, беозор.
 Қувиб етар момақалдироқ
 Гуноҳкор ёз билан кузларни.
 Бизни эслаб салқин гўшада
 Йиғладими булоқ кўзлари?
 Қолгани-чи?

Қолганларини
 Ким сўйлайди куйиниб бизга...
 Тирик сувлар ортга қайтмайди,
 Қайтмайди балиқлар денгизга.

Русчадан таржима



Юлдузларни санаб етиб бўлмайти,
Улар нурин ҳалок этиб бўлмайти.

Тарихда қаҳқашон мисоли халқ бу,
Ҳар асил фарзандин вужуди ёғду.

Ушбу ёруғ кунлар, эртанги иқбол
Улар тараб турган нурдан, эҳтимол.

Тошларга сачраган Ҳамзанинг қони
Ларзага келтирди жоҳил дунёни!

Асов лавалардек тирикдир мудом
Назм водийсида Ғафур ал-Ғулом.

Уйчан шуурларга кечалар ойдек
Ҳафиф нурларини таратар Ойбек.

Ким ушок, ким кабир — жисми йўқолгай,
Таратиб улгурган ёғдуси қолгай.

Ҳаётки тоабод давом этажак,
Ўзбекистон нурга тўлиб кетажак!

Қор ёғар...

Қор ёғар... Ғуборли дунё бағрини
Ниҳоят тозарта бошлади оқлик.
Осмон Ерга изҳор этар қалбини,
Қаҳрабо заминга ёғилар поклик.



«Севаман...»

Хиёбон. Дарахтлар қунишиб, музлаб
Илк тонг нурларига тутарлар ўзин.
Кимдир кеча оқшом янги қор узра
Ёзиб қолдирибди «Севаман...» сўзин.

«Севаман...» — бу сўзнинг ҳар бир ҳарфида
О, қанча эҳтирос, қанча туғён жам!
Кимдир севганининг ўтли ҳажрида
Дил ҳасратин қорга тўқдимиз экан?

«Севаман...» — бу изҳор, балки бу — иқроор,
Балки бу — ҳавасманд дилга бир эрмак.
Лекин тонг эрса-ю, тегранг — заррин қор,
Наҳот сўйламас бу бир ажиб эртақ?

«Севаман...» — қачондир бу сўзни мен ҳам
Битгандим қалбнинг оқ лавҳига бедор.
Унга ғубор сочди йиллар, турфа ғам,
Лекин қораймади, қорайгандек қор.

«Севаман...» — бир юрак битган бу ёзув
Қор узра товланар — ҳар бир ҳарфи зар.
Бу сўзлардан кундуз олар нур, туйғу,
Бу сўзга зеб берар юлдузли тунлар.

Кумуш кенгликларга...

Кумуш кенгликларга фалақдан гўё
Сочкидек сочилди тилло, зар танга...
Офтоб оқшом чоғи таратди зиё,
Қалин қорлар узра ёқди аланга.

Яланғоч боғларни, биллур томларни
Тафтсиз оғушига босди қизғиш нур...
Аёз ўзига зеб берган рангларда
Баҳорни ёд этмоқ қанчалар ҳузур!

Деҳқон ўйлари

«...Бу йил қиш кутмади, шошилич келди,
Аямай, тинимсиз уриб берди қор.
Пахта деб, пайкалга сочилган элни
Зумда уй-уйига тикди нобакор.

Аттанг, терилмасдан қолди толалар,
Ваъда нима бўлар — қор нақ тиззадан.
Биз-ку — биз, ҳаттоки мактаб болалар
Далага боқишар деразалардан.

Қиш қишлигин қилди, майлига, бир бор,
Ерлар баҳоргача мадор тўплар-ку...»
Жимжит кенгликларда чарх уради қор,
Заминга термулиб, чойдан ҳўплар у.

* * *

Кечагина яшнаб турган барглар
чирт-чирт узиларкан бутоқлардан,
тўшалса оёқларинг остига,
сен нималарни ёдга оласан?

Оқшомлари юлдузлар милт-милт
термулсалар кул ранг осмондан,
хотирангнинг сўник чўғлари каби,
сен нималарни ёдга оласан?

Туғилган жойингга меҳмон бўлиб борсанг,
туни билан ухлатмаса еллар,
неларнидир сўйлаб шивир-шивир,
сен нималарни ёдга оласан?

Қўнмасми мижжангга олис болалик?
Шууринг туймасми аждодлар руҳин?
Қариб бораётган онангга куйиб,
Унсиз йиғламайсанми ичингда?..

Юпанч

(«Газли манзаралари» туркумидан)

Ер ости жунбушга кирган ониди,
Одамлар оёққа қалққан маҳали —
Безовта шаҳарнинг хиёбонида
Йиқилди юзтубан
Она ҳайкали.

Гарчи у — жонсиз тош,
Лекин мен унда
Юракни титратган бир маъно кўрдим.
Юпанчим —
Чайқалиб турган заминда
Устивор тургил сен, эй она юртим!

да, сирингни ўртоқлашадиган (яъни сенга қўшилиб, ёмон кўрган одамнинг гийбат қиладиган, кейин сенинг гапларингни оқизмай-томизмай унга етказадиган) дўст-дугонанга бўлмаса, бирор кимса билан тўйиб-тўйиб («Мода» журналида босилган янгича андозаю кўшни синфда пайдо бўлган пўрим бола; сеvimли ёзувчининг «ҳалигинақа» нарсаларга тўла янги китобию мовлаб, тун бўйи уяқу бермаган кўшни мушук ҳақида) суҳбатлашмасанг — бу даҳшат эмасми?! Е унинг дўст топа билмаганига мактабдан-мактабга кўчиб юриши сабабмикин? Ахир, бир жойда тузукроқ кўним топмаганидан кейин... Аммо, бошқа иложи ҳам йўқ, ота-онасининг касби шунақа — кўнимсиз; бугун бир шаҳарда бўлишса, эртаси кўни тоғли қишлоқ ҳавосидан нафас олишаётган бўлади.

Қор учқунлари деразага чирс-чирс урилади. Совуқ аллақачон ойналарнинг четига гул солишга улгурган. Бирдан хона ичи ёришиб кетди. Ойнанинг кафтдек оқиш сиртида жама-лакоч бир қизалоқ тимсоли кўринди. Серқатнов кўча, серташвиш одамлар... У жуда ҳам кичкина; одамлар орасида деярли кўзга ташланмайди. Серташвиш одамлар, серқатнов кўча... Қизча ўзидай келадиган папкасини маҳкам қучоқлаб, орқа-олдига қарамай кетиб боради ва нимагадир... ўксиб-ўксиб йиғлайди! Қизчанинг кўзларидан дув-дув ёш оқади, йўловчилар ташишларини унутгандай бир дақиқа қизга ўгирилиб қарашади, аммо у ҳеч ким, ҳеч нимага эътибор бермай йиғлаб боради; у кимдан, нимадан хафа — буну ҳеч ким билмайди... Мана, кимдир унинг қўлчаларидан тутиб тўхтатди-да, нега йиғлаётганини сўради, овутиди. Қизча индай-вермагач, шивирлаб: «Ойнинг уришдими?», деди. Қизалоқ йиғидан тўхтагандай бўлди-ю, бир зум унга еб кўйгудек тикилиб қаради. Сўнг жаҳл билан қўлини тортиб олиб, уйи томон югуриб кетди. Серқатнов кўча ўзининг жонсарақ одамлари билан орқада қолди... Йўқ, унинг кўнгиричи бузилмаган, мактабда «икки» ҳам олмаган эди, ойиси уришгани ҳам йўқ; қизчани синфдошлари хафа қилган эди...

Юлдуз кўзини очиб ташқарига тикилди: қор сал бўлса-да тинибди, одамлар сийрак... Эҳ-ҳ, болалигидан одамга кўшилишни ўрганмаган экан-да, болалигидан ёввойи бўлиб ўсган экан. Бошқалар-чи? Бошқалар киришимли, кўнгилири тусанган одам билан дўстлашиб кетаверишади, одамовилик ёт уларга! Қиз юзини дераза ойнасига босди: муздай, му-уз... У орқасига ўгирилиб стол олдига келди. Столда ётган очиқ китобга кўз югуртирди, ҳарфлар жимирлашиб кетди — қоронғи тушган эди. Қиз электр лампаннинг оқиш тугмачасига қўл чўзди: деворда шифт бўйи бир соя пайдо бўлди...

Юлдуз, юқорида айтилганидек, кўп китоб ўқирди. Яна ниما ҳам қилсин, уни овутидиган яккаю ягона нарса — китоблар. Ишқ-муҳаббат ҳақидаги «куйди-пишди» дostonлар қизнинг миясини аллақачон «заҳарлаш»га улгурган. Шу китобларсиз бир дақиқа ҳам яшолмайди. Уйда ёлғиз қолганида, диққинафас хонада ўтиравериш жонига текканида улар билан хаёлан суҳбат куради: нималарнидир сўзлайди, нималарнидир сўрайди. Нималарни сўзлаб, нималар хақида сўрагани эса ёлғиз девордаги осма соатгагина аён! Балки бу кулгили туюлгандир, балки бу бемаъни хаёлпарастликдир? Аммо... «Кутаман!.. Ҳа, дейишингизни кутаман, Мартин!..»

Ёлғиз юриш охири унинг жонига тегди. Ким биландир дўстлашиш зарур, деган фикр унинг хаёлини тарк этмай қўйди. Ҳа, ким биландир дўстлашиш керак, ким биландир яқинлашиш зарур...

Аммо, ким билан? Ким сен билан дўстлаша олади? Аксинча, ким билан сен дўстлаша оласан? Сенинг аҳмоқона ҳис-туйғуларингни ким тушунади ўзи? Кўчага чиқсанг, лаб буриб, танимаганга олиб ўтиб кетадиган кўшни қизларми ё орқангдан «индамас хола» деб атовчи синфдошларингми? Ким? Балки, синф болалари сен билан дўстлаша олар? Ахир улар жуда ҳам кўп: Олим, Рассом, Шоир, Замондош... Бунинг устига, бари исми жисмига монанд — ўқимишли, эсли. Наҳотки, бирортаси сени тушунмаса? Саид-чи, ахир у ҳам болалардан четда юради, синфда бор-ўйғи деярли билинмайди-ку?! Номзод кўп, лекин қайси бири?..

У китобдаги таниш сатрларга қўл югуртирди. Кўз олди жимирлашиб, ҳарфлар гоийб бўлдию бутун бошли саҳифада бир ном пайдо бўлди: Н а с и м. Қизга шу тобда ўзи билан фақат Насимгина дўстлаша оладигандай туюлиб кетди. Негаки, у бошқа болаларга сира ўхшамайди, бошқалардек ўзини ҳар ёққа ураверадиган ҳавойи эмас, нимаси биландир улардан ажралиб туради. Нимаси биландир ажралиб туришини қиз

билади, аммо шуниси аниқки, синфдошлари Насимни яхши кўришади, гапини сира икки қилишмайди, бир оз чўчишади ҳам. Кўпчилик қизлар уни ҳатто «сизлаб қақиради, бир имо қилса — бас, уй вазифаларини ҳам тахт қилиб қўйишади. Кейин... кейин у китоб қаҳрамонига жуда ўхшайди, ўхшаш ҳам гапми — худди ўзи: қўллари бақувват!

Қиз унинг спорт билан шуғулланишини эшитган эди. Балки, шунинг учун у бошқалардан кучлидир? Эҳтимол, шу куч уни бошқалардан ажратиб туради? Унинг уйлари рост чиқиб, Насим яхши дўст бўлса-чи? Агар Насимга дўст бўлишни таклиф қилиб хат битса, бошқаларга роса алам қилса керак.

Қиз бир маромда ёқимли чиқиллаётган девордаги осма соатга тикилганча ширин ўй суриб қолди...

Учинчи дарс бўлмади.

Биология муаллими табиат кабинетини гаровга очиб бердию 8-«А» сайёҳларини фил устидан тушириб, олдига солиб қувиб келиш учун қадимий Ҳиндистоннинг кўҳна пойтахти — Аграга жўнади.

Энди синфхона эшиги олдига келиб кўзингизни юминг: ўқитувчи йўқ, пашша учса эшитилади — ҳамма муаллим тайинлаб кетган сабоқни ўқимоқда...

Энди кўзингизни очиб эшикни калит солинадиган тешигидан аста ичкарига мўраланг: ўқитувчи йўқ... аммо у ёғини кўриш насиб этмайди — эшикка нимадир тарақлаб тегадию жонхорлатда орқага чекинаси: «Ё алҳазар, ер қимирладими, нима бало! Ҳозиргина ҳаммаёқ жимжит, пашша учса эшитиларди-ку?!»

Аслида, ўқувчилар пол ювгич билан синфдаги биттаю битта пашшани қувиб юрган бўлишади!

Тўғри, шундай бўлиши мумкин, шундай бўлган эди... фақат бир йил аввал! Бир йил аввал улар ерга урса кўкка сапчийдиган шўх, ўйинқароқ, бир сўз билан айтганда, аҳмоқ эдилар; ҳозир эса балоғат ёшига етган, анча-мунча нарсани кўриб улгурган, турмушининг баланд-пастига ақли етиб қолган мустақил ва замонавий йигит-қизлар.

Чиндан ҳам, замонавийликда уларга етадигани йўқ. Бор-ўйғи йигирмата ўқувчи-ю, аммо ўз Рассоми, ўз Тилмочи ва ўз Шоирига эга, яна ўз Ихтирочисига ҳам!

Мана, ўрта аср мусаввирларидан фақат буюк Рафаэлнигина тан оладиган Рассом олдинги партада ўзининг илк мўъжизасини яратмоқда; қўлида пистакўмир, олдида қоғоз, фикр хаёли рўпарасида ўтирган хушрўйгина пучуқ қизга қаратилган.

Унинг қаршисида французча сўзлаб юборишдан ўзини зўрга тийиб ўтирган хушрўйгина пучуқ қиз — Тилмоч, нигоҳида бир олам маъно, «буюртма» битгунича ёрилиб кетмаслик учун кирс-кирс олма чайнайди.

Ана, Шоир — Абдуфаттоҳ Шоийнинг ўзи, шу ёшида ёстиқдек дафтариш шеърга тўлдирган, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди, доим янги шеър қайғуси билан банд, юрган йўлида ҳам тинмай изланади — қоғиза тизади; аммо бугун нимагадир жонсарақ, партадан-партага ўтиб сиёҳ сўрайди, кимдандир нолиб бошини сарак-сарак қилади. У эрталабдан бери аллақандай қоғоз устида пешонасини тириштириб ўтирган Олимнинг олдига келди-да, гарданига ўхшатиб бир туширди; Олим, тайинки, инерция бўйича сакраб туриб кетди, шунақанги чўчидики, ҳатто Ньютон ҳам бошига олма тушганида бунчалик чўчимаган бўлса эҳтимол! Аммо унинг ўзи ҳам Ньютондан қолишмайди: ёш бўлишига қарамай иккита ихтирочилик таклифи киритган, мактаб деразаларининг чидамиллигини 4,05 фоизга оширгани учун мақтов ёрлиғи ҳам олган. Учинчи ихтирочилик таклифини ҳам киритарди-ю, аммо бир кеч, айна ой чиққан палла... Ҳай, у ёғининг аҳамияти йўқ, у ёғи нима бўлганини Олимнинг ўзи элас-элас эслайди; Зухро юлдузининг ботишини кузатгани тепалик томон кетишгаётган эди, ҳаммаёқ тинч, кўчада зоғ ҳам кўринмасди; айна Насимларнинг маҳалласини кесиб ўтишаётганида тўрт ёқдан тўртта девдек соя пайдо бўлдию у ҳусидан айрилди — бундан бўлак ҳеч нарса эсида йўқ! Унинг эсида-ку ҳеч нарса йўғ-а, аммо ўша оқшом нима бўлганини Олимни муҳдҳиш тепаликка боришга кўндирган, соялар пайдо бўлиши ҳамон қаёққадир гўм бўлган Замондош аниқ-тиниқ эслайди; ана у — ўрта қатордагиларга замонавий пойафзал ҳақида оғиз кўпиртиряпти.

Ҳақиқатдан ҳам, у замондош дейишга арзигулки йигит: метрода юради, баланд пошна туфли, чийдухоба шим кияди, чанқоғини музқаймоқ билан қондириб, овдатдан сўнг оқ сақич

чайнайди; бўш вақтларида эса шампундан бўшаган шишалар ёрлигини йиғиб, «бокс бўйича жаҳон чемпиони» Стивенсоннинг ўз ўғлига атаб ёзган «Хазиналар ороли» китобини севиб мутулаа қилади.

Замонавийлик жиҳатидан синфда анави оппоқ қиз — кутубхоначининг жиянигина у билан мусобақалашиви мумкин; у ҳозир олдидаги қоғозда турган бир уюм пистани йўқ қилиш билан банд, бир оздан сўнг писта пўчоғини ташлагани ташқарига чиқиб кетади ва йўл-йўлакай кутубхонага ўтиб, бутун мактабни оёққа турғизадиган ўша мактубни кўтариб келади... Аста ичкарига киради. Остонада бир зум қотиб синфдошларига, бурчакда аллақандай семиз китобни варақлаб ўтирган «индамас хола»га бир қур назар ташлайди. Сўнг, орқасига ниманидир аширган кўйи, лабида нимтабассум билан энг яқин дугонасининг нигоҳини излаб топади. Қош учириб, «зўр гап» топиб келганини англайди, бурчакка чорлайди. Энг яқин дугона жиянга маъноли бош силкиб, ўзининг энг яқин дугонасини имлайди. У эса... Бир оздан сўнг қарабсизки, бутун синф шивир-шивирга тўлиб турибди-да!

— Ҳазимча адашиб кутубхонага кириб қолувдим, — дея тўлиб-тошиб ҳикоя қилади жиян, — қарасам, янги келган газеталар. Ичини очсам — хат! Кимга экан, деб ўқиб кўрсам... вуй-й-й!

— Буни ҳеч ҳайрон бўладиган жойи йўқ! — деб унинг гапини бўлади Замондош. — Қизлар спортчиларни кўрса, ўзларини томдан ташлашади-ку! Ана, бокс бўйича жаҳон чемпиони саёҳатга отланганида ҳам у чиққан кеманинг палубасига қизлардан хат жаладек ёғилиб кетган.

— Э, гап унда ҳам эмас! — дейди кўзойнаги остидан асабий тикилиб Олим. — Ҳаммаси биотокларнинг иши! Ток кўз орқали миядан-мияга ўтади, қайси мияда электрон заряди кўп бўлса — ўшанинг хоҳиши бажарилади. Бу аллақандай ихтирочилик тақлифи эмас, жуда катта кашфиёт!

— Қизда дид деган нарса йўқ экан, — дея бош чайқади Шоир, хатни синчковлик билан кўздан кечириб. — Бир-иккита жойи ўчирилибди, кейин, шу ҳам шеър бўлдими! Ўзи топа олмаган экан, мана менинг олдимга келмайди, боплаб ёзиб бермаймани... Э-э!

— Шунақаям гўзал бўладими одам! — дейди қизни ҳайрат аралаш кўздан кечириб Рассом. — Нега илгари пайқамадим экан-а?.. Аслида, уни чизишим керак эди...

— Оҳ! — дея сакраб жойидан туриб кетади Тилмоч, олма пўчоғини кўлидан тушириб. — Наҳот, ўша чиройли бўлса?.. Менга қарасанг-чи, ахир!..

— Э, ўзи шу, ҳамма нарса шунақа писмиқлардан чиқади, — дея валдирайди жиянга яқин, воқеа моҳиятига эса узоқ Дугона. — Писмайиб юришади-ю, бир куни келиб...

Хуллас, гапирмаган одам қолмайди. Гапирган ҳам гапирди, гапирмаган ҳам. Фақат Юлдуз — тинчгина китобини ўқиб ўтирган ғаройиб мактуб муаллифигина жим; у чиндан ҳам ҳеч нарсани билмайди, ҳеч нарсдан шубҳа ҳам қилмайди. Фақат китоб ўқийди, китоб...

Синф ажойиб янгиликдан денгиздек чайқалаётган бир пайтда залварли кўк эшик гийқ этиб очиладию ичкарига бир йигит бош суқади. Бир йигитки, сочлари таралган, елкаси кенг, қўллари темирчининг болғасидай, кўзлари ўткир... У кириши билан «денгиз» чайқалишдан тўхтади. Синфга сукунат чўқади. Ҳамманинг нигоҳи унга қадалади. Ўтирганлардан бири зипиллаб бориб йигитнинг енгилгина папкасини кўлидан олади, пўстини билан телпагини ечиб михга илади. Сўнг, ҳамма унинг табаррук кўлини олиш учун навбатга туради.

Саломлашиб бўлгач, у парталардан бирига салобат билан ўтириб, атрофига қарайди.

— Ух-х, ҳаво роса совидими, эрталаб жойингдан тургинг ҳам келмайди-я... Ҳа, намуноча тикилмасаларинг?! А, гапимни соғиниб қолдиларингми? Бугун сизларга зўр чўпчак топиб келганман. Битта склероз дўхтирга борипти. Борипти-ю, сира қасалининг номини эслаёлмас эмиш!.. — У шундай дея жим бўлиб қолади, атрофдагиларнинг хахолашини кутиб тараддулланади. Аммо... нимагадир ҳеч ким кулмайди, ҳамма унга термилиб тураверади.

«Ие, жинни бўлганми булар, нега кулмаяпти?» деб хаёлидан ўтказди йигит ва сакраб оёққа туради.

— Қизиқмасми? — дейди таажжуб билан ҳаммани бирма-бир кўриқдан ўтказар экан. — Нима гап ўзи, гапирсаларинг-чи мундоқ?! — дея сабри чидамай қичқириб юборади у.

Осуда денгиз устида чақмоқ чаққандай бўлади гўё! Ҳамма



Расми О. ХОЛИҚОВ чизган.

ўтирган жойида бир сакраб тушади, кўпларнинг юзидан қон қочади, оғиз очишга ҳам ҳеч кимнинг мажоли қолмайди. Жиянгина ўзида аллақандай куч топиб, аввал дудуқлиниб, сўнгра аста-секин, дадиллик билан хат ҳақида билганини оқизмай-толмай гапира кетади: шундай-шундай, бу-бугун... у-унинг номига... уз-зундан узун б-бир хат келди. Ш-шунақанги узунки, агар сўзларини сизга тизиб ёйиб юборса, ҳўв кинихонагача етади; агар у ўзининг ёзуви билан ёзгудек бўлса, бутун бошли дафтар тўлади! Аммо гап ҳозир унинг узун-қисқалигида эмас, йўқ, гап унинг қандай, қай тарзда, нималар тўғрисида ёзилганида!.. А? Нималар ҳақида ёзилган, дейдими?... Шунақа нарсалар ҳақида ёзилганки, эшитган одамнинг оғзи очилади! Айтаверсинми? Жаҳллари чиқмайдими? Севги, муҳаббат — мана, нималар ҳақида ёзилган! Қисқаси, хат муаллифи унга ошиқу беқарор бўлиб қолибди; яхши кўрармиш, кечалари тушларида кўриб йиғлаб чиқармиш! Бир ҳафтадан бери фақат уни ўйлармиш! Охири чидолмапти, ўтириб чиройли қилиб мактуб битибди. Нияти — бирор кун у билан ҳолироқ ерда учрашиш, юрагидаги бор сирни унга тўкиб сочиш экан! Ҳа, айтгандай, хатнинг охирида шеър ҳам бор, у бир ўқишдаёқ ёдлаб олди:

«Севги ила сизга мен битдим мактуб,
Жавоб қилинг тезроқ, кутажакман хўб!»

Мана, қандай ёзилган бу шеър! Зўр-а? Узиям нақ юрагидан урган экан-да, йўғасам... Ким ёзипти, деб сўрайдими? Йўғ-э, Шоир эмас. Уғил болаям шунақа хат ёзадими... Айтсинми? Эҳ, кўймади, кўймади-да! Майли, айтади, фақат қулоғига. Қани, бир энгашин-чи, пастроқ, пастроқ... Ҳа, ана: «.....!» Етадими шу? Ё хатни кўрсатса ишонадими?

Шу пайт кетма-кет отилган қортўп деразага тарақлаб тегадию ҳамма ўша томонга ўгирилади.

— Ҳўв, сен отдингми? — деб қичқиради жияннинг гапларидан бир оз эсанкираган йигит деразани очиб. — Ташла! Ташла, деярман қани! Э, сенга гапиряпман, тўнка! Ҳали тушай, ейсан!..

Ичкарига ғувиллаб совуқ ҳаво ёпирилади. Ҳамманинг эти жунжикиб, юзини совуқдан яширади. Сочлар тўзғийди. Қоғозлар шитирлаб учади. Фақат Насим, спортнинг барча турлари бўйича мактаб чемпиони Насимгина дераза кесакисини ушлаб совуққа мағрур юз тутади. Қучлилар орасида ўсиб-улғайгани учунми, у болалигидан ўз тенгдошларидан бир поғона устун туришга интилар ва бунга эришиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмас эди. «Устоз»лари бари мактабни битириб кетган; кўпчилиги ҳарбий кизматда. Кетаётиб ҳокимлик тожикни ўз валиаҳдларига топшириб кетишган. «Шаҳзодам! — дейишган кетиш олдинда. — Бу кун биз забардаст салтанатимиз сарҳадларини тарк этамиз! Сизга бирдан бир васияти олийимиз шул эрур: ҳеч бандадан чўчиманг, сояи амлокин-гиздагиларни доимо маҳкам тутинг; қани, бирови «ғиқ деб кўрсин-чи!» У ҳеч кимсадан чўчимади, кўрқса ҳам кўрқувини сездирмади, бутун мактабни ўз қўлида тутди ва... кутилганидек, ҳеч зоғ унга ғиқ дея оғиз очмайдиган бўлди! Лекин у ўз кучини беқорга сарф қилаётгани йўқ. Олтинчи синфдамиди... Ҳа, олтинчи синфда жисмоний тарбия ўқитувчиси уни ҳузурига чақириб қолди: «Бўриев, тош отишга роса уста экансан-а? — деди унга синчковлик билан назар ташлаб... — Намунча қалтирамансан? Кўрқма, ҳеч кимга чақмоқчи эмасман! Ниятиям хайрли — сени бутун дунёга машҳур қилиш! Ядро иргитиш билан шуғулланамиз, тажрибанг бор, балки бирор натижа чиқар?...» Шундан буён у «бирор натижа чиқариш» ниятида ярим пудлик соққани кунига юз марта лаб қўлига олади, елкасига чиқаради ва ҳоказо.

«Ана, қикди-ку, — деб хаёлидан ўтказди у, деразани ёпиб шамолда тўзғиган сочларини қўли билан текислар экан. — Ошиқ бўлиб хат ёзишппти — бу ҳазил эмас! Агар рекорд-пекорд қўйсам, китоб ёзишар экан-да ҳали!»

У шундай хаёллар билан жияннинг олдида келди-да, мактубни беозоргина тортиб олди. Сўнг конвертни кўзига қани олиб келиб икки қайта ҳижоқалаб ўқиб чиқди; мактуб ўз номига юборилганига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, нимтабассум билан хатни очди.

Синф жимжит, ҳатто пашша ҳам учмас эди.

Насим мактубни шошилмай, бамайлихотир ўқий бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг бош кўтарди-да, атрофига қаради:

— Мановини қаранглар! — дея қичқирди. — Чўпчакдан ҳам зўр экан-ку! — Сўнг бутун синфга эшиттириб ўқий кетди: — «...Биласизми, шундай пайтлар бўладикки, одамнинг юраги кўкрак қафасига сиғмай қолади. Шунда кимгадир дилдагини

айтишни, ким биландир суҳбат қуришни истайди одам... Қани энди, қанотинг бўлсаю зериккан пайтингда осмонга парвоз этсан! Енингда эса сени тушунадиган ҳамроҳинг бўлса...» Қойил-а? — деб хахолаб юборди Насим.

Зум ўтмай бутун синф зўрма-зўраки кулгидан ларзага келди.

Ҳалати шовқиндан гангиган пашша ўзини деразага урди. Шу пайт...

...орқароқдаги партада китобга мук тушиб ўтирган қиз қалқиб кетди. Елкалари ўз-ўзидан титраб, гавдаси бемажол кўтарилди. Унинг қошигача тушган сочлари бир оз намланган, юзи ҳаяжондан бўғриқиб кетган эди.

— Қайтиб бер! — Қизнинг овози титраб чиқди. — Қайтиб бер х-хатинми!

Шовқин ўз-ўзидан тинди. Ҳамманинг нигоҳи Насимга қадалди.

— Уйинга туш! — деди у тиржайиб. — Уйинга тушиб бер — оласан!

Ҳамма энди қизга қаради.

— Хат... хатинми бер! — Қиз шундай деб йигитнинг қўлига чанг солди.

— Э, ўйинга туш, дедим-ку! — деб қичқирди Насим хатни чаққонлик билан тепага кўтариб. — Мен битта гапирман! Қиз нима қиларини, нима деярини билмай яна хатга ташланди. Йигит мактубни осмон баравар кўтарганча кулиб қоча бошлади:

— Уйинга туш! Тушсанг-чи ўйинга! Лай-лум, лала-лум... Ҳа, бўл, бўлсанг-чи!..

Қиз, томоғига келиб тақалган «тош»ни ютолмай, ўхчиб-ўхчиб унинг кетидан югурди.

Синф чирпирак бўлиб айланди.

Ер шари — глобус чирпирак бўлиб айланди.

Қиз бирдан жойида тўхтади, кўзларидан бир томчи ёш сизиб чиқди, юзини икки қафти орасига олганча югуриб синфдан чиқиб кетди.

Синф...

Ер шари...

Узоқ-узоқдан «Шашмақом» ноласи қулоққа чалинади.

— Бериб қўяқол шу хатини, — деди Олим.

— Йиғлаб юрмасин тагин, — деди Замондош.

— Қиз болани хафа қилиш ёмон дейишади-я! — деб қизнинг ёнини олди Рассом.

— Пожалуста!

Бир оздан сўнг у юборган элчи мактаб ошхонасида йиғлаб ўтирган қизга тантанали равишда мактубни топширди. Элчининг сурбетона табассумини кўриб қиз юзини тескари ўгирди.

«Энди нима бўлади? — дея ўйлади қиз. — Роса боппади. Аввалига маза қилиб устингдан кулди. Кейин қўлингга ойна тутқазди: марҳамат қилиб, ким эканлигингни кўриб қўй!.. Хўш, нима қилай энди? Бориб акамга айтайми?...»

«Энди нима бўлади? — дея ўйлади йигит. — Энди... бутун дунёга гап бўлади-ку! Буларга битта гап топилса бўлди, дарров бутун мактабга ёйишади. Яхшилаб дўқ уриб, буюриб қўяй, яна оғизларидан гуллаб ўтиришасин!»

Аммо... Насимнинг огоҳлантиришига қарамай, аллақачон ҳамма бу воқеадан хабар топган эди! Ахир, дунёда энг замонавий ахборот воситаларини ҳам ортда қолдирадиган энг яқин дугоналар бор-ку?!

Эртага эса... ғаройиб ҳодисаларга тўла бошқача бир кун бўлади: мактаб стадионида қорлар эриб битмасиданоқ ғойибдан учиб келган тўп деразалардан бирини чил-чил қилади; Олим — асримизнинг бўлажак Афлотуни, ўзимизнинг «кўзойнак» — вужудида мислсиз бир журъат сезиб мактаб илм-фанини яна бир ихтирочилик таклифи билан бойлатади: синган дераза кўзи зумда жойига қайтади. Мактаб шоири Абдуфаттоҳ Шоший дўстлари ҳада этган сиёҳ билан ўзининг илк достонини битириб умумий мактаб йиғилишида ўқиб эшиттиради, зал қарсақлар зарбидан ларзага келади, саҳна гул ва олқишларга тўлади; бутун бошли мактабдаги энг камтарин, шу билан бирга энг ақлли инсон — Рассом эса деярли битган «мўъжиза»сининг гулханида исинганини эълон қилади. Афсуски, у ўрта аср рассоми ёхуд Рафаэль эмас, оддий бир ҳаваскор, холос. Биология муаллимининг кўзойнаги бу гал чиндан-да ғойиб бўлади: сиркаси сув кўтармас 8-«А» кинохонадаги жанжални кечира олмайди.


Ҳамма эртанги ажойиб куннинг ғаройиб ҳодисалари силсиласида кун кеча бўлиб ўтган воқеани тамомила ҳутади...



Шукур Бурхонов,

СССР халқ артисти

Ишонаман



Тошкентда, Пушкин номидаги истироҳат боғининг ёзлик саҳнаси. Драматург Умаржон Исмоилов асарини асосидаги «Рустам» спектакли кетаётган. Оқ пошшо томонидан мажбуран мардикорликка жалб этилган ўзбек йигитларининг Сибирь ўрмонларида чеккан жабру ситамлари тафсилоти. Бош ролда — Аброр Ҳидоят. Ажабки, мен ҳам худди шу роль қиёфасида гримланган ва кийинганман. Саҳнанинг қоронғироқ бурчида ўтиб, индамай турибман. Ярим равшанликда Аброр Ҳидоят оғир мусиқий куй остида монолог ўқийётган:

Ўлди йўқсил!..

Ўлиб ҳам, ўз ажали билан ўлмади,
Бир кечада зим-зиё бўлди, йўқолди...

Гулдурас қарсақлар остида саҳна қоронғилашиб, қайта ёришганда, кутилмаганда, томошбинлар рўпарасида, яна ўша — Рустам образида, энди мен пайдо бўлман. Ҳамма ҳайрон. Мусиқа нолон ун чекади:

Туш кўрдим, тушимда онам бечора,
Сочлари паришон, сарсон-саргардон
Бир етим боладек «нон» деб йиғлайди,
Йиғлайди, йиғлайди, онам йиғлайди...

Яна гулдурас қарсақлар. Саҳналар алмашина-веради, биз ҳам алмашиб чиқаверамиз. Унга қарсақ, менга қарсақ, унга қарсақ, менга қарсақ!

Спектакль охирида, гулдурас қарсақлар остида Аброр Ҳидоят ошкентлик саҳнанинг икки томонидан халққа салом бергани чиқиб келамиз. Кутилмаганда, Аброр Ҳидоят мени қучоғига олиб, қаттиқ сиқайди: «Бўласан! Зўр актёр бўласан!», дейди шивирлаб. Қулоғимга қарсақ ҳам кирмай қолади!..

Бугун менга насиб қилмаган нарса, ўшанда унга насиб этганидан, мендек шогирди борлигидан у бахтиёр эди!..

Дунёга Аброр Ҳидоятдек актёр қайтиб келмайди. У саҳнага чиқадиган кун, отаси тирилиб келса ҳам, ортиқча гап қўшмас, эрта тонгдан ўша образ руҳи ва қиёфасига кириб яшар эди. У саҳнага бор-йўқ кучи билан ташланадиган санъаткор эди. Яъни, Миртемир айтмоқчи, Аброр Ҳидоят саҳнага чиқса, гўё:

...кўндан чақмоқ тушарди,

Анов-манов одамнинг сочига оқ тушарди!..

(«Аброр» шеърдан)

Мен унинг қаватида ўсдим. Изма-из борган билан, ижодда ўз йўлим, услубим бор эди. Қолаверса, ҳаддимни билардим. Отелло ролида Аброр Ҳидоят кўтарганчаллик эҳтирослар нўртанаси, эҳтимол, менинг юрагимга зўрлик қилармиди?! Ҳар ҳолда, бу ролнинг эндиги ижрочилари ўзларига ортиқча баҳо бермаганлари маъқул. Чунки кўтарган ҳосилимиз халққа маълум. Актёр www.ziyouz.com kutubxonasi учки меъёр

ҳисси бўлиши керак. Бу меъёр ҳисси — мезон, ижодкорликнинг тошу торозусидир.

Очиқчасига гаплашайлик. Ҳар бир инсон каби шуҳратни мен ҳам яхши кўрардим! Менга молдунё, ҳузур-ҳаловат керак эмасмиди?! Навқирон ёшимда мен ҳам радио, телевидение ва кино бўйлаб зир югуриб, муқаддас ижод йўлига сафарбар этилган умримни гоҳ арзон-гаров йўқотиб, керагича пул ва «шуҳрат» топишим, фароғатда яшашим мумкин эди...

Саҳна бизга осонликча бўйсунганми? Аксинча, қийинчилик, ҳар қанча иқтисодий таъгликни биздан сўранг!

Отам — Бурхонхожи адабиётни тушунадиган, аср бошларида маорифда ишлаган киши бўлса-да, менинг саҳнага ишқибозлигимни асло хушламади: «Йўқ, сиз масхаравоз бўлмайсиз! Икки дунёда ҳам масхаравоз бўлишингизга йўл қўймайман, ўғлим!» дерди у киши. Отам бир сўзли одам эди. Мен ҳам бир сўздан қолсам, ўзимни осар даражада қайсар, аммо зап келишган, сочлари жингала-жингала, доим кулиб юрадиган йигитман ўша йилларда. «Лола-хандон» лақабим ўшандан қолган. Алқисса, бир сидра энгилгина усти-бошда, костюмни елкага ташлаб, «ҳайё-ҳуйт» деб уйдан чиқиб кетишимга тўғри келган! Саҳнадан бўш вақтимда, ким бир оғиз яхши гапирса, ўшанинг хизматида бўлдим. Аммо, ҳаммадан кўпроқ Етим Бобожоннинг уйда яшадим. У торгина уйининг дахлизига кайт қўйиб берди. Турмушавий саҳналар устаси («Бой ила хизматчи» спектакли Е. Бобожон ижодининг классик намунаси эди!) бўлган бу улғу режиссёр билан уззуқун бирга ўтириб-туриш менда нозик кузатувчанликни, идрок кўзини очди! Ойлар, йиллар ўтаверди... Қарасам, отам билан юзкўрмас бўлиб кетадиганмиз. Пайт пойлаб, ҳар замонда кўргани борсам, онаизорим қақшаб қолар эди!.. Ахири, кўз ёши билан отамни юмшатиб, ёз ойларида ҳовли юзидаси олмазор, олчазор боғимизда ётиб-туриб юришимни ўтинди. «Бўйингни кўриб турсам бўлди», дерди онам бечора! Мажбуран ён босса ҳам. «Аммо, ўғлинг менга рўпара келмасин!» дебди, отам. Кўнгли қаттиқ одамлигини билмаман-у, мендан қаттиқ ранжигани аниқ. Даврининг саҳна санъатига нисбатан тушунчаси шундай эди-да!

Янглишмасам, Ҳамза номидаги академик театримизда Николай Погодин асари асосида сахналаштирилган «Кремль соати» спектакли авжи қизгин кетаётган кунлар эди. Отамнинг яқин дўсти, Шайховандаҳурда жойлашган нотариус идораси ходими Муродхўжа ака мендан мазкур спектаклга бир эмас, саккизта билет топиб беришимни сўраб келди. У киши билетларни олиб, тўғри отдоши Муродхўжа домланикига ўтади. Муродхўжа Солихўжа ўғли — чин амаким, даврининг илғор зиёлиларидан, янги мактабда ўқитувчилик қиларди. Шайх Сағдийнинг «Гулистон» асари у кишининг таржимасида Тошкентда 1908 йили тошбосмада, афсуски, атиги 500 нусхада chop этилган. Хуллас, иккала Муродхўжа яна бешта тенғқур ўртоқлари билан бошлашиб бориб, отамни ўртага оладилар. «Кани, оқсоқол, олдимишга тушинг, бу оқишом ҳаммамиз учун кўрсак кўргудек улуг томоша бор», дейди улар.

Театр биносига рўпара бўларкан, бетоқат типирчилай бошлаган отам дўстлари ҳалқасидан чиқиб кетолмайди. Қарабсизки, залда чироқ ўчиб, томоша бошланадию мен дохйй Ленин қиёфасида чиқиб келаман. Халқ ҳар бир сахнадаги чиқишимни гулдурос қарсақлар билан қаришлаб, қарсақ билан кузатиб кўяди. Чол қурғур роса мақтанянги деманг, меңгача, биринчи марта «Милтиқли киши» спектаклида Ўзбекистон ССР халқ артисти Сағдихон Табибуллаев Ленин ролини ижро этган бўлса-да, айниқса ўша йиллари ўзбек сахнасида Ленин образининг жонланиши ҳали катта воқеа эди.

Бинобарин, бу қарсақлар аввало халқнинг ўз дохййисига меҳр-муҳаббати рамзи эди! Қолаверса, ўзим ҳам бу ролни чакки ўйнамасдим, шекилли!.. Залда олқий ва ҳайқирқиқлар тинмас, қирқинчи йилларнинг томошабини эмасми, вақт-вақти билан: «Отанга раҳмат, Шуқур Бурҳон!» деган товушлар ҳам янграб қолар эди. Урта қаторда ўзини йўқотиб ўтирган отам, юзида шашқатор ёш билан, нуқул: «Болам! Болам! Болам...» дея инграиб тебранармиш!..

Отамнинг дўстига билет олиб берганим эсимда-ю, бу гаплардан хабарим йўқ, келиб олна остидаги каравотда, оташин таассуротлар оғушида ёниб, кўзимни юмиб, чўзилиб ётибман. Бир маҳал дарвоза очилиб, ой ёруғида отамнинг шарпаси кўринди. Қанча вақтдан буён бу кадрдон сояни кечалари ҳовли юзида у ёқ-бу ёққа ўтса, кўнгил кўзи билан ютоқиб кузатаман!.. Кутилмаганда, қадам товуши боққа қараб юрди. Бу қадам товушларини мен олис-олислардан танийман, узоқ уйқусиз тунларда уни ҳамон эшитиб ётаман. Отам шитир-шитир ўтлар устидан тикка мен томонга кела бошлади. Кўзимни чирт юмиб олдим. Бугун вужудим юракка айланиб дукурлайди. У бош томонимга ўтиб, пешонамга тошиб тушган жингалак сочларимни аста ва узоқ силади. Эгилиб манглаймдан ўпди, юзимда иссиқ томчилар қолди... Эргалаб онамга унинг: «Раҳбар, ҳо, Раҳбар! Ўғлингга айт, бундан буён уйга кириб ётсин. Ўғлимиз улуг одамларни ўйнаб, халқ кўзида ўсган экан-у, биз беҳабар эканмиз!» дея тайинлаб чиқиб кетганини боғ ичида баралла эшитиб ётдим...

Ана шунақа гаплар. Усмон отани айтмай-сизми! Усмон Юсупов катта спектаклларга албатта келарди. Улуг Ватан уруши даврида яратилган «Жалолiddин» спектаклидаги (М. Шайхзода пьесаси) Жалолiddин ролини Шайх ака атайлаб мен учун ёзгандек, товонидан ўт чақнайдиган, чақмоқдек саркарда йигит қиёфасида сахнага чиқаверсам, танамга куч ёғилиб келаверарди. Усмон ота спектаклни кўргач, шаҳар ҳарбий комиссариатида махсус топишириқ берган шекилли, йигитлар «Жалолiddин»ни кўрмасдан фронтга жўнатишмасди. Спектаклнинг шиддаткор руҳидан туғёнга келган ёшлар, томоша охирида, шартта оёққа қалқиб: «Босқинчиларга ўлим!» дея қичқирганча театрдан тўппа-тўғри урушга отланардилар!..

Бугун атайлаб театрининг ўтмиш шухрати, халқ олқишлаган томошалар ҳақида гапирдим. Оғир бўлса ҳам очиқ айтмай, ҳозирда баъзан академик театрда томошабин уюштириб келтирилаётир!.. Аммо ўзбек — катта халқ. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг, халқ ичидан чиққан талантлар институт эшигидан қайтиб кетмайди, танишбилшичилик иллати бўлмайти, (санъатда бу нақақар арамас ҳол. Гётедан Гёте, Пушкиндан Пушкин туғилавермайди, ахир!), театримиз сахнасига янги Аброр Ҳидоятлар чиқиб келади, спектаклни Маннон Уйғурдек улуг тил ва маданият билимдонлари бошқаради, юксак бадийий сўз устаси Мақсуд Шайхзодадек атоқли драматурглар янада кўплаб етишади, деб ишонаман.

С. Ғиёс ёзиб олган

СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ ♦ СПОРТ

ЖАҲОННИНГ ЎН УЧИНЧИ ЧЕМПИОНИ



Сезган бўлсаларинг, сўнгги партия ўйналмагунича «Гарри» бўлиб турган тож даъвогари шахмат оламининг тахтига ўтирган заҳоти барча матбуот органларда «Гарри» деб атала бошланди. Гарри Каспаров тинчотида энг қадимий ўйинлардан саналмиш шахмат бирданга анча яшариб кетганидан далолат эди бу. Ишончимиз комилки, бу гоат машаққатли ўйинда ёшликка хос шижоат, дадиллик, ҳатто айтиш мумкинки, қайсарлик тантана қилди.

Суратда: шахмат бўйича жаҳоннинг 13-чемпиони, 22 ёшли Гарри КАСПАРОВ.



«Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлган афзал!»



АНТонио
Нуньес
Хименес

В ПОХОДЕ
С ФИДЕЛЕМ
1959

Мана, йигирма етти йилдирки, Куба Озодлик ороли, деб аталади. Кубаликлар биринчи январь куни қўшалок байрамни нишонлашади; ҳам янги йил, ҳам Фидель Кастро раҳбарлигидаги Қўзғолончилар қўшини томонидан мустабид Батиста қароргоҳи — Монкада қалъаси забт этилган улуг айём.

Қўзғолончилар ғалаба қозонгандан кейин уч ой ўтгач, америкалик машҳур санъаткор, Нобель мукофоти лауреати Эрнест Хемингуэй:

«Мен Кастро раҳбарлигидаги инқилобчилар тарафидаман. Қолаверса, уларни халқ қўллаб-қувватламоқда. Уларга ишонса бўлади», деган эди («Литературная газета», 1959 й., 7 апрель).

Орадан бир йилу уч ой ўтгач эса, Америка империализмига сотилган ҳарбийлар тўдаси Куба тупроғига хиёнаткорона бостириб кирди. Лекин Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг дўстона ёрдамига таянган кубаликлар нафақат ўз мустақилликларини, балки инқилоб туфайли қўлга киритган ҳақ-хуқуқларини ҳам шараф билан ҳимоя қилдилар.

Куба инқилоби Фидель Кастро номи билан чамбарчас боғлиқ.

Гаванада оммавий митинг —
Кудрат ҳайқирмоқда ёқаларидан.

Куба,
Сен айланиб-ўргилсанг арзир
Фидель Кастронинг соқолларидан!

Доҳиймиз В. И. Ленин таълим берганидек, «инқилобни фақат инқилобчилар қўли билан» амалга ошириш амримаҳол. «Аксинча, ҳар қандай инқилобий ишнинг муваффақиятли бўлиб чиқиши учун инқилобчилар ҳақиқатан ҳам яшовчан ва илғор синфнинг авангарди тариқасидагина раҳбарлик ролини ўйнай оладилар деган фикрни тушуниш, турмушга татбиқ эта билиш керак»

(«Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида» деган асаридан). Ана шу нуқтаи назардан қаралса, Фидель Кастронинг инқилобнинг дастлабки ҳафтасидаёқ: «Агар мендан, қанақа қўшинга қўмондонлик қилишни истайсиз, деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмай, халқни жангга бошлаб киришни афзал кўрар эдим, деб жавоб берардим. Чунки халқни енгиб бўлмайди», деган сўзлари диққатга сазовордир.

«Полицидат» нашриёти кубалик атоқли давлат ва жамоат арбоби, фалсафа ва адабиёт фанлари доктори Антонио Нуньес Хименеснинг

«1959 йил. Фидель билан ёнма-ён» китобини чоп этган эди (Москва, 1984 й.). Қуйида ўша китобдан таржима қилинган айрим парчалар эълон қилинмоқда.



У инқилобдан кейинги долғали кунлар бошланди. Янги ҳукумат тузилди. Лекин тутуриқсиз оғмачилар ҳам бир нечта раҳбарлик лавозимини эгаллаб олишди. Халқ уларни «қозонкуя» деб атар эди. Одамлар баъзи министрларни бокибеғамликда, колокликда айбларди. «Қозонкуя»нинг асосий қисмини эски ҳукумат давридаги сиёсатдонлар ташкил қиларди. Замон ўзгариши биланоқ мечкайлар инқилоб гарданига жасадларини ортиб олишди.

Орьента вилоятидаги халқ йиғини чоғида майор Рауль Кастро: «Фидель, дарахтни силкитсанг-чи!» дея ҳайқирган экан. Унинг гапини халқ дарров илиб олибди. Бош қўмондон қаерда минбарга

чиқмасин: «Фидель, дарахтни силкитсанг-чи!», дер эди оломон гулдурос солиб. 21 январь куни Президент саройи рўпарасидаги майдонда кўпминг кишилик митинг бўлиб ўтди. Унда Фидель Кастро нутқ сўзлади. Шу пайт кимдир: «Фидель, дарахтни силкитсанг-чи! Раулга куп-куруқ шохларни қолдирсанг ҳам майли!», дея лўкма ташлади.

Харбий жиноятчилар қилмишларига яраша жазоланаётган кунлар эди. Шу муносабат билан Америка матбуоти Рауль Кастро шайнига ҳар хил бўҳтонлар ёдира бошлади. Охири харбий трибунал раҳбари Орьентадаги қароргоҳида матбуот вакилларига баёнот берди:

«— Америкаликлар ҳадеб бизнинг ишимизга тумшугини сукишавермасин. Нима қилиш лозимлигини ўзимиз ҳам биламиз... Қолаверса, мен мана шу ўриндиқда ўтирган кўйи жон берсам бераманки, лекин на америкаликлар, на бошқа бировлар мени тиз чўкиб турганимни кўрмайди!...»

Иккинчи фронт қаҳрамони¹ матбуот конференциясини шундай якунлаган эди:

«— Жонларини фидо қилган ўртоқларимиз руҳига, бизнинг жангари табиятимизга тил теккизмасинлар, илтимос. Орьентада ҳатто оналаримиз ҳам Ватан бахт-саодати йўлида фидоқорона курашдилар. Биз фақат фидоийлигимиз туфайлигина ёруғ кунларга етишдик. Лекин, биз асло маҳаллийчилик қилмоқчи эмасмиз. Фидель айтганидек, Куба ягонадир, Ватан ҳам ягона! Орьента ана шу Ватанинг бир нимтаси, холос. Вилотиямиз жафокаш — бу ерда илгари ҳам кўплаб бегуноҳ конлар тўқилган. Ўша бегуноҳ конлар учун қасос олишимиз шарт эди. Биз фақат ўз бурчимизни адо этдик, холос. Орьента — инқилобимиз бешиги. Унинг барча шаҳарлари, қаҳрамон Сантьяго сингари инқилобимизнинг таянч нуқтаси бўлиб қолажагига имонимиз қомил...»

Улкан майдонга тахминан бир милдион киши тўпланган. Фидель минбарда. У халқдан: «Инқилобий судларнинг ҳукми Сизларни қаноатлантиряптими?», деб сўрайди. Ҳамма томондан: «Ҳа! Ҳар бир жиноятчи, ҳар бир конхўр адолатли жазосини олаверсин!» деган садолар эшитилади.

Бир неча кун аввал Фидель Кастрога суиқасд уюштирилган эди. Ганимлар Бош қўмондонни жисмонна маҳв этишмоқчи бўлишди. Шундан бери халқ саросимага тушиб қолган эди. Фидель кези келганда одамларга қарата бундай деди:

«— Мен Куба халқига: мағрур бўлгин, ҳеч нарсадан кўрқмагин, деб айтмоқчиман. Бундан ташқари, инқилобнинг узил-кесил ғалабаси бевосита бир кишига боғлиқ эмас. Адолат уруғи фақат бир кишининг қалбига иддис отмайди. Адолат — халқнинг кўксиди. Қолаверса, биз ҳаёт билан юзма-юз келишдан кўрқмаймиз... Менинг изимда янада қаттиққўлроқ инқилобчилар бор. Душманларимиз инқилобга қарши қанчалик кутуриб ҳамла қилмасин, унинг адолатли ҳукмидан қанчалик талвасага тушмасин, лекин бари бир инқилоб завоқ топмайди. Шунингдек, мени ўлдирсалар ҳам инқилоб тўхтаб қолмайди. Аксинча, суръати тезлашади, холос... Мен «26 ИЮЛЬ ҲАРАКАТИ» раҳбариятига ўртоқ Рауль Кастро «Ҳаракат» раисининг ўринбосари қилиб тайинлашни тавсия қилмоқчиман. Ҳамма билдики, Рауль менинг укам. Лекин у фақат ўз укам бўлгани учунгина юқори лавозимга тавсия қилаётганим йўқ. Агар мен кураш чоғида ҳалок бўлсам, Рауль менинг ўрнимда курашни давом эттира олишига ишонганим учун унинг номзодини тавсия қилмоқдаман. Зеро, Рауль эътиқодли инқилобчи, у эътиқоди мустақамлигини қонли жангларда исботлаган. Монкада қалъасини қўлга киритишда бевосита қатнашган — Франк Паис номидаги Иккинчи фронтга қўмондонлик қилган. Уни моҳир ташкилотчи, истеъдодли саркарда сифатида кўпчилик ҳурмат қилади...»

Фиделнинг сўнги сўзлари гулдурос қасак садолари остига кўмилиб кетди... Худди ана шу халқона сайлов билан инқилоб ўзининг партия, давлат ва ҳукумат институтларини барпо этишга киришган эди.

1959 йил, 19 июнь. Гавана. Гражданлар майдони. Кубанинг турли чеккаларидан дехқонлар оммавий митингга йиғилишган. Фидель тўлқинланиб нутқ сўзламоқда:

«— Бугун, мана шу намоийишга тўпланган ватандошларимни кўриб, халқимиз қудратига яна бир қарра имон келтирмоқдаман. Бугунги митинг ҳар қандай ташаббусдан аълодир. Кун бўйи

оёқда турган одамларнинг гулгун чехрасига қараб халқимизнинг ватанпарварлигига инқилобий онги кундан-кунга ўсиб бораётганининг гувоҳи бўлдим. Шундай халқ билан мағрурланмай бўладими, ахир! Одамлар маҳдудлик қобитини ёриб ташлабди, тирикчиликнинг майда-чуйда ташвишларидан устун келибди. Мана, энди ҳар бир киши Ватанинг ажралмас қисмига айланди. Демак, кубаликлар миллат сифатида, халқ сифатида қарор топди. Халқнинг юраги пайваста, орзусию армони пайваста бўлади. Кубанинг тақдири бир тан, бир жон бўлган халқнинг қўлида. Зотан, унинг истиқболли порлоқ. Инқилобнинг узил-кесил ғалаба қозонажигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Чунки бу халқ энди ҳеч кимга бўйсунмайди. Мағрур халқ учун эса жонингни фидо қилсанг арзийди. Мана шу халқ учун ўлсанг армон қилмайсан, минг марта ўлсанг ҳам армон қилмайсан! Она Еримиз мунис, халқимизнинг қалби дарё — умид билан экилган уруғнинг беҳато унишига ишонч ҳосил қилиб кетасан киши...»

1959 йилнинг 2 июлида Фидель Кастро «Матбуот билан юзма-юз» телекўрсатувида қатнашди.

Биринчи бўлиб мексикалик журналист, «Эксельсиор» газетасининг редактори Мануэль Бранья савол берди. У Эйзенхауэр баёнотидаги дўқ-пўписаларга диққат қилган экан: «АҚШ президентининг назарида, Қариб мамлакатларининг ички ишларига аралашув «доллар сиёсати»га қайтиш эмас эмис», деди журналист. Сўнгра у бир неча кун аввал Доминикан республикасининг маъмурияти Оқ уй ҳукуматидан зулдик билан Кубанинг ички ишларига аралашини талаб қилганини эслати-да, айни пайтда АҚШнинг харбий қудрати Америка Давлатлари Ташкилотига (АДТ) тазийк ўтказиши мумкинлигини уктириб ўтди.

«— Батистанинг қонли режими бирорта ҳам халқро ташкилот томонидан қораланмаган эди-ку! Ҳатто Қўшма Штатларнинг бомба ва ракеталари Куба халқи бошига дув-дув ёғилганда ҳам АДТ жилла курса, ташқи ишлар министрларини тўллаб, умумамерика Кенгаши чақирмади-ку! Устига устак, доминиқанлик ўзбошимча харбий-денгизчилар Батистага бажонидил қурол-яроғ етказиб турди. Батиста эса бу қиргин қуроллари билан кубаликларнинг ёстигини қуритди... Эйзенхауэрнинг Кубага қарши қаратилган барча режалари шубҳасиз чиппақка чиқади», — деган эди ўшанда Фидель.

Афсуски, Фидель Кастро яна кўп йиллар давомида президент Эйзенхауэрнинг ҳийла-найрангларига қарши курашишга мажбур бўлди. Энг ачинарлики шундаки, АҚШнинг кейинги президентлари: Кеннеди, Жонсон, Никсон, Форд, Картер ва Рейганлар ҳам тарихий сабоқлардан тегишли хулосалар чиқариб олмадилар. Президентларнинг кирдикорлари худди наслий касаликдек авлоддан авлодга беҳато ўтмоқда.

«— Баёнотлар, ҳийла-найранглар, тухматлар бизни заррача ҳам кўрқитолмайди. Ваҳимага тушиб қолган халқинигина дўқ-пўписалар билан кўрқитиш мумкин. Қаҳрамон халқни кўрқитиш... ақлга сиғмайдиган чиранишдан бошқа нарса эмас. Аксинча, яқдил халқни, мағрур халқни, ботир халқни ҳамма ҳурмат қилади».

Фидель ватанимиз номидан бундай деган эди:

«— Биз жонларимизни фидо қилиб, қон тўкиб овозликка эришдик. Ғалаба учун мотам тутдик, ғалаба учун кўзёш тўқдик. Сизларни ишонтириб айтаманки, биз ниманики курашиб қўлга киритган бўлсак, сўнги томчи қонимиз қолгунча, сўнги нафасимиз чиққунча албатта ўз ор-номусимизни ҳимоя қиламиз. Чунки ҳар қандай мағрур халқ ҳар қандай мағрур инсон сингари ҳаётдаги энг муҳим нарсани; муқаддас туйғунини, инсонийлик нима эканини жуда яхши билади. «Тиз чўкиб яшагоний қўра, — деган эди Хосе Марти, — тик туриб ўлган афзал!» Куба ўз қадрини билади, у ҳеч кимнинг поийга тиз чўкмайди. Шунинг учун ҳам аллакимларнинг фиску фасодларига ёвуз ниятлари бизни заррача-да кўрқитолмайди. Ким орзуманд бўлса, бизга қарши кураш бошлайверсин. Бизнинг бурчимиз эса, ўз мустақиллигимизни ва ўз кадр-қимматимизни шараф билан ҳимоя қилишдир...»

Таассуфки, ўта кетган жанговар руҳдаги инқилобчиларнинг кўпчилиги «коммунизм» сўзини эшитишлари биланоқ хушёр тортиб қолишар эди. Тўғри, улар заминдорларнинг мол-мулкни мусодара қилишу халқни ер-сув билан таъминлаш тарафдори эдилар. Ҳатто империализм билан юзма-юз олишишга ҳам, буржуазия ҳукмронлигига батамом чек қўйишга ҳам тайёр турардилар-у, лекин «коммунизм» сўзи қулоқларига чалиниши биланоқ саросимага тушиб қолишарди. Чунки жон талвасасидаги

¹ Партизанлар ҳаракати даврида Рауль Кастро Кўзголдочиларнинг Иккинчи фронтга қўмондонлик қилган эди.

америкалик келгиндилар, коммунизм — бу олабўжи, коммунизм — ундок, коммунизм — бундок, деб миш-миш тарқатишган эди.

Фидель эса шамол қаёқдан эсаётганини жуда яхши биларди. Кези келганда, инқилоб ғалаба қозонгандан кейин, айниқса, 1959 йили Фидель ташаббуси билан амалга оширилган муҳим бир тadbир ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Гапни чўзиб ўтирмай, битта мисол келтириб қўя қоламан. Ҳали-ҳали аниқ эсимда бор: Фидель қишлоқ хўжалигимиз раҳбарлари билан учрашган чоғида аксилинқилбчиларга — «Коммунизм арвоҳини кўрдим!», дея ваҳима қилаётган кимсаларга қақшатқич зарба берган эди.

« — Оғиз — уларники, майли вайсайверишин, — деган эди учрашув пайтида Фидель. — Лекин биз амалга ошираётган тadbирлар ҳаммага аён-ку! Муҳими, биз Ватан манфаати учун қайғурмоқдамиз, бизни халқ қўллаб-қувватламоқда. Биз беҳуда курашаётганимиз йўқ. Мақсадимиз тайин: инқилобнинг илк кунлариёқ ер ислохоти ўтказмоқчи эканимизни халққа айтган эдик ва нега ер ислохоти ўтказиш зарурлигини ҳам ҳеч кимдан яширганганимиз йўқ. Биз деҳқонларнинг оч-яланғоч ҳаёт кечириётганини, уларга ер берилиши зарурлигини ва албатта ер ислохоти ўтказиш лозимлигини таъкидлаган эдик. Ана шу инқилобий тadbир амалга оширилгач, мамлакатни индустриллаштириш, ички бозорни жонлантириш мумкин...»

« — Аминманки, — дея сўзини давом эттиради Фидель, — бизнинг ишларимиз адолатли. Шунинг учун ҳам ички ва ташқи душманларимиз бизга қарши иттифок тузмоқда. Лекин инқилобий халқ — ҳақиқий инқилобчилар биз томонда бўлади. Дунёдаги барча жаҳолатпарастлар эса, бизга қарши оёкка қалқади. Бу — содда ҳақиқат. Биз бешикда ётган гўдак ёки боғчага қатнайдиған ёш бола эмасмиз — оддий ҳақиқатни тушунишга ақлимиз етади.

Бундан ташқари, мен ўз табиатимга хос бўлган баъзи хусусиятлар ҳақида сизларга гапириб бермоқчиман. Энг аввало бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман: мен умрим давомида фақат ўз миям билан ўйлаганим учун, мустақил равишда фикрлай олганим учун ҳеч қачон афсусланган эмасман. Мен мулкдор оиласида дунёга келганман. Ер-мулкимиз катта эди. Тўққиз юзта батрак ишлар эди. Мен эса эркатой эдим; бейсбол ўйнайдиган коптогим, қўлқопим бор эди. Ўн якки йилча диний коллежда сабоқ олганман. Тўғрироғи, ўн икки йил мобайнида диний ақидалар билан бошимни қотиришди. Лекин мен оқибатда инқилобчи бўлиб етишдим. Чунки мен умр бўйи фақат ўз миям билан ўйладим, мустақил фикр юритдим. Чунки мен кимлардир ўйлаб топган ширин ёлғонларга ишонмадим. Шахсий мулоҳазаларим, ўйларим, кузатишларим оқибатида инқилобчи бўлиб етишдим.

Афсуски, одамлар ҳар хил бўлади. Афсуски, дунёдаги одамларнинг кўпчилиги мустақил фикр юрита олмайди.

Афсуски, дунёда калтафаҳм одамлар кўпчилик. Улар ҳамма нарсдан кўрқадилар. Ҳатто мустақил фикрлашдан ҳам кўрқадилар. Шунинг учун дунёда лақмалар, танбаллар, тепса тебранмаслар тикилиб ётибди.

Мен яна бир нарсага афсус қиламан; ҳеч ким менга тўғри йўлни — инқилобий йўлни кўрсатмади, ҳеч ким менга инқилобий руҳдаги бирорта китобни мутолаа қилишни тавсия этмади. Натижада мен жуда кўп олди-қочди китобларни — ахлатхоналарни титқилаб чиқишга мажбур бўлдим. Жаҳон адабиёти дурдоналари билан, дунё тарихи дурдоналари билан анча кечикиб танишдим. Начора, толеим паст экан. Бизнинг фарзандларимиз бахтли бўлсин, икболи баланд бўлсин, жаҳолатдан йироқ бўлсин! Болаларимиз — келажагимиз учун мен кўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Энг камбағал деҳқон ҳам ўз фарзандини маърифатли қилиш имкониятига эга бўлмоғи даркор. Бизнинг мулкимизда ишлаган тўққиз юзта батрак эса бундай имкониятдан маҳрум эди. Фақат заминдорнинг эркатойингина — менгина университетда ўқишим мумкин эди, холос. Лекин, бу адолатсизлик. Мен ўз гапимни яна бир марта такрорлашим мумкин: бу адолатсизлик эди! Дунёнинг ҳамма бурчагида ҳам шу гапларимни такрорлашим мумкин. Кимки, бундай қилиш ярамайди деса, у хато қилади. Кимки, менинг — заминдор ўғлининг университетда ўқишини ўта кетган тантиқлик деб ўйламаса, у ахлоксиздир, у бағритошдир!

Мен умр бўйи фақат ўз миям билан ўйладим. Биласизларми, одам нима учун икки оёқлаб юришни ўрганган? (Тўғри, икки оёқлаб юрадиган ҳайвонлар ҳам анчагина бор.) Менимча, ҳар ким ўз елкасида ўзининг бошига — бошлиғига эга бўлиш учун ва ўзининг бошида мустақил фикр-ўйлар туғилиши учун икки



Майорлар: Рауль Кастро ва Камилло Сьенфужос.

оёқлаб юришни ўрганган... Бизнинг бирдан бир мақсадимиз — одамларни ўйлашга ўргатишдир. Ўзимиз ҳам ўйлашни ўрганайлик, ўртоқлар. Шундагина халқимиз; ҳар қандай камбағал оила яшашга, меҳнат қилишга, фаровон турмуш кечиришга ҳақли эканини ўз-ўзидан тушуниб етади. Шундагина халқимиз бутун бошли қишлоқ батракларининг атиги олтига сигир сақлашга аранг қурби етишини, уч юз киши яшаш мумкин бўлган жойда бор-йўғи ўн иккита бўйни йўғоннинг истикомат қилишини нега адолатсизлик эканини ўз-ўзидан тушуниб етади. Ҳар қандай ҳалол киши, ҳар қандай онгли инсон адолатли ҳукм чиқариши ва адолатли ҳукм ижросини виждонан назорат қилиши мумкин. Бунинг учун одамларни ўйлашга ўргатишимиз, ўзимиз ҳам ўйлашни ўрганмоғимиз лозимдир. Инқилобимизнинг асл моҳияти ана шу...»

Ўша тарихий кенгашда Фидель Куба деҳқонлари билан ишчилари ўртасидаги асосий фарқни кўрсатиб берган эди: «Фарқ шундаки, — деган эди у, — деҳқонларнинг бирлашган иттифоқи мавjud, ишчилар эса майда-чуйда уюшмалар остига бирлашган, холос.»

Орадан чорак аср вақт ўтиб ушбу хотираларни ёзишга киришар эканман, биз босиб ўтган оғир йиллар бирма-бир кўз ўнгимда гавдаланди. Менимча, инқилоб ғалаба қозонгандан кейинги йилларда Фидель яна битта жасорат кўрсатди; унинг куч-ғайрати туфайли тумтароқ ишчилар ҳаракати ягона иттифок байроғи остига бирлашди.

Русчадан Н. БОҚИЕВ таржимаси



Ёкубжон
Хўжамбердиев

«УЙДА ТИНЧИ БЎЛСИН ЙИГИТНИНГ...»

Севиб
Турмуш
Қўрган
Эдик



Севиб турмуш қўрган эдик, лекин...
Редакциямизга келаятган кўплаб мактублар ана шу мавзуда баҳс қилади. Аксарият журналхонлар редакцияга шундай савол билан муружаат этишади: айрим оилалар севги асосига қурилса-да, лекин тез орада бузилиб кетяпти. Бунинг сабаби нима?
«Ёшлик» журнали бу саволга журналхонлар билан биргаликда жавоб топишга қарор қилди. Шу муносабат билан «СЕВИБ ТУРМУШ ҚЎРГАН ЭДИК» деган мавзуда баҳс очдик.

Албатта, севги-муҳаббат, оилавий турмуш ҳақида ҳар кимнинг ўз қараши, ўз фикри бор. Баъзан босилаётган мақолалар бирмунча субъектив фикрларга асосланган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бундан, назаримизда, ҳеч ким ютқазмайди. Баҳс-мунозара умумий саволимизга тўғри жавоб қидиришга ёрдам беради.
Журналист Ё. Хўжамбердиевнинг мақоласида ҳам мунозарали ўринлар йўқ эмас. Уйлаймизки, журналхонлар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади.



Баъзан ҳайрон бўлишди: шундай бир буюк ёзувчининг (Лев Николаевич Толстой назарда тутилмоқда) ҳам уйда тинчи бўлмаган экан-да. Яна шундай деб қўшиб қўйишди: оиланинг тинчлиги ким бўлишинга боғлиқ эмас.

Эргашали хаёл билан бўлиб, касалхонага қандай етиб келганини сезмай қолди. Хотини — Азиза касал. Азизанинг касали юрагида. Эргашали ҳайрон: бу касал хотинига қачон илаша қолди экан. Қизик, шу тобда Эргашали негадир Азизадан олган илк бўсасини эслади. Баҳор эди. Улар Азизанинг узок бир қариндошиникида тўйда учрашишди. Улар висол дамларини орзиқиб кутишарди. Эргашали ҳар учрашувга борганида бугун албатта бир ўлиб оламан, деб ўйлар эди-ю, лекин бунга журъат этолмасди. Кунлардан бир кун у Азизани жин қўчада кутиб турди. Шу пайтгача унинг билагини ҳам ушламаган эди. Унинг билаклари жуда момик туюлди, Эргашалига... Энди-чи, қаёқдан илаша қолди, бу касал?

Ўша илк бўсадан сўнг, то тўйгача улар бир-бирлари билан учрашишмади. Учрашгани уялишди. «Нега энди, уяламан, — деб ўзини койирди Эргашали. — Ахир, ҳозир шунақа замонми? Ана Комилжон, юрган қизи билан ҳар кун учрашади. Менинг ундан қаерим кам...» Лекин бари бир Азиза билан тўқнаш келгани уялди. Тўйлари қачон бўлган эди? Бунга жуда кўп бўлди. Ўн беш йил, Азиза ҳам шунча йилдан буён касал. Баъзан ойлаб касалхонада ётади. Азиза уйга келган кунлари байрам бўлиб кетади. Эргашали хотинини еру кўкка ишонмайди. Шундай кунларда у ишхонадан уйга етиб келгунга қадар минг хаёлга боради: эшикни ўзи очармикан? Агар кўча эшикни Азизанинг ўзи очса, демек, ҳаммаси жойида. Хотинининг соғлиги яхши...

Эргашалининг дунёдан умиди катта. Азиза соғайса, фарзанд кўрсак, тўй қилсак, деб орзу қилади...

Бибиражабнинг редакцияга йўллаган мактубини ўқир эканман, шундай ёнимда синфдошим Эргашали тургандай бўлди. Бибиражабнинг мактубини саробга айланган севги тарихи дейиш ҳам мумкин. Хат шундай бошланади:

«...К. билан А. севиб турмуш куришди. Уларнинг тўйлари жуда дабдаба билан ўтди. К. оилада ёлғиз ўғил бўлиб, ота-онанинг суянган тоғи эди. Шу боис А. ҳам бу оилада эрка келин бўлди. Қайнонаси унинг кўнглига қарар, кўп юмушларни ўзи бажарди. Орадан йиллар ўтди. Бу муддат ичида К. билан А. беш фарзандли бўлишди. Шунча йил улар тинч-тотув ҳаёт кечиришди. Қайнона билан қайнота набираларини папалаб ўстиришар эди.

1983 йилнинг бошлари эди. Қишлоқда А. колхоз курилиш бригадир С.ни севиб қолибди, деган: гап тарқалди. Эл оғзига элак тутиб бўлмади, дегани шу бўлса керак-да. Аввалига одамлар бу гапни шунчаки «миш-миш» бўлса керак, деб ўйлашди. Лекин кўп ўтмай унинг ростлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб А. эгри йўлга оёқ босганини ўзи ҳам билмай қолди. У кечалари С. билан пинхона учрашар, эрини алдаб шахарма-шахар кезар эди. Унга бешта ширин-шакар фарзандидан кўра, С. ҳадя этган такинчоғу соатлар, ярақлатиб қўйиб берган тилла тишлар афзалроқ эди.

1984 йилнинг қирчиллама қиши эди. Тасодифан хонага кириб қолган К. хотинининг хат ёзаётганига кўзи тушиб қолди. Бундан кўрқиб кетган А. хатни ёниб турган печкага улоқтирди. Лекин, К. чаққонлик билан хатни олов ичидан тортиб олди. К. кўлидаги хатни ўқиркан, кўзларига ишонмас эди. Наҳотки, унинг хотини бузук?! Наҳотки, ахир у хотинини жонидан ҳам ортиқ севарди-ку?

Шубҳалар исканжасида К. бошини чангаллаб қолди: «Йўқ, бу хотин билан яшагандан кўра, ўлганим афзал. Энди қандай қилиб бош кўтариб юраман? Хотинимнинг бузуклигини одамлар билишармикин? Билишадими. Шу пайт у баъзи танишларнинг маъноли қарашларини, елкаси оша қайта сезгандай, кесатикларини эшитгандай бўлди. Нима қилсин, хотинини ҳайдаб юборсинми? Болалар-чи? Тўхта, болалар мениким, ё...»

Шундай қилиб, бир оила бузилди... Ўғлининг бахти келишмаганидан, набираларнинг сарсон бўлиб қолганидан қуя-қуя К.нинг онаси вафот этди.

Хозир болаларга бобоси қараяпти. Ҳар гал уларни кўрганимда вужудим қалтираб кетади. Қандай ношукр инсонлар борки, бир эмас, беш фарзандни сарсон қилиб қўйишса? Айб кимда? Онадами? Отадами? Назаримда, ҳамма айб онада! Маълумки, аёлни аввало она сифатида улуғлаймиш. Аммо А.га ўхшаш аёллари «Она» дея улуғлаб бўлармикин?

Қадрли «Ёшлик» ижодкорлари! Бунга сизлар нима дейсизлар. Салом билан Бибиражаб».

«Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал,
Сўнгра бутун бўлсин дўстнинг имони.
Инсон юрагини тилкалар азал,
Шу икки нарсанинг буюк армони».

Балки, ушбу мақолага яқун сифатида, Эргашалининг бахтию К.нинг бахтсизлиги, ҳатто Лев Толстойнинг оилавий можароларини изоҳлаш учун ҳам Абдулла Ориповнинг юқоридаги сатрларини келтириш kifоя қилар эди. Лекин мен бу билан kifояланмадим. Назаримда, мақола юқоридаги сатрлар билан бошлангичи керакдай туюлди...

Оилавий низолар Толстой қалбидаги буюк оғриқ эди. Бу оғриқ шу даражада кучайдики, унинг ўз фарзандлари «отамиз ақлдан озмаганми?» деган юқораликкача етиб боришди... Софья Андреевнанинг (Толстойнинг хотини) сўнги пайтларда бирдан бир қиладиган иши — эрининг ҳар бир хатти-ҳаракатини тинимсиз кузатишдан иборат бўлиб қолди. Бир ёстиққа бош қўйишганига ярим асрга яқин вақт ўтганига қарамай, улар ўртасида қачонлардир пайдо бўлган бир тола сочдай дарз чуқур жарға айланди... Оила фақат ўзининг ташиқи кўришинингизина сақлаб қолди. Ичдан эса зил кетди. Нега? Нега шундай бўлди? Албатта, бунинг ўзида хос сабаблари бор. Лекин бу сабаб ва оқибатларда на Толстойнинг ва на унинг яқинларининг айби бор. Ҳамма гап бу одамларнинг ҳаётга нисбатан муносабатларида, дунёқарашларида. Толстой ҳар ким ўз меҳнати билан кун кўриши керак, деб таълим берди. У бу таълимотни ўз турмуш тарзи билан намуна қилди. Унинг яқинлари эса, турмушлари ҳар доим тўкин-сочин бўлишини, заминдорга хос турмуш тарзини афзал кўрдилар. Толстой оиласини ўз асарларидан келадиган даромаддан маҳрум этар экан, шу йўл билан уларнинг дунёқарашларига, турмуш тарзларига қарши борди... Оқибат оилада зиддиятлар вужудга келди. Бу зиддиятлар эса беиз қолмади. Толстойнинг

«омонатини» топириш дақиқаларини қандайдир маънода тезлаштирди...

Диди баланд ўқувчи шундай дейиши мумкин: хўш, сизнинг аллақандай касал хотин билан ўзини бахтиёр деб билувчи Эргашалингиз ёки Бибиражабнинг мактубида келтирилган воқеалар билан Толстойнинг қанчалик алоқаси бор?

Албатта, бир қарашда ҳеч қандай алоқаси йўқ. Толстой фақат инсон шуурига хис этдиган қўл етмас юксаликдаги буюк шахс. Колаверса, Толстой замонаси билан бизнинг кунимиз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Лекин Толстой қанчалик буюк бўлмасин, у — инсон; у яшаган замон қанчалик олис бўлмасин, инсон умри замондан қатъи назар икки нуктага бориб тақалади: туғилиш ва ўлиш.

Толстой ўзининг ана шу инсонийлиги ҳамда заминийлиги билан Эргашалига ҳам, Бибиражабнинг хатида келтирилган воқеаларга ҳам алоқаси бор.

Хуллас, бир оз пастроқ тушайлик-да, асосий мақсадга кўчайлик. Мақсад эса аниқ: севиб турмуш қурган эдик, лекин турмуш турмуш бўлмади... Редакцияга келаятган кўплаб хатлардан ана шундай бир афсус ва надоматни уқиб олиш қийин эмас. Табиийки, «Нега?» деган савол туғилади...

...Эргашали ўзини ўйлайдими? Ўйлайди. Фақат у ўзини Азизасиз тасаввур этолмайди. Унинг ўзи ҳақидаги ўйлари маълум нуктага борғач, Азизанинг соғлигини йиллар оша кемириб бораётган касалликка улашиб кетади. У ўзини Азизадан ҳар қанча ажратиб олишга уринмасин, ажратиб ололмайди... Балки, севиб дегани мана шунинг ўзидир?

Дўстларимиздан бири шундай деб қолди: «Аксарият одамлар шу даражада таъсирчанки, севиб, муҳаббат тушунчалари улар учун илохий. Шу боис ҳам бу соҳадаги муваффақиятсизликларини юракка яқин олишадими. Ваҳоланки, дунёда севибга нисбатан «ана, ётоқда муҳаббат билан шўғулланишмоқда», деб ўша биз муқаддас деб билган тушунчани ер билан яқсон қилувчи кишилар ҳам йўқ эмас. Баъзан ўйлаб қоласан: балки ўша кишилар ҳақдир. «Муҳаббат» ётоқ билангина боғлиқ тушунчадир, дегинг келадими...»

Уша дўстимиз бу гапларни куюнганидан, жуда кўпчилик кишилар «севиб», «муҳаббат» тушунчаларига нисбатан енгил-елпи муносабатда бўлишадиганига ачинаганидан, кесатиб гапирди. Бундай енгил-елпи муносабат на фақат ёшлар ўртасида, балки турмуш куришига беш-олти йил бўлган, бир-бирларини озми-кўпми билган оилалар орасида ҳам кўзга ташланмоқда. Самарқандлик синглимиз Бибиражабнинг хати бунинг яна бир исботи.

Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, буларнинг ҳаммаси биргина эр-хотиннинг фожеаси эмас. Қани энди иш эр-хотиннинг ажраши билангина тугаса. Болалар-чи? Ота-оналар-чи? Айтайлик, А. билан К.нинг болалари ота-она тарбиясини кўрмай, меҳрига қонмай ўсиши уларнинг келажакларига, тақдирларига таъсир этмайдими? Ёки бўлмаса, К.нинг онаси А.ни яхши ният билан келин қилган эди-ку? Оқибат эса, ўша нияти унинг ўлимини тезлаштирди.

Халқимиз азалдан пок, ор-номусли, диёнатли кишиларнинг номини ҳурмат билан тилга олиб: «фалончимиз, у зоти тоза йигит ёки қиз» деб айтади. Мана шу оддий гапнинг ўзида катта ҳақиқат бор. Шунинг учун ҳам кишилар инсон номига иснод келтирадиган, оила шаънини ҳақоратлайдиган хатти-ҳаракатлардан узоқ юришган, айниқса, оилани муқаддас деб билшган.

Тўғри, муҳаббат кўнгли иши. Лекин кўнгли нималарни тусамайди? А. билан К. севишиб турмуш куришган. Уларни бу ишга биров мажбурламаган. Орада беш фарзанд кўришган. Хўш, нега энди орадан шунча йил ўтиб А. ўзининг севиб теккан эрини ёқтирмай қолди? Агар Бибиражабнинг хатига эътибор билан қаралса, бу саволга жавоб топиш қийин эмас. «...Унинг (А.) учун бешта ширин-шакар фарзандидан кўра, «севгилисиз» ҳадя этган такинчоғу соатлар, ярақлатиб қўйиб берган тилла тишлар аълоқроқ эди» деб ёзади Бибиражаб.

Кишини шу нарса ажаблантирадики, ажралиш қоғозига имзо чекаётган оилаларнинг аксарият қисми қай бир даражада мешчанлик «касалига» мубтало бўлишган. Бу борада айниқса аёл томоннинг касали қаттиқ хуруж қилиб туради.

Мен шундай бир оилани биламан. Эрталабки нонушта пайтида аёлнинг ҳасрати бошланади: «Рўзғорда у йўқ, бу йўқ». Ваҳоланки, омборда коп-коп гуруч, коп-коп ун, бидони билан ёғ туради. Аёлнинг ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, кийган кийимни ўн саккиз яшар кизларникидек... Рўзғорнинг бутлгинини аёл ҳам, эр ҳам яхши билишадими. Лекин аёл ҳар кун эрталабдан

жанжал кўтаришга ўрганиб қолган. Бу жанжалнинг «чакаги» фақат эрининг чўнтагидан чиқадиган пул билангина ёпилади... Энг кизиғи шундаки, бундай аҳволга эр ҳам кўникиб кетган. Ҳатто нонуштага ўтирмадан аввал, дастурхон чеккасига маълум миқдорда пул қўйиб қўядиган одат чиқарган...

Бу инсон шаънини таҳқирлайдиган ҳол. Лекин ўша аёл буни тушуниб етмайди. Ҳамма фожеа мана шунда. А.нинг фожеаси ҳам шу: ўзининг ҳалол эрини, ҳалол фарзандларини қандайдир йўллар билан топилган мол-дунёга алмаштирганида. Ҳамманинг кўз ўнгига ўз ор-номусини ўзи топтаганида. Ачинарли томони шундаки, бундай нопус ҳаракат «чин муҳаббат», «пок севи» никоби остида рўй беради.

Толстойнинг кундаликларида шундай жумлаларни ўқийман: «Ахлоқий турғун кишиларнинг ҳаёти — ҳаёт эмас, уйқу». У бу сўзларни айни оилавий можазолар авжига чиққан, хотини билан ўзи ўртасидаги кўзга кўринмас ёриқ катта жарга айланган бир пайтда ёзган эди. Толстой дунёга биринчи наабатда ўзининг хатти-ҳаракатлари орқали назар солди, унга баҳо берди, кишининг сўзи билан иши бир бўлиши кераклигини таъкидлади, ўз ахлоқини, дунёқарашини тинимсиз такомиллаштириб борди. У ҳар гал оиласи, хусусан хотини билан ўрталаридаги жарлик тобора кенгайиб бораётганини ўйларкан, инсон табиатининг нақадар мураккаблидан ларзага тушиди. Наҳотки, ўн йиллар мобайнида ўзининг аниқ бир шаклини топган оила асосидаги муҳаббат ёлгон бўлса? Нега бир-бирини яхши билган кишилар орасида йиллар ўтиши билан совуқлик тушади ва бу совуқлик, кўпинча душманликка олиб боради...

«Хурматли редакция! — деб ёзади қашқадарёлик О. — Оиламни тиклашда ёрдан беришларингизни сўрайман. Биз Ў. билан севиб турмуш қурган эдик. У ҳатто менинги армия хизматини ўтаб келишимни ҳам кутди. 1974 йилда тўйимиз бўлди. Мен Қаршида техникумда ўқирдим, Ў. бўлса совхозда ишларди. Техникумни ҳам битирдим. Орада бир кизлик бўлди. Бу пайтда Ў. буфетчи бўлиб ишга кирди. Мен хотинимни жонимдан ҳам яхши кўра эдим. Ҳозир ҳам яхши кўраман. Шунинг учун бўлса керак, уни ҳар кимдан рашк қилар эдим. Афсуски, оиламизнинг бузиллишига бир жиҳатдан ана шу рашк ҳам сабабчи бўлса керак... Лекин, очингани айтганда, хотинимнинг ўзи ҳам шубҳа уйғотадиган хатти-ҳаракатларни кўп қилди. Кичик жанжаллар бора-бора каттайиб кетди. Кейин билсам, мен ўзимга хотин эмас, эр сотиб олган эканман. Унга бўлган муҳаббатим бошимни айлантириб қўйибди. Бундай ўйлаб кўрсам, хотиним мени умуман менсимас, эр ўрнида кўрмас экан. Икки гапнинг бирида пулдан гапирди. Нима бўлди-ю, 1982 йили бошқа бир ташкилотга бухгалтер бўлиб ўтди. Олти ойгача уйга ўз вақтида келиб турди. Орадан бир йил ўтгач, мазкур ташкилот шаҳар ихтиёрига ўтказилди. Энди у ишга сахар кетиб, кеч қайтадиган бўлди. Қайтганда ҳам турли-туман машиналарда, турли-туман кимсалар билан қайтарди. Бундай ҳол албатта, ҳар қандай эркакнинг ҳам кўнглида шубҳа уйғотади. Кўп марта айтдим: жон хотинжон, ўзимиз бор-йўғи уч бош одаммиш. Шунча йўлга қатнаб нима қилсан. Совхоздаги болалар боғчасига келиб ишлайқол, десам ҳам кўнмади. Бу орада ҳар хил гаплар кўпайиб кетди. Ахир, ишончнинг ҳам чегараси бўлади. Эрининг айтганига кўнмаган хотин билан қандай қилиб турмуш кечириб бўлади. Мен ича бошладим. Уни бир неча марта ҳақорат қилдим. Худди ўшандай турли шубҳалар билан ўртаниб юрган кунларимда кетма-кет икки-уч марта тун ярмида келди. Шу-шу турмушимиз бутунлай бузилди. Ниҳоят, ажралишдик. Орада эса қизчамиз тирик етим бўлиб қолди. Севиб турмуш қилиб, ўн икки йил бир ёстиққа бош қўйган аёлдан топган хузур-ҳаловатим шу бўлди.

Мени бир нарса доимо қийнаб келади. Бу ҳам бўлса, қизчамнинг тақдирини. Ана шу бегуноҳ бола учун ҳам хотиним билан ярашишим керак, деб ўйлайман. Бола ҳурмати, бизни яраштириб қўйишигизни сўрайман.

Қаршингизда мана шундай ҳорғин, оилада тинчи бузилган кишиларни кўрган пайтингизда ўйлаб қоласиз: инсон умрининг мезони нима? Унинг ибтидосию интиҳосида қандай сир яширин? Бу умр абадийлик қаршида қай даражада мўътабар? «Севиб турмуш қилиб, ўн икки йил бир ёстиққа бош қўйган аёлдан топган хузур ҳаловатим шу бўлди» ёки «Кейин билсам, мен ўзимга хотин эмас, эр сотиб олган эканман», деган гапларни бировга айтиш осон эмас. Мана шу гапларни қоғозга тушириб, редакцияга йўллагунга қадар О. қанчалик руҳий азоб чекканлигини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Халқда шундай гап

бор: «Эрининг номини ё оти чиқаради, ё хотини». Чакмоқдай йигитнинг номи хотини туфайли эл оғзига тушиб турса, билган-билмаган ҳар хил гап-сўз тарқата... Бу жуда ҳам мушкул савдо. Ҳўш, шундай бўлишига ким сабабчи? Аёлми ёки эркак?

Қизик бир номуаносиблик. Асрлар оша тасаввурингизда буй етган бир қиз гавдаланади. У тўрт девор орқасида паранжи-чиммат ичида тарбияланиб, буй етди. Мана, энди уни зўрлаб турмушга беришмоқчи. Умирида эшитмаган, билмаган, кўрмаган бир одамга. Нақадар қийин, нақадар азобли... Қиз нафақат бўлажак эрини, умуман бўлажак ҳаётини ҳам тасаввур этолмайди. Ахир бир замонлар қизлар турмушга чиқмаган, балки уларни турмушга «беришган!» Шундай қийин дақиқаларда қиз ўйлайди: қани энди шундай бир замон бўлса, ота-онани сенинг устингдан қалин олиб, мол каби бировга сотмаса, севиб турмуш курсанг...

Мана ўшандай замон келди. Аёл билан эркак ҳамма нарсада тенг ҳуқуқли. Аёлларнинг ижтимоий мавқеини ошириш, уларга ҳар томонлама ёрдан бериш учун партия ва ҳукуматимиз чексиз ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бугун аёлларимиз министр, давлат арбоби, олима, мураккаб техникани бошқармоқда. Бир сўз билан айтганда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишяпти.

Бугун кизларимиз, йигитларимиз севиб турмуш қуришмоқда. Энди одамлар «фалончи қизини қалинга шунча сўм пул олиб» турмушга берди, деб эмас «фалончи қизини турмушга комсомол тўйи қилиб чиқарди» деб айтишмоқда. Ана шундай севиб турмуш қурган аксарият оилалар бахтли, фаровон турмуш кечирмоқда, фарзандлар тарбиялашмоқда. Бу шубҳасиз, буюк инқилобнинг самараси.

Лекин, афсуски, ана шу самарани хиралаштирадиган, унга доғ туширадиган ҳолатлар ҳам оз бўлса-да, учраб турибди. Баъзи аёлларимиз ўзларига берилган ҳуқуқдан нотўғри хулоса чиқаришмоқдаки, юқорида айтганимиздек, ўшандай аёлларнинг эрлари кўп ҳолларда О.нинг ҳолига тушиб қолишмоқда.

Форс-тожик адабиётининг буюк классиги Абдурахмон Жомий «Ҳаммадин баланддир она мансаби» дейди. Ҳақиқатан ҳам дунёда онадан улуғ инсон, оналикдан буюк бахт йўқ. У мана шу ёруғ дунёнинг биринчи кашфиётчиси. Шундай экан, нега энди О.нинг хотини ўзининг улуғ илоҳий мансабидан қандайдир арзимаб бухгалтерлик мансабини аъло кўрди? Ана шу мансабини қўлда тутиш; ўша орқали мол-дунё орттириш учун тотув турмушдан кечди? Эл орасида гап-сўз бўлди? Эрининг юзини ерга қаратди? Ёки бўлмаса нима сабабдан Бибиражабнинг мактубидаги А. бошқа бировнинг олтин-узугини деб, ҳалол эридан, оналик бахтидан юз ўгирди. Ҳаётимизда бундай ҳоллар қани эди битта ёки иккита бўлса. Агар ишингиз тушиб суд органларига бориб қолсангиз кўрилатган ҳар уч ишнинг иккитаси — оила масаласидир. Нега бундай ҳолатлар содир бўляпти? Уларнинг илдири қайерда?

Иван Бунин ўзининг «Толстойнинг озод бўлиши» асарида шундай ёзади: «У боши оққан томонга қочиб борар эди. Унинг поймонаси тўлган эди. «Кошкинди омонатини тезроқ ола қолса...» Нима қилса ҳам бу дунёнинг одамига ўхшаб ўлмас бўлгани. Табиатнинг азалий қонунига кўра бир жонзот ўлгандек ўлиш керак. Ҳар қандай эркин жонзот, ҳар қандай эркин қуш қани сирли равишда бу дунёдан кетиш керак. Зеро, инсон эркин жонзотнинг вади, эркин қушинингда ўлигини на шаҳардан, на қишлоқдан ва на бўм-бўш даладан топа олсин...»

Ясая Полянадаги ихтилофларнинг илдири қайерда эди? Фақат Толстойнинг ўз асарларидан келадиган даромадни оиласига беришни таъқиқлаб қўйганидами? Толстой билан Софья Андреевна ўртасидаги узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган майда-чуйда келишмовчиликларнинг оқибатда газак олиб кетганидами? Бир жиҳатдан, — ҳа. Лекин шунинга эмас. Маълумки Софья Андреевна Толстой учун на фақат хотин бўлган. Айни пайтда у ёзувчининг энг яқин ёрдამчиси ҳам бўлган. Лекин шундай бўлишига қарамай, Софья Андреевна Толстойнинг маънавий дунёсини тўла англаб етмади. Унга тўла маънода маънавий ҳамроҳ бўлолмади. Улар ўртасидаги қилда ёриқ худди мана шу нуқтада жарликка айланди...

Оилавий ҳаётда бир-бирини маънавий жиҳатдан тўлдириш катта аҳамиятга эга. Гап фақат олий маълумот олишдагина эмас. Балки, аёл билан эркакнинг бола ёшидан қандай тарбия топганида, уларнинг табиатларида ҳам. Бу борада Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг бир ҳикояти ибратлидир:

«Бир подшоҳ ўғлини бир мураббийга топшириб, деди: «Бу

сенинг фарзандинг, ўз фарзандларингни биридай билиб тарбияла». Мураббий таъзим бажо келтириб, болани қабул қилди. Бир неча йил зўр тиришқоқлик билан ўқитди, ўргатди, лекин шахзода одам бўлмади. Мураббийнинг ўз фарзандлари эса, илм-фан ва фазлу одобда баркамол бўлиб етишдилар. Подшоҳ мураббийни қойиб, деди: «Сен ахднинг буздинг, ваъдага вафо қилмадинг!» Мураббий деди: «Подшоҳимнинг азиз хотираларидан пинҳон қолмагандим, тарбиялари бир хил эди-ю, лекин табиатлари ҳар хил экан!»

Тилла-кумуш бари чикса ҳам тошдан,
Барча тошда олтин бўлмоғи гумон.
Сухайл нур сочади ҳар ёққа бирдан,
Бир ерда чарму бир ерда саҳтиён.

Ҳақиқатан ҳам, масалага чуқурроқ назар ташланадиган бўлинса, фақат муайян бир ўқув юртида билим олиш билангина киши маданиятли бўлиб қолмайди, унинг маънавияти ошиб қолмайди. Зотан, одам маданиятга ва маънавиятга эга бўлиш учун эмас, балки ана шу борадаги қобилятини бойитиш учун ўқиб-ўрганади.

Айрим аёлларимиз, ҳа деса, «Мен ўн беш йил ўқиганман! Ўн беш йил! Сизнинг уйингизда чўри бўлиш учун ўқиганим йўқ! Бугун сиз овқат қилинг, эртага мен» дея эрига дашмон беради. Йўқ, гап фақат овқат қилишдагина эмас. Агар ўша «ўқиган» аёл билимдонлиги билан бошқа соҳаларда ҳам эрига зуғум қилмаса эди, эр уй ишларида хотинига ёрдам беришга ҳар доим тайёр бўларди. Гап аёл билан эркекнинг бурчлари қандайдир маънода аралаш-қуралаш бўлиб кетаётганида ҳам. Гап баъзи аёлларнинг «ўқиганликларини», «эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга эканликларини» пеш қилишлари баробарида аёллик-нафосат чегарасидан чиқиб кетаётганликлари, «оналик мансабини» суниестемол қилаётганларида ҳам. Бу борада истаганча ҳаётий мисоллар келтириш мумкин. Ҳали айтганимиздек, суд органлари томонидан кўрилатган можароларнинг катта бир қисми ўша «ўқимини» аёлларнинг ташаббуслари билан содир бўлмоқда. Лекин, мен ҳозир бошқа бир мисол келтирмоқчиман.

Яқинда хизмат юзасидан Андижон областига йўлим тушди. Автобусда кетаётиб Нозимжон исмли йигит билан танишиб қолдим. Нозимжоннинг касби ўқитувчи экан. Ўзининг қишлоғидаги мактабда ишларкан. Манзил узоқ эди. Сухбатлашиб кетдик. Гап айланиб, оила, эр-хотин ва фарзандларни тарбиялаш масаласига бориб тақалди. Шунда Нозимжон бир гапни айтиб қолди:

«Энди ака, муҳбир экансиз, бошқа бировни гапирсам, ўз кўзингиз билан кўрмагунча ишонмайсиз. Хотинини мактапга, деб ўйласангиз ҳам майли. Мен ўзим бир ўқитувчиман. Хотиним қолхозда оддий кетмончи. Лекин, ўзи кетмончи бўлсам, унча-мунча менга ўхшаган ўқитувчидан кам эмас. Баъзан кўни-қўшнилариинг оилавий жанжалларини, катта институтларда ўқиб келган баъзи келинларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб, гап-сўзларини эшитиб туриб, бехос юрагим оркамга тортиб кетади. Яхшиям хотинимнинг ўқимагани, дейман. Агар ўқиганда нима бўлар эди, шу жанжалкашларнинг бири бўлармиди? Албатта, бу фикрим нотўғри. Буни ўзим ҳам биламан. Лекин баъзи ўшанақа «устоз кўрган» аёлларнинг жанжалини эшитиб қолсам, беахтиёр «хотинимнинг ўқимагани яхши бўлган экан» деб қўяман.

Энди ҳали айтганимдай, хотиним оддий қолхозчи. Маълумоти ўрта. Сизга ёлғон, менга чин, хотиним билан гаплашган одам унинг ўрта мактабдан кейин ўқимаганлигига, оддий қолхозчи эканига ишонмайди. У ҳаётнинг, турмушнинг барча соҳаларида сиз билан баҳслаша олади. Ҳар бир воқеа-ҳодисага нисбатан ўз фикри бор...»

Нозимжон шу тобда жуда ҳам бахтиёр эди. Ахир айтишади-ку, ҳар ким ўз ҳолича бахтсиз, ўз ҳолича бахтиёр, деб. Нозимжон ҳам ўз ҳолича бахтиёр эди. Хўш, Нозимжоннинг бахти нимада? Ўзи айтганидек, хотинининг катта институтларда ўқимаганидами? Йўқ, асло ундай эмас. Аксинча, ўшандай аёлнинг ўрта мактабдан сўнг ўқишни давом эттирмаганлиги на фақат бу аёлнинг, шунингдек, Нозимжоннинг ҳам андак камчилиги. Шунга қарамай Нозимжон бахтиёр! Назаримда, унинг оилавий бахти хотинининг табиатдан маънавияти бой эканлигида, зийраклигида. У энг лаззатли таомларни тайёрлай билиш, уй ишлари, бола-чакага қараш билан, газета-журналларда босилаётган мақолаларнинг, ўзи ўқиган китобларнинг савияси ҳақида ҳам баҳслаша олади. Айни пайтда у ўзига қарашга ҳам вақт топади. Ахир аёл, ҳар доим аёл бўлиши керак. У табиатнинг энг

гўзал кашфиёти эканлигини, ўзидаги нафосат билан бошқа бир инсонга куч-қувват, меҳр-муҳаббат бахш этишини унутмаслиги керак. Нозимжоннинг хотини ўшандай аёл. Нозимжоннинг бахти ҳам шунда.

Бу суҳбат бундан икки ой муқаддам бўлиб ўтган бир учрашувни ёдга солди.

Редакцияга ўрта ёшлардаги, басавлат бир одам кириб келди. Салом-алиқдан сўнг ўзини таништирди. Тошкентдаги олий ўқув юр்தларидан бирида ўқитувчи экан. Аввалига, бу одам редакцияга қандай иш билан келганини айтишга бир оз андиша қилиб шекилли, анчагача индамай ўтирди. Кейин шундай деб менга мурожаат қилди:

— Ука, баъзан одам юраги сиқилиб кетган пайтларда дардини кимга айтишни билмай, анҳор бўйидаги хилват жойга ўтириб олиб сувга ҳам айтади-ку. Ўша одам дардини сувга айтиб тўғри қилади. Сув — сув-да. Унга қанчадан-қанча сиру армонларга тўла дил изҳорлари айтилмаган, дейсиз. Лекин сув жим. Бир маромда оқиб ётаверади.

Агар айбга буюрмасангиз, бугун мен учун сиз ўша анҳорнинг суви бўлинг. Мен сизга ўз дардини ёрай.

Унинг уйқусизликдан қизариб кетган кўзларига, мош-гуруч сочларига қараб, юрагим титраб кетди. Мен бу одам учун анҳордаги сув бўлишга рози бўлдим. Сухбатдошимнинг юрак дардларини эшитгандан сўнг ҳам узоқ вақт мобайнида сувдай жим юрдим. Лекин Нозимжоннинг бахтиёрлигини кўриб жим туролмадим. Унга ўша домланинг (унинг исми Саҳобиддин ака бўлақолсин) дардларини айтиб бердим.

...Саҳобиддин ака не-не умид билан яккаю ёлғиз ўғлини уйлантиради. Ўғил олий маълумотли, келин эса салкам олий. Биринчи кунлари келин келиндек эди... Орадан бир неча кунлар ўтди. Келин энди «уй»дан «ташқарига» чиқа бошлади. Дастлабки намоёнлиги шу бўлдики, фақат ўзининг ҳамда куёвнинг анжомларинигина ювишга қарор қилди. Рўзғор ишларида сенки меникига бориш ана шундан бошланди... Орадан бир неча ой ўтиб куёв узоқ шаҳарга аспирантурага кетди. Шу кунни кечкурун келин ҳам эшик-гуйнукни қулфлаб, онасиникига равона бўлди.

Саҳобиддин акага алам қиладиган жойи шу: наҳотки, умид билан келин қилсагу, эридан кейин ҳеч бўлмаса бир кун қайнота-қайнонанинг ёнида бўлмаса, бу қандай гап?

Куёв келди, яна кетди. Хотинини олиб кетай деса, у ҳам ўқийди. Энди келин бир йўла онасиникида тура бошлади... Тура бошлади бутунлай ўзгарди, қолди. Бу орада фарзанд дунёга келди. Кунлардан бир кун Саҳобиддин акага келиннинг номидан тушган шикоят хатини ўқиб беришганида у ўз қулоқларига ишонмади. Хатни қайта ўқиб бериши, ноилж қулоқларига ишонди...

Ана шу кундан Эътиборан Саҳобиддин ака сарсон кўчада қолди. Бугун бу ташкилотга қақришиб, унинг устидан шикоят тушганлигини айтишса, эртага бошқа бир ташкилотда кечаги хатнинг бошқа бир нусхасини кўрсатишади. Хатларнинг бирига жавоб қилинмай, бошқаси юқорирак, яна бошқаси ундан ҳам юқорирак ташкилотларга жўнатилаверди. Оқибат шу бўлдики, Саҳобиддин ака хайфсан олди. Лекин келин томон бу билан ҳам кифояланишмади. «Ёзишда» давом этишди. Уларнинг мақсадлари битта эди: нима қилиб бўлса ҳам Саҳобиддин ака онасига ёмонлик қилиш. Эл ўртасида гап-сўз чиқариш.

Яна бир қизиқ факт. Келиннинг отаси гўё Саҳобиддин акани ҳар хил «ташвишлардан» қутултириш маъносида шундай шарт қўйди: «Қизимга кооператив уй олиб берасиз ёки...» Уй олиш навабати билан-да. Навбатда турганлар эса кўп. Шунинг учун бўлса керак, келин яқинда ўз шартларини қўйди: ё уй учун ўн икки минг сўм пул берасиз ёки ўлгингиз аспирантурадан ҳайдалади ё бўлмаса участканинг ярмини бўлиб берасиз!..

— Кеча тасодифан ўғлим ётган хонага кириб қолдим, — деди сўзининг охирида Саҳобиддин ака. — У таътилга келган эди. Ўғлим назаримда жуда ҳам ҳорғин, руҳсиз кўринди. Биз бир-биримизга узоқ тикилиб қолдик. Кўзларимиздан осойишталик кидирдик, гўё.


Лекин кимдир бизнинг кўзларимиздаги, вужудимиздаги осойишталикни ўғирлаб кетгандек эди. Тинчимиз бузилган эди...

Толстойнинг кундалиқларида шундай жумлаларни ўқийман: «Баъзан катта дарвоза ҳам, катта йўл ҳам ҳалокатга олиб боради: негайир кўпчилик ўзини ўша томонга ураверади. Чунки кичкина эшикни, кичкина йўлни ҳамма ҳам кўравермайди. Майли, Сиз кичкина эшикдан — ҳаётга элтадиган йўлдан юринг».



Иброҳим Каримов

Инсон хотираси азиз



X

амроҳим, эллик беш ёшлар чамасидаги темир йўл ишчиси билан қабристонни айланар эканмиз, бир қабр ёнида тўхтадик. «Ажойиб ўймакор уста эди, — деди у, — кўлидан чиққан ишнинг бежиримлигини кўрсангин... Тагин болажонлиги, оилапарварлигини айтмайсизми».

Қабрлар хилма-хил: бирлари пишиқ ғиштдан, тепаси цемент билан сувалган, бошқалари тупроқдан бинойидек гумбаз қилиб қўйилган, баъзилари чўкиб кетган...

— Устанинг хотирасини қандай абадийлаштиришди? — деб сўрайман ҳамроҳимдан.

— Жуда зўр, — дейди у. — Қайтиш бўлган куни уйдан одам аримади. Стол тузаб қўйишди. Маросим уч кун давом этди. Тиловат қилиб ўтирган еттита мулла ҳам «рози» бўлиб кетди.

«Учи» куни қўй сўйиб, ош тортилди. Сўнгра 200 га яқин «кир ювди»га келган хотинларнинг ҳар бирига қийиқчада беш хил мева ва нон бирилди. «Еттиси»да ҳам кўпчиликка ош тортилди. «Йигирмаси»гача ҳар пайшанба ва якшанбада, «қирқи»гача эса ҳафтада бир марта ош берилди. «Йигирмаси»ни кўринг эди: 80 кило гуруч дамланди!

Ҳамроҳим марҳумнинг «қирқи», «гули», «қовуни», «маъракаси», «оқ кийдиси», «йили», «ҳайитлари» қандай ўтганини ҳам ҳаяжонланиб гапирди.

— Афтидан, 5—6 минг сўм сарфлашибди-да?

— Кўпам деяверинг!

— Қабрига унча қарашмабди-ку...

— Барака топгур, болалари, уёғини жойига қўйишди, буёғи бўлса... энди одам ўлгандан кейин тупроққа аралашиб кетади-да...

Шу тобда хаёлимдан кўп нарса ўтди. Бир пайтлар Зуҳра хола деган кампир билан суҳбатлашгандим. У 48 сўм пенсиясидан, ўлим-йитимлигим учун, деб 2000 сўм тўплаган экан. Тўсатдан ўғли вафот этиб қолибди. Ўғлининг маъракаларини ўтказиш учун йил давомида ҳалиги пул етмай, яна минг сўмгача қарз олганини айтган эди. Шунингдек, таниш муаллима аёлдан эрининг маърака-ю маросимларини эл қатори ўтказиш учун бир йил мобайнида ишдан 45 кун жавоб сўрашга мажбур бўлганини эшитганман.

Ким билан суҳбатлашманг, марҳумнинг хотирасини эслашнинг ҳозирги шакли сифатида бир йилгача қилинадиган диний-зиёфат маъракаларини тилга олади. Одамлар диний жамоа таъсиридаги жамоатчилик маломатиға қолмаслик учун охириг тийинигача сарфлашга, ҳатто қарздор бўлишга ҳам рози.

Косон районига борганимизда тиканак ўтлар босиб кетган катта қабристонни кўрдик. Қоровулдан бу қаровсизликнинг босини сўрасак, қишлоқ муллasi қабристон шундай турса, савоб бўлади, деган эмиш.

Чала муллалар қабристонларга харажат қилинса, диний маъракаларни ўтказишга сарф-харажат камайишини англаб, ўзларича юкоридагиға ўхшаш уйдирмаларни тўқиб чиқарадилар. Ҳолбуки, қабристонни ободонлаштириш муқаддас ишдир.

Бу масаланинг «нозик» томони ҳам бор. Айрим жойларда марҳумнинг яқинлари меъёрни, одоб туйғусини унутиб, қабр ўрнига дабдабали «иншоот»лар қуришяпти. Бу билан улар мол-дунёсини кўз-кўз қилмоқчи, эл олдида текин обрў орттирмоқчи бўладилар.

Қорақалпоғистон АССРнинг Эллиққалъа районига борганимизда, қум барханлари ичидаги битта қабристонда бўлдик. Бу ерни ҳам ёввойи ўт ва тиканлар босган. Ушалар оралиғида улкан қошна — мақбаралар бесўнақай қад ростлай бошлабди. Қим-матбаҳо мрамрдан каттагина мақбара қурдираётган ёш йигитча олдиға бордик. Маълум бўлишича, марҳум — унинг отаси, район прокурори бўлган экан.

— Қонда бўйича қабр бунчалик катта майдонни эгалламаслиги керак-ку, бир вақтлар қонун посбони бўлган отангиз шаъниға тўғри келармикан? — дедик унга.

Йўқ, буни ўйлайдиган, мулоҳаза қиладиган йигитлардан эмас экан у. Ҳаммадан фарқ қиладиган мақбара қуриш билан отаси хотирасини абадийлаштирмоқчи бўлибди. Лекин бу мақбара марҳум шаънини улуғлармикан?

Шу ўринда Таллин яқинидаги қабристон эсга тушади. Қабрларнинг ҳаммаси бир хил. Атоқли кишиларнинг қабри ҳам оддий одамларнинг қабридан фарқ қилмайди. Фақат плитадаги ёзув марҳумнинг шахсини билдиради. Буни кўриб тирикликда қилинган эзгу ишгина кишиға муносиб ҳайкал бўлишини англайсиз. Беҳисоб маърака-ю, бесўнақай мақбаралар унинг ўрнини боса олмайди!

Яқин кишисидан жудо бўлган одам агар ёлғиз эмаслигини, қариндош-уруғлари, дўстлари, кўни-қўшнилари у билан бирга дард-алам чекаётганини сезиб турса, анча енгил тортади. Эътибор ва ҳамдардлик туйғулари марҳум яқинларининг қайғусини кўпроқ енгиллаштиради, дўст-ёрлар, қариндошлар ҳамкорлиги ва биродарлигини мустаҳкамлайди. Тобут яқиниға келган одам фақат марҳум ҳақида эмас, балки ўзи, умри давомидаги ишлари ҳақида ўйлайди, ўзига сарҳисоб беради. Инсон абадий яшай олмаслигини билса-да, аммо у абадиёт сари интилади, ўлим уни яна бир бор ўйланишга, мулоҳаза билан қадам босишга мажбур этади.

Дафн-хотиралаш маъракалари кўпгина жойларда диний йўналишда ва оилавий бюджетни ҳаддан ташқари исроф қилиш мақсадларига бўйсундирилаётгани — бу, ана шу маъракаларнинг

ҳаммага хуш келаётгани эмас, балки янгича гражданлик маросимларини турмушга сингдириш учун айтарли бирон иш қилинмаётганидир. Ҳар бир инсон қайтарилмас бир тарих. Бу тарих марҳум учун эмас, балки тириклар, унинг авлодлари учун керак. Уни абадийлаштириш, эъозлаш, хотирасини ёдда тутиш, яхши, ибратли ишларини давом эттиришнинг тарбиявий аҳамияти ғоят катта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизда янги гражданлик маросимларининг элементлари бор. Атоқли ва донгдор кишиларни дафн этиш ва хотирасини абадийлаштириш соҳасидаги тажрибалар бунга мисол. Яқин кишисидан жудо бўлганларга давлат ёки меҳнат коллективининг моддий ёрдам кўрсатиши, ҳамдардлик билдириб туриш одати мавжуд. Халқимизнинг азалий бир яхши одати бўлган: ўлик чиққан хонадондан етти кунгача «тутун чиқиши»га йўл қўйилмаган, бошига мусибат тушган одамларни моддий жиҳатдан сира ҳам оғир аҳволга солмаганлар, уларнинг оғирини енгил қилганлар, дардларига малҳам бўлганлар.

Умуман, янги урф-одат, маросим, расм-русмларни турмушга сингдириш осон иш эмас. Одамлар орасида: «дафн-хотиралаш маъракаларининг ҳозирги шакли миллий одатимиз, у бир умрга эсда қолади. Наҳотки, марҳум ўз умри давомида қилинаётган шу чиқимларга яраша қадр топмаган бўлса? Эсли-ҳушли одам ўз чўнтагига қараб ҳаражат қилади. Сизларга нима!» қабилда фикрловчилар оз эмас.

Аввало дафн-хотиралаш маъракаларининг ҳозирги шакли асло миллий эмас, у ислом дини тарқалган регионларда яшовчи деярли ҳамма халқларда одатга айланган. Айрим расм-русмларда тафовут бўлишидан катъи назар, моҳияти бир, яъни марҳум ўз ҳаёти давомида қилган ишларини қуръон оятлари соясида қолдириб унутиб юборишдан иборат.

Тарихий тажриба кўрсатяптики, диний маросимларни фақат танқид кучи билан, қуруқдан-қуруқ ниглистик инкор этиш йўли билан тугатиб бўлмайди. Шундай қонуният бор: янгилик эскилик бағридан ўсиб чиқади, ундан озик олиб, кейин янги сифатга айланади.

Дафн-хотиралаш маъракаларини янгича ўтказишга ўтиш ҳар бир жойда унга муайян раҳбарликни йўлга қўйишни тақозо этади. Жойлардаги маросим комиссиялари, дафн этиш бюрolari ишини тубдан яхшилаш лозим. Литва ССРда халқ анъаналари бўйича республика Совети тузилган. Бу Совет маросимларнинг тарихий негизларини, эстетик ва ахлоқий аҳамиятини, тарбиявий ролини ўрганиб, энг яхшиларини ҳаётга татбиқ этади. Ижодий ташкилотлар дафн-хотиралаш маъракаларини ўтказишнинг замонавий шакли — намунавий сценарийсини яратсалар янада яхши бўларди. Бунда ҳамма томонидан қабул қилинган кунларда марҳум хонадонидан нималар ҳақида фикр юритиш, таъзия билдиргани келганлар ҳам, хонадон эгалари ҳам нималар дейишлари таъсирли, ҳаяжонли ибораларда ифодаланиши, муайян расм-русмини бажо келтириш усуллари баён этилиши мумкин. Дафн-хотиралаш маъракалари комиссияси тузилиб, улар барча маъракаларга бошчилик қилишлари маъқулмикан, деб ўйлаймиз.

Маросимларни диний мазмунда, зиёфат-ошхўрлик шаклида ўтишидан манфаатдор одамлар борлигини назардан соқит қилиб бўлмайди. Уларга ўлик чиққан хонадондан таъма қилиш инсон шаънига тўғри келмайдиган иш эканлигини бод тушунтириш керак.

Марҳумларни эслаш атиги бир йил билан чекланмаса яхши бўларди. Негаки, ёшларнинг аجدодларимизнинг яхши фази-латларини билиб боришлари фойдадан холи эмас. Марҳумнинг руҳи авлодлар қалбида яшаши, унинг олижаноб ишлари давом этиши керак.



ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Солмағил жонингга заҳр...

Совуқдан қочибон ўт шуъласидан;
Тезак дуди сори қилмоқдир оҳанг,
Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб;
Нишот андин хаёл айлаб емак банг.
Бўлмаса тарёк ила жонингга баҳр.
Солмағил аччиқ била жонингга заҳр.

Алишер НАВОИЙ

Шароб ичма, қўйдирмағил димоғ абас,
Бу фитна шуъласидан ёқмағил чароғ абас.

Мунис ХОРАЗМИЙ

Хуш қилиб ўзни бу кечмақликдин,
Тавба қилдим чоғир ичмақликдин.
Олтуну нуқра суроҳию аёғ,
Мажлис олоти тамомин ул чоғ,
Ҳозир айлаб борини синдирдум,
Тарк этиб майни кўнгил тиндурдум.

БОБУР

Майхўрлик фитна-фасоднинг уяси бўлиб, ҳамма
бузуқчиликлар шундан келиб чиқади. ...маст бўлиб
юрганлар дунё ишларининг ҳеч бирига ярамайдилар.

Аҳмад ДОНИШ

Қўлдан берибон чу ақлу ҳушинг,
Кўкларга ётиб ҳам ул хурушинг,
Аввало, буки холиё хирадсен,
Муфт ичмагин, айла мунда радсен,
Шояд кўпайиб жиҳоту молинг,
Хор этма ўғул била аёлинг.

Очилди МИРИЙ

Еш йигитлар кесибон лафқау ҳар раста аро,
Қўлида шишаи май, оғзида куфр ила наво.
Ҳар каби ҳанграшибон шаҳрни айлаб ғавго,
Йўқ алар юзларида ҳеч дами шарму ҳаё,
Бўлубон ҳар каби ўтгай ҳама хандон ғалати.

Нодим
НАМАНҒОНИЙ



Шодмонбек Отабоев

ЛАХЗАЛАР



Ушбу дамдир, ўзга дами дам дема.
Ўзбек халқ достонидан

Бу дунёда ҳамма нарса нисбий. Одамзод умри ҳам, умрнинг лахзалари ҳам нисбийдир. Аммо инсон табиати шундайки, у тайёр ҳақиқатларни ўзича қайта кашф этмагунча тинчмайди.

Ешим ўттиздан ошгач, йиллар қувлашмачоқ ўйнагандай тез ўта бошлади. Ҳаш-паш дегунча ўттиз бешни уриб қўйдим. Агар етмишга кириш насиб этса, демак умрнинг нақ ярми қулогини ушлаб кетди деяверинг. Аммо одам ёши ўтиб, улғайиб бораётганини ўзи ҳам сезмай қоларкан. Автобусларда ёш-яланг гоҳо иззат қилиб «Амаки ўтиринг» дея жой бўшатса, ичимдан зил кетаман: «Наҳотки амаки бўпқолганман?!»

Ўттиз беш ёш! Шунча яшагча қачон, қандоқ улгурдим? Яқин-яқингача ўттизга кирган одам ҳам кўзимга қари кўринарди. Болалигимда қачон улғайиб, катта одам бўларканман дея кун санаган чоғларимни эслайман. Ушанда йиллар жуда ҳам секин ўтарди. Мен негадир тезроқ йигирмага киришни орзу қилардим. Айнан йигирмага! Назаримда, йигирмага кирсам бир мўъжиза рўй берадигандай, дунёда мендан кучли, мендан қудратли одам бўлмайдигандек туюларди.

Мана, икки марта йигирмага кирай деб турибман — ҳамон мўъжизадан дарак йўқ.

Илгари, ўсмирликда бўйимнинг секин ўсганидан хуноб бўлардим. Айвондаги устунга белги қўйиб, ҳар куни бўйимни ўлчардим. Кўча-қўйда учраган болакайлар билан зимдан бўйимни солиштирар, ўзимдан паканароқларини кўрсам, негадир қувониб кетардим. Энди эса ёшимни қиёслайман. Мендан анча ёш бўлатуриб, ҳаётда кўп нарсаларга эришган, кўп ишлар қилишга улгурган кишиларга ҳавасим келади, ўзимча маъёус тортиб қоламан.

Болаликдаги орзу-истаклар анча аниқ, тайинли бўлади: тезроқ йигирмага кириш, тезроқ бўйнинг ўсиши... Бу тилакларнинг рўёбга чиқиши одамнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас, хоҳласанг-хоҳламасанг бир кун йигирмага кирасан, бўйинг ҳам шигга етиб қолганини пайқамай қоласан. Эндиги орзу-умидлар анча мураккаб ва ғалати, кўпинча улар юксак идеаллар ёки турли хил ҳаётгий илинжлар ҳақидаги ўй-хаёллардан иборат бўлади. Ўзимиз хоҳлабми-хоҳламайми, билибми-билмайми, умрни муҳим ва номуҳим, биринчи ва иккинчи даражали лахзаларга ажратамиз.

Бир кун чойхонада икки қариянинг суҳбатини эшитиб қолдим.

- Сўраганининг айби йўқ, нечага чиқдингиз?
- Насиб қилса қовун пишиғида олтмиш саккизга кираман.
- Э-ҳа, сиз ҳали ёш экансиз. Мен етмиш саккиздаман.
- Ёш бўлиб энди дунёга устун бўлармидик. Барибир бир куни омонатини топширамиз.

— Ҳақ гап. Ўлмайдиган одам йўқ...

Ажабо! Наҳотки мен ҳам пайти келиб ўлим ҳақида шунақа бамайлихотир, киприк қоқмай гапирадиган бўламан?! Қанийди қайта ёшариб қолсаму ақлу хушим кексаларнинг донолиги, лоақал ўзимнинг ҳозирги тушунчам даражасида бўлса! Ҳаётимни бутунлай қайта қурган, мутлақо бошқача яшаган бўлардим. Аввало, умримни беҳуда ўтказмасдим. Фақат йилларнинг эмас, лахзаларнинг ҳам қадрига етардим. Чунки, шоир айтганидек, «лаҳзалар умримизни хўплаб қўяди».

Шундай ўйлайману бирдан сергак тортиб, ўзимча хижолат бўламан, кимдир устимдан кулаётгандек туюлади. Илгари ҳам бундай ўй-мулоҳазалар хаёлимдан ўтган, аммо дард бору дармон йўқ...

Биз кўпинча ғафлатда қоламиз. Одамлар қизиқ: тилла буюми йўқолса аюҳаннос солади, аммо ундан қимматли лахзалари беҳуда ўтса, ҳатто бутун умрни беъмани яшаб ўтса ҳам парво қилмайди.

Энди мен ўткинчи икир-чикир билан асосий нарсаларнинг фарқини яхши биламан деб ўйлайман, чунки сабоқлар анча қимматга тушган, тўсиқларга учраб пешонам неча бор ғурра бўлган...

Қайта ёшаришнинг иложи йўқ, шундай бўлса-да, беҳуда жувонмарг бўлган лахзалар ҳиссасини бир аммалаб чиқариб олиш мумкин эмасмикин? Мен бунга бир марта уриниб кўрганман.

Қишда сафарга чиқишни ёқтирмасдим. Поездда суткалаб юришга тобим йўқ, самолётлар эса об-ҳаво инжиқликларига қарамай уча олмайди. Таваккал қилиб аэропортга бордим. Менга ўхшаган таваккалчилар камроқ экан шекилли, билетни ортиқча даҳмазасиз сотиб олдим. Учишга ҳали бир соатдан ортиқроқ вақт бор. Чеккароққа бориб, сигарет тутата бошладим.

Вақт эса ўтиб боряпти... Беҳуда...

Мен баъзиларга ўхшаб кўча-қўйда ёки йўл-йўлакай китоб ўқишни ёқтирмайман. Одатда, кўчада кўп ўқийдиганлар уйда ўқимайди. Баъзилар учун вақтни тежаш эмас, балки вақтни, «ўлдириш» муҳим. Баъзан вазият тақозоси билан туғилиб қоладиган бўш дақиқаларда китоб ўқишдан кўра ҳаётни, одамларнинг юриш-туриши, афт-ангорини кузатиб кўпроқ нарса ўрганиш мумкин.

Сигарет чекиб бўлиб, энди чамадонга қўл қўзувдим, орқадан кимдир исминини айтиб чиқирди. Ўгирилсам — собиқ курсдошим Зиёдулла кулиб турибди. Кучоқлашиб кўришдик. Уни зўрға танидим. Бутунлай ўзгариб кетибди. Сочлари тўкилиб, қаримсиқ тортиб қолган бу йигит мен билган Зиёдуллага мутлақо ўхшамасди. Қарашлари ҳам суств ва ҳорғин. Боёкиш анча чақилиб қопти. Йиллар! Зиёдулла группамизда келажаги порлоқ студентлардан ҳисобланар, ўзи ҳам эпчилгина, тиришқоқ, домлалар билан иноқ, севиғи масаласида ҳам омадли эди. Ўқиш биттач,

институтда қолишга таклиф этишганда кўнмади. Қишлоғига бориб, мактабда ишлаб бошлади.

— Хўш, қандай шамол учирди?

— Малака оширишга келувдик.

— Қачон?

— Икки ой ўқидик. Энди, айбга буюрмайсан, олдинга ўтолмадим. Зиёдулла хижолат бўлиб, қизаринди.

— Шунча кунда икки соат вақт тополмабсан-да! — дедим астойдил хафа бўлиб.

— Ҳозир одамнинг ўзидан ортиши қийин экан. Сенинг ҳам таъшишинг етарли.

Зиёдулла ялтоқланмай, тўғриси айтди-қўйди.

Сухбатимиз энди қисқа савол-жавобдан нарига ўтмасди. Гап ҳам дарров тугаб қолди. Мен зерика бошладим.

Зиёдулла билан рейсимиз битта эди. Учишга ҳали эрта. Вақт эса ўтяпти...

Иккинчи сигаретни тутатаётиб, Зиёдулланинг яп-янги туфлига кўзим тушди. Шунда туфлимнинг тавони ейилиб, анчадан буён мойланмаганини эсладим. Хизмат юзасидан ҳали кўп идораларга киришим керак, шу алпозда борсам яхши бўлмас. Ҳозир айна фурсати!

Зиёдуллага телефондан кўнғироқ қилиб келаман дея баҳона қилдим-у аэропорт биқинидаги пойабзал устахонасига бордим.

Ишимни битириб келсам, Зиёдулла ҳаво айнагани учун учиб уч соат кейинга қолдирилганини айтди. Пешонам тиришди. Уч соат-а! Энди нима қилдим.

Вақт ўтяпти...

Агар Зиёдулла билан ресторанга кириб, окиданми, қизилданми секи-ин майдалаб, «Мен сенга айтсам»га тушса, уч соат эмас, ўн соат ҳам сезилмай ўтиб кетади. Аммо бундан нима фойда?! Мен фақат шу дамларнинг эмас, жамики беҳуда ўтган лаҳзаларнинг ҳам ҳиссасини чиқаришга аҳд қилганман.

Демак, ресторанга кирмаймиз. Сухбат ҳам қовушмаяпти. Шаҳарга тушиб, кино кўрсак-чи?! Аммо шаҳарда бошқа нарсалар ҳам бор-ку! Масалан, санъат музейини шу маҳалгача кўрмаганман. Рассом дўстларим бунни юзимга солиб, кўп уялтиришган. Демак, ҳозир айна фурсати. Зиёдуллага шунини таклиф қилувдим, чарчаганлигини айтиб узр сўради. Майли, дамингни ол, дедиму чамадонни унга қолдириб, ўзим музейга жўнадим.

Роса омадим бор экан. Музейда ҳаяжонли бир воқеанинг устидан чиқдим. Йигирма саккиз ёшида ҳаётдан кўз юмган талантили рассомнинг кўргазмаси очилаётганди. Мен бу рассомнинг таъриф-тавсифини кўп эшитган, у ҳақда ўқиган бўлсам ҳам кўргазмасида бирон марта бўлмагандим. Рассомнинг мухлислари кўп, айниқса ёшларнинг унга меҳру ихлоси баланд эди. Ҳар гал бу рассом ҳақидаги шов-шувларни эшитганимда бир нарсадан айниқса кўпроқ ҳайратланардим: «Ахир нега бу гаплар, бу ҳамду санолар унинг ўлимидан кейин айтиляпти? Тириклигида у бундай шарафга нолийқимиди? Балки булар фожеа — ўлим билан боғлиқ ғалати бир сирдир?!»

Улкан санъат қошонасининг учинчи қаватида хушрўйгина, кўзойнакли кекса рассом қизил лента олдида туриб сўзлаётганди. У марҳум рассом она юрт табияти ва замондошларининг жонли сиймосини авлодларга мерос қилиб қолдиргани ҳақида гапирди. Қарсақлар янграб, лента қирқилгач, томоша бошланди.

Инсоний меҳр ва тафаккур шуури сингдирилган жонли суратларга узоқ вақт маҳлиё бўлиб қолдим. Балки мен бу суратларни бир санъатшунос даражасида англамагандирман. Аммо бутун борлигимни нафосатга, боқийликка дахлдорлик туйғуси тўлдирган, руҳим энгил эди. Мен энди ўзимни мана шу санъатсиз, мана шу рассом дунёсисиз тасаввур қилолмасдим. Худди шу бугун, шу соатда, шу ерда бўлишим бутунлай тасодиф эканини тан олгим келмас, бу тасодиф ўрнини ҳеч нарса тўлдирди олмаслигига ишончим комил эди.

Рассом бор-йўғи йигирма саккиз йил яшаганди. Мангулик олдида бу бир лаҳза, холос. Бир инсон умрига нисбатан-чи? Одамзод ҳеч қачон қанча умр кўришини билмайди, бунни тахмин ҳам қила олмайди. Унинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам балки шундадир. Йигит ёшида ўлиб кетган даҳолар-чи? Гўё улар қисқа умр кўришларини билишган-у ўзларига мангу ҳайкал қўйиб кетишган! Ҳарқалай, уларнинг ҳаёти билан ижоди ўртасида ғалати номутаносиблик, англаш қийин бўлган бир тилсим бордек туюлади...

Ўй-хаёлларим айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Таассуротлар оғушида сархушу сармаст эдим. Ўзимда қандайдир бир ички янгилиниш, шу маҳалгача сезмаган куч-қудрат туйдим.

Бир маҳал соатга қарадим-у, юрагим «шув» этди. Самолёт учишга бор-йўғи қирқ минут вақт қолганди. Билетларни камида ярим соат олдин қайд қилдириш керак. Ҳовлиқиб пастга югурдим. Бекатда оёғи куйган товукдай типирчилаб, машина кута бошладим. Йўллар тойғонок. Гилдирагига кўпол занжир боғлаган автобус, троллейбуслар ғашини келтириб имиллайди. Шундай дақиқаларда энг шафқатсиз нарса — вақт! Лаҳзалар... Мана, ўттиз етти минут... ўттиз беш минут қолди. Соатим тўғри юрагимникин дея ўтган-кетгандан вақтни сўраб қўяман. Кўнглимда пинҳона бир илинж уйғонади: зора бир мўъжиза юз берса-ю жамики соатлар лоқал ярим соат тўхтаб қолса! Иложсиз дақиқалардан ғойибдан мадад кутишга ўрганиб қолганмиз. Балки йўқни йўндириш ёки ёзда қор ёғдириш мумкиндир, аммо вақтни бир лаҳза бўлса-да тўхтатиб бўлмасди. Соатни қулоғимга тутаман: чиқилалайти лаънати! Назаримда, юрагим ҳам соат секундида ҳамоҳанг, безовта дукилларди.

Ниҳоят, таксига ўтириб, аэропортга етиб келдим. Барибир кечикдим. Зиёдулла ҳам учиб кетибди. Чамадонни бирон жойга топшириб кетгандир деб сўраб-суриштирдим. Топилмади. Демак, орқасидан етиб боришимни билиб, ўзи билан олиб кетган. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин — балки ортиқча бошоғриқни истамагандир.

Билетини зўрға навбатдаги рейсга қайта расмийлаштирдим. Кутиш залига чиқиб, бўш ўриндиққа оғир чўқдим. Радиокарнайдан учиб қолдирилгани эълон қилинди.

Кутяпман. Алам билан кутяпман. Ичимга қил сиғмайди. Вақт эса ўтяпти... Мен вақтдан ўзиб кетмоқчимидим ёки уни изимизга бўйсундирмоқчимидим — билмайман. Ҳарқалай, қалтис ўчақидим чоғи, балки шунга жазоланаётгандирман.

Ҳавонинг авзойи очилмади. Кўнглимдаги ғашлик, дилгирлик ҳам таркамади. Самолёт ҳам учмади.

Мен фақат эртаси куни манзилга етиб бордим. Чамадоним область аэропортида ҳам йўқ эди. Чамаси, Зиёдулла тушмагур чамадон баҳонасида қишлоғига қидириб боришимни жудаям хоҳлаган кўринади. У яшайдиган тоғлик район шаҳардан анча олис, энгил машинада уч соатлик йўл. Аммо бормасам бўлмайди — чамадонда керакли қоғоз-хужжатлар бор.

Шаҳарда ишларим битгунча уч кун ўтиб кетди. Тўртинчи куни Зиёдулланикига жўнадим. У тоби қочиб, касалхонада ётган экан. Бориб кўрдим.


Ниҳоят, сафар қариди.

Қайтишда, йўл-йўлакай, саргузаштлар бирма-бир хаёлимдан ўтди. Туфли, музей, чамадон воқеаларини эслаб, гоҳо истеҳзо билан кулиб кўяр, гоҳ негадир мунғайиб қолар эдим. Назаримда, бу воқеаларда рамзий, ибратли бир маъно бордек туюларди. Мен лаҳзалар қиммати, одамзод умридаги қонуният ва тасодифлар нисбати ҳақида ўйлардим.



Ботирхон Акрамов

Шеърятда сўзни қадрлаш санъати



Алишер Навоий, аввало, бадий сўз даҳоларига буюк эҳтиром сақлаб, қолаверса, анъанага риоя қилиб, ўзининг шоҳ асари «Хамса» муқаддимасида «Сўз таърифида» номлида махсус боб ажратар экан, унда бадий сўзнинг кучига илоҳий маъно беради, чунончи: «Балки башар хайлини пок ўртагай» дейди шоир. Бу биргина мисранинг мухтасар шарҳи шуки, бадий сўз ўзининг мўъжизакор сехри — жозиба ўти билан инсон таффақури ва ҳиссий-руҳий дунёсидаги барча ғайриинсоний, сохта — нотабиий, ғуборли, зарарли унсурларни куйдириши — «ўрташи», шу тариқа «башар хайли» — тоифаси покланиб, ўз моҳиятини — чинакам маънавий сиймосини, аъмоли нималигини англаши мумкин... То ҳануз, хусусан, шеърятда сўзга муносабат шоирнинг ижодий тақдирини белгиловчи мезон — ҳақиқат ва нафосат ўлчови бўлиб келади. Шоир сўзнинг бадий кучига, теранлиги ва салмоғига қараб унинг ижодига муносабат билдирамай, шоир сўзига қараб унинг шахсини, адабиётдаги ўрнини белгилаймиз.

Бадий сўзнинг қудрати — давомли, ёзган билан аҳамияти камаймайдиган мавзу. Биз бу муҳим муаммонинг фақат бир жиҳати — шеърятда бадий мантик яратиши, унинг ҳаёт ҳақиқати билан ўзига хос нозик, руҳий алоқаси ҳақида, шунингдек, бу бадийят қонунининг айрим бузилиш ҳоллари, уларнинг сабаблари устида баҳс юритамиз. Текшириш объективимиз, асосан, ёшларнинг кейинги беш-олти ой мобайнида матбуот саҳифаларида эълон этилган шеърлари. Буларнинг ичида публицистик ҳозиржавоблиги, мушоҳада уфқининг кенглиги, фалсафий таҳлилга мойиллиги ва муҳими, бадий-мантикий бутунлиги билан Жамол Камолнинг «Учар тарелкалар» шеъри ажралиб туради. Беихтиёр шоирнинг илк китоби «Олам кирар юрагимга» (унга устоз Миртемир назари тушган, адабий жамоатчилик камоли эътибор билан муносабат билдирган эди) ҳаёлимдан ўтиб, қайси бир шеърдаги: «Қалбингдаги оташ муқаддас, қўлингдаги ўтдан кўрқаман» мисралари янгидан янграгандай бўлди. Мен «Учар тарелкалар»да ғоятда таҳликали ўша башарий муаммонинг бугунги талаблар масштаби билан ўлчаса арирли янги талқинини кузатдим. Классик шеърятимизнинг санъат сирларидан воқиф (буни айниқса аруздаги шеърлари аён кўрсатиб туради), Шарқ ва Ғарб шеърятини анъаналари, турли бадий таъсирлар бугун универсал-комплекс характер касб этганини яхши тушунган, ҳофизаси кенг, маърифати солим шоир, табиий, мушоҳада аввалини инсониятнинг узок тарихидан белгилайди.

Дунёга келганда ожиз эдинг сен,
Кўз очган чоғингда ёлғиз эдинг сен...
Дунёга боқдинг саволга тушдинг,
Кўрдинг шу жаҳонни кўрқинч ва холи,
Ўша кун бир ажиб ҳаёлга тушдинг,
Юрагинга тушди тангри ҳаёли...

Тангрини танигани билан тинч турмаган, унга шаккоклик қилиб исён кўтаришдан тоймаган ўша антик замонлардан бўён инсон ўзлиги, қисмати, борлиққа муносабати тўғрисида бош қотиради, нажот ахтаради: гоҳ ором билмай изланади, кашфиётлар қилади, савоб ишларга, фазлу камолга интилади, гоҳ қонли жиноятларга қўл уради, оғир гуноҳлар йўлига қиради, бунинг касоратидан кулфатларга, фожиаларга дучор бўлади...

Улғайиб тангрини тарк этдинг, башар,
Сени ҳам гўёки тарк этди оллоҳ...
Билмадим, дунёни буздингми, туздинг,
Бу кун иродангда не зоҳир, одам?!

Эндиликда барчага аёндики, башарият ўз тарихий йўлининг турли мураккаб манзилларида ҳеч қачон бугунгидек таҳлика — юз бериши мумкин бўлган ядро қирғини каби даҳшатли вазиятга тушмаган. Бу жаҳоний фалокатнинг олдини олиш имкони топилармикин?.. «Шунчалар маърифат, билим, мафкура — Наҳот чеколмаса йўлларинга ғов?» — шоирни шундай сўроқлар қийнайди. Лекин у юритган фалсафий мушоҳада мантики шуни тақозо этадики, башарият ўзи кашф қилган мислсиз киргин қуроли — атом ваҳшатини даф этишга ожиз экан, бу ҳудудсиз, демак, қудрат ва имкониятлари ҳам чексиз олам гунгу лол қолмаслиги керак... Йўқ, «самовий биродарлар» афсона эмас! Улардан нажот кутиш мумкин. Ўз заковати билан «кўк тоқига нарвон қўйган» (Э. Воҳидов) инсоният энди ёлғиз эмас... Шу тариқа чинми, афсонами (илмий фараз ҳақиқатга айланиши ҳам мумкин-ку), «учар тарелкалар» атрофидаги шовшувлар гўё мўъжизакор кучга айланади: шоир шеър санъатининг «чиroyли ёлгон» — ижодий ҳаёлдан бадий ҳақиқат яратиш, имконсиз кўринган жойда имкон қидириб топилмадек сехрли усулларидан бири сифатида «самовий биродарлар» тимсолига муурожаат қилади.

Менинг оғаларим, айтинг қайдасиз?
Башар ёлғиз, деган гаплар — афсона.
Қайси юлдуздасиз, қайси ойдасиз,
Қайси қиёфада, ким бўлманг яна —
Фалак элчилари, ҳакамлар, келинг,
Ташвиш, талвасалар топсинлар абас...

Бу чинакам башарий дард ва поэтик эҳтирос билан битилган сатрлардан аён кўринадики, «Учар тарелкалар», шак-шубҳасиз,

гойвий юксаклиги билан, яъни давримизнинг биринчи муаммоси — ядро уруши хатарини даф қилиш, инсоният тинчлигини сақлаб қолишдек бирдан-бир ҳаётӣй, муқаддас ишга дахлдорлиги, демак, салмоқдор мазмуни, ёрқин лирик-публицистик образлари билан ҳозирги шеърятимизнинг намуналари қаторида туради. Шоирнинг ютуғи шундаки, мазкур шеърда ҳаётнинг гоёт мураккаб, ечими мушкул бўлган муаммоларидан бирга қутилмаганда поэтик жавоб топиладан...

Закий, талабчан журналхон: «Хўш, Жамол Камолнинг янги шеърларида камчиликлар ҳам борми?» деб сўраши мумкин. Албатта, камчиликлар йўқ эмас. Мен бу борада аввалроқ «Жавобгармиз бу дунёга...» сарлавҳали газета мақоласида ёзганман ҳам. Бу гал бир маслаҳат тариқасида, шоир ўз таассуротларини мумкин қадар мухтасар шаклда ифодалашини, сўзни «поэтик иқтисод қилиш» (М. Светлов)га алоҳида аҳамият беришини холисанлило айтар эдим. Улуғ Гёте Ф. Шиллер ҳақидаги хотираномасида шундай дейди: «Мен бир гал унинг йигирма икки бандли тугалланган манзумани етти бандга келтирганига шахсан шохид бўлдим. Бу даҳшатли операциядан шеърга зиён-заҳмат етмади. Сабаби, бу етти бандда аввалги йигирма икки бандгаги энг кучли фикрлар, образлар саралаб берилган эди» («Гёте об искусстве» китобидан, 235 б.). «Поэтик иқтисод маҳорати шундаки, — дейди Михаил Светлов, — фақат заифроқ сатрларни эмас, бадий бутунликка эришиш учун баъзан яхши сатрларни ҳам аямасдан қисқартиришга тўғри келади» (М. Светлов. «Беседа», 355 б.) У яна: битта яхши ва битта ёмон — иккита шеърга эга бўлгандан кўра, биргина яхши шеърни қолдирган мақбул эмасми, дейдики, шеърятимизнинг сифатини, салмоғини, ҳақиқий камолини ўйлаганда бу ибратли гап. Айни чоғда ўзига ва кўплаб шоирларига жуда талабчан бўлган Светлов ҳажми катта, том маънода мазмундор, бадий етук асарга ҳеч қандай эътироз билдирмаган. У ёзда: «Менга, масалан, «Евгений Онегин» ҳозирги машҳур шоирларнинг энг яхши шеърларидан мухтасарроқ туюлади» («Беседа», 356 б.). Агар Гёте, Светлов талабчанлиги билан қарайдиган бўлсак, Жамол Камолнинг журналдаги яхши шеърларидан, бир жиҳатдан «Учар тарелкалар» билан ҳамоҳанг, публицистик ҳозиржавоб руҳдаги «Тушунтириш хати»ни маълум даражада қисқартириш зиён қилмас эди... Шеърятда сўзни иқтисод қилишга оид танқидий мулоҳазаларимиз ҳозирги шеърятимизнинг турли авлодига, айниқса истеъдод даражаси, ижодий имкониятлари билан «яхши ва ҳар хил шоирлар» (В. Маяковский) тоифасига мансуб ижодкорларга ҳам дахлдордир, албатта.

Айрим шоирлар тезроқ матбуотда кўриниш истаги, айниқса биринчи китобини (сўнгра, кейинги китобларини ҳам) қандай бўлмасин нашр эттириш истагига батамом асир бўлиб шошадилар-да, оқибатда шеърӣй мантиқнинг нозик метёридан чиқиб ҳоллари, поэтик мушоҳаданинг ҳали «хом ва нотамом» (Навой) маҳсулотидан, ўз истагига қарши, китобхонга тақдим этиш ҳоллари содир бўлади. Лекин ҳақиқий истеъдоднинг марғуб, кучли хислати шундаки, у тинимсиз изланишлар, кузатишлар жараёнида ҳаётдаги турли нарсалар, ҳодисалар моҳиятини, ўзаро муносабатлардаги нозик ҳолатлар, уларнинг мураккаб қатламларини тобора чуқурроқ идрок этиш, ўзига тобора талабчанлик ҳисси билан ёзиши натижасида аввал юз берган баъзи бир хомликлар, нотамомликлар такрорланишига йўл қўймайди. Ёрқин истеъдоди билан ёш шоирлар ичида ажралиб турган Фароғат Камолова вақтли матбуот саҳифаларида анча йиллардан бери кўриниб келаётган бўлса-да, илк китобини 1985 йили чоп эттирди. Китобга унинг матбуотда шу йил эълон қилинган янги шеърлари ҳам кирган. Дастлаб, шоирнинг биринчи изланиш меваларидан мисол олиб кўрайлик.

Ногоҳ юлдузларга термулиб қолдим,
Ажиб бир туйғудан энтиқдим шу дам.
Ҳислар кучоғида бир дунё топдим,
Бу сен — осмон қадар бепоён Ватан.

Бу сатрларда акс этган табиӣй, жўшқин кечинмаларнинг анча «хом»лиги шундаки, улар ҳали аниқ, бетакрор образли қиёфа касб этиб улгурмаган (сўнгра, масалан, «осмон қадар бепоён Ватан» тугилмаган образ эмас); тўғри, биз шоира ҳисларининг самимиӣлигига ишонамиз, лекин улар ҳали «нотамом»-умумийликдан халос бўлиб, ўзига хослик, бутунлик ва ёрқинликка эришмаган, шунинг учун тасаввуримизда ўрнашиб қолишга ожизлик қилади. Бошқа бир шеърда шоира туйғулари, ўйлари анча тиниклашганини, конкретлашганини кузатамиз:

Болалик абадий тарк этган куни,
Ҳаёт, меҳнат бўлиб чорлагин мени!
Менга кам кўринса яшаш мазмуни,
Ҳаёт, устоз бўлиб чорлагин мени!

Албатта, ёшлиқнинг гарду губорлардан, турли тамалардан холи, самимиӣ дил ихҳори тарзида шаклланган бу мисраларда ҳамон бетакрор ўзига хослик кўринмайди, олам оригинал кечинма-образларда сувратланмайди. Лекин Фароғат тинимсиз изланади, туйғуларига, ўй-хаёлларига конкрет ҳаётӣй нисбатлар қидиради, бундан мушоҳада аниқлиги ортади, образли лавҳалар тугилади:

Гўдак тортқилайди ёпиқ эшикни,
Бутун кучи билан уринар гўдак.
Гўдак ким? У менинг бебош ўйларим...
Уриниб тортқилар дунё эшигин.

Изланишлар давом этгани учун ҳам шоира қаҳрамонига «дунё эшик очади», унинг гўзалликлари, авваллари сир бўлиб туюлган мўъжизалари бир-бир инкишоф этила боради. Мана, китобда «Шукрона» деб номланган шеърнинг бадий эътибори билан дастлабки комил, бетакрор-образли мисралари:

У билан ёнма-ён юрган пайтларим,
Йўллар, борингизга қиламан шукур.
Сира тугамаса унга айтарим,
Сўзлар, борлигингиз учун ташаккур...
Бошларимни эгай ерга теккунча,
Қувонч, яширдинг-ку бизни бағрингга.
Унинг кўзларида ёнган муҳаббат,
Айниқса, ташаккур сенинг борингга...

Шоирнинг ютуғи шундаки, у ҳаётнинг муҳаббат исмли ноёб ҳақиқатини жўшқин кечинмалар тарзида, мумкин қадар аниқ ва ёрқин ифодалашда, ўша кечинма замирида ётган фикр билан сўзнинг бадий қудрати — лутф ўртасидаги нозик алоқадорлик — ички таносибни, шеърятни юксак санъатга айлантирувчи бадий мантиқни ҳис қилади. Бусиз мазкур парчадаги «йўллар», «сўзлар», «қувонч», «муҳаббат» ташбихларининг ҳар бири қутилмаганда жонланиб «инсонийлаш»мас, индивидуал кечинма-образга айлана олмас эди.

Куз ҳақида, ҳазон япроқлари ҳақида шоирлар аксарият ҳазин шеърлар ёзадилар. Фароғат эса ўша заъфарранг япроқларга чинакам ошиқона назар ташлайди, натижада ўқувчига хушҳол кайфият берувчи янги образ-лавҳа яратилади:

Бу сарғиш япроқлар ҳам эмас сира,
Куёшнинг Замирга дийдор хатлари,
Ҳар йили йўлларда ўқилмай ётган
Боқий муҳаббатнинг очик дафтари...

Истеъдоди шоира оригинал изланишлар заминиде туриб, шеърларида сўзга ҳамisha юқори қиммат бериб, мумкин қадар каттароқ умумлашмаларни кўзласа, мумкин қадар теран, салмоқдор лирик образлар яратса, ажойиб замондошимизнинг ёрқин шеърӣй портретларини чизиб муҳлисларни хушнуд этса ҳеч ажаб эмас.

«Ёшлиқ»нинг 12-сонидан ўрин олган Ойгул Суяндикованинг шеърӣй гулдастасида ёш шоирнинг ўз туйғуларини табиӣй жўшқинлиги билан, эркин ифодалай олиши, кўнглидаги маҳрам сирларини китобхонга ишониб айтишга журъат қилиши — бутун самимиӣяти сезилиб туради. Муҳими, у таассуротларини, эзгу хотиралари ва безовта хаёлларини конкрет лирик лавҳаларда, манзара-образларда ифодалашга интилади: «Чаман-чаман очилган юлдуз. Ой самода олмос камондай», «Болалик юлдузга тушади асир. Жилмая бошлайди номозшомгуллар елларнинг беозор ўпичларидан», «Сувратга туширар мени сукунат», «Фақат олисларда кизаради уфқ, Уйғониб кетгандай кўриб ширин туш», «Энтиқмоқда саодатли тонг, Куёш чикар кўшиқ айтгали». Шуниси қувонарлики, бу шеърӣй парчаларнинг ҳар бири азалий ҳодисалар, жараёнлар, дақиқаларнинг фақат Ойгул назари, уқуви, диди билан илғаб, саралаб олинган янги, ўзгача образли қирралари тарзида шакллангани сезилиб туради, уларнинг ҳар

бири ўзининг ҳаётий мантиқига мутаносиб бадий бутунлик ва ёркинликка эга. Истеъдодли шоира нозик нигоҳ ёрдамида гавдалантирилган реал манзара лавҳаларинигина эмас, анча зиддиятли, мураккаб олам-руҳият образларини ҳам мумкин қадар жонли чиқишга интилади:

Мен-ла яшаш истаб бир умр
Хотиралар бағрин очади.
Истасам ҳам, истасам ҳам
Яшар истра аччиқ аламлар.
Улар — тинчим бузгувчи олам,
Тундай оғир-оғир қадамлар.

Ҳазин ўйчанлигию ёркин музикийлиги билан ўзига тортувчи бундай мисралар Ойгулнинг изланишларига қизиқишимизни оширади.

Истеъдод нишонлари аён сезилиб турган болалар шоири Рустам Назарнинг янги шеърларини чинакам шавқ билан ўқидим ва болалар ҳақидаги шеърнинг туғилиши учун уч нарса зарур экан, деган фикрга келдим (бу асли шоир истеъдоднинг қирраларидир): болалик дунёсининг ажойибот ва ғаройибтларини (Навоийнинг «Ғаройиб-ус-сиғар»ини эсланг) яхши билиш, синчковлик билан кузатиб бориш; боланинг навниҳол, маъсум табиатига, учқур, эрка хаёлларига, муболаға ва лофларга мойил тасаввурига, эркин, дадил фантазиясига монанд ҳаётнинг мумкин қадар шўх-қувноқ, нузли-қанотли, улуғвор, сирли-сеҳрли жиҳатлари тўғрисида ёзиш; ниҳоят, шоир таъбининг равонлиги-услубининг қўйма соддалиги, музикийлиги, илоҳи борича бола тасаввурига сиғадиган қизиқ турмуш деталлари, ташбиҳ-муқоясалар орқали образли ифода яратиш... Мана Рустамнинг шундай шеърларидан — «Сумалак». Наврўз кунларининг бирида: «Яйраб қанот қоққандай Гулзор узра капалак — Қизча жўшиб куйларди: «Сумалак, эй Сумалак!» Шу пайт онаси кишлоқдан... сумалак олиб қайтади. Қизалоқнинг қаёқдандир пайдо бўлган шумтака акалари ўртага қўйилган косани бир-бирдан қизғониб, талашиб, бўшатадилар. Қизча бу манзарани кўриб «тош қотади», йиғлагудай бўлади. Шоир ёзади:

Билмасди не дейишни —
Истасасди кўшиққа
Нон ботириб ейишни!

Бу ҳаётнинг бола тасаввуридидаги ҳақиқатидан ўзига хос шеърини мантиқ яратиш намунаси.

Андижонлик Ҳалима Қорабоева қатор китобларнинг муаллифи, демак, кўп йиллардан бери қаламини тарашлаб келади, лекин унинг янги шеърларида анча пухта битилган, маълум изланишлар маҳсули бўлган яхши сатрлар билан ёнма-ён... озми-кўпми сайқалталаб, ҳали ўзининг бошқа бир сўз-ташбиҳ билан ўзгартириб, алмаштириб бўлмас хос ўрнини топмаган, ҳатто пароканда сўзлар, зўраки мисралар ҳам учрайди. Мана «Сизнинг эмас бу — менинг ҳаётим» сарлавҳали шеърдан бир банд:

Ҳар хил қолипларга сигмайди умр,
Ҳис ила фикратдан этилган таъмир.
Гоҳида қийнади беҳуда сабр.
Бир кун синар, деб бўлмаг совуққон
Соҳиб иродага этмангиз жабр.

Маълум даволарим яхлит ва изчил далиллансин учун кейинги банддан яна икки сатр кўчираман.

Очиқ кўнгил ила олқишланг ҳар он,
Мен ҳам инсонлигим сезиб юрайин.

Авалло, курсив билан қайд этилган «таъмир», «синар», «совуққон», «соҳиб ирода», «олқишланг», «ҳар он» сўзлари контекстда бири ўхшовсиз, ғализланиб, бошқаси ўғайланиб туришини, хуллас, шеър сатрлариде олатда ўзгача назокат касб этадиган маъно — мантиққа анчагина шикаст етганини айтиб ўтиш керак. Қолаверса, асосий мантиқий сакталиқ бошқа ёқда: сарлавҳадан, айрим рисоладаги мисралардан англашланиди («Баландлардан келиб бермангиз фармон, Ҳаётнинг ўзидан чиққан саводим» каби), шеър полемик характерда, агар янглишмасам, лирик қаҳрамон уни ҳеч қачон тушуниб етмайди-

ган, носамимий, қуруқ расмиятчи, худписанд, бир шахс билан мунозарага киришади, ўзининг эрк-ихтиёрини, эътиқодини, мустақил ҳаётий йўлини, мустақил фикрини, шавқини ҳимоя қилади. Бас, шундай экан, қаҳрамон ўша ўзи хуш кўрмаган муҳолифига: «Сиз менинг иродамини охири синдираман, деган умиддасиз, бу билан менга жабр қилмайсизми?» дейиши анчайин чучмак бўлса ҳам, кейинги мантиқсиз, кўполроқ қилиб айтганда, туссиз гаплар олдида буниси ҳалво дейсиз: «Сиз ҳар он(?) олқишласангиз «мен ҳам инсонлигимни сезиб юраман».

Ҳалиманинг «Ерга ёт эмасман...» шеърда ҳам сўзнинг контекстдаги ўрнига турлича — марғуб ва номарғуб муносабатни кузатамиз. Мана ундан бир банд:

Шу азиз тупроқда ўтсин ҳар оним,
Ундан қувват олар қалбим, имоним.
Кўк ишқи, хаёли олса-да жоним,
Оташ севгим билан ерга паноҳман.

Тўғри, дастлабки икки сатр эътирозга эмас, эътиборга арзигулик. Лекин кейинги мисраларда курсив билан қайд этилган сўзлар фақат қофия учун қурбон бўлган дейиш мумкин. Мен шеърятни сўзма-сўз талқин қилишдан йироқман. Шундай бўлса-да, менга қоронғи: нега «кўк ишқи» шоира қаҳрамонининг «жонини олиши» керак? Борди-ю бундай фидойилик зарурати бор экан, уни бадий-мантикий асослаб берилсин эди. «Ерга паноҳман»га келсак, гарчи шоир зоти бутун башарият номидан сўзлашга ҳақли бўлса-да, ҳар қалай, бу Ҳалима қаҳрамони учун бирмунча нокамтарлик бўлур эди. Қолаверса, «ерга паноҳ» деган юксак тушунча, баландпарвоз янграйдиган ибора учун, юқорида қайд этилганидай, муносиб мантиқий замин ҳозирлаш ҳақида қайғуриш керак бўлади...

Шоиранинг «Қайтмас дақиқалар» сарлавҳали шеъри ҳам анча зиддиятли: икки банди жонли, ҳаётий чиққан бўлса, икки банди қийин-қистов билан ёзилгани сезилиб туради. Чунончи, «саҳардан хониш қилган «бир куш» ҳақидаги банд шундай табиий, ишонарли тамомланади: «Балки у куш куйламоқда қайтмас дақиқалардан». Охириги банд ҳам бизда қониқиш туғдиради, мана унинг икки сатри: «Бепарво эгасини хушёр қилади юрак, Оғоҳ этиб ҳамиша қайтмас дақиқалардан». Лекин қолган бандларнинг зўракилиги, ўйлаб топилганлиги сезилиб туради. Чунончи, қуриган дарахт шохи шамолда гичирлаб... келаётган баҳордан умид қилаётгандай(?) бўлади, демак, у ҳам бизга ҳаёт ҳақида юқоридаги фалсафани айтаётгандай туюлар эмиш... Ўлган жисм қандай қилиб яна ҳаёт ҳақида бирон-бир маъно ифодалай олсин? Яна майли, қаловини топса, қор ҳам ёнади, деганларидай, балким, қуриган шох ҳам «қайтмас дақиқалар» ҳақида бирор сирли нидо бериши мумкин, лекин бунга шоира эриша олмаган. Кейинги бандда «ёзда чопқиллаб ўтган» ирмоқларнинг қишга келиб музлаган ҳолатидан яна ўшандай «ғоя» чиқарилади. Бунда, аввало, тасвир объекти — табиатта хос азалий ҳақиқат бузиб талқин қилинади: наҳотки музлаган ирмоқлар келаси баҳор яна аввалги шўхлиги билан оқмаса, «дақиқалар қайтарилмаса?». Шоиранинг мақсади, албатта, бошқа: у бизни хушёр тортириш, ойларни, йилларни кадрлаш ҳақида ўйлашга мажбур қилиш. Лекин унинг «музлаган ирмоқлари» ҳис қилинмагани, ички маъноси — моҳияти очиб берилмагани учун озгина бўлсин ўзига жалб этолмайди — «қайтмас дақиқалар» бу гал сунғий, зўраки сўзлар бўлиб қолаверади. Демак, шеърятга хос бадий мантиқни эмоционаликсиз тасаввур қилиш қийин.

Охунжон Ҳакимовнинг янги шеърлари, хусусан, «Алла айтаверинг...» халқчил-содда самимияти билан анча ўзига тортади: «чикиб келаверар ҳар бир хонадондан салкам бир эскадрон «суворий»чалари... Қанча дунёларни қадим-қадимдан Гўдаклар бошдан сочиб келганмиз!.. Тинчлик кўшиғидек кутлуг аллангиз Борлиққа таралсин, келинойилар!..» «Ер ҳақида кўшиқ» шеърда ҳам, ҳар ҳолда, шоирнинг ўз назари — индивидуал мушоҳада меваси бўлган мисралар бор: «Ҳаттоки ойни ҳам этса-да макон, Аммо дил меҳрини ошқор этиб Сенга эгилгани-этилган инсон...» Тўғри, бу парчада фақат битта сўз устида эътироз билдирса бўлади: одамзотнинг оёғи Ойга етди, уни илмий мақсадларда яна ўзлаштириш мумкин. Лекин инсон «ойни макон этди» дейиш учун камида шеърда маълум бадий-мантикий замин ҳозирлаш лозим бўлур эди. Демак, «макон» сўзи қофия учунгина хизмат қилгандай бўлиб қолади... Мен ҳаёт мантиқи ҳам, шунингдек, у билан бадий мантиқ ўртасидаги таноис ҳам бузилганга

шубҳа қолдирмайдиган «Сенга адоват-ла боққан кўп экан...» сатри билан бошланадиган сарлавҳасиз шеър устида махсус мубоҳаса юритмоқчиман.

Агар ганимларинг бор экан, демак,
Сен бўйин эгмабсан асло хўрликка.
Асло бадкорлардан юрмагил чўчиб,
Зорлана кўрмагил бор деб душманим.
Билким, ялтоқланиб умр кўргувчи
Шўрликлардагина бўлмас ҳеч ганим...


Бу парчанинг образли мушоҳада эътибори билан жозибасизлигини кўйиб турайлик. Мазкур сатрлардан кузатилган фикрни, эҳтимол, баъзи бир журналхон маъқуллар ҳам. Лекин шахсан мен бунга сира қўшила олмайман. Наҳотки, тажрибали бир шоир бизга: ўзимиз билан ёнма-ён «бадкор», «душман», «ганим» кимсалар яшайди, улар мавжудгина эмас, ҳаётнинг қонуний, мантикий тақозоси, уларсиз умр «ялтоқлик», «шўрлик», «хўрлик», деб тавсия қилса?! Турли тонфа одамлар ўртасидаги муносабатлар қанчалик зиддиятли, орадаги тафовутлар қанчалик кучли бўлмасин, айниқса ёш, нисбатан тажрибасиз китобхонга қарата: агар сенинг шахсий душманинг бўлмаса, у билан курашиб яшамасанг, принципси, нотайин, мутеъ, аянч бир ҳолга тушиб қолишинг мумкин, деган мутлақо хато, бемаъни гап наҳотки бирор салбий персонаждан эмас, балки шоир оғзидан чиқса?!

Исмоил Тўлақовнинг шеърларидан бири («Рая Павловна») да ҳам «яхши-ёмон» тушунчалари нисбатини белгилашда мантикий сакталик содир бўлади. Адолат юзасидан аввал мазкур шеърнинг марғуб жиҳатлари — рисоладаги, эҳтирос билан битилган мисраларидан мисол келтириб ўтайлик.

«Рая Павловна,
Оламнинг қалбини
бир китоб мисол очиб бердингиз,
Гулга термилмакни ўргатдингиз Сиз.
Сизнинг қалбингиз-ла, кўзларингиз-ла
боқдик борликқа.
Олам кўзингиздек мовий,
юзингиздек оппоқ, қалбингиздек теран
кўринди бизга.

Қадрдон интернатнинг беминнат муҳитида назири йўқ Рая Павловнанинг меҳру заковатидан баҳраманд бўлган, оламга унинг «қалби, кўзлари-ла боққан» ўнсаккиз группадоннинг бири: «Эслийсизми, «Нечун дунёда ёмонларнинг қўли доимо баланд?», дея сўраганим» — хотирлайди шоирнинг қаҳрамони ўша бир умр унутилмас йилларни. Лекин бу сўроқ кўп жиҳатдан асоссиз ва мантиксизлиги кўриниб турибди: биринчидан, шеърда анча тафсиллий кўрсатиб ўтилганидай, бу — интернат ўқувчисининг ҳали бокира ва маъсум болалик тасаввурига сира тўғри келмайди («У пайт китобий ҳаётни излардик бизлар... Хуш кўрардик оппоқ рангларни, оппоқ тонгларни хуш кўрардик... Яшардик нурга, орзуларга тўла оламда:...»); иккинчидан, агар бизнинг воқелигимизда, боринги, айрим нопок, қаллоб одамлар муҳити (бола бундан узоқ бўлиши керак) кўзда тутилган тақдирда ҳам: «Бу дунёда ёмонларнинг қўли доимо баланд» деган хулосага келиш ҳаётдан, унинг диалектик қонунларидан узоқлик, маҳдудлик бўлур эди. Қизиғи яна шундаки, шоирнинг хотираларидан аён бўлишича, бу комила, фозила, табиатан оптимист аёл болада шундай кескин, умидсиз савол туғилганидан сира таажжубланмайди, аксинча, уни маъқуллагандай сирли жилмайиб кўяди, яъни бу ҳақиқатни кейин англаб етасиз, демоқчи бўлади. Шу зўраки, янглиш мантиқдан келиб чиқиб, ортиқ чўзилиб кетган (юз мисрадан зиёд) манзуманинг охирироғида шоир ёзади: «Биз кечроқ англадик... Ёлғонлар, бўҳтонлар олдида, сийрати балчиғу суврати инсонлар олдида... шиддатли вулқондек порглаб кетамиз». Аслида бу тўғри, рўй-рост сатрлар... интернат ўқувчиси аввал англаб етмаган ҳақиқатни — «дунёда ёмонларнинг қўли доимо баланд»лигини мутлақо тасдиқламайди-ку, аксинча, ҳаёт ўзи кўрсатиб турибдики, ёмонликнинг қўли барибир қисқа! Шу тарзда шоир баъзан ҳаққоний сўзларни айтганда ҳам, ўзи сезмагани ҳолда, аввалги хато тезисига нисбатан яна мантикий номувофиқликка йўл қўяди, яхши ният билан ёза туриб, бирдан чалғиб кетади.

Бу ҳол поэзияга хос мантиқ табиати ғоятда нозик, мураккаб эканидан, буниг учун ҳаётий ва бадий ҳақиқатларни такрор-такрор кузатиш, ўрганиш, таҳлил қилиш жараёни то китобхонда бирор шубҳа қолдирмайдиган комил, бутун, расо даражагача давом этиши зарурлигидан далолат беради. Бу асли истеъдод тарбияси, кенг, чуқур маърифатига бориб тақаладиган масаладир. Зотан, бадий мантиқ туйғуси ҳақиқий истеъдоднинг кирраларидан биридир.



Эртага имтиҳон...

А. Жумаев фотоси.

Аммо-лекин, ўзим ҳам лақабимни икки юз фоиз оқладим, десам лоф бўлмас. Мен корректорлик қилган китобларда «адолат» «адоват»га, «мувофиқ» «мунофиқ»қа айланди. «Саломатлик — туман бойлик» рисоласида «Кўча-кўйларни чиннидай тозалаб туриш керак» деган жумлани «жиннидай тозалаб туриш керак», деб юборибман. Хуллас, кўп ўтмай паттамни қўлимга тутқазिशди. Начора, овим юришса ҳам довим юришмади. Институтда ҳам учта фандан «қарз» бўлиб қолдим. Иккинчи курснинг юзини кўрмай ўқишдан ҳайдалдим.

Хуллас, бир йил умрим янглишларга бой бўлди. Энди уй томонга — қишлоққа кетяпман. Хоразмни ҳам роса соғиндим. Бир-икки йил ҳаётни ўрганаману яна шаҳарга қайтаман; ёзувчилик қилмоқчиман. Уларга маза, хато қилсалар ҳам осмон узилиб ерга тушмайди — корректорлар тузатишаверади... Тўхтанг, тўхтанг, проводник нима деяпти? Яна бир соатдан кейин Кўқонда бўламиз, деяптими? Ахир бу Хоразмнинг поезди эмасми? Вой шўрим... Хой, одамлар, бунинг стоп-крани қаерда ўзи?! Эҳ, яна янглишибман-ку!

2. Хатоларни чалғитяпман

От айланиб қозигини топади, деганларидек, қишлоққа ҳам келиб қолдим. Ота-онам ва укаларим атрофимда минг айланиб, минг ўргилишади. Кўшнилари айтмайсизми! Сўрашилари бирам мулойимки, асти қўяверасиз. Ахир, кимсан — ўртоқ студент нақ шаҳардан келди-я! Мен эса, отдан тушсам ҳам эгардан тушмайман. Ўзим пакана бўлганим билан димоғим банд. Унча-мунча нарвон билан чиқолмайсиз.

Ўқишдан ҳайдалганимни уйдагиларга сездирмадим, албатта. Уларга: «Академотпуска олиб келдим; бир-икки йил ҳаётни ўрганиб, ёзувчилик қилмоқчиман. Китобим чиққач, яна бемалол ўқишимни давом қилдиравераман. Домлаларим шундай қарорга келдилар», дедим сиполик билан. Бу гапни эшитиб кўни-қўшниларининг ихлоси орта бошлади. Улар «академотпуска»ни фақат академикларга бериладиган ижодий отпускаи деб ўйлашди чоғи. Хуллас, ишлар ҳозирча вадаван! Ўзим корректорлик қилган «брақ» китобдан бир дона олиб келган эдим, ўша менга катта шуҳрат келтирди.

— Майли, домлаларнинг гапидан чиқма. Улар бамисоли рельс — шогирдларини тўғри йўлдан бошлаб борадилар. Устозлар гапига кирмаган шогирдлар издан чиққан поездга ўхшайди, — дея мени қўллаб-қувватлади дадам.

Ваҳоланки, мен аллақачон издан чиққан эдим. Бирор юмушнинг бошини ушлашга менда журъат ҳам, ҳафсала ҳам йўқ. «Китоб ёзсанг, бизларнинг номимизни ҳам унутмассан. Ижодий ишингга фойдаси тегар», деб колхоз раисининг муовини менга кутубхонадан иш топиб берди.

Бугун кутубхонага ишга кетяпман. Кайфиятим жойида. Йўлақда учта қиз боряпти. Бирам сулувки, қурмағурлар. Уларни кўриб қишлоққа меҳрим ошиб кетди. Сал ўтмай, қизларни қувиб етдим.

— Ҳай қизлар, орқамиздаги йигитга йўл берайлик! — деди улардан бири нозу истиғно билан.

— Юраверсанг-чи, ўзининг ҳам жа бизлардан ўтгиси келаётгани йўқ, — дея жеркиди ёнидаги дугонаси.

Хуллас, кутубхонани ҳамқишлоғим Нозигулдан қабул қилиб оладиган бўлдим. У яқинда пединститутни тамомлабди. Энди мактабга ишга борар эмиш. Одамлар бало дейман. У аёл боши билан ўқишни битирди. Бунинг устига, учта болани тарбияляпти. Энди эса бутун қишлоқнинг чурвақаларига тарбия беради. Менинг аҳволим бу! Нозигулга ҳавасим келиб кетди.

Кутубхонани қабул қилаётганимда китобларни санаб, пулга чақиб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим. Ўзингиз айтинг, ахир, мендай бир маданиятли йигит тийинма-тийин ҳисоблашиб ўтирса, уят бўлмайдими?! Қолаверса, уларни бирма-бир санаб, қимматли вақтимни кетказиб нима қиламан? Китоб номидики, биров еса!

— Китобларнинг ҳаммаси жойидами ўзи? — деб сўрадим Нозигулдан.

— Бўлмаса-чи, вой, нима деяпсиз? Ҳатто бир дона китоб ортиқча бўлиши керак. Ишга кирган йилим уйдан келтирган эдим, — деди у таманно билан.

Шундай қилиб, қаердан чиқса — шу ердан чиқсин, дедиму кўзни юмиб актга имзо чекиб юбордим. Қаердан чиқарди, каминанинг чўнтагидан-да! Нозигул мени нозига чувалаштириб кетган экан. Буни анча кейин билдим. Оббо, яна омадим

келмади-ку! Уч ойдан бери ишлаган маошимни камомадга харжлаб, зўрға қутулдим. Эндигина елкамга офтоб тегаётир. Аммо, бир кун келиб бу офтоб елкани куйдириб юбормаса деб кўрқаман. Ҳар қалай, чўнтагим оз-моз пул кўраётир.

Камомад воқеаси менга кучли таъбир қилди, тўрт кеча уриниб бир кичик шеър ёздим. Уқи, дейсизми? Эшитинг, бўлмаса:

Иқроп

Санамай қўл қўйдим,

Хатога йўл қўйдим.

Қалай, сизга ёқдими?

Мен сизга айтсам, Ҳиндистондами, Бразилия тарафлардами, хуллас, аллақайси бир мамлакатда ажойиб удум бор экан: ҳомиладор аёлнинг кўзи ёриси, инсу жинсларни чалғитиш учун унинг ўрнига эри кўрпа-тўшак қилиб ётиб олар экан. Мен ҳам ана шундай йўл билан ўзимга мўр-малаҳдай ёпишиб олган хатоларни чалғитмоқчи бўлдим. Қанақа қилиб, дейсизми? Шошилмасдан эшитинг-да мундоқ: менимча, хатолар кишининг исмини билиб унга ўчакишади. Бўлмаса, анави Жуманазар нега ҳеч хатога йўл қўймайди? Ишлари бинойидек юришиб турибди. Албатта, исмда ҳам бир гап бор. Қолаверса, тахаллус ижодий иш учун ҳам қўл келади. Ахир тахаллуссиз шоир борми ўзи? Шундай қилиб, каминани энди «Рисолай» деб қақираверсангиз бўлади. Ишларим рисолагагидек бўлсин, деган ниятда янги тахаллус танладим.

Давоми бор



ПАЙРОВЛАР

Ўтқир Саидов

«Кимнинг уйи бор,
Кимнинг бўйи.
Кимнинг пули бор,
Кимнинг дили».

Олқор ДАМИН,
«Кимнинг» шеърдан

Баъзиларнинг бор сигири,
Кимнинг эчки-улоғи.
Бу шеъримда мазмун деган
Ушлаб кетган қулоғин.

«Мен сизларга
Тушимда ҳам
Шеър ёзаман,
Унгимда ҳам,
Ҳушимда ҳам
Шеър ёзаман».

Олқор ДАМИН,
«Болаларга» шеърдан

Мен сизларга
Шеър ёзаман
Тушимда ҳам,
Куни бўйи
Фимирсилаб
Ишимда ҳам.
Қофиялар
Ғужгон ўйнайди
Каллада.
Эртак бўлар,
Баъзилар-чи,
Баллада.
Бугун кеч ҳам
Битта мавзу
Тегди «тиш»га.
Кўряпсиз,
Келмоқдаман
Аста хушга...

«Тошқинлик, шошқинлик сувгадир хос,
Порлоқлик, ёрқинлик нургадир хос.
Учириш, ўчириш — сувгадир хос,
Барқ уриш, бўй тараш — гулгадир хос».

Едгор ИСҲОҚОВ,
«Хусусият» шеърдан.

Чўктириш сувга хос, бўктириш — ошга,
Оёқдан чалмоқлик хос эрур тошга,
Мен сенга янги гап айтмоқчи эдим,
Найлай, шу эски сўз кебқолди бошга.

Турсунбой Адашбоев

Елғон айтсам...

«Кўзларинг бир жодуки, билсанг,
Етти иқлим қолгусидир лол.
Сажда этгум, ишора қилсанг,
Соҳиби кўз, эй, қоши ҳилол!»

Темур УБАЙДУЛЛО,
«Кўзларинг» шеърдан

Эҳ, бу кўзлар, дунёдек чексиз,
Осмон каби тубсиз, бепоён.
Сажда учун ишора шартмас,
Бошгинамни урайин қаён?!
Эҳ, бу кўзлар: денгиздек теран,
Ғарқ бўлишим мумкин, жонгинам.
Шу кўзларнинг қалини учун,
Ол Чинозни, Тўйтепани ҳам.
Садкаи сар тақдирим, умрим,
Кўзларингни қурбони бўлай.
Пионерлик чин сўзим менинг,
Елғон айтсам «иккичи» бўлай!

Ақл ёшда эмас, бошда

Бундан беш-олти йил аввал таниқли итальян ёзувчиси Альберто Моравиа: «Энди қариб қолдим, ёзувчиликни ташламасам бўлмайди шекилли», деб баёнот берган эди. Италияда чиқадиған «Панорама» журнали эса шоша-пиша А. Моравиани «инсоф»га чақирди, яъни, соқоли оқарган чоғида ҳам ижодий фаолиятини тўхтатмаган машҳур тарихий шахсларнинг бир қулоч рўйхатини эълон қилди. Масалан, Платон 81 ёшида — янги китобини ёзаётган пайтида вафот этган экан; Цицерон 63 ёшида охириги илмий рисоласини ёзиб битирган; Микеланжело 87 ёшида Римдаги муҳташам қасрни пардозлаш билан овора бўлган; Галилео Галилей 72 ёшида юлдузлар ҳақидаги таълимотини яратган; Ньютон ҳам 72 ёшида ўзининг илмий асарларига сўзбоши ёзган; Гёте ўлимидан сал олдин «Фауст»га сўнги нуқта қўйган; Крилов 68 ёшида юнон тилини ўрганган ва кейинги етти йил бадалида юнон адабиёти дурдоналарини рус тилига ўйрган... Кўриниб турибдики, ҳурматли отахон, ақл ёшда эмас, бошда экан...

Атоқли чапақайлар

Англияда атоқли чапақайлар — чап қўлда хат ёзадиган машҳур кишилар рўйхати эълон қилинди. Бу рўйхат Рим императори Тибериядан бошланади. Кейин Леонардо да Винчи ва бошқалар. Рўйхат яна битта чапақай қиролнинг исми шарифи билан якунланган: Чарли Чаплин — қизқичилар қироли.

Ажабки, «юмалоқ хат» муаллифларини ҳам одатда чап қўл билан ёзади, дейишади. Бу — буюк чапақайлар хотирасига ҳақорат эмасми!!

Икки минг икки юз яшар пишлоқ

Яқинда Қоҳира шахрининг жанубий томонида жойлашган Саққора қишлоғидан пишлоқ бўлаклари қазиб олинди. Маълум бўлишича, пишлоқ икки минг икки юз йилдан бери «ўлиб» ётган экан. Пишлоқ илмий тадқиқот муассасасига келтирилиб обдан текширилди ва қадимий Мисрда озик-овқатларни бижғитиш ишлари яхши йўлга қўйилган экан, деган хулосага келинди.

«Хўш, нима бўпти!» деб сўраши мумкин зукко журналхон. Ҳеч нарса бўлгани йўқ, албатта. Фан оламидаги муҳим бир янгилекдан беҳабар қолманг, демоқчимиз, холос. Қолаверса, олимлар ҳамма нарсага илмий асос яратадилар. Уларнинг иши шунақа. Тез орада Мисрда топилган бижғитиш бактериясининг икки минг икки юз йиллик... юбилеи дунё миқёсида нишонланиши ҳам мумкин!

«Эҳтиёт бўлинг, пиёниста келяпти!»

Орегон штатининг (АҚШ) йўл ҳаракати хавфсизлиги мутасаддилари кутилмаган таклиф билан ҳаммани ҳайратга солишди. Қизиғи шундаки, уларнинг таклифи маъмурларга маъқул тушди. Энди маст ҳолда машина ҳайдаб полиция қўлига тушган шофёрларнинг автомашинасига махсус ялтироқ номер ёпиштириб қўйилади. Бу «ёрлиқ» тўрт томондан ҳам бемалол кўзга ташланиб туради; гўё рўпарадан келаётган автомобиль ҳайдовчисини: «Эҳтиёт бўлинг, пиёниста келяпти!» дея хавф-хатардан огоҳлантиради.

Вали БОБОМУРОДОВ. 1964 йили Шофиркон районидаги Қайрағоч қишлоғида туғилган. Бухоро Давлат педагогика институтининг Ўзбек филологияси ва чет тиллар факультетини тамомлаган. Шофиркон районидаги В. В. Маяковский номли ўрта мактабда ўқитувчи. Ҳикоялари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ленин учқуни» гезеталарида босилган. «Елғиздан ёдгори» деган қиссаси «Гулхан» журналинда эълон қилинган.

Равшан ФАЙЗИЕВ. Самарқанд областининг Қўшрабoт районида 1959 йили туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студенти. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

Тоҳир ҚАҲҲОР. Наманган областининг Тўрақўрғон районида 1953 йили туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. «Оқ ўрик», «Оқаётган дарё», «Эшик

тақиллаётир» каби шеърий тўплamlар муаллифи. СССР Ёзувчилар союзи аъзоси. «Шарқ юлдузи» журналин редакциясида ишлайди.

Ойдин ҲОЖИЕВА. Бухоро областининг Қизилтепа районида туғилган. ТошДУнинг филология факультетини битирган. Ундан ортиқ шеърлий тўплamlари чоп этилган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати. «Гулхан» журналининг бош редактори.

ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОН!

Мана, қўлингизда севимли журналингизнинг янги 1986 йил 1-сонини! Ўзгаришни сездингиз: рангли безаклар, ҳарфлар, сувратлар, рубрикалар, текстлар янги-ча услубда истифода этилган. Биз журналнинг янада замонавийлашмоғи, ҳар бир саҳифа, ҳар бир материалнинг жонли, шиддатли ва гўзал бўлмоғини ўйландик.

Мазкур сонини безашда таниқли рассом Жавлон Умарбеков ўз асарлари ва қимматли маслаҳатлари билан қатнашди. Февраль ойида навбат машҳур мўйқалам соҳиби Рўзи Чориевга!

Қарабсизки, йил давомида Сиз, журнал орқали адабиётимиздаги энг янги асарлар ва бошқа қизиқарли материаллар билан танишишдан ташқари, ёш ва навқирон рассомларимиз ижодини ёрқин акс эттирувчи ўзига хос альбомга ҳам эга бўласиз!

Муқованинг биринчи ва тўртинчи саҳифаларида Ж. УМАРБЕКОВнинг «Чингиз Айтматов олами» (фрагмент) ва «Еввойи каптарлар водийси» асарлари.